

ЭРКИН
ХУДОЙБЕРДИЕВ

ЖИНОЯТГА
ЖАЗО
МУҚАРРАР



ЭРКИН
ХУДОЙБЕРДИЕВ

ЖИНОЯТГА
ЖАЗО
МУҚАРРАР



"ЯНГИ АСР АВЛОДИ"
ТОШКЕНТ
2012

УДК: 821.512.133-3

ББК: 84(5Ўзб)7

Х – 87

Худойбердиев Эркин. «Жиноятга жазо муқаррар» / Қиссалар.
–Т.: «Янги аср авлоди». – 2012 . 284 б.

ISBN 978-9943-08-876-4

Халқимиз азалдан ҳалол меҳнат билан кун кўришга, борига қаноат қилишга одатланган. Лекин орамизда меҳнатсиз бойлик орттириш, ишламасдан, қинғир йўллар билан бўлса-да, мўмай даромадга эришиш учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган инсонларнинг учраб турганлигидан кўз юмолмаймиз.


Эркин Худойбердиев қаламига мансуб ушбу китобда бойлик қутқуси билан минг кўйга тушиб, нафақат ўзи, балки яқинлари ҳаётига раҳна солишига сабаб бўлган айрим кимсаларнинг қилмишлари ёритилган.

Китобдан ўрин олган беш қисса беш хил қисматни, беш хил фожиани акс эттиради. Нопоклик ва жиноятни ҳеч қандай йўл билан бекитиб бўлмаслиги китобхонга сабоқ бўлади, деб ўйлаймиз.

УДК: 821.512.133-3

ББК: 84(5Ўзб)7

Нашрга тайёрловчи:
Ш.ХУДОЙБЕРДИЕВА



ISBN 978-9943-08-876-4

© Эркин Худойбердиев, «Жиноятга жазо муқаррар». «Янги аср авлоди», 2012 йил.

“УЗ

**РОЗИЛИГИГА
КҮРА”**

Тақдир зарбаси

... Құлидаги узунгина чүлтоқ супургини судраганича хаёл суреб бораётган Гулбодом тарвақайлаң үсгән арча рұпарасига келгач, бир муддат пайсаллаң турди, кейин торгина ариқчадан енгил сакраб, хиёбон четидаги үзига қадрдан бўлиб қолган ёғоч үриндиқнинг суюнчиғи бутунроқ томонига оғир чўкди-да, супургисини оғи остига ташлаң, изғирин совуққа ҳам қарамай, йиртиқ калиш кийиб олган оёқларини унинг устига қўйди ва нам суюнчиққа қўлларини тираб, катта-катта, серкипприк қўзларини бир нуқтага тикиб, хаёлга берилди.

Унинг одати шунаقا: серқатнов кўчадан үзига ажратилған ҳудудни саҳар мардонда – ҳали эл уйғонмай туриб, супуриб тозалаб олади. Кейин чүлтоқ супургисини судраб, мана шу хиёбон четидаги хилват үриндиқ ёнига келиб, гоҳ ширин, гоҳ аччиқ хаёллар суреб үтиради. Кейин супургисини арчанинг пахмоқ шохлари орасига яшириб, кайфиятига қараб гоҳ енгил одимлар, гоҳ ҳорғин қадамлар билан ота уйига судралиб, йўл олади. У ерда уни эндингина уч ёшга тўлған қизалоғи Асалой «аяжоним келдилар!» дега шодон қийқириқ, баъзида эса, «ана, аяжоним келдилар, мен ҳозир сени аямга айтиб бераман», дега тоғаваччаси Гулбодомнинг акаси Расулжоннинг ўғли, беш ёшли Аҳордан калтак еганидан арз-дод қилиб, кутуб олади. Шундай пайтларда у қизчасини қўлига кўтариб, «ийғлама, ҳали уни қўлларига ураман», дега юпатиб, кенг ҳовлининг қаериладир үзига зимдан, энсаси қотиб қараб турган келин аясининг истеҳзоли нигоҳини ҳис қилганича, икки йилдан буён үрнига михланиб қол-

ган онасининг ёнига киради. Ундан ҳол-аҳвол сўраб, ҳўл сочиқ билан юз-кўзлари, қўлларини артиб, гўё уни ювинтиради, баъзан чойшабини алмаштиради. Чойга нон бўктириб ёки кеча кечқурундан қолган суюқ овқат бўлса, нон тўғраб, онасига аста-секин едиради. Орада қизчаси ҳам қорнини тўйдириб, яна ўйинга алаҳсийди.

Ҳар куни бўлмаса ҳам ҳафтада тўрт-беш марта бу ҳол такрорланади. Унинг айби – ота-онасининг қаршилигига қарамай, «яхши кўришиб» қўшни қишлоқлик йигитга турмушга чиққани. Турмушлари тузуккина ўтаётган эди-ю, ўтган йили кузда эрининг трактори пахта тўла тиркама билан зовурга ағдарилиб, эри унинг остида қолди. Эрининг қирқи ўтгач, шундай ҳам уни хушламайдиган қайнонаси «бу ерда қиласидиган ишинг йўқ» дея қўч-кўрони билан отасининг уйига ташлаб кетди. Шундан буён бу уйда, ўзи учун «собиқ»قا айланган ота уйида Гулбодомнинг сочи супурги, қўли косов. Аввалига ёрдамчи келганидан қувониб, қўлидаги ишнинг деярли ҳаммасини қайнисинглisisinинг ночор елкасига осиб қўйган келин аяси Ферузахон ҳам аста-секин гоҳ ўзини, гоҳ боласини тургкилашга ўтди. Отаси-ку, майли, ҳатто акаси ҳам у билан қовоғини очиб, тузук-қуруқ гаплашмайди.

Ҳали отасининг, энди акаси ва янгасининг қош-қовоғидан безор бўлган, ўз туғилган уйида бегонага ўҳшаб қолган Гулбодом сал бўлса ҳам рўзғорга кўмаклашиш, шу йўл билан эгик қаддини бир оз тиклаб, ҳеч бўлмаса, қизалофини тузукроқ кийинтириш, едириб-ичириш мақсадида, ундан ҳам муҳими – озгина бўлса-да мана шу ўқрайган кўзлар, тумтайган башараларни кўрмаслик учун қўшниси Сарви опага қўшилиб, фаррошлиқ қила бошлади. Оладиган озгина маошининг бир қисмига рўзғор учун у-бу харид қилиб, қолганини отасига бермоқчи бўлган эди:

– Ўзинг ишлатавер, – деди отаси юзини ўгириб. – Болангта у-бу нарса ол. Лекин тўғри юр. Бирор гап эшитсан...

Гулбодом отаси нима демоқчилигини тушунди-ю, унинг орқасидан ўксибгина қараб қолди. «Отажон, бир

марта сутдан оғзим күйди, бу ёғига пишиқ бўламан», демоқчи эди, айтолмади.

Отаси ицдамай кўчага чиқиб кетди. Гулбодом бир тахлам пулни чангллаганича, унинг ортидан мунфайиб қараб қолди. Хўрлиги келди. Отам-ку, ахир. Сал чеҳраси очи-либ, «қўй, болам, ўзинг, боланг учун ишлат бу пулларни», деб қўя қолса, нима қиласарди? Мен ўгай эмасман-ку, ўзимча келиб ўтирганим йўқ-ку бу уйга. «Чиққан қиз чиририқдан ташқари» деганлари тўғри экан. Қани энди, хотини ўлганми, ажрашганми бир эркак сўраб келса-ю унинг ёшига, афт-ангорига қарамай, тегиб кетса, ҳамиша елкасидан нимадир босиб турган шу хонадондан узоқроққа кетса. Айниқса, боласини турткиланиб, йиғлаб юрганини, акасининг боласи ширшилик еб, ўзининг қизи мўлтиллаб турганини кўрса, бирор тул эркак борми, деб бирга ишлайдиганлардан сўраб юборай дейди-ю, «Эрсираб қопти» дея гап қилишмасин деб ўзини тияди. Уйга боришга юраги безиллаганиданоқ мана шу суюнчиғи синиқ ўриндиқдан макон топади. Ўзига қолса, агар ана шу нораста гўдагини, мажруҳ онасини демаса, шартта бошини олиб, узоқ-узоқларга кетган, ҳар қандай қийинчиликларга чидаб, маблағ йиғиб, каталакдеккина бўлса ҳам бошпана сотиб олган, одамга ўхшаб қизи билан эмин-эркин яшаган бўларди-я. Тирноққа зор бўлиб юрган опаси бир неча марта «болангни менга бер, мен қиз қилиб олай» деган маънода гап қилди. Лекин, кўз очиб кўргани, эсласа, ҳали ҳам юрагини жизиллатадиган севимли эридан қолган ягона ёдгорини қандай қилиб ўзидан узоқлаштиради, ахир, юрагини узиб бергандек бўлмайдими?

Хаёли қизига кетган жувоннинг ҳуши ўзига келгандек бўлиб, беихтиёр атрофга аланглади. Кўча анча серқатнов бўлиб қолибди, эркак-аёл аралаш одамлар ҳали у, ҳали бу томонга ўтиб туришибди. Лекин арча панасида ўтирган аёл билан ҳеч кимнинг иши йўқ: кимдир шунчаки, бепарво қараб ўтади, бошқалар ҳатто қиё ҳам боқишимайди – ҳамма ўз юмуши билан банд.

Гулбодом ўридан оғир құзғалиб, ҳар кунғи одати бүйіча чүлтоқ супургисини арча шохлари орасыга яшириб, секін йүлга тушди. Бир оз юргач, совуқдан музлаб қолған оёқлари, танағынан дәлдік болғанда да, қадамини тезлаштириди. Муюлишдаги баққол аёл ёнига етгач, бир оз имиллаб турды-да, арзимаган пулға иккита қурут сотиб олди. Уйларига яқинлашғач, ионвойхонадан иккита иссиқ нон олиб, кундаги одатича, ичи йиғлаб турса ҳам сирти кулиб, ҳовлиларига кириб келди.

– Аям келдилар, аям!

Жувон озғин, құшдек енгил қизалоғини даст күтариб, муздек іюзидан үпди. Кейин құлиға қурутларни беріб:

– Биттаси – сенға, яна биттаси Аҳоррга, хұпми? – деди уни ерга құяркан. – Ма, иссиқ нон ҳам олиб келдім, маза қилиб егин, хұпми?

Қизалоқ онаси берғап икки бурда нон билап қурутларни күтариб, ҳовлининг нариги четига, Аҳорлар яшайдыган уй томонға кетди.

Гулбодом юз-құлини ювіб, онаси ётған хонага кирди. Муштдеккіна бўлиб ухлаб ётғап онажописининг күрпа устидаги териси сұяғига ёпишган құлларини аста силаади.

– Келдингмі, болам... – аранг күзларини очғап она заифгина шивирлади. – Яхши келдингми?

– Ҳа, онажон, яхши ишлаб келдім, – жувон онаси ётған темир каравот ёнига тиз чўқди. – Үзингиз тузукмисиз? Иссиқ нон олиб келдім. Ҳозир сут қайнатаман, сутга нон тўғраб, едириб қўяман.

– Раҳмат, болам, – она яна ҳолсиз шивирлади. – Баҳтли бўл...

«Қани ўша баҳт?» жувон юзларига дув тўкилган ёшларини онасиға кўрсатмаслик учун юзини үғирди. Үзини сал босиб олгач, «Мен ҳозир» дәя даҳлизга чиқди. Сут пишириш мобайнида бир оз йиғлаб, кўнглини бўшатғач, яна юзини ювіб, емишларни кўтарганича, онаси ётған хонага йўл олди.

Шу кеча ярим тунда Гулбодомнинг ягона сұяңчиғи – онаси оламдан үтди...

Ўз уйда «сифинди»

Онасининг ўлимидан кейин Гулбодом ўз уйда, том маънода ортиқча, сифинди бўлиб қолди. Отаси билан акаси тонгда туриб, ишга кетишади, кечаси келишади. Унинг хокисорлик билан берган саломига, ҳушларига келса, алик олишади, бўлмаса – йўқ. Гулбодом уларнинг қўрсатнивчи ошиккори – феъл-атворларига кўнишиб ҳам қолган. Бироқ келин аясининг очиқ-ошкора пичинглари, кесатиқлари, вақти келса, қизрасини аямай, тарсиллатиб уриш қолиши унинг жонжонидан үтиб кетади. Бир-икки марта унинг бу қилифини кўриб, айтишиб ҳам қолди. Натижада...

– Сиз бу шум оёқни бировга рўпара қилиб, бир беғуноҳни уволига қолманг! – дея бобишиади келин Гулбодомни хотини ўлиб, тўрт боласи билан қолган узоқ бир қариндошига сўраб чиқсан қўшни аёлга. – Кўрмаяпсизми, қиличдек йигитга тегиб, ҳеч қанча үтмай, уни бошини еди. Бу ёқка қайтувдики, мана, онаси ажалидан олдин ўлди. Шунинг учун уни сира бировга рўпара қилманг. Ўзим, акаси-ю отаси ҳам «ставба» дея, ёқамизга туфлаб яшаяпмиз у билан...

Қўшни аёл қайтиб бу хонандоннинг остонасига қадам босмади. Лекин Гулбодомни кўчада кўриб:

– Шўрининг қурсин сен бечоранинг, – деди уни бир четга тортиб. – Бу чаён билан бир хонадонда қандай яшаяпсан? Ўзингга, қизингга эҳтиёт бўл. Унинг қўлидан ҳар қандай иш келади, – дея бўлган ганини оқизмай-томизмай, гапириб берди.

Шу кун эшитган гапларидан кўнгли чўккап жувон то тонгтакча гоҳ йиғлаб, гоҳ юпаниб, қизрасининг укипар сочларини силаганча, минг бир хил хаёл билан тонг оттирди. Тонг ёришмасдан ўриидан туриб, ширин уйқуда ётган қизгинасининг устидаги кўрнасими тўғрилаб, юз-қўлини

ювди-ю күча супуришга жұнади. Ишларин шаҳд билан битириб, одатига хилоф равища сиңіқ үриндиқда дам олиб үтиrmай, супургисини доимги жойға қўйди-ю, уйға физиллади.

У уйға етиб келганида қизи уйғониб, хонтахта устида сочиққа ўраб қўйилган суви қочған нондан бир бурдасини олиб, кавшаб үтирган экан. У онасини шарпасини сеziши билан, «Аяжон!» дея эшиқдан отилиб чиқди.

— Яхши ётиб турдингми, қизим? — она қучоғига отилган қизчасини бағрига босди. — Ширин тушлар кўрдингми?

— Ҳа, аяжон, сиз ҳам ишга яхши бориб келдингизми? — тили бийрон қизча онасини қаттиқроқ ачомлади. — Ануучи, Аҳоронинг онаси деразамизни ёнида челягини даранглатди. Кейин бақирди. Мен қўрқмадим.

— Ўзинг ботир қизсан-да, болам, — юраги зирқираган она қизининг пешонасидан ўиди. — Уни қўлидан чelаги тушиб, суви тўкилиб кетгандир-да. Ўшанга жаҳли чиқиб, бақиргандир. Қўявер, у билан ишинг бўлмасин.

Гулбодом чой қўйиб, қизи билан бирга ионушта қилди. Кейин бисотидаги тузукроқ кийимларини кийиб, Асалойни ҳам иссиқроқ кийинтирди-да уйдан ҳовлига чиқди. Онаси яшаган икки хонали уйға ёндош қурилган тапдир ёнида тимирскиланиб юрган келин аясига эшигтириб:

— Опамниуга бориб келаман, — деди.

Келин ая унга қайрилиб ҳам қарамаган бўлса-да, жувоннинг кўнглидан: «борган жойингдан қайтмагин дегандир», деган гап ўтди ва индамасдан күча эшик томон йўналди.

Дарвоқе, борган жойида тошдек қотиб, эри ўлган бўлса, унинг ота-онасидан боласи учун битта ҳужраundiриши ҳам эплолмаган, эндиликда отаси билан акасига сифинди, юқ бўлиб үтирган ландовур, ионшуд қайисини гилнинг ганига жавобан келин ая ичида айнан: «Борган жойингдан қайтмагин!» деб жавоб берганди.

Меҳмонда

Дарвоза қия очилиб, ҳовлига аввал Асалой югуриб кириб, «холажон!» деда қичқирди. Ортидан ийманибигина остона ҳатлаган Гулбодом қизига «бақирма!» деди паст овозда. Бироқ қизалоқнинг шодон овозини холаси Гулсара аллақачон эшитган ва кир ювиб турган тоғорасини ташлаб, дорга осилган сочиқقا шоша-пиша қўлларини артганича:

– Холанг ўргулсин сендан, холанг айлансин! – деда жияни ва синглисига пешвоз кела бошлади. У югуриб келган Асалойни бағрига босиб, ўпид-суйгунча, Гулбодом ҳам ёнига етиб келди.

– Қайси шамоллар учирди, сингилжон? – онаси ўлгандан буён биринчи марта уйга келган синглисини маҳкам қучоқлаб олган Гулсара йифлаб юборди. – Фариб сингилжоним менинг! Мушфиқ, бемеҳр опасини йўқлаб келган меҳрибон, онажонимдан қолган ёдгорим менинг!

Йифи овозини эшитиб, уйдан чиқиб келган Аслиддин – Гулсаранинг эри опа-сингилларнинг аҳволига ачиниш билан бир оз қараб турди. Кейин уларга яқинроқ бориб, айвон четига ўтирганича, ҳазин овозда Қуръон сураларидан бирини тиловат қила бошлади.

Опа-сингил Аслиддинга қўшилиб, фотиҳага қўл очдилар...

Саранжом-саришта, бирорта буюм ножӯя қўйилмагац, лекин мана, олти-етти йилдирки, бола овозига, кулгусига зор ҳовли Асаланинг шодон қийқирифи, гоҳ мушукни, гоҳ товуқларни қувлаб қилган қий-чуви билан шодликка тўлиб кетди гўё. Лўшигина, опиоқ юзи ажинсиз Гулсара билан унинг акси бўлган қотма, оқ-сариқ юзлари сўлғин, қоши ўсма, кўзи сурма кўрмаган Гулбодомнинг кўринишида осмон билан ерча фарқ борлигини кузатиб, Асалойга гоҳ-гоҳ далда бериб турган, қомати келишган, баланд бўйли Аслиддин ниҳоят Гулбодомга юзланиб, ундан ҳол-аҳвол сўради.

— Раҳмат, яхши юрибмиз, — синиқ жилмайди Гулбодом. — Ўзингиз тузукмисиз, ишлар билан чарчамай юрибсизларми? Қуда холам, қуда бува, ука-сингилларингиз ҳам яхши юришибдими?

Почча билан қайнингил ҳол-аҳвол сўрагунча, Гулсара дарҳол ичкарига кириб, хонтахта атрофига янги кўриачалар солди, кичкинагина ошхонага ўтиб, чой қўйди, жажжи қозонда милтиилаб қайнаётган шўрванинг тузини тотиб, нон қутидан бир даста бўрсилдоқ нонларни олиб, яна ичкарига йўналди.

— Она, овора бўлманг, — опасига эргашиб, ичкарига кирган Гулбодом унинг қўлидаги нонларни олиб, оппоқ дастурхон ёзиглиқ хонтахта устига қўйди. — Бир хабар олайлик, деб келдик.

— Овораси бор эканми? — опа қанд-қурсли ликопчалар терилган патнисни, катта вазадаги тар меваларни хонтахтага қўйиб, синглисига ўгирилди. — Келганинг қандай ярашиб турибди. Бир келиб қолибсан, уч-тўрт кун ётиб кетасан энди.

— Опажон, — кўз ёшларини аранг тийиб турган сингилнинг овози титраб кетди. — Биласиз-ку, эртага вақтли ишга боришим керак, бўлмаса...

— Сени шу ишинг ҳам бор бўлсин, — опа унинг елкасига қўлини қўйди. — Бошқа, тузукроқ иш топсанг бўлмайдими? Озиб кетибсан...

— Қўлимда ҳунарим бўлмаса... Шу ишнинг ҳам борига шукр. Асал уйғонгунча бориб, супуриб келаман. Кейин уйда, унинг ёнида бўламан.

— Майлику-я, лекин совуқда дилдираб, иссиқда ҳансираф, тонг аzonдан кўча супуришнинг ўзи бўладими? Қўринишингдан уйда ҳам жуда эмин-эркин юрганга ўхшамайсан. Отамни, Расулжонни муомаласи тузукми, турткиласмаяптими ишқилиб?

— Э, опа, нима деб ҳам турткilarди. Мен ишга кетаётганимда улар ухлаб ётишган бўлади, улар ишдан қайтганда биз уйқуда бўламиз.

– Келин-чи, ҳалиям чимирилиб, энсаси қотиб юрибди-ми ё сал үзига келиб қолғанми?

Бир-бирини соғинган опа-сингил обдан ҳасратлашиб олгунча ҳовлида Асалойни үйнатып юрган Аслиддин юзлари анордек қизарып кеттеган қизчани күттарганича, хонага кириб келди. Опа-сингил баробар үринларидан туриб, у түрга үтиб үтирігунча, тавозе билан тик туришди. Кейин үтириб, фотиҳа қылғач, яна қайтадан ҳол-аҳвол сұрашдилар.

– Овқат пишдими? – Гулсарага юзланды эри. Тасдиқ жавобидан кейин: – Унда, олиб келинг. Кейин мен бир, ишхонага үтиб келай, – деди.

Ҳаммалари Асалнинг ширин қилиқларига андармон бўлиб, унга ҳар томондан гўшт узатиб, хурсандчилик билан овқатланишиди. Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, Аслиддин бошқа хонага кириб, кийиниб чиққанини кўриб, Асалой, «мен ҳам бораман!» дэя хархаша қила бошлади.

Қизалоқнинг дарров үзига илакишиб, эргаша бошпланидан юраги алланечук увишиб кеттеган Аслиддин уни күтариб олди-да:

– Майли, сизлар гаплашиб ўтираверинглар. Биз бир-икки соатларда қайтамиз, – дэя ташқарига юрди.

Опа-сингил ота меҳрига зор қизчанинг ғүё үз падари бузрукворини топгандай, Аслиддиннинг бўйнидан қулоқлаб, митти юзчаларини унинг юзларига босганича, шодон қийқириб кетишига ҳавас билан қараб қолишиди.

«Шугина тирноққа зор қилдинг-а, Аллоҳим», деган фикр ўтди опанинг хәёлидан ва серкиприк, тим қора кўзларида ёш ҳалқаланди.

«Ўзингта шукр, Худойим, шугинани берганинта шукр! Қизим бўлмаганда қандай яшар эдим?», деган фикр ўтди опасиникига ўхшаш қуралай кўзларида кўпдан буён илк марта бахт шуълалари учқунлаган сингил.

Бахтиёр ота-болага ўхшаб, қўл ушлашганча Аслиддин билан каттакон қўғирчоқни аранг кўтариб олган Асалой эшикдан кириб келишганда обдан ҳасратлашиб,

күнгли ёрииңган опа-сингиллар ошни дамлаб, уларни кутиб ўтиришар, қишининг бир сиқим куни охирлаб, хирагина қүёш аста ўз ётоги томон йўл олганди.

Ошхўрликдан кейин Гулбодом кетиш тараддудига тушиб қолди. Гулсара иккита елим халтага тўлдириб, «Асал қизга» дея тансиқ ширинлигу меваларни, «сенга» дея ўзининг анча охорли кийимларипи тугиб, эрининг қўлига берди. Эр-хотин она-болани автобусга чиқариб, кузатишар экан, уларниң қолиб кетаётганини кўрган Асалой, «кетмаймиз!» дея хархаша бошлади. Унинг бу қилифини кўриб, эр-хотиннинг қўзларида ёш ҳалқаланди.

«Фаришта» билан танишув

Гулбодом автобусда кетар экан, хаёlinи минг хил ўйлар чўлғади. Йиғлаб, хархаша қила-қила охири ухлаб қолган, уйқусида ҳам хўрсиниб-хўрсиниб қўяётган қизининг кўз ёш излари қотгаи рангпар юзига тикилганича, хаёли минг хил кўчаларга кирди. Қани энди, кечгача ҳовлида фимирилаб, фудраниб юрадигап келаи аясига инсоф бериб, Асалойга яхши муомалада бўлса-ю, у ҳам опасининг ёрдамида уч-тўрт ойлик ўқишга кириб, ўқиб, бирор касбни ўрганса. Ахир, эндигина йигирма иккига кирди. Умриининг энг тўзал даврини кўча супуриш билан ўтказгандан, ўқигани, касб ўргангани яхши эмасми? Ана, шаҳардаги қайси жойга қараманг, ўқишга, ишга қабул ҳақида эълон ёзиб қўйилган. Ё қизини опасига берсамикин? Доимийгамас, вақтинчаликка бериб, ўқисамикин? Лекин, кейин уларни қандай ажратади? Мана, бир кун – ярим кун меҳмон бўлиб ҳам қизалофи дарров «кетмайман»га тушиб қолди. У ёқда, опаси билан поччаси ўриидан қўзғалган автобусининг ортидан кўзларида ёш билан қўл силтаб қолишганини ўзи ҳам кўрди-ку? Бир кунга шунчалик боғлапиб қолишса, учтўрт ой ташлаб қўйиб, кейин «боламни беринглар» деса, аввало қизи йиғлаб, ичикиб, касал бўлиб қолса керак.

Қолаверса, опаси билан поччасини ҳам бирор юрагини узид олғандек бұлар. Ё опасиникига вақтингча бориб туриб, у ердан қатнаб үқисамикип? Шаҳар билан туман ораси нари борса, бир соатлик йўл. Йўғ-с, уят бұлар. Поччасининг олдида боласи қолиб, үзи ҳам юриши ноқулай. Бунинг устига, отаси нима дейди? Үзи индамай юргани билан унинг ҳам, онаси ўлғандан кейин дарди ичида бұлиб қолди, ахир. Худди қизи номаъқул ишларга қўл уриб юргандек, унга доим хўмрайиб қараб, бирор нарса ҳақида гап очса суҳбатни юмалоқ-ёстиқ қилиб тугатиб қолишиби. Тавба, ота бұлиб, бирор марта қизи билан тузукроқ гаплашмабди-я. Онаси тирик пайтида ҳам опаси билан Гулбодомнинг нима гапи бўлса – китоб, дафтар керакми ё бошқами, онасига айтишар, онаси отасига айтиб, ўша керакли нарсани олдириб берарди. Шу гапларни тўғридан-тўғри ўzlари оталарига айтишса нима бўлардийкан? Йўқ, оиласда унақа, отанинг юз-кўзига қараб гапириш одати йўқ, бундай ҳол айб саналарди. Акаси ҳам отасига тортган. Бир гапни гапирсанг, қовоғини осиб, қулоқ солса – солади, бўлмаса қўл силтаб, ғудраниб кетаверади. Ана, дугонаси Олияҳои, отасига бирам эркалик қиладики, иккита фарзандли бўлса ҳам ота уйига келса, отасининг бўйнидан қучоқлаб, ўпишиб кўришади. Үзи эса ҳаётида бирор марта отасининг бўйнига осилган-осилмаганини эслай олмайди. Тавба...

Гулбодомнинг беихтиёр овоз чиқариб, «тавба» дейиши унинг ёнида ўтирган хушрўйгина, қош-кўзларига месъёрида бўёқ суриб, сочини чиройли турмаклаган, фарангги кийимлари ўзига ярашиб турган аёлнинг диққатини тортди. У йўлга чиқишганданоқ бу ғаригина кийинган, лекин хушсурат жувонга эътибор бериб, гап очиш мақсадида унга қараб-қараб қўяётган, лекин хаёл уммонига фарқ бўлган жувон унинг суҳбатга ташна нигоҳларини сезмай, ўз орзулари ҳақида ўй суриш билан банд эди. Гулбодомнинг беихтиёр «тавба» дейиши эса нотаниш аёлнинг у билан суҳбатлашишига туртки бўлди.

– Сингилжон, тинчликми? – аёл Гулбодомнинг ёш тўла кўзларига жилмайиб боқди. – Йўлга чиққанимиздан буён эътибор бераман, ўз хаёлларишгиз билан бандсиз. Гоҳ нималарнидир пичирлаб йифлайсиз, гоҳ жилмаясиз? Келинг, гаплашиб, дардлашиб кетайлик. Одам тафтини одам олади. Нима бўлди, эрингиз билан уришиб қолдингизми?

Жувон «сенинг нимаям дардинг бўларди? Бой-бадав-латлигинг шундоқ ҳам кўриниб турибди-ку», деган гапни хаёлидан ўтказди-ю беихтиёр унинг саволига жавоб берди:

- Эрим йўқ, ўлган...
- Вой бечора, нима қилиб ўлган?
- Трактор ағдарилиб, босиб қолган...

«Эрим ўлган деган гапни аччиқ устида, уришиб қолишган бўлса, алам билан гапирди-ёв» деб ўйлаган аёл гапни-гапга улаш учун баҳона топди:

– Шўрликкина-я, қачон бўлди, бу воқса? Неча ёшда эди эрингиз?

– Икки йил олдин, пахта терими пайтида... Ушанда у киши йигирма уч ёшда эди. Қизимиз бир ёшга тўлиб-тўлмаган эди. Ҳозир тирик бўлсалар, йигирма бешга кирап эдилар.

– Вой-бў, ўзингиз ҳам роса ёш турмушга чиққан экансизда, а? Йигирмага кирдингизми?

– Йўғ-е, – Гулбодом қизариб, қизчасининг бошидаги попукли қалпоқни тўғрилаган бўлди, – йигирма иккиман...

– Айни ўйнаб-куладиган ёшда экансиз. Қайта турмуш қурмадингизми? Қаерда яшаяпсиз?

– Эримнинг қирқи ўтгач, ота уйимга қайтиб келганиман, – жувон «олиб келиб қўйишган» дея олмади. – Ҳозир қизлик уйимиизда, отам, акам, янгам билан яшаймиз. Онам ҳам яқинда қазо қилгашилар.

– Ташибшиш бир келса – бир варакай келар экан-да, – аёл ҳамдардлик билдирган бўлди. – Сизнинг бахтингизга онангиз яшаб турсалар бўларди. Тақдир экан-да... Иш-

қилиб, уйдагиларнинг муомаласи яхшими? Ё «чиққан қиз чифириқдан ташқари» деб қовоқ-тумшуқ қилишадими? Болангизни тургикалашмайдими, ишқилиб?

«Оҳ опажон-а, кошкийди уйдагилар мени, боламни одам ўрида кўрса!» деб ўйлаган жувои:

– Ҳа энди, бирда-ундай, бирда-бундай, – деди хомуш.

– Нима бўлганда ҳам чидайман-да. Ўз отам, акам ахир.

– Эрингизнинг уйидан ўзишгизга уй-жой ажраттириб олмадингизми? Ахир болангиз бор экан?

– Эримнинг шахсий уйи йўқ, уй отасиники эди.

– Бечорагина. Уйдамисиз, ё бирор жойда ишлайсизми?

– Бир йилдан ошди, фаррошлиқ қиласан.

Жадал кетаётган автобус шаҳарнинг равон йўлларига кириб келиши билан юришини сскинлатиб, ҳар бир свекфорнинг қизил чироғи олдида бир тўхтаб, шоҳ бекатга яқинлаша бошлади. Гоҳ мудраб, гоҳ суҳбатлашиб келаётган йўловчилар орасида жонланиш бошланди: улар манзилга етган, тушиш тараддунида эдилар.

– Сизга қандай ёрдам берсан экан-а, – нотаниш аёл бежирим сумкачасини очиб, ичидан кичкинагина, чиройли қофозча олди. – Мана бу ерда менинг телефон рақамларим ёзилган. Бирон ёрдам керак бўлса, тортинимай, қўнғироқ қиласаверинг. Манави пулга эса қизингиз учун керакли нарсалар сотиб олинг.

Ўзини «Зебохон» деб тапиштирган аёл бир даста минг сўмлик пулни Асалойнинг урингангиша (у Аҳрорнинг кичкина келиб қолган курткаси эди) курткасининг қўйинига тиқди. Гулбодом пулни «керакмас», дея эгасига қайтаришга урипди. Лекин аёл «ҳали кўп кўришамиз, узилишиб кетамиз», дея унинг қўлини астойдил қайтариб, юкларини кўтаришга ёрдамлашиб юборди.

«Ҳаётда яхши одамлар ҳам кўп», Гулбодом шу хаёл билан Зебохон билан қуюқ хайрлаша бошлади.

– Шошманг, хайрлашмаймиз, – Зебохон ўзига яқинлашаётган баланд бўйли, башанг кийинган йигитга имо қилди. – Ана, ўғлим Асаджон ҳам кутиб турган экан. Сиз-

ни уйингизга элтиб, шу баҳона уйингизни кўриб ҳам оламиз. Кеч кирганда бола билан қийналиб юрасизми?

Гулбодом ўзига шундай муруватли инсонни рўбарў қилгани учун тақдирига шукроналар айтиб, оппоқ «Нексия»нинг юмшоққина орқа ўринидигига ўтириди...

«Зебо опа аёл эмас, фариштага ўхшайди-я, – Гулбодом дарвозалари ёнида машинадан тушиб, унинг узоқлашиб бораётган қип-қизил чироқларига ҳавас билан тикилиб қолди. – Шундай аёл билан танишиб олдим-а. «Ёрдам бераман» – деди-я. Албатта, унга қўнғироқ қилиб тураман!»

Орзуси амалга ошмади


Ширин хаёллар оғушида тонг қоронғусида ишга кетиб, одатдагидан фарқли ўлароқ, ўз ҳудудини кўтаринки кайфиятда, ҳатто аста хиргойи қилиб супуриб олган Гулбодом зудлик билан уйига қайтди. Хаёлида ҳозир уйига боради-ю ширин ухлаб ётган қизалогини уйғотиб, бозорга олиб боради. Унга чиройли кийимлар, ўзига ҳам у-бу харид қиласди. Ахир, Фаришта опаси (жувон хаёлан Зебога ана шундай ном қўйиб олганди) унга озмунча пул бердими? Оз эмас, эллик минг сўм-а!

Ана шундай ширин ўйлар билан ҳовлига қадам қўйган Гулбодом нима учундир ишга бормай, дарвоза ёнида тунд қиёфада нимадир қилаётган акасининг важоҳатини кўрди-ю, гўё еттинчи осмондан бирдан қулаб, ҳавоси чиқиб кетган пуфакдек, шалвираб қолди.

– Тўхта, гапим бор! – синглисингаломига алик олиш ўрнига aka таҳдид билан ўшқириб, турган жойида ҳайкалдек қотган синглисига юзланди. – Хуш, кеча кимнинг «Нексия»сида келдинг?

«Вой тавба! Мен келганимда атрофда ҳеч ким йўқ эдику? Ким кўриб, дарров акамга етказа қолди экан?»

– Автобусда опамникидан келаёстиб, бир аёл билан танишиб қолувдим, – акасининг вожоҳатидан капалаги



учиб кетган жувон қалтираганича, жавоб берди. – Үшани үғли онасини кутгани чиққан экан. Асални ухлаб қолганини күриб, үша аёл «йўлимиз усти экан, ташлаб ўтамиз» деб...

– Ҳой, бир марта бўлса бошимизни эгиб бўлгансан, – ака дағдаға қилди, – эндиниси ортиқча бўлади, билиб қўй. Оёфинг синиб қолган бўлса ҳам автобусда юр. Дуч келганинг машинасига чиқаверма, охири ёмон бўлади, тушиундингми?!

– Тушундим...

Гулбодом кўз ёшларини оқизганича, онагинасидан қолган фариб кулбага кириб, ҳамон пишиллаб ухлаб ётган Асалойнинг кўрпачаси ёнига чўкди.

«Агар үша аёл менга ҳе йўқ, бе йўқ нақд эллик минг сўм, устига устак телефон рақамларини ҳам берганини билса, акам ёки отам, айниқса ер остида қимирлаган илонни биладиган келин аям нима деркин? Унданам, энди бу пулларни қандай ишлатаман? Яна гап кўпаяди-ку?»

Гулбодом ўйлаб-ўйлаб ҳозирча, опаси берган пулга қизига пальто олишни, Зебо опаси берган пулни эса яшириб қўйиб, маош олгандан кейин ишлатишни маъқул топди. Үшанда ҳеч ким «бу пулларни қаердан олдинг?» дея олмайди.

Гулбодомга ўзининг бу фикри тўғридек туюлиб, бориб даҳлизчадаги муздек сувга юз-кўзларини ювди-да, газ плитаси устидаги кичкинагина декча қозон билан сув тўла човгум тагига олов ёқиб, попушта тадоригини кўра бошлади.

– Беванинг бошига Бухородан тош отиларкан, – Сарви ая қозон тепасида куймаланаётган жувоннинг ёнига етиб келмасданоқ гап бошлади. – Яна нима балолар бўлди? Кеча қаерда, ким билан эдинг? Қанақа машинада келдинг?

«Оббо, сиз етмай тургандингиз» дея ғаши келган Гулбодом зўраки жилмайини билан қўшинисига пешвоз чиқиб, салом бериш аспосида кўришгани қўл узатди. Ҳол-аҳвол

сүралгандан кейин кече қасрга боргани, қачон, ким билан келгани ҳақида холага «хисобот» топшириди. Орада чой дамлаб, косаларга ярим қилиб мастава сузди.

— Құй, мен яқында овқатланғанман, — хола фотиҳа ўқигач, косани нари сурди. — Ұзинг иссиқ-иссиқ ичиб ол, сағарлаб ишлаб келгансан. Опанг тузук эканми? Яхши юрибдийканми? Поччанг-чи? Барака топтур, яхши йигит. Бир-бирига жуда мос-у, шу, Яратған әгам тирноқ бермаяпти-да, — хола чой ҳұплади. — А航海, танишган аёлингни ҳам ажайиб, бой аёл дедингми? — Тасдиқ ишорасидан кейин хола гапда да-вом этди. — Ана үшанақаларни маңкам ушла! Зора баҳтинг очилиб, үз йўлингни үзинг топиб кетсаи...

Хола яна анчагина панд-насиҳат қилиб, Асалой уйғонгач, она-болани дуо қила-қила чиқиб кетди.

Гулбодом қизини ювинтириб, нонушта қилдиргач, киинтириди-да, она-бала яқинроқдаги бозор томон йўлга тушдилар.

Гулбодом қизи учун кўнглидагидек кийим-кечак харид қилғунича ҳаво яна ҳам совуб, майдалаб ёмғир ёға бошлиди. Улар бекатга етиб келганда эса ёмғир қорга айланыб, авж олиб, шиддат билан ёға кетди. Аксига олиб, автобус ҳам кела қолмас, аёлнинг юпун кийими ёмғирдан хўл бўлиб, ич-ичигача намлик ўтиб бормоқда, оёғи-ку аллақачон шалаббо бўлиб кетгаиди. Шундай бўлса ҳам, она — она экан-да, бекатнинг ёғин тегмайдиганроқ жойига суқи-либ, қизалоғини наналашга уринар, «ишқилиб, болам шамоллаб қолмасин-да» дея ташвиш чекарди.

Ниҳоят, узоқда унга керакли автобуснинг қораси кўринди. Гулбодом қизини кўтарганича, етиб келган автобусга амаллаб чиқиб олди. То уйигача бўлган беш-олти бекат йўл беш-олти баробарига чўзилиб кетгандай, вақт имиллар, автобус эса гўё юриб эмас, эмаклаб кетаётганга ўхшарди. «Нега таксига ўтира қолмадим? Пулим бор эди-ку? Лекин яна гап кўпаярди-да. Майли, озгина қолди. Ҳозир уйга бориб, қайноқ чой, аччиқ мастава ичсам, ҳаммаси ўтиб кегади»...

Афсус, жувонга на аччиқ мастава, на қайноқ чой ёрдам берди. Алангайи оташ бўлиб ётган аёл ким «Тез ёрдам» чақирганини, қачон касалхонага олиб кетишгани-ю, қизалоги кимнинг қўлида қолганини ҳам билгани йўқ.

У ҳушига келганида оппоқ хонадаги оппоқ ўриндиқ-да ётар, билагига «осма укол» уланган, ўриндиқ ёнидаги курсида эса елкасига оқ ҳалат ташлаган опаси йифлаб ўтиради. Синглиснинг инграганини кўрган опа дарҳол унинг устига энгашди.

– Гулбодом, кўзингни оч, жон синглим, кўзингни оч! – опа синглиси кўзларини хиёл очганини кўриб: – Худога шукр-а, қўрқитиб юбординг-ку? – деди кўз ёши аралаш жилмайиб. – Тузукмисан?

– Яхши, – Гулбодом қурушиқ лабларини аранг қимирилатди. – Нима бўлди менга? – Кейин бир нима эсига тушгандек, кўзлари катта очилиб, безовталанди:

– Болам қани? Асалой қаерда?

– Хавотир олма, у бизникида, – опа синглиснинг пешонасига ёйилган паришон соchlарини тўғрилади. – Ўшаб-кулиб юрибди. Ёмғирда қолиб, қаттиқ шамоллабсан. Иситманг кўтарилиб, алаҳлай бошлаган бўлсанг керак, Асалой йиғлайверибди. Охири ташқарига чиққан отам «бу бола нега бунча йиғлайди» деб уйга кирса гоҳ ҳуд, гоҳ беҳуд бўлиб ётган экансан. Дарров акангни, келинни уйғотиб, «Тез ёрдам» чақиришибди. Худога шукр, мана, үзингга келдинг. Лекин икки кун алаҳлаб, роса қўрқитдинг-да. Илоё, тузалганинг рост бўлсин!

Гулбодом шифокорларга ялинавергач, орадан бир ҳафта ўтиб, унга уйга кетиш учун жавоб бериши...

Бахт қуши

Гулбодом касалхонадан чиққач, яна бир ҳафтача ишга боролмади: бутун бадани зирқираб оғрир, юришга мадори йўқ эди. Орада фаррошларнинг бригадири Махфират

исмли аёл күргани келиб, маошини бериб, кетар олдида:

– Тезроқ тузалиб, ишга чиқ. Бўлмаса, жойингдан ажралиб қоласан. Анави, Шамси қора бор-ку, ўша синглисини тиқишириб, иш сўрайпти, – деб кетди.

Унинг гапларидан жувоннинг дили оғриди. Ўзига қолса, мана шундай ихраб-сихраб юармиди, ўйнаб-кулиб ишга бориб-келиб юрганига нима етсин, ахир. Бу ёқда отаси билан акасига ҳам анча инсоф кириб, чеҳралари очилиб, ҳол сўрайдиган бўлиб қолишди. Кеча янгаси дорихонадан бир дунё дорилар олиб келиб берди (майли-да, Гулбодомнинг пулига бўлса ҳам). Опаси олиб кетмоқчи эди – бормади. Қизи эса онасига ўрганиб қолибди. Бола яхши гаппинг гадоси-да. Опаси билан бирга келиб, яна бирга қайтиб кетди. «Онамнинг ёнида қоламан», ҳам демади.

«Темирии занг, одамии ғам смиради» деганлариdek, одам ёлғиз қолса ҳар турли хаёллар бостириб келиб, эзверар экан. Кундузлари-ку ҳали отаси, акаси ҳол сўраб, энди янгаси бир косагина бўлса ҳам иссиқ таом кўтариб кириб, баъзан эса Сарви хола аҳвол сўрагани кириб, унчалик билиммайди. Қош қорая бошлагандан эса Гулбодомнинг юрагига ҳам қандайдир фусса, қоронғилик чўка башлайди. Ўзини қасрга қўйишини билмай, онасидан қолган эски телевизорнинг ғинғиллашиб ҳам ёқмай, гўё бошига тоғ ағдарилганга, ҳеч кими йўқ ғарибу потавонга ўхшаб, юраги сиқилаверади. Қаерларгадир, ҳеч ким танимайдиган, билмайдиган жойларга кетгиси, каттакатта ишларни қилиб, кўп-кўп пуллар топиб, бой бўлиб, ҳамма ташвишлардан бир йўла қутулгиси келади. Хаёлида зотилжам дейиладиган мана шундай дарди бедаволарга илакишиб юришишинг сабаби ҳам камбағаллиги. Ахир оёғига иссиқ этиклар, устига қалии кийимлар кийиб юргаида, шамолламасди-да...

Гулбодом анча тузук бўлиб, яна супурги судраб, ишга борган куни гўё бошига чарақлаган офтобнинг қайноқ нурлари ёғилди. Яъни у кутилмагандан нажот фариншаси

– Зебо опасига дуч келиб қолди. Ўшанды у ҳудудни супуриб, супургини доимги жойига қўйиб, судралгандек астасекин йўл четидан келаётганди. Атрофидаги қайноқ ҳаётга аҳамият ҳам бергани йўқ. Бир пайт оппоқ «Нексия» ўзидан беш-үн метр нарида тўхтаб, эшиги очилди ва ажоийиб мўйнали пальто кийган аёл – Зебохон қимматбаҳо этикли оёқлари билан ерни аста босиб, у томонга бир неча қадам юрди:

– Гулбодом, бормисиз?

Опахонининг ўқтам овозини эшитган жувоннинг юраги дукуллаб уриб кетди. У аёл томонга талпиниб:

– Опажон! – деди-ю ўзининг ночор аҳволидан уялиб, тўхтаб қолди.

– Сизга нима бўлди? Нега бунчалик озиб кетдингиз, касал бўлдингизми? – аёл Гулбодомни маҳкам қучоқлаб, кўришиш асносида ундан ҳол-аҳвол сўрай кетди. – Тинчликми ўзи? Қизингиз, уйдагилар яхшими?

– Ҳа, – жувон ийманибгина жавоб бера бошлади. – Ҳаммаси яхши фақат, сал касалланиб, касалхонага тушиб қолдим.

– Қаранг-а, – аёл уни кўриш учун атайлаб шу кўчадан бир неча марта ўтганини айтиб ўтирамди. – Бечора, роса қийналибсиз-да, а? Бир оғиз қўнғироқ қилиб, «шундай гап» демайсизми, мен югуриб келмайманми? Биз, аёллар шунақамиз-да. То бошимиз деворга урилмагунча бирор яқинимиздан кўмак сўрашга тортинамиз. Ахир, мен сизни қиёматли синглим деганман. Мен ҳам ёлғиз қизман, кўнглим ярим. Шунинг учун ўзимга ўхина-ганларга яхшилик қилишни, қўлимдан келганича уларга ёрдам беришни истайман. Аҳволингизни қаранг. Яна шу ҳолда кўча супуриб келяпман дент? Йўқ, бу ишингиз менга ёқмайди. Мен суриштириб, сизга мос озода, енгил иш топаман. Икки-уч кундан кейин қўнғироқ қилинг. Ҳозир эса дорихонадан керакли дориларни олиб, уйингизга бориб ётинг, даволанинг. Фаррошликни йиғиштиринг.

Зебохон яна кўп гапларни ганирди. Машинани орқага қайтартириб, уни уйига ташлаб қўймоқчи бўлди. Гулбодом яна гап қўпайишини ўйлаб, унинг бу таклифига жон-жаҳди билан қарши турди. Шундан кейин Зебохон бежирим сумкачасидан бир даста пул чиқариб, қўярда-қўймай жувоннинг қўлига тутқазди ва машинага ўтираётib, «қўнфироғингизни кутаман!» дея таъкидлади ва жўнаб кетди.

Гулбодом пулларни чангаллаганича, жойида анча туриб қолди. Ҳаёлида ўзини гоҳ жаннат фариштасига, гоҳ Ҳазрати Хизрга йўлиққанга ўхшатиб, «наҳот, бегона бир аёлга шунчалар меҳрибонлик қиладиган ажойиб инсонлар ҳам бўлса, ахир, мен бу меҳрибон аёл учун кимман? Ҳеч ким. У ҳам менга ҳеч ким эмас. Шунчаки, йўлда танишган бир аёл. Мени унумтмаганини, яна фамхўрлик қилганини қаранг-а, ҳатто туғишганларим ҳам шунчалик меҳрибон эмас», дея ҳайратланарди. Ҳатто ўтган гал пул берганида «бойлиги ошиб-тошиб, пулларини қаерга қўйишини билмай юрган бойвучча аёл, шекилли», дея ўйлаганидан ҳам уялиб кетди. «Дунёда яхши одамлар ҳам кўп. Бу ажойиб аёлга дуч келишим – менга Аллоҳнинг қилган марҳамати. Майли, шу аёлнинг этагидан тутганим бўлсин. Кўринишидан ўқимишли, баобру бу аёл менга ёмонликни раво кўрмаса керак».

Гулбодом анча тетиклашиб, қадамлари енгиллашиб қолди. Лекин ишини тўсатдан ташлай олмади – бориб-келиб юраверди. Орадан уч кун ўтгач эса журъат топиб, кўчадаги автомат-телефондан нажоткорига қўнфироқ қилди.

– Жуда вақтида қўнфироқ қилдингиз-да, – Зебохон унишг овозини эшитиб, қувониб кетди. – Ҳозиргина дугонам билан сиз ҳақингизда гаплашган эдим. Ҳозир қаердасиз?

– Хиёбоннинг ёнидаги автомат-телефондан қўнфироқ қилияпман.

— Анча яхши бўлиб қолибсиз-да, а, шу жойларга келган бўлсангиз. Ўн беш дақиқада ёнингизга етиб бораман, кута оласизми? Гап бор, муҳим гап.

— Майли, кутаман, — жувоннинг юраги ўйнаб, у томондаги гўшак қўйилиб, қўлидаги гўшакдан тинимсиз қисқа гудок эшитилаётган бўлса ҳам, уни жойига қўйишни унутиб, туриб қолди. — Ҳозир келиб, фалончи қариндошимга турмушга чиқинг деса-я. Яна қанақа муҳим гап бўлиши мумкин?

Зебохон таксидан тушаётганда Гулбодом хаёл суриб қолиб, автомат-телефоннинг темир будкаси ичидан эндиғина чиқиб, саросима билан атрофга аланглаб турганди. У Зебо опасини кўрди-ю у томонига талпинди. Аёл ҳам қучоқ очиб келиб, Гулбодом билан яқин қариндош, қадрдонлардек кўришди.

— Ҳўш, шу ерда гаплашаверамиزمи ё ҳов анави қаҳважонага кирайликми? — аёл мулойим жилмайди.

— Шу ерда гаплаша қолайлик, — Гулбодом гўё аёл «йўқ, ўша ерга борамиз!» дейдигандек, шошилиб жавоб берди. — Шошиброқ тургандим. Нима гап ўзи?

— Сизга иш тоғандим, — аёл Гулбодомнинг қўпол супурги туфайли дағаллашиб кетган ўнг қўлини майнин, юмшоқ кафтларига олди. — Шуни сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдим.

— Қанақа иш экан? — ҳаяжонланиб сўради Гулбодом.

— Жуда яхши, озода, енгил ва даромадли иш. Иссиқ, ёруғ хонада ўтириб, ўзингиз қатори қирқ-эллик нафар қиз-жувон билан чойшаб, ёстиқ жилд, сочиққа ўхшаган нарсалар тикасизлар. Маоши ҳам зўр.

«Мунча яхши иш экан», дея хаёлидан ўтказган Гулбодом:

— Қаерда экан бу иш? — деб сўради қизиқиш билан.

— Узоқроқда, — сирли жилмайди аёл. — Ҳозир кимга айтсам, бу ишга «жон» деб боради. Лекин шароитиңиз оғирлиги учун дугонам «цехимга ишчи қиз-жувонлар кепрак» деб қўнфироқ қилганидаёқ дарҳол сиз кўз олдимга

келдингиз. Иш Жапубий Кореяда. Дугонам бир неча йилдан буёи ўша ерда тадбиркорлик қиласы. Мен ҳам тезтез бориб тураман. Синглим, иккита жияним ўша ерда ишлашади. Йилда бир марта келиб, топган пулларига уй, қимматли ашёлар сотиб олиб, яна қайтиб кетишади. Ҳаммаси ўзимизнинг аёллар. Хўш, нима дейсиз?

«Тавба. Куни кеча узоқ-узоқларга кетиб, бой-бадавлат бўлиб келишни орзу қилган эдим-а. Яхши ният – ярим мол, деганлари шу бўлса керак-да. Лекин отам, акам нима деркин? Асал-ку майли, опамикида қолаверади».

– Мен-ку йўқ демайман, – Гулбодом ич-ичидан тўлқинланиб, қувончици сездирмасликка уриди. – Отам, опам билан маслаҳалашиб кўрай. Жавобини шунга қараб айтаман.

– Майлику-я, лекин вақт тифиз. Ҳозир дугонамнинг цехида ишлаб чиқарилётган нарсаларининг бозори чаққон экан. Шунга қўшимча ишчи олай, нима бўлса ҳам юргдошларим учун бўлсин, депти. «Ўша ёққа боришимга ёрдам беринг», деб анчадан бўён илтимос қилиб юрган танишларим бор. Бироқ негадир сиз кўнглимга яқин бўлиб қолдингиз, шунинг учун сизга айтяпман бу таклифни. Иссиқ, озода хонада ўтириб ишлаб, жарақ-жарақ доллар санаб олиш кимларга ёқмайди, дейсиз. Унинг устига, аёллар ётоқхонаси, озиқ-овқат текин бўлса. Ё отангиз билан ўзим гаплашайми?

– Йўқ, – юзлари қизариб, кўзларида қандайдир учқуилар пайдо бўлган Гулбодом дадил жавоб берди. – Аввал ўзим гапланай. Жуда бўлмаса, кейин сиз гапланасиз. Отамни қандай қилиб бўлмасин, кўндираман.

– Отангизни кўндиришингизга кўзингиз етар экан... – аёл бир оз ўйланиб, ниманидир чамалади, – бундоқ қиласиз: эртага эрталаб шу ерга паспортингизни олиб келинг. Мен визани ҳаракатини бошлайман. Ахир, дугонам Холидахоннинг ўртоғи битта мен эмасман-ку? Яна бошқа бироргасига қўнфироқ қилган бўлса, у биздан олдин отни қамчилаб қолмасин. Мен бугун сиз билан

гаплашганимни, рози бўлганингизни айтиб, унга қўнғироқ қилиб қўяман. Сиз паспортингизни менга бериб, у ёқда ишингизни битиргунишгизча, мени бу ёқда виза олишга уриниб кўраман. Шундоқ қилсак, вақтдан ютамиз, тўғрими?

Гулбодом «тўғри» дегандек бош силкиди ва аёллар эртага эрталаб соат саккизда учрашишга келишиб, хайрлашдилар.

«Долларда ҳақ тўлашар экан, долларда», – гўё юриб эмас, учиб кетаётган Гулбодом ширин энтиқди. – Доллардеганлари қанақа бўларкан-а? Унинг кучи жуда катта бўлса керак. Ахир, анавинда борганимда опам, «поччанг машина оламиз деб тоғанини долларга айлантиряпти», дегаиди-ку. Уша ёқларга бориб, ҳеч бўлмаса икки йил ишласам, анча-муичча бойиб кетсан керак. Кейин қайтиб, икки хонали уй сотиг бўламан. Зебоҳон опамга ўҳшаб соchlаримни чиройли турмаклатиб, хорижининг пўрим кийимларидан танлаб кияман. Уйимни ҳам чўғдек қилиб безатаман, кўрганинг оғзи очилиб қолади. Қизимни қўғирчоқдек кийинтириб, ясантираман...

У доимгидек имиллаб эмас, илдам юриб, йўл-йўлакай бозорга кирди. Зебо опаси яна қўлига тутқазган пулга қўй гўшти, новвот, ҳусайн узум, тўртта бўрсилдоқ патир сотиб олди. Уларни иккита елим халтага жойлаб, шодон кайфиятда уйига йўл олди. Бахтига, отаси эндинина қоровулликдан қайтиб, ҳовлида нимадир қилиб турган экан. Гулбодом отасига дадил салом бериб, келин аясини чақирди-да, слим халталарни унинг қўлига тутқазди.

– Вой-бў, бозорни катта қилибсиз-ку? – ялтоқланди келин аяси. – Маош олдингизми ё пул-мул топиб олдингизми?

– Ота, опамникуга бориб келаман, – деди жувон унинг гапига аҳамият бермай. – Кечга томон қайтаман, майлими?

– Жа қороғига қолиб кетма, – отаси мулойим жавоб берди. – Тезроқ қайт. Асални олиб келасанми?

– Унаса, олиб келаман.

Гулбодом шошилиб, кийимларини алмаштирди ва орқа-олдига қарамай, күчага ошиқди. Хушхабарни тезроқ опасига етказиб, у билан маслаҳатлапшмоқчи, иложи бўлса, бугун уни ўзи билан олиб қайтиб, мақсадини отасига опаси орқали билдиromoқчи эди. Хаёлида ўзи тезроқ ҳаракат қилмаса, Зебо опаси айниб қоладигандек, ўрнига бошқа қизни юбориб, ўзи яна ўша чўлтоқ супурги билан қоладигандек шошиларди, у. «Бошимга баҳт қуши қўйянити. Уни учирив юбормай, ушлаб қолиш факат ўзимнинг қўлимда».

У беихтиёр пичирлаб, Зебо опасининг ганини такрорлади.

Қатъий қарор

Эшикдан кулиб кириб келаётган синглисини кўриб, Гулсара ҳайратланиб, қўлидаги бир қучоқ ўтинни ерга ташлаганича, унга пешвоз чиқди.

– Қаёқдан қуёш чиқди? – она-сингил қучоқлашиб кўришар эканлар, опасинг кўзи ёплади. – Чеҳранг очилиб, кулиб юрсанг бирам ярашар экан. Қани, уйга кирайлик.

– Асал ухляяштими? – беихтиёр сўради сингил.

– Йўқ, дадаси айлантиргани олиб чиқиб кетди, – она ҳам бу ганини беихтиёр айтиб юборди-ю, хижолат билан синглисига қаради. – Узр, тилим ўрганиб қолибди...

– Ҳай, майли, – Гулбодом бу гандан раңжимади. – Чамаси, ростдан ҳам Асал сизга қиз бўлиб қолади, шекилли...

– Вой, тилингга шакар! – Гулсара синглисини қучоқлади. – Шундай қарорга келдингми? Асалой ҳам бизга ўрганиб қолди-да. Айниқса, поччанг уни ер-кўкка ишонмайди. Иложи бўлса, ишхонасига ҳам бирга олиб кетса. Асал шу ердалигидан ишга ҳам кеч кетиб, эрта қайтаяпти...

Опа-сингил ичкари кириб, хонтахта атрофига ўтириб, фотиҳа қилишгач, опанинг түё ҳуши ўзига келди:

– Асалойни ростдан бизга бермоқчимисан? Бирорта-си оғиз солдими, турмушга чиқасанми?

– Ундан ҳам баттар, – кулди сингил. – Асални сизга ташлаб, узоқ-узоқларга баҳт қидириб кетмоқчиман.

– Узоқларда нима бор? Яқинроқда йўқ эканми баҳт дегани?

– Кимлар учундир бор экану менга қолганда тугаб қолибди, – Гулбодомнинг ранги оқаринқиради. – Шунинг учун бир умр баҳтсиз ўтмай деб ўзим уни қидириб тошмоқчиман.

– Жумбоқ қилмай, тузукроқ гапири. Нима гаи ўзи?

Гулбодом гоҳ куюниб, ~~гоҳ~~ қувониб Зебохон билан учрашиб, танишгани, унинг ўзига кўрсатаётган муруввати, қилғай яхшиликлари ва таклифини ҳикоя қилиб берди. Унинг гапларини диққат билан тинглаган опаси:

– Ўзи қаерда ишлаб, қаерда яшар экан у опани? – деб сўради. – Бирорта кўнгли бузуқ бўлиб, сени ҳам йўлдан ураётган бўлмасин?

– Қизиқсиз-а, опа, – Гулбодом қизишди ва чўнтағидан қофозга ўралган кичкинагина ялтироқ қофозчани олиб, авайлаб, опасига узатди, – мана уйи, иш жойининг манзиллари ёзилган. Кўнглида ёмонлиги бўлган одам буларни берармиди? Ўзи, ўрганиб қолганмизда бирор яхшилик қиласман деса, дарров гумонсирапшга. Ундан кўра, «майли, синглим, сенга шунчалик ғамхўрлик қилаётгани учун ўша аёлни Худо ярлақасин. Айтилган жойга бориб, ишлаб, тузукроқ пул топгин, йифиб-териб, бир бошпана қилгин. Асалдан кўнглинг тўқ бўлсин, унга ўз боламиздек қараймиз», демайсизми? Балки, уйли бўлсан, баҳтим очилар, турмушга чиқиб, фарзандли бўларман. Асал ўзингизни қизингиз бўлиб қолар...

Гулбодомнинг ҳамма гапларидан ҳам охиргиси Гулсарапанинг юрагини жизиллатиб юборди. Рост-да, ҳозир нима кўп, уй-жойли, бойвачча аёлларнинг харидори кўп.

Балки, чиндан ҳам синглиси баҳтини ўша томонлардан тошиб, яна фарзандли бўлар, Асал эса ўзига қолар?

– Энди, синглим, ҳозир яхшидан ёмон кўп-да. Барibir, дуч келганга эргашиб кетавериш хавфли. Кейин шўришгга шўрва тўкилиб, қочгани жой тополмай қолмагин, дейман-да. Агар шунчалик кўнглинг чопиб, боргинг келиб турган экан, мен нимаям дердим. Фақат эҳтиёт бўл, тузукроқ суриштириш.

– Мен эргага эрталаб Зебо опага паспортимни берганимдан у оёқ-қўлимни боғлаб, машинага ортиб кетмайди. То ҳужжатлар тайёр бўлгунча уни суриштиришга улгурман. Фақат битта илтимосим: отам билан ўзингиз гаплашиб беринг. Биласиз, гап очсан, дарров ўтмишимни эслатиб, оғзимга уради. Ахир бир марта янгишган одам умрбод йўлдан адашавермайди-ку? Қачонгача кўча сунураман ахир? Мен фаррош бўлиб юраверсам, менга ким ҳам уйланарди... – Гулбодом кўзига ёш олди.

Синглисининг ҳолатини кўриб, опанинг кўнгли эриди. Тўғри-да, бу тенгилар икки-уч боланинг онаси, кеңгийнинг бекаси бўлиб юришибди. Бу шўрликни эса қўлидан сунурги тушмайди. Аслида туман марказидан шаҳарчага айлантирилган юртида маълумотсиз, бунинг устига, бир болали бева аёл учун тузукроқ бир иш топиш амримаҳол. Нима, энди четга кетганлар йўлдан чиқиб, бузулиб кетаверишадими? Ҳисоблаб кўрса, ўзи яшаб турган маҳалланинг ўзида қанча оила Россиянинг турли шаҳарларига бориб, мўмай пул топиб келаяпти. Россияга борадими, Кореяга борадими – нима фарқи бор? Қаерга борса ҳам соғ-омон бўлиб юрса бўлди-да. Синглиси пишиқ, унча-мунчага оғзидагини олдирмайди.

Маслаҳатни бир жойга қўйгач, онаси отасини кўндиришига ишонган Гулбодом енгил кайфиятда уйга қайтди. Ҳатто бир оз кутиб, қизи билан поччаси келса, кўриб кетишини таклиф қилган опасининг гапига парво ҳам қилмади. Ҳозир унинг нияти битта: тезроқ тоғ отса-ю меҳрибони – Зебо опасига учрашиб, қатъий қарорини айт-

са, паспортини унинг қўлига бериб, ҳужжатларини тезроқ тўғрилашини илтимос қилса...

Гулбодом хуш кайфият билан уйга келиб, уй юмушларини елиб-югуриб бажара бошлади. Кечки овқат пайтида ҳам келин аясига, жиянига ҳазил гаплар қилиб, бир чиройли ўтирди. Келин аядан аввал овқатдан бўшаган идишларни йиғиб, дастурхонни қоқиб, ошхонани чиннидай қилиб тозалаб чиқди. Унинг хаёлида вақт имиллаб ўтмоқда, кеч кириши чўзилиб кетаётгандай эди.

Ниҳоят бир амаллаб тонг оттирган жувон ювиниб, ионушта ҳам қилмай, ишга кетди. Ишини барвақт тугатиб, келишилган жойда Зебо опасини кута бошлади. Аёл ҳам уни узоқ куттирмади, айтилган вақтдан олдириқ келиб, «сингилжони» билан қучоқлашиб, ўнишиб кўришиди. Гўё нима учун келганини унугандай, обдан ҳолаҳвол сўради. Охири:

– Хўш, нима қилдик, Кореяга борамизми? – деди жилмайиб.

Зебо онасининг ўқтам муомаласи-ю ширин каломларидан ўзини сттинчи осмонда ҳис қилаётган Гулбодом нимдош нальтосининг чўнтағидан паспортини олиб, унга узатди.

– Албатта, борамиз!

Ҳозир Гулбодомни бу йўлдан қайтарадиган куч йўқ эди гўё. У ҳали отаси, акаси билан гаплашмагани, улар балким «бормайсан» дейишлари мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмас, ақли-ҳуши ўзи туни билан ухламай, барпо қилган хаёлий ҳашнаматли, баҳтиёр ҳаёт билан банд эди: «Йўқ дейишса ҳам кетаман! Нима, мени яхши жойда ишлаб, мўмай бойлик тониб, баҳтили яшашга ҳаққим йўқми? Кимдан қаерим кам?»

У аллақачон қатъий қарорга келиб бўлганди...

Тараддул

– Отажон, биттагини синглим. Унга менинг ҳам жоним ачийди. Ёш жонига ёзда кун иссиғида, қишида изғирии совуқ, ёмғир-қор остида супурги судраб юрганини үйласам, юрагим эзилиб кетади. Балким, шунинг учун ҳам бирор пазарга илиб, совчи қўймаёттандир. Унингиз ақсли, бирорга ҳаққини бериб қўймайдиган, пишиқ-пухта. Йўқ демаш, отажон, ўзини синаб кўрсии. Кореяга борган битта уми? Бахти очилиб кетар, балки...

Нормат ота бошини этганича, хаёл суриб қолди. Уч фарзандни ерга қўйиб, кейин кўргани – тўнғичи Гулсаранинг ганини шу пайтгача икки қўлмаган. Нима деса «хўп» деб, бажо келтирган. Умринг узоқ бўлгурнинг жўяли гаплари, сермулоҳазалиги онаси раҳматлига тортган. Эиди унинг ҳам синглисига жони ачийди, умри ўтиб кетаётганига куяди-да. Лекин «ишлар экан», деб ота-бобоси қўлмаган жойларга фарзандини жўнатиб юбораверадими? У ерда бирорта таниш-билиши, қариндош-урӯғи бўлмаса. Қовоғини солиб юргани билан Гулбодомни бошқа болаларидан кам қўрмайди, ич-ичидан яхши кўради. Фақат кизи шўх-шаддодроқ бўлгани учун унга писбатан қаттиққўлроқ бўлишга урина бошлади. Ўзбошимчалик қилиб, ўзи эр тоигандан, эри ўлиб қайтиб келгандан кейин яна ҳам жиддийлашиб, иложи борича у билан қўрсроқ муомала қила бошлади. Хаёлида, шундай қилса, қизи бошқа адашмайдигандек эди. Мана, яна ўзича кимлар биландир танишиб, аллақаёқларга боринин режалаштириб ўтирганимиш. Тавба «Отаси урмаган қўнғизни, боласи отибди тўнғизни» деганилари шу-да...

– Отажон, нима дейсиз? – Гулсара отасига ялинганидек, мўлтиллаб қаради.

– Нима дердим, болам? У аёл ким, уй-жойи қайда, нима иш қилади – билмайсан-ку? Кўчадан келган бир бегона аёлга бебош синглини қўшиб юбораверасанми? «Синалмаган отнинг сиртидан ўтма» деган гап бор, жон

қизим, «Одамнинг оласи ичида» деган машойихлар. Эрта бир кун келиб, аттанг қилиб қолмайлик, дейман-да.

— Отажон, у аёл ўзимизнинг шаҳардан экан. Уйини, ишхонасиининг телефон рақамини берибди, кўрдим. Ўзим ҳам бир кўришиб, гаплашаман. Яна бошқа қизлар ҳам борадиган бўлса, уларни ҳам суриштираман. Майли, борсин, ишлаб кўрсинг, ёқмаса ё ишни энголмаса, қайтиб келаверсин.

Хуллас, Гулсара у деди, бу деди охири отасининг розилигини олди...

Бугун опаси келиб, отаси билан гаплашишини билган Гулбодом қадрдан ўринидигида ўтирганича вақт ўтишини кугар, изғирин жон-жонидан ўтиб кетаётганини ҳам сезмас эди. Унинг опасидан кўнгли тўқ, опаси барибир унинг кетишига рухсат олиб беради. Бу ёғи эди ҳужжатларпинг тайёр бўлишига боғлиқ. Зебо опаси: «Эртага сиз билан бирга кетадиган яна битта дугонамни шу пайтда, шу ерга олиб келаман. Ўша билан бирга керакли жойга бориб, ариза билан расм ташлаб келасизлар. Кейин мен ҳамма ишни тезлаштиришга ҳаракат қиламан», — деди боя.

— Ҳа айтгандай, расмга тушишим керак-ку, — Гулбодом шошилиб ўринидан турди. У ёқ-буёққа алантлаб, бозрга кираверишда суратхона борлигини эслади. Ўринидикдан нарироқдаги жўмраги йўқ крандан жилдираб турган муздек сувда юз-қўлини юваб, бошидаги рўмолга артинди. Кейин рўмолни қоқиб, яна бошига ўради-да, илдам йўлга тушди.

Гулбодом «тўрт қадам жойга ҳам нул сарфлайманми?» деган хаёлда уйи билан суннадиган жойгача бўлган масофада доим яёв юриб, ўрганиб қолгап. Бозор йўли устида эмасми, баъзан унинг дарвозаси ёнида ўтирадиган аёллардан қизи учун қурутми, «чуп-чуп қандам»ми сотиб оларди. Бугун ҳам юз сўмга иккита қурут сотиб олиб, чўитагига солди. Кейин суратхонага кириб борди.

— Опа, ҳужжат учун бўлса, рўмол билан суратга тушилмайди, — деди ёшгина сураткаш йигит. Кейин қорон-фироқ хонасининг деразаси ёнидаги узун ойнани кўрсатди. — Ўша ерда тароқ ҳам бор. Рўмолингизни ечиб, сочингизни тартибга келтириб олиниг. Пальтонгизни ҳам ечиб қўйиниг. Ҳа ана, жемпирингиз қора рангда экан, суратга яхши чиқади.

Бошқа пайтда бўлса Гулбодом ўла қолса кимлардир сочини тараган тароққа қўл текизмас эди. Ҳозир эса иложи йўқликдан эмас, «бу кимники экан» деган гапни хаёлига келтирмай, узуи соchlарини чиройли қилиб тараб, икки ўрим қилиб, елкасидан ошириб, орқасига ташлади. Бармоғини тунуги билан ҳўллаб, қошлариши, киприклирини тўғрилади. Кийимларининг ўёқ-буёғини текислади. Кейин атрофга аланглаб, бурчакдаги қоронғу хонага кириб кетган сураткашни чақирди.

Бир неча дақиқадан кейин пайдо бўлган сураткаш Гулбодомга бошдан-оёқ кўз юргутириб:

— Ана энди суратингиз зўр чиқади, — дея уни расм оладиган маҳсус жойга ўтқазиб, фотоаппарат «кўзи»ни тўғрилаб, «диққат, оляпман!» дея шанғиллади...

— Хоҳласангиз — ярим соат кутиб туриниг, хоҳласангиз эртага эрталаб келиниг, — деди сураткаш.

— Йўқ, кетмайман, кутаман, — гўё бирор «бор кетавер» деяётгандек, шошилиб жавоб берди жувон. — Илтимос, иложи борича тезлаштириниг, шошилини керак эди.

Сураткаш «Хўп бўлади!» деганича яна ичкарига кириб кетди. Гулбодом деворларга осилган суратларни бир четдан, эринмай томошна қила бошлади. Унинг кўзлари суратларда бўлса ҳам хаёллари олисларда парвоз қилар, чет элга бориб, жон-жаҳди билан ишласа, ойига қанча жамғаришининг ҳисобига ста олмасди. «Ётоқ берса, озиқовқат берса, демак, бу борада харажатга ўрин йўқ. Уйимга ойига икки, йўқ, юз доллардан юбориб турсам ҳам бир йилда эҳ-ҳе, қанча шул бўлади».

— Мана, тайёр бўлди, — аллақачон қатор стуллардан бирига ўтириб, хаёл дарёсида сузаб юрган жувон сураткашнинг овозидан чўчиб, ҳуши ўзига келди ва чала қуриган суратларини обдан кўздан кечириб, кейин уларнинг ҳақини тўлади. Кейин қофоз халтага солинган суратларни олиб, йўлга тушди.

У уйга келганида Гулсара отасининг кўнглини анча юмшатиб, синглисини чет элга кетишига деярли рози қилиб қўйганди. Отасининг Зебо опаси ҳақидаги сўровларига ошириб-тошириб жавоб берган Гулбодомга отаси тўғри юриш, ҳар хил бемаъни аёлларга қўшилиб қолмаслик, борган заҳоти қўнфироқ қилиб, аниқ манзилни билдириш, бу ёқдан борган ақлли-ҳушли қизлар билан дўстлашиб, фақат ўшалар билан юриш, бегона юртда ҳадеб кўча айланиб, ҳуда-бесҳудага пул сарфламасдан, олган маошига эҳтиёт бўлиш каби жуда кўп нарсалар ҳақида панд-насиҳатлар қилди. Гулбодом отасининг насиҳатларини унинг қаршисида жимгина бош эгиб ўтириб, тинглади. Охири отаси:

— Қачон кетаркансанлар энди? — деб сўради мунифайиб.

— Ҳужжатлар тайёр бўлгацдан кейин, — минифиллаб жавоб берди жувон. Кейин қўшиб қўйди: — Ҳужжатларни Зебо опанинг ўзи тўғриларкан. Уша, цехи бор аёлнинг синглиси ҳам бирга кетаркан. У ўзи ўша ёқда, опаси билан ишлар экану уйидан, ота-онасидан хабар олгани келиб-кетяптийкан.

Отаси бошқа гап ганирмади. Юзига фотиҳа тортди-ю:

— Масjidга чиқиб келаман, — деб ўрнидан қўзғалди.

Хонтахта атрофида бир-бирига қарама-қарши ўтириб олган опа-сингил яна анча маҳалгача дардлашишди.

Келин сузаб келган ош ейилгач, Гулсара ҳам йўлга отланди.

Эртаси куни тонг саҳардан ишга борган Гулбодом супур-сириини тугатгач, ишдан бўшаши ҳақида бошлиғи номига ариза ёзиб, ташлаб кетди. Бошлиқ «иега бўша-

япсан», деганда «бошқа иш тондим», деб құя қолди. Кейин супургисини идоранинг ҳовлисига ташлаб, апча-мунча ишлаб, қадрдошлишиб қолғап аёллар билан самимий хайрлашиб, Зебо опаси билан учрашишга келишилған жойға ошиқди.

Орадаң бир соатлар ўтгандан кейин доимгидек «Нексия»да етиб келған Зебохон машинадан тушиб, салом-аликdan кейиноқ:

– Қани расм, тайёрми? – деди негадир шошилиб. – Уларни құлға олғач. – Бүнгі, мен шошиб турибман. Маниави аёл, – у машинада ўтиргап, қора сочлари калта қирқилған, қош-күзләри ҳам қоп-қора, чиройли, лекин ёшини аниқлаб бұлмайдыған хүнбічим аёлга қаради. – Хужжатларни мана шу опанғиз тайёрлайды. Зарур бұлғанда уйингизга бориб, сизни ҳам чақиришади, хұпми?

– Хұп, – деди Гулбодом машинадан тушиб, Мадина, дәя үзиге құл узатған жувонға беихтиёр ўнг құлинни чұзар әкаш.

Аёллар хайрлашиб, машинаға ўтириб, жұнаб кетди.

Юрагида ҳадикка үхшаган ғалати түйғулар пайдо бұлған Гулбодом ҳам аввалгидек учеб-құниб эмас, суд-ралтандек бұлиб уйи томон йұл олди. Уннің бирданиға нимагадир күнгли ғашлапиб, хаёлиға турли ўй-фирклар, гумоилар кела бошлади: отаси айтганидек уни алдаб олиб кетишиса-я. Бегона юртларда сарсон-саргардои бұлиб, қаёққа боришини билмай...

Гулбодом беихтиёр қоқилиб кетди-ю, ҳуши үзиге келгандек бұлди: тавба нимадан құрқаман? Еш боламидим-ки, мени алдаб, ўғирлаб кетишиса. Кап-катта аёлман, ахир ёқмаса, хайр-хүш деб қайтиб келавераман-да. Мени би-ров боғлаб құярмиди «кетмайсан» деб.

У ёмон үйларға борганидан ичида кулиб, қадамини тезлаштырды.

Қарор бекор қилинди

Нормат ака бир неча кунгача ҳардамхаёл бўлиб, минг хил хаёллар, шубҳа-гумонлар билан андармон, қўли ишга бормай юрди. Охири, дилтортар дўстларидан бири билан дардлашиб, унинг маслаҳатини олди-ю, қизини чет элга кетишига рози бўлганига пушаймон бўлиб, уйга келган заҳоти пешвоз чиққан келинга:

– Гулбодом уйдами? Чақир, – деди гапни қисқа қилиб ва ўз хонасига кириб кетди.

«Оббо, яна нима бало бўлдийкин? Ҳозир бақир-чақир бошланади» – ўзича фол боққан келин шошилиб, паст уйга – қайнинглисини чақириб келишга кетди. Хона эшигига етиб бормасдан:

– Ҳой қиз, яна нима балоларни бошлиб юрибсиз? – дея шангиллади. – Юринг, отам чақиряпти, негадир кайфияти йўқ, бўлақолинг.

– Тавба, бундоқ эшикни очиб, «юринг, отам чақиряпти» десангиз бўлади-ку? – кўнгли ҳапқирганини сездир-масликка уринди ранги бир зумда оқариб кеттган жувон.

– Нима, сизнингча отам мени фақат уришиш, койиш учун чақирадими?

Гулбодом шу гапларни айтганча, илдам юриб отасининг ёнига кирди ва салом бериб, эшик ёнида туриб қолди.

– Кел, қизим, – отасининг шу бир оғиз гали билан Гулбодомнинг юрагидаги «ҳозир гап эшитаман» деган ҳадик тарқалиб кетди.

– Ўтири, – отасининг гали билан Гулбодом қимтиниб-гина хонтахта четидаги кўрпачага ўтирди.

– Болам, – ота йўталиб олди, – ҳеч қайси ота-она боласига ёмоликни раво кўрмайди. Ҳамиша болаларим унсин, ўссин дейди...

«Бир гап бор шекилли. Фалончи сенга уйланмоқчи деб қолмасинларда ҳозир».

Отаси яна анча гапирди. Гапнинг охирида:

— Дунё кўрган одамлар билан маслаҳатлашиб кўрдим. Чет элга боргаиларнинг аҳволи ҳақида эшитиб, қизимнинг ҳам бошига ана шундай кунлар түпса, нима қиламан, деб ўйладим. Олис йўл, бегона одамлар бўлса. Болшининг ёстиққа тегса, бир ҳўплам сув берадиганинг йўқ, бирор дилингни оғритса, ёнингни оладиганинг йўқ. Қўй, болам, ота-бобонг бормаган бегона юртларга бориб, хорзор бўлиб юрганин...

Гулбодом астагина «майли» деди-ю, бошини эгтанича хонадан чиқди. Унинг орқасидан қараб қолган ота, табиий, «болам мунфайиб қолди-я» деб ўйлади, лекин қизининг юзига сапчимай, бир оғиз гап қайтармай, «хўп» деганидан кўнгли ёришиб, «демак, у ҳам иккиланиб юрган экан-да», деган хуносага келди.

Ташриф ва унинг оқибати

Нормат ака «мен, борма, дедим, қизим «хўп» деди», дея эртароқ қувонгандан экан. Орадан икки кун ўтиб, Зебохоннинг эрка ўғлини машинасида Гулбодомни сўроқлаб келган Мадина кутилмаган хабарни эшитди-ю, лом-мим демай қайтиб кетди. Орадан бир соат ўтиб-ўтмай дарвоза ёнида яна машина сигнали эшитилиши асносида эшик қаттиқ тақиллади.

— Ким? — ичкаридан шошилиб чиқаётиб, овоз берди Гулбодом кимлар келганини англаган бўлса ҳам ва келиб дарвозани очди.

Зебохон ичкаридан югуриб чиққан жувон билан тунд қиёфада, совуққина сўрашди ва:

— Нима гап? Сиз билан келишган эдик-ку? — деди норозилигини яширмай.

— Отам... — унинг муомаласидан Гулбодом эсанкираб қолди. — Отам унамаяптилар, шунга...

— Нега унамаяптилар? Нима, шунча ҳужжатни тайёрлаш осон эканми? Бу ҳужжатларни тайёрлагунча қанча вақт, қанча асаб сарфладим? Униям қўяверинг,

қанча маблағ сарфладим? Уларни менга ким қайтариб беради?

Зебо яна күп гапларни айтди. Охири, кечки томон, Нормат аканинг ўзи билан учрашиб, муаммони ҳал қила-диган бўлиб кетишиди.

Нормат ака дўстининг уйидаги бўлгани худойидан қайтганда, уйларидан нарироқда, катта қайрағоч тагида оқ «Нексия» туар, унинг эшиклари очиқ, ичидан майин мусиқа тарааларди. Кўнгли пиманидир сезгали ота машинага эътибор қилмагандек, ҳовлига кириб кетди. Лекин ҳали хонага кириб улгурмасдан дарвоза тақиллади ва келин «ҳозир» дея қайнотасига салом берди-ю, дарвоза томон югурди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, ҳовлидан аёлларнинг овози эштилди.

– Ота, сизнинг ёнингизга келишиибди, – хона эшигидан бош сукҳан келин паст овозда хабар қилди. – Киришаверсинми?

Хонага тавозе билан салом бериб, одмитина кийининг Зебо билан доимгидек ораста Мадина кириб келишиди. Кўрпачаларга жойлашиб олинигач, ота фотиҳага қўл кўтарди. Кейин ўзаро ҳол-аҳвол сўрашиш бошлианди. Бунда кўпроқ Зебохон гапирди. Унинг назокат билан бурро гапиришига маҳлиё бўлиб қолган Нормат ака хонага «Ассалому алайкум!» дея ўғли Расулжон кириб келгач, сал ўзига келди ва қимтиниб, йўталиб, ўзини ўнглаб олди.

– Булар Гулбодом масаласида келишган экан, – бир четга чўккалаган ўғлига изоҳ берди ота.

– Хўш, нима ган бўлянти яна?

– Энди, укажон, мана, бизни кўриб турибсиз. Бизнинг ҳам бир оёғимиз бу ерда бўлса, иккинчиси чет элда. Бир ҳафтада икки марта бориб келган пайтларимиз ҳам бўлади, тижорат-да. Худога шукр, ҳали бирор марта бизни бирор туртқилаган ёки ёмон йўлга бошлиган эмас. Ҳар кимга инсоф берсин, ахир, ўзи рози бўлмаса, бирорни бирор ёмон йўлга мажбурламайди. Бизнинг ҳам болача-

қамиз бор, биз ҳам Худодан қўрқамиз, бироннинг боласини уволига қолишдан, тўғрими? – у дастурхондаги мевалардан тотиниб ўтирган Мадина қаради.

– Тўғри, – бош силтади Мадина ва олма кавшашда давом этди.

– Энди, синглим, гапларингиз тўғри, сизнинг ҳалоллигингида ишонаман, – ота салмоқ билан гап очди. – Лекин сиз буни жўнатиб юбориб, ўзингиз бу ерда қоласиз-да. Узоқроққа, айниқса, четга чиқмаган. У ерда таниш-билиши, яқин одами бўлмаса, иссиқ жон, касал-пасал бўлиб қолса...

– Ҳаҳ отам-а, – Зебохон майин жилмайди. – Ахир, айтяпман-ку, тез-тез бориб тураман, деб. Мана, Мадина эса ўша ерда яшайди, бола-чақаси ҳам ўша ерда. Опаси ўша цехнинг бошлиғи-да. Бироннинг қофоздаги қаиддек қизини олиб кетган одам, унинг учун жавоб беришни ҳам билади-да. Бунинг устига, рухсат берганингиздан кейин қанча сарф-харажат қилдик. Агар жуда норози бўлсангиз, майли, биз ҳам оёқтираб туриб олмаймиз, ихтиёргиз. Лекин ёнимиздан қилинган харажатларнииг пулини тўлашингизга тўғри келади.

– Қанча бўлади харажат пули?

Зебонинг оғзидан чиққан пул миқдорини эшитиб, отанинг боши айланиб, кўзи тингандек бўлди. Чунки бунча пулини қайтариш учун у ҳеч бўлмаганда ҳовлисининг ярминии сотиши керак эди. Наҳот, чет элга кетишга ҳужжат тайёрлаш шунчалик қиммат бўлса?

– Майли, биз акаси билан маслаҳатлашиб кўрамиз, – деди у бош эгиб ўтирган ўғлига қараб. – Кейин жавобини айтамиз.

– Фақат илтимос, жавобини тезроқ айтинглар. Ҳам ҳужжатга ҳам пулга куйиб қолмайлик, – деди Зебо мулојимлик билан ва:

– Энди бизга рухсат, қани, бир дуо қилинг, – дея Нормат акага юзлаңди. – Биз ҳам турайлик, бир жойга борадиган эдик.

Ота нималардир деб пичирлаб, фотиҳа ўқиди ва қўллари билан офтобда қорайган, серажин юзларини силади.

Меҳмонлар фотиҳадан кейин қўзғалиб, то машиналарига ўтиргунларига қадар уларни кузатиб чиқсан Нормат ота ва Расулжонларга бир нарсаларни гапириб, тушиунириб боришиди.

Меҳмонлар келиб-кетгунча ҳам ўз хонасидан чиқмай, дераза тагида ташқаридаги гап-сўзларга қулоқ солаётган Гулбодомнинг юраги така-пука, гўё нотаниш йигитдан совчи келгану тақдири ҳал бўлаётган бўй қиздек ички бир титроқ билан тиззаларини қучоқлаб, жон ҳовучлаб ўтиради.

– Энди нима қиласиз? – меҳмонларнинг машинаси ўрнидан қўзғалиши билан Расулжон отасига юзланди.

– Бошим қотиб қолди, болам, – анчайин мунгайиб қолган ота ўғлиниңг қўзига жавдираб қаради. – Бунча пулни қаердан оламиз? Бермайман десак, ўргада лафз бор, одамгарчиликдан эмас. Бу, келган аёллар ҳам анча диёнатли, шекилли. Истаралигини экан...

– Таваккал боравер, дейсизми?

– Бошқа иложимиз ҳам йўқ, – ота чуқур хўрсинди, – пешанасида борини кўради-да, энди...

Сафар тадориги

Эртаси куни соат ўнларда кечаги «ташриф»нинг натижасидан хабар олгани келган Мадина билан Зебохоннинг ўғли Асадни чехраси гул-гул очилиб, яна ҳам гўзаллашган, қошларига ўсма, кўзларига сурма қўйиб, бир ҳуснига ўн ҳусн қўшилган Гулбодом хурсанд кутиб олди.

– Отам рози бўлдилар! – хушхабарни тезроқ етказмаса, меҳмонлар аразлаб кетиб қоладигандек, салом-аликни ҳам унутиб, суюнчилади машина овозини эшитиб югуриб чиқсан Гулбодом Мадинага пешваз чиқиб. – Боравер, дедилар!

– Жуда яхши бўлибди-да, – Мадина, бир дақиқа деди-да бежирим қўл телефонида кимгadir қўнғироқ қилди:

– Опа, оталари рози бўлибди боришига, нима қилай? – деб сўради. Кейин. – Хўп, хўп бўлади, – деб телефони-ни ўчириди-да, Гулбодомга юзланди. – Ҳозир биз билан виза берадиган жойга бориб, ариза ёзиб бераркансиз. Аризани хорижда яшаб, ишлайдиган опамнинг уйига бораман, деб ёзаркансиз. Мабодо, бирортаси сўраб қолса ҳам опаниз кореялик йигитта турмушга чиққанини, сиз унинг ёнига кетаётганингизни айтар экансиз.

– Хўн бўлади! Ҳозир уйга кириб, келин аямни огоҳ-лантириб чиқай, майлимни?

– Майли, – Мадина машинанинг олд ўринидигига ўтири-ди. – Фақат тезроқ чиқинг...

Бир неча дақиқада кийимини ҳам алмаштириб чиқсан Гулбодом машинанинг орқа ўринидигига ўтирас экан, «мана, кўриб қўйинглар, мен қанақа машинада кетаяп-ман» дегандек, атрофга зимдан кўз ташлади. Аксига яқин орада уни танийдиган бирорта одам кўринмас, борлари эса ўз иши билан овора эди.

Гулбодом Мадина билан дарров чиқишиб кетди. У қаерга деса бирга бориб, айтилган аризани ёзиб, қанча қоғозга қўл қўйди.

– Машинанинг борлига яхши-да, – деди, ишлари осон битаётганидан мамнун бўлган Мадина, – бошқа пайтда, машина бўлмаганда бу ишларни бажариш учун камидан икки куни вақтимиз кетарди.

– Иш битдими? Энди қаёққа юрамиз? – онда-сондаги-на гаига аралашниб, бошқа пайтда йўлдан кўз узмай, жим-гина юрган Асад сўради.

– Вой, шунча иш қиламизу индамай кетаверамизми? Энди бир оз тамадди қиламиз. «Анҳор бўйи» кафесига борайлик, зўр лағмон, чучвара қилишади, бир маза қилиб, тушилик қиламиз. Ҳа, айтгандек, яна битта асосий иш қолди, – у Гулбодомга юзланди. – Беш-олти кундан ке-йин отаңгиз ҳам «қизим чет элга боришига қарши эмас-

ман» деб тилхат ёзиб бериплари керак бўлади. Бўлмаса, ҳамма ишимиш чишикка чиқади. Уйга боргандга отанизга бу гапни айтинг, хўпми?

— Хўп, — деди Гулбодом «отам ёзиб берармикан», дея юраги увишиб.

Мадина қўярда-қўймай Гулбодомни қаҳвахонага етаклаб кирди. Асадни қанча қистаса ҳам «қорним тўқ» деб машинадан тушмади.

Икки жувон маза қилиб овқатланишгач, Асад яна Гулбодомни уйига элтиб қўйди.

Бугунги кун таассуротларидан Гулбодомнинг боши осмонда, фақат отаси тилхат ёзиб берип кераклиги эсига тушгандагина юраги бир сиқилиб қўярди.

Гулсаранинг изтироблари

Синглисининг раъйига қараб, уни бу мавҳум йўлдан қайтариб қўя қолмаганидан юраги сиқилиб, кўзига дунё тор бўлиб юрган Гулсаранинг қўнглига баъзан Асалойнинг қийқиришлари, ҳовлини бошига кўтариб, шовқин солишлари ҳам сифмай қолар, ўз мағфаатини ўйлаб, мана шу қизчага она бўлишдек бахтни қўлга киритиш йўлида ёлғиз синглисини чоҳга итараётганга ўхшаб, сиқилаверганидан кундан-кунга ранги ҳам синиқиб бормоқда эди. «Тавба, — дерди баъзан хаёлан, — бола шунака бўлар экан-да? Бир оғиз онам қани, қачон келади?», деб сўрамайди, хархаша ҳам қилмайди-я. Умри узоқ бўлгур, худди онасининг ўзи. Ҳатто баъзи қилиқлари ҳам онасига тортган. Бир кун келиб синглим «адашгаи эканман, болами қайтариб беринглар» десая? Унда нима қиласиз? Худойим, ишиқилиб, синглим ўзи айтгандек, яхши одамларнинг қўлига тушиб, бой-бадавлат бўлиб, бахтини топиб, яна фарзандли бўлиб кетсинда. Э, Художон, зора шу бегуноҳ, мурғак гўдакка берган меҳрим шарофати билан бизга ҳам фарзанд ато этсанг...

Хаёл уммонига фарқ бўлганича, дўмбоқ кучукчани гоҳ кўтариб, гоҳ судраб ўйнаётган Асалга қараб турган Гулсара эшикдан кириб келган эрини пайқамай ҳам қолди.

— Дадам, дадажоним келдилар! — Асалой тўсатдан қийқириб, дарвоза томонга юргургандагина ҳуши ўзига келган аёл ўрнидан туриб, этакларини қоққанича, эрига пешвоз чиқди.

— Ассалому алайкум, яхши келдингизми? — оғир хаёллари таъсирида чиқа олмаган аёл эрини хомуш қарши олди.

Аслиддин хотинининг саломига алиқ олди-ю, қучогини кенг очиб, Асалойни даст кўтарди ва қизариб кетган муздек юзларида ўпиб, кейин чўитагидан бир дона олма билан мандарин чиқариб берди.

— Ҳа, онаси, машқинг настроқ, тузукмисан? — ана шундан кейингина хотинига эътибор берди у. — Ё мазанг йўқми?

— Йўқ, яхшиман, — аёл зўраки жилмайди. — Юринглар, энди уйга кирайлик...

Кечки овқатни сб бўлар-бўлмас ҳовлида, тоза ҳавода ўйнавериб, чарчагац, иссиқ уй ичида бўшашибган Асалой мудрай бошлади. Гулсара уни жойига олиб кириб, ётқизиши билан қизалоқ пишиллаб уйқуга кетди.

— Қани, энди, бақамти ўтириб гаплашайлик, — Аслиддин ёнбошлаб ётган жойидан туриб ўтириб, хонтахта ёнига аста ўтирган хотинига юзланди. — Нима гап ўзи? Нега рангинг кундан-кунiga ўзгариб кетяйти? Ё мени билмаган бирор гап бўлдими? Синглинг Асалойни олиб кетаман, деялтими?

— Ҳеч гап йўқ, — Гулсаранинг киригига илингани ёшлиари дув тўкилди. — Тинчлик...

— Унақага ўхшамаяпти-да. Ё мендан гап яширадиган бўлиб қолдингми? Бунақа одатинг йўқ эди-ку?

Орада ўтган тинч-тотув йиллар давомида бир-бирига суюниб қолган эр-хотининиг орасида сир ётмасди. Айниқса, Гулсара келин бўлиб тушганига уч йил тўлгач,

қайионаси – ўз онасидек бўлиб, бир-бирига суюниб қолгани Рисолат опа бир ҳафтагина ётиб, ўлими олдидаи ўғлига келинини хафа қилмаслик, кўнглига қараш, асраб-авайлаш ҳақидаги васиятларидаи кейин шундай ҳам ёлғиз фарзаңд бўлган Аслиддин хотинининг том маънодаги суюнчиғига айланган, усиз бир кун ҳам чидай олмайдиган, кўрмаса, туролмайдиган бўлиб қолган. Хотинининг бир қарашиданоқ нима демоқчилигини билгандек, Гулсара ҳам унинг раңг-рўйиданоқ ичидагини англайди. Шу боис ҳам хотинининг ич-этини еб, ўзини азоблаётган дардини айтмаётгани Аслиддинга ғалати туйиляпти.

– Сиздан бирор марта гап яширганманми? – жувон эрига ёшли кўзларини қадади.

– Яширмагансац, албатта. Бунига ҳожат ҳам йўқ. Лекин кейинги кунларда сенга нимадир бўлаётганини кўриб, билиб турибман, ахир. Атай индамасдан, оғзингни пойляяпман. Сен эса ёрилай демайсан. Ё?... – Аслиддин синовчан тикилди. – Қизимиз қийнаб қўйяптими?

– Йўғ-е, – Гулсара унинг фикрини бўлишга шошилди.

– Нега қийнайди? Бир яхши ўйнаб, қайтана мени овутуб юрибдику?

– Бўлмаса, нима?

Гулсара бош эгиб бир оз тараддуланиб тургач, кўнглини эзиб турган гумонларни – чет элга кетмоқчи бўлаётган синглисининг тақдиридан хавотирларини ганириб берди.

– Сенинг гумонларингда ҳам жоп бор, – унинг гапларини диққат билан тииглаган эри салмоқлаб, гап бошлиди. – Хорижга бориб, анча-мунча балоларга йўлиқаётганлар ҳақида мен ҳам баъзи гапларни эшишиб турибман. Лекин Гулбодом аниқ одамлар билан кетаяпти, бирор ёмонлик қилмоқчи бўлган одам телефон рақамигача берармиди деяётган эдинг-ку?

– Тўғрику-я, лекин... негадир кўнглим фани, ичимга чироқ ёқса ёришмайди. Худди унга бир кор-ҳол бўлади-

гаңдек, – Гулсара яна йиғига эрк берди. – Отам «бормайды» деб сүзидан қайтган экан, анави аёл «хұжжат тұғрилашын» катта пул сарфладим, үшапи қайтарынг», депти. Отам иоплож, яна рози бўлибди.

– Гулбодомниңг ўзи нима дейди?

– Нимаям дерди? У ҳам ҳардамхаёл бўлиб юрибди-да.

– Онаси, хафа бўлмагин-у, одам уйидан икки-уч кун нари кетса юраги увишади-ю у-ку чет элга отгланяпти. Үшанчуп кўнглиниг фаш бўлаётган-да. Бундай қилма, мана, қанча одам чет элга бориб-келиб, савдогарлик қилиб, соғ-саломат юрибди. Бўлар-бўлмасга сиқилаверма. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади. Бу гапларингни эслаб, куласай ҳали бир куни...

– Илоё, айтганиңгиз келсии! – Гулсара кўз ёшлари аралаш жилмайди. – Биласиз, онамдан кейин опа-сингилил бир-биримизга суюниб қолдик. Шунгами, ҳар томонни ўйлаб, сиқиламан-да. Худди қанотим қайрилиб қолаётганиг ўхшайди...

– Узатиб юборганимизда нима бўларди? – кулди Аслиддин.

– Уни йўриғи бошқа-да. Унда нари-бериси билан шу яқин атрофда бўларди.

– Ҳай, майли. Қаерда бўлса ҳам баҳтли бўлсин!

Тилхат

Нормат ака қарз балоси нима эканлигини яхши билади. Ўғлини уйлаш арафасида «кўрпамга қараб оёқ узатаман» деганига қўймай, уч-тўрт оғайниси «Э, пешонангда биттагина ўғлинг. Шуни ҳам кичикроқ тўй қилиб, уйлайсанми? Ахир, ўғлинг ўксимайдими «отам тузукроқ тўй қилмади» деб? Қурбинг етмаса, мана биз бормиз. Үлар жойда эмасмиз. Пул керак бўлса – мана, биз берамиз. Ҳеч нарсани ўйлама, ҳовлида тўй қилишга бало борми? Ҳозир ҳамма ресторонда тўй қилади. Сен ҳам шаҳарпинг энг номдор ресторанида, энг машҳур санъаткорларни чақи-

риб, бир түй қилгинки, дүстларниң қувониб, душманларинг күйиб үлсии», дея тинчлик бермади. Охири у ҳам «Дүстларим-ку, мени үйлаб, шу гапларни гапирыпти-да. Майли, шуларни айтганини ҳам қиласай, кейин хафа бўлиб юришмасин», деган хаёлда уларниң берганини олиб, етти маҳаллага ош бериб, бир түй қилдики, баъзи одамлар ҳозир ҳам эслаб, оғизларидан бол томиб, гапиришади. Лекин ўша одамлар билмайдики, тўйдан икки ҳафта ўтмаёқ қўярда-қўймай, «топганингда қайтарасан» дея қарз берган ошиларидан бири «ошна, узр энди, қиз узатидиган бўлиб қолдим» дея қарзни қайтаришини сўраб келганини. Унинг пулини амал-тақал қилиб, айтилган муддатда қайтаргунча, она сути оғзидан келган. Унга пулни санаб берган куни кечқуруп япа биттаси, кейинроқ яна бошқа ошилари нулини қистаб, эшигининг турумини бузай деганилари-чи? Янги туштап келинининг олдидаги юзини сидириб, рўзғорга пул тополмай, қотган ион бурдаларини етап пайтлари бўлган. Ана шу қарзлар туфайли «инфаркт» деган балога ҳам йўлиқиб, бир үлимдан қолди. Ўшандаги ҳам кўзини очгадан хаёлига келган бириничи ўй «наҳот қарзимни узолмай, ўлиб кетсан?» дегап гап бўлган. Худога шукр, ўғли ёнига кириб, кечакуидуз тиним билмай ишилади. Қарзларини узди. Лекин ўша «мехрибон» дўстлари билан юзқўрмас бўлиб кетди. Улар бир неча марта ялтоқланниб, яна дўстликларини тикламоқчи бўлишди. Лекин у рўйхушлик бермади. Дўстлари туфайли бошига тушган кунларни унугтмади, унугта олмади. Уларниң «дўст»лигидан ҳам қўл ювиб, бирорвга қўшилмайдиган одамови, тунд инсонга айланди. Қурилишга ишга боради – кўнглини кемираётган азоблари аригандай бўлади. Ишдан келади – набираларининг қийчуви ҳам қулоғига ёқмай, каталакдек хонага қамалиб олиб, бирнас телевизордаги кўрсатувларни томониңа қиласаи бўлади-ю қоровуллигига жўнайди. У ерда қушлардан аввал уйғониб, яна иш тадоригини кўради. Ҳуллас, ҳар куни аҳвол шу. Ҳатто қизи ким биландир топишниб,

ўшашга тегадиган бўлганди ҳам раҳматли хотинининг қистови билан кичкина тўйча қилиб берди – вассалом. Күёви ҳалок бўлиб, қизи қўлида гўдаги билан қайтиб келганида ичидан нималар ўтганини бир ўзи-ю бир Яратган билди. У «қизим баҳтсиз бўлибди» деб эмас, ориятдан куйди. Чунки қизини келин қилишини орзу қилғанлар борлигини биларди, лекин бир марта ошия-оғайнинг ишониб, қалби зада бўлгани боис, уларнинг қуда бўлиш ҳақидаги тагдор гапларни ҳам сезмагандек, тушуумагандек тутарди ўзини...

Майли, қуёвнинг умри қисқа экан. Энди, қизининг сафарга отланиб қолгани кутилмаган ҳол бўлди унинг учун. Умр йўлдошининг ўлимидан, дўстларининг бурдисизлигидан куйган ота ўзи билан ўзи бўлиб, бева қизига тузук-қуруқ муомала ҳам қилмаётганини энди-энди тушина бошлаганди. Анави аёлларнинг гапига бир ишониб, бир ишонмай, «қизимни хорижга юбормайман» деган фикрга келганди Зебонинг «қилған сарф-харажатларимизни тўлайсиз» деб, от эшигса ҳуркадиган миқдордаги пулни талаб қилишини унинг эндигина қарз балосидан қутулиб, тикланниб келаётган қаддини яна бирдан букиб қўйди. Унда бунча пул йўқ эди, бунча пулни қарзга берадиган ҳотамтойлар ҳам йўқ эди. Шунинг учун қалби «юборма!» деб бўзлаб турган бўлса ҳам ичидан ўтганини бирорга билдирамай, қизини хорижга кетишига рози бўлишдан бошқа илож тошмади...

Гулбодом остона ҳатлаб, ҳовлига кирди-ю отасига рўбарў бўлиб, шошилиб салом берди.

– Қаерда юрибсан? – ота алик олиш асносидан беихтиёр қизига савол берди.

– Отажон... Мадина опа билан бирга қандайдир идораларга бориб, аризалар ёзиб, топширдик.

– Ишларинг битдими? – Ота аслида «ҳужжатларининг тайёр бўлдими?» демоқчи эди, тили бормади.

– Битиб қолди. Фақат... – Гулбодом тараффудланиб, отасига ботинмайроқ қаради. – «Қизимнинг чет элга бо-

риб, ишлашига розиман» деб сиз ҳам тилхат ёзиб, қандайдир қоғозларга имзо қўйинингиз керак экан, – кейин тўсатдан хаёлига келиб қолган ёлғонни тўкиб солди. – Ўшанда менинг чет элдан уйга пул жўнатишим осон бўларкан...

– Оббо, ўша тилхатини аканг ёзиб берса бўлмас эканими? – отанинг серажин пешонаси тиришиди.

– Йўқ, фақат сиз, ўша ерга бориб, ёзиб беришингиз керак эмиш. Қоидаси шунаقا экан.

– Қачон ёзишим керак экан?

– Эртага.

– Майли, эрта бўлаверсии-чи, бир гап бўлар.

– Хўп.

Кўнглига ёруғлик тушган қиз уйга, миясида яна минглаб хаёллар ғужғон ўйнай бошлаган ота эса кўчага йўл олишди. «Хайрият-эй, отам тихирлик қилмасдан, рози бўла қолди», дея Гулбодомнинг кўнгли ёришган бўлди. «Отанг тилхат ёзиб берсан дебди. Майли. Ёзиб ҳам берай, лекин шу билан ўз боламни ўз ихтиёрим билан бир балога йўлиқтириб қўймасмикинман», деб ўйларди ота. Йўғ-е, учаликмасдир. Ахир, мен тилхат ёзиб берадиган идорадаги одамлар ҳам розилигимни бекорга сўрашмаётгандир. Зебо уни ёмон йўлга бошлайдиган бўлса, чet мамлакатга «қонуни-қоидани бузмайлик» демасдан, имижимида, бир йўлини топиб, олиб кетарди-да. Демак, у ҳақиқатган ҳам ёмон ийтда эмас.

Эргаси кун Нормат ака Асаднинг машинасида қизи ва Мадина билан бирга керакли жойга бориб, уларнинг айтган тилхатларни ёзиб берди.

Туш таъбири

... Гулбодом ҳамма ёқда дала гуллари чамандек очи-либ, ранг-бараиг калалаклар гулдан-гулга қўниб-участган ям-яшил ўтлоқда югуриб, кимнидир қидириб юрган эмиш. Лекин кимни, нима учун қидираётганини ўзи

билмасмиш-у, юрагида ғалати бир оғриқми, нотинчликми, то үша, қидираётганини топмагунча тұхтамаслигини үзи билармиш. «Асални қидиряпманми?», дер эмиш үзига-үзи тизза бүйи яшил үтлару бир-бирига чирмашиб кетган гуллар орасини пайпас slab. – У, ахир, опамнинг уйида-ку? Опамними? Негаям уни қидирай, ҳозир ундан баҳтли одам йўқ. Энди опам Асалнинг онаси...

Шу пайт қаршиисида оппоқ, енги узун кўйлак устидан қора пимча кийиб олган онаси пайдо бўлибди. Унинг қопқора, узун соchlари ёйилган, кўзлари фамгин эмиш.

– Онажон шу ердамидингиз? Нега уйга қайтмайсиз? Онажон! – дея у онасининг қучофига отилмоқчи бўлибди. Лекин онаси кенг енгларини ҳилпиратиб, қўлини чўзибди-да, уни үзидан четлатиб, қўли билан яшил үтлоқ ўртасини кўрсатибди. Гулбодом ўгирилиб қараса, онаси кўрсатган томондан, үтлар орасида бешик турганмиш. «Ҳа, шуни қидираётган эканман-да» деган ўй билан аста бешикка яқинлашиб, қараса, ичиде отаси ётганимиш.

– Вой, тавба, онажон, отамининг қилифини қаранг, – дея онаси турган жойга ўгирилиб қарабди. Онаси жойида йўқ, у турган жойдаги яшил үтлару чиройли гуллар куйиб, қорайиб кетганимиш...

– Онажон! – Гулбодом жон-жаҳди билан бақириб, йифлай бошлади. – Сиз ёниб кетдингизми, она-а-а!...

Ўз овозидан үзи уйғониб кетган Гулбодом сапчиб, ўриидан турди-ю, беҳол яна ўрнига қулади. Унинг кўзлари ёшли, юраги қинидан чиқиб кетгудек урар, кўз олдидан онасининг гоҳ фамгин кўзлари, гоҳ узун енгини ҳилпиратиб, уни үзидан итариши, отаси бешикда ётган томонни кўрсатиши, онаси турган жой куйиб кетгани, кетмасди.

Тавба, бу нима, қандай синоат? Онаси ундан хафамикан? Хорижга кетаётганимдан норозимикан? Унда нега отаси бешикда ётибди? Үзи нимани қидираётган эди?

Гулбодом кўрган туши таъсирида миңг хил хаёл билан туннинг қолган қисмини бедор ўтказди. Тушини қан-

дай таъбирлашни билмас, ҳаммадан ҳам ёши етмишга бориб қолган отасининг нега бешикда ётганига ақли етмай, боши қотарди.

Тонг ёришгандан тушкун кайфиятда ўрнидан турган жувоннинг муздек сувда бет-қўлини ювиб ҳам кўнгли ёришмади. Нонушта тайёрлаб, нафақага чиқиб, мактаб қоровуллигини олган отасининг ишдан қайтишига ярим косагина мастава пиширди. Кечаси учқунлаб ўтган қордан ҳўл бўлиб қолган ҳовлидаги ҳалқобларни супуриб, ўзича ҳовлини тартибга келтириди.

Ўйлаганидек, отаси совуққа қотиб келди-ю, қизи пиширган овқатни қатиқлаб ичиб, тепасидан қайноқ-қайноқ чой ҳўплагандан кейингина ичига иссиқ кириб, сал ўзига келди ва:

– Бир оз дам олай, – дея ўзининг хонасига йўл олди. – Сен ҳеч ерга бормайсанми бугун?

– Билмадим, – кўзига отаси бешикда ётган ҳолати кўриниб, бирдан кулгиси келган қиз ерга қаради. – Зебо она «керак бўлиб қолсанг, уйингга ўғлим билан Мадина боради» деган.

– Ҳа, майли, – отаси чопонига ўралганича, нарироқда мунифайиб турган хонасига йўл олди. Гулбодом кулимсираганича, хонасининг остонасига уни кузатиб қолди.

«Нима қилсам экан? Бозорга бориб, ўзимга у-бу нарса харид қилаймикан? Бирор жойга борганде кийиб борадиган анови, сарпомдаги пальто ҳам анча уриниб қолган. Этигим сиртдан янгидаи бўлса ҳам ёмғир ёғса, сув ўтади. Қалинроқ кўйлак, жемшер ҳам олишим керак. Йўқ, олмайман. Хорижга борсам, олган ойлигимнишг бир қисмини уйга, отамга жўнатаман-да, озгинасини қолдириб, қолганига кийим-кечак оламан», унинг хаёли яна кўрган тушига кетди. – Нимайкин-а, бу? Кимдан сўрай тушимнинг таъбирини? Келин аямга айтсам, дарров ёмонликка йўяди. Опамникига борсам, бу ёқда қидириб қолишлари мумкин. Қўшнимиз Сарви холага айтсам-чи? Э, йўқ, у бутун маҳаллага ёяди. Уфф, дардимни айтадиган яқин-

роқ одамим ҳам йўғ-а. Ё... ё бормай қўя қолсаммикин ўша томонларга? У ерда мени қариндош-уруфим бўлмаса. Ўз туғилган жойимда дардимни эмас, тушимни айтадиган одамим йўғу, у ерларда... Ё машина-пашина уриб кетиб... Тавба, тавба, Худойим, ўзинг асрар! Энди бўлар иш бўлди, пешанамдан кўрдим. Онам раҳматли «тушга нималар кирмайди, душман нималар демайди» дер эдилар. Туштушида, шунга ҳам минг ёқни ўйлаб, сиқилиб юраманми? Бошга тушганин кўз кўради!

Гулбодом шундай хаёллар билан ўзини овутиб, ўрнидан турган ҳам эдики, дарвоза тақиллаб, орқасидан машинанинг таниш сигнали эшитилди.

«Яхшиям бозорга кетвормаган эканман», – дея ўйлаганча, Гулбодом «ҳозир» дся овоз бериб, дарвоза томон йўналди.

– Эртага соат саккизга тайёр бўлиб турарканисиз, – доимгидек чиройли бўяниб, бежирим кийинган Мадина салом-алиқдан кейин гапни қисқа қилди. – Фақат ўзингизга зарур нарсаларни оларканисиз. «Юкни кўпайтирмасин, кийим-кечакни ўша ёқда оласизлар», дедилар Зебо опам.

– Хўп, шундай қиласман, – дея машинага ўтираётган Мадина билан хайрлашаркан. – Тавба, Зебо опам менинг хаёлимдагиларни ўқигандай-а, – деб қўйди ўзигаузи.

Вақт пешин бўлмасдан опаси, поччаси ва Асалой кириб келишди. Тушимда онамни кўрганим буларнинг келиши экан-да. «Тушида ўлик кўрган тирик кўради деган гап тўғри экан. Худди кетишимни билгандай келишди-я». Азиз меҳмонларига пешвоз чиқар экан, Гулбодомнинг хаёлидан шу гаплар ўтди.

Хайрлашув

Сафар олдидан отаси, акаси, опа-ю поччаси ҳам тонг отгунча суҳбатлашиб, Гулбодомга панд-насиҳатлар қилиб ўтиришди. Қайнинглиси ота-бобоси кўрма-

ган юртларга ростдан кетаётганига эндигина амин бүлган келин аяси ҳам гоҳ панд-насиҳатларга қўшилиб гоҳ чой дамлаб, овқат пишириб, баъзида кўз ёши қилиб, тоиғгача тинчимади. Фақатгина Асалой билан Аҳорогина дунё ишларидан бехабар, пишиллаб ухларди.

Гулбодомнинг унамагапига қарамасдан келин аяси «йўлда еб кетасиз, у ёқларда кўзингизга тўтиё бўлади» деса қўймасдан ёғли патир ёпиб, ундан олтитасини, унинг ёнига ёнғоқ, анор, бодом қўшиб, каттагина тугунча қилиб, йўлга олиб кетишга тайёрлаб қўйди. Поччаси билан акаси бир даста пул беришди: «йўлда асқотади» деб. Гулбодом уларнинг кўзини шамғалат қилиб, пулнинг кўпроқ қисмини қўярда-қўймай, отасининг костюмининг чўнтағига солди.

– Отажон, менга Зебо опам йўлкира тўлайди, Мадина «маош олгунингча ёрдам бераман» деган, – деди пулни олишдан бош тортган отасига.

– Ишқилиб, у ерда қийналиб юрмагин-да, – отанинг кўзлари намланиб, овози ўзгарди. – Ўзингга ҳушёр бўл, ёмонларга қўшилма, дуч келган ишга қўл уравермай, бошлиғинг айтган ишни қил, тўғри юр. Ҳафтада бир бўлса ҳам қўнғироқ қилиб тур. – Ота бир ҳафта олдин ўрнатилган телефон аппаратига имо қилди, – Анавининг уч ойлик пулини олдиндан тўлаб қўйганимай. «Пул то-пияман» деб ўнту сўлинигга қарамай, сарфлайвермагин. Шаҳарга ёлғиз чиқмагин. Яхши қизлар билан дугона бўлиб, ўшалардан ажралмагин. Шартнома муддати ту-гаши билан қайтгин.

Отаси яна кўп гапларни гапирди. Гулбодом унинг гапларини жимгина тинглаб турган, бош силтаб, маъқуллаётган бўлса ҳам кўз олдидан ўтлоқ-гулзор ўргасида отаси бешикда ётгани кетмай, юраги тобора увишиб бормоқда эди...

Белгиланган вақт етиб, кўчадан машина овози эши-тилганда йўл тараддуди тугаган, ҳамма сафарга чиқаётган жигаргўшасининг атрофида парвона, у эса яқинда-

гина уйқудан уйғониб, күзларини ишқалаб ўтирган қиз-
часининг эгнига куни кече ўзи сотиб олган чиройли коф-
тани кийгизиш билан овора эди. Ўтган бир-икки ой ичи-
да туққан онасини «хола» дейишігэ ўрганган Асалой эса
«холаси» олиб келган қип-қизил, чиройли гуллари бор
кофтанинг ҳали гулларини, энди капалакларини ушлаб
күрар, «киймайман» деб хархаша қиласы.

– Құявер, энди, кейинроқ үзим кийдириб құяман, – деди
опаси машина овозини эшишиб, шошилаётган синглиси-
га. – Кейин үзим кийдириб құяман.

Ноилож қолган Гулбодом қизининг йиғлаганига ҳам
қарамай, маңкам бағрига босиб, юз-күзи аралаш ўпди.
Отаси оқ йўл тилаб, дуо қилгач, ҳамма жойидан қўзғал-
ди: бириичи бўлиб, акаси билан келин аяси унга атал-
ган тугунларни кўтариб, кўчага, машина ёнига чиқиб
кетишиди.

– Оббо, Зебо опам «ҳеч нарса олмагин», дегандилар-
ку, булар нима? – деди Мадина чиройли қошларини чи-
мириб.

– Нои, ўргилай, патир, ёнғоқ дегандай, – келин тугун-
чаларни машина юхонасига жойламоқчи бўлган эрига
юзланди. – Орқа ўриндиққа қўя қолинг, патирларга бен-
зин ҳиди урмасини.

Дарвозада иссиққина кийиниб, жун рўмолни ияги ос-
тидан боғлаб олган Гулбодом, унинг отаси, опаси ва поч-
часи кўринди. Улар кўчага чиқиб ҳам кўз ёшлари юзини
юваётган Гулбодом билан яна қайтадан хайрлашдилар.
Ота яна дуога қўл очди.

Кўзлари жавдираган жувон худди кимдир мажбурла-
ётгандек, машинанинг орқа ўриндиғига чиқа бошлади.
Худди шу пайт:

– Она, онажон! – дея жон-жаҳди билан чинқириб юбор-
ди Асалой. У юпунгина кийимда, оёқ яланг югуриб кел-
моқда эди. – Онажон! Онамга бораман! Кетманг, она...

Гулсара юрганича бориб, қизчани кўтариб олди.
Лекин у жон-жаҳди билан юлқиниб, унинг қўлидан

чиқмоқчи бўлар, «онажон» дея Гулбодомга интилар эди: гўдак қалби ҳақиқий онаси мавҳумлик томон йўл олганини сезаётганди, чофи...

Ҳеч қачон унутмайман

Енгил машина равон йўлда елиб, орадан бир неча соат ўтгач, пойтахтга етиб келди. «Шаҳар» аталмиш собиқ қишлоқда – туман марказида ўсиб улғайгац, умрида ўз шаҳридан нари чиқмаган Гулбодом, гарчи бу жойларга етиб келгунча атрофни томоша қилиб, табиат манзара-ларидан ҳайратланиб келган бўлса-да, бири-биридан чиройли баланд-баланд уйларни, қадамида ёниб, гоҳ у томондан, гоҳ бу томондан келаётган сон-саноқсиз машиналарни бир неча дақиқа тўхатиб, бошқа машиналарга «йўл бўшатаётган» йўлчироқларни, кўчаларни тўлдирган ранг-бараанг кийимли, бирининг иккинчиси билан иши йўқ, қаёқларгадир шошилаётган одамларни кўриб, оғзи очилиб қолди. У гоҳ у, гоҳ бу ҳашаматли биноларга ажабланиб қарап, унинг қанақа жойлиги, одам яшаш-яшамаслигини, унинг энг баланд қаватларига қандай чиқилишини – хуллас, ўзини қизиқтираётган ҳамма нарсани сўраб, билгиси келарди.

– Оббо, мунча сўрайверасан, роса эзма экансан-ку, – деди охири жаҳли чиқиб Мадина. – Сўрайвермагин, ҳали ҳаммасини ўзинг билиб оласан.

Шу билан Гулбодомнинг уни ўчди. Лекин у типирчи-лаб, ҳамон йўлдаги мўъжизакор бинолар, фалати кўприклиар, чиройли кесилган дарахту буталар, бири-биридан ажойиб одамлардан кўз узмай, атрофни томоша қилиб келарди.

Ниҳоят, машина кўп қаватли уйлардан бирининг йўла-ги ёнига келиб тўхтади. Ҳаммалари машинадан тушишиди. Асад билан Мадина олдинда, тугун кўтарган Гулбодом уларнинг ортидаи ичкари киришди. Тўрт-бешта зина-дан кўтарилгач, рўпарадаги фалати кўк эшик қаршиисига

келиб, тұхташди. Асад дөвөрдаги кичкинагина тұгмачаны босған зди, эшик иккі тарафға «тортилиб» очилди.

– Бу – лифт, – деди Асад Гулбодомға қараб, үзи чөрөққина хона ичига киаркан. – Умрингда күрмаган бұлсанғ керак? Қани, кир.

Гулбодом құрқа-писа Асад ва Мадинанинг ортидан лифтта кирди. Улар кирған «хона» бир силкинді-ю овозсизгина жойидан құзғалди. Гулбодом нима бұлаётганини тушуниб етгүнча, лифт керакли қаватта етиб, тұхтади.

Лифтдан чиқылғач, ранг-кути ўчиб кетған Гулбодом саросима билан атрофға аланслагунча Мадина кичкина бетон майдончанинг ўнг томонидаги қора темир эшик құнғироғининг тұгмасини босди. Ҳеч қанча үтмай, эшик овозсиз очилиб, ичкаридаи этажи ерга теккудай гулдор халат кийиб, соchlарини елкасига ёйиб олған Зебо күриңди.

– Келдингларми? – у эшикни катта очди. – Қапи, мархамат, кирақолинглар. Гулбодом, қизим тортинманг, кириңг.

Гулбодом ичкари киргач, тараддулдланиб, жойида туриб қолди. У йұлакда турғанича, қаршисидеги бүй баробар атрофи жимжимали ойнага, оёқ остидаги чүфдек гиламчага, нақшинкор кийим шкафи-ю майин нур таратиб турған шокилали қандилга – ҳамма-ҳамма томонға ҳайрат ва ҳавас билан бирма-бир аланслагаб, устидаги урфдан қолған пальтоси, оёғидаги келинлигіда кийилиб, ҳали бирор марта мой күрмаган қүнолгина этигини ечиши ҳам упнутиб, серрайиб турарди. Мадина билан Асад аллақачон устки кийимларини ечиб, оёқтарига пахмоқ шинпакларни кийганча, меҳмонхонага кириб, юмшоқ диванга жойлашиб олишган, үzlари олиб келған жувонининг апрайиб туришидан кулганча, бир-бирларига у ҳақда пичинг гап отишарди.

– Ҳа, нега туриб қолдингиз? – ниҳоят Зебо тилга кирди. Умрингизда күп қаватли уй күрмагансиз шекилли, а?

– Қаердан күрсін? – ичкаридан Асаднинг култиси эши-тилди. – Буларнинг шаҳарларида бунақа уйлар йўқ-ку?

Зебо Гулбодомнинг пальтоси, пахмоқ рўмолини ечишига ёрдам берди. Кейин уларни шкаф ичига илиб:

– Этигингизни ечиб, манавини кийиб олинг, – дея оёғи остига уринганроқ шиппак ташлади, – кейин мана бу ёққа, ҳаммомга кириб, қўлларингизни ювиб чиқинг. – У овозини насайтирди. – Мана бу хона – ҳожатхона. У ерга кирганингиздан кейин...

Зебо кўп қаватли уйда яшаш тартиб-қоидасини эринмай тушунтируди. Гулбодом ҳам унинг гапларини диққат билан тинглаб, қаерда нима борлиги-ю, нимани қандоқ ишлатилишини уқиб олди. «Ҳали у ёққа борсам, у ерда ҳам мана шунақа уйлар бўлса, кулги бўлмайин», деган хаёлда Зебо опасининг ўгитларини жон қулоғи билан тинглади у.

– Манави сочиқ сизники, – Зебо унга эскироқ бўлса ҳам хушбўй ҳид келиб турган чоғроқ сочиқни узатди. – Манави совун, тиш чўткаси, пастаси, шампун сиз учун. Бир оз дам олиб, кейин яхшилаб ювиниб чиқасиз. Бугун уйда дам олиб, эртага бозорга бориб, сизга янги кийимкечак оламиз. Чет элга уринган кийимда боришингиз яхши эмас.

Гулбодом унинг бу гапидан уялиб, бошини қуи солган бўлса ҳам янги кийим олинишидан юраги така-пуга бўлди. Чунки янги кийимга етадиган пули йўқ эди.

– Мен... мени пулим...

– Пул ҳақида гапирманг, – Зебо унинг нима демоқчилигини англаб, жилмайди. – Кийимга пулни мен тўлайман. Ишлаб, узилиб кетарсиз.

Кўнгли жойига тушган Гулбодом ҳаммомга кириб, иложи борича сувни шариллатмасликка уриниб, Зебо опаси берган совундан юз-қўлини ювди, эндиликда ўзўзиники бўлган хушбўй ҳидли юмшоқ сочиққа артиниб, нарсаларини кўрсатилган жойларга қўйди. Тиниқ ойнага қараб, соchlарини тартибга солиб, дуррачасини қайта

ўради. Ойна остидаги тагликка териб қўйилган турли хилдаги ранг-баранг шиша-ю пластмасса идишларга бир оз тикланиб тургач:

– Менинг ҳам шунаقا уйим, шунга ўхшаган ҳаммом ва пардоз буюмларим бўлади! – деган ўйни хаёлидан ўтказганча «ассалом» дея меҳмонхонага кириб бораркан, бу срдаги ҳашамдан тамоман эсанкираб қолди. Чунки бунаقاңги антиқа мебеллар, уларнинг ичидаги товланиб турган биллур идишлар, айниқса, боссанг, оёғнинг ботиб кетадиган фалати гулли гиламлар, ҳашаматли дивану стол-стуллар, саңдиқдек келадиган телевизор, фалати товланиб турган ҳарир пардалар, Гулбодом умрида кўрмаганига эмас, борлигини тасаввур ҳам қилмаган бебаҳо, иодир буюмлар...

– Киринг, нега тўхтаб қолдингиз? – Зебо Гулбодомни ичкари етаклаб, суюнчиғи баланд, ўринидигига ўхшаган юмшоқ мато қопланган оғир стуллардан бирини суриб, жой кўрсагди. – Қани, ўтиринг, ҳозир овқатланамиз. – Гулбодом ўтиргач, ошхона томонга қараб. – Ҳой, Сайёра, овқатларингни олиб келавер, – дея овоз берди.

Нозик қадди-қоматига ёпишган кийими ўзига ярапи-ган, олдига оппоқ пешбанд тутган ёшгини аёл индамай кириб, стол устига дастурхон ёзди. Кейин катта-кичик ликоплар, киши бошига ялтироқ санчқи билан қошиқ, пичноқчаларни ликоплар ёнига расамади билан қўйиб, уларнинг олдига кичик сочиқлар, узун фужерларни қўйиб бўлгандан кейингина тўртта косани битта патнисда кўтариб кирди-да, патнисни бир четга қўйиб, ундан косаларни битталаб олганича олдин Зебонинг, кейин Мадина ва Гулбодомниг рўиараларидағи чети зарли тақсимчаларнинг устига қўйди. Охирида Асадга на-вбат келди.

«Тавба, шунчалик бой одамнинг уйида ҳам ярим ко-садан суюқ овқат бериларкан-да. Бу овқат ичакка юқ ҳам бўлмайди-ю. Ичидаги қиймаси данакдек-данакдек келади-я».

Гулбодом шундай хаёллар билан мазали овқатни тортишиб, ярмисини аранг ичди. Хизматкор идишларни йифиб олиб, тилимланган номидор ва бодринг, ошкўк билан безатилган икки донадан котлет солинган тақсимчаларни кўтариб кириб, яна аввалги тартибда стол устига қўйиб кетгач эса унинг ажабланиши баттар кучайди. «Мана шундай қилиб, бўлиб бергандан битта лаганга солиб олиб келса-ю, ҳамма ўзига керагини олиб сайди-я. Одатлари ғалати экан»...

Зебоининг Гулбодомга қаратга «уялмасдан олаверинг, энди сиз ҳам шу уйнинг аъзосисиз» деган ганидан гашқари овқат пайтида деярли ҳеч ким ганирмади.

Овқатланиб бўлишгач, идиш-говокни йиғиштираётган Сайёрага ёрдам бермоқчи бўлган Гулбодомга Зебо опаси:

– Сиз жим ўтиринг. У ўз вазифасини бажарайнти. Шунинг учун ҳақ олади, – дегандан Гулбодом унинг хизматкор эканлигини англади. «Бечора, шу тарзда кун кўрса керак-да. Болалари бордир, уларни боқишига қийналар...» Гулбодомнинг хаёлига «лоп» этиб қизи келди. Юраги зирқираб, бошига оғриқ кирди. «Ҳа майли, Худо хоҳласа, мен ҳам Зебо опамга ўхшаб, бойиб кетсам, балки опам билан бирга яшармиз (у «опамдан қизимни қайтариб оламан» деб ўйлашга уялди). Ўшанда қизим ҳам Мадинага ўхшаб, нўрим кийиниб, шаҳарда яшайди, институтда ўқиыйди. Мен эсам Зебо опамга ўхшаб қўлимдан ҳамма иш келадиган, бошқаларга ёрдам бериб юрадиган аёл бўлама!».

– Намунича хаёл суриб қолдингиз? – Гулбодом Зебоининг тўсатдан берган саволини англамай, қизарди. – Кўп ўйланаверманг. Ҳали ҳаммаси олдинда. Сизга ўхшаган гўзал қизлар Дубайдагу ичидагу сузиб юради. Мана, мени айтди дерсиз, бир кун келиб шунақангига бой-бадавлат бўлиб кетасизки... Ўшанда мени танимай қолмасангиз бўлди, ҳўими?

Гулбодом унинг ганига жилмайиб, жавоб берди: Ҳеч қачон сизни унутмайман!

Дарвоқе, ҳақиқатдан бу «меҳрибон» аёлни бир умр унутмаслигини, уни унүтиш мумкин эмаслиги сабабини Гулбодом ҳали билмасди. Шунингдек, у опасининг «Дубай» деган сўзига ҳам уччалик аҳамият берганий йўқ. Унинг фикри-хаёли бўлғуси ҳасти, яъни келажакда қандай яшаш орзузи билан банд эди...

Йўлда

Тоиг саҳарда уйқудан туриб, уй юмушларини қилиши, ўзи айтмоқчи «хизматга» бориб-келишга – ҳамиша ҳаркатда бўлишга ўрганган Гулбодом доимгидек эрта уйғонди-ю, бошқаларни уйғотиб юборишдан қўрқиб, юмшоқ ўринда қимирламай ётаверди. Хизматкор аёлнинг шарғасини сезгандан кейингина ўрнидан туриб, эҳтиёткорлик билан ювениб-таранди. Бирин-сирин Зебо, Мадина ҳам хоналаридан чиқиб келипиди. Онаси ўғлини уйғотди. Яна ҳамма стол атрофидан жой олиб, ионушта қилипиди. Нонуштадан кейин эса режа бўйича Гулбодомга кийим-кечак сотиб олиши учун дўкон айлангани кетишиди.

Шу, биргина кунда кўрган-кечирганиларидан олган таассуротлари Гулбодомнинг туғилганидан буён кўрганларидан кўпроқ эди. У ўзлари кирган, баъзиси икки қаватли дўконлардаги ҳашаматни, бир-биридан ажойиб кийимларни кўриб ҳаяжонланса, уларнинг нархини кўриб, дами ичига тушиб кетар, шунинг учун иложи борича арzonроқ нарсанни «ёқди» дейинига уринар, Зебо билан Мадина эса унинг ташлаган кийимининг уёқ-буёғини ағдариб кўрарди-да, ўзларига ёққан фалон шуллии нарсаларни, асосан, хорижий кийимларни сотиб олишарди. Шу тариқа унга бир неча сидра антиқа ички кийим, ишак пай-поқлардан тортиб, пафис матолардан тикилган хилмачил кофталар, алламбало юбкалар, сиюо костюм, калта нўстини, поинаси ингичка этигу туфлигача сотиб олишиди. Сумкача, атир-уна, юзини қизартирадиган, соч юва-

диган, қош-кўзини қорайтирадигану лаб бўёқларни Мадинанинг шахсан ўзи сотиб олди ва «булар сизга» дея Гулбодомга писанда қилиб ҳам қўйди.

Уйга қайтиб, овқатланиб бўлингач, Мадина гўё узатилаётган қизни кийинтираётгандек, Гулбодомни «уялман» деганига қарамай, ечинтириб, япги кийимларни бирма-бир кийинтириб кўрди. Охири ипак ички кийим, тепасидан сийнасининг ярми кўриниб турадиган алламбало кофта, ишак пайноқ, чети жимжимали лозимчасининг устидан эса юрганида дўмбоқ сонлари очилиб-очилиб қоладиган, бурмаларига алламбало тақинчиqlар осилган узун юбка, оёғига эса бигиздек пошиаси бор қошиқдеккина, тумшуғи узун туфли кийдириб, хонага ўёқдан-бу ёққа юргизиб, ўзини тутиш, юриш-туришни обдан машқ қилдирди.

Ташқарида қоронгулик қуюқлашиб, муздек нимадир майдалаб ёға бошлаган пайтда уйга Асад кириб келди ва рўпарасида кечки овқатдан кейин Мадина томонидан обдан пардоз қилинган, чиройли кийинган, соч турмаклари ҳам антиқа гўзал бир қизни кўриб, турган жойида қотиб қолди.

– Ассалом, – секингина салом берди унга ўзига тикилиб қолгани учун ноқулай аҳволга тушаётган Гулбодом.

– Ё, тавба! Наҳот шу гўзал қизсан, э кечирасиз, сиз бўлсангиз? Ўлай агар, индамай тураверганингизда, танимас эдим. Қойил!

– Ҳа, тинчликми? – унинг овозини эшитиб, залдан Зебо чиқиб келди. – Нима гап?

– Қойилман, ойижон! Шундай гўзал-а, эсиз...

– Онаң бирон марта товар ташлашда янглишганми? – Зебо Гулбодомга кўз қисди. – Балчиқнинг орасида ётган олтинни ҳам кўра билади онаңг. Ҳали кўп қойил бўласан...

Она-боланинг гапларидан қизариб-бўзариб, ўрганилмаган кийимда ўзини қаёққа қўйишини билмай, ўнғайсизланиб турган Гулбодом ўзини олtingга қиёслаб, «то-

вар» сүзини эса эгнидаги кийимларга нисбатан айтилди деб тушунди ва бошини эгди.

– Тайёрмисизлар? – она билан залга кириб пималар-нидир гаплашиб чиққан Асад пардозини тугаллаётган Мадинаға юзланды. У тасдиқ ишорасини қилгач, гапда давом этади. – Самолёт икки соатдан кейин учади. Секин йўлга чиқаверамиз. Нарсаларни мен кўтариб оламан. Сизларни кузатиб, бир жойга ўтиб келаман. Шунинг учун ойим аэропортга бормай қўя қолсинглар.

Аллақачон таҳт қилиб қўйилган битта чарм чамадон билан катта елим халтадаги нарсаларни кўтарган Асад аёлларга «тезроқ тушинглар» дея ташқарига чиқиб кетди. Биттадан кичикроқ елим халтача кўтарган Мадина билан Гулбодом Зебо билан қайта-қайта хайрлашиб, унга эргашдилар.

Келин аяси «йўлга» дея ёпиб берган ёғлиқ патир, нознеъматларни олиш гоҳ юраги ҳапқириб, гоҳ мавҳумликдан кўнгли увишиб, йўлга чиққан Гулбодомнинг хаёлига ҳам келмади.

Туни кундуздек ёритиб турган ранг-баранг чироқлар, сон-саноқсиз, турли русумдаги автомашиналарга, кечқурун ҳам кундузи юргандек ўз юмуши билан машғул одамларга хаёли учган Гулбодом аэропортга қандай етиб келишганини ҳам сезмай қолди. Унинг ёп-ёруғ, гавжум биноси ичига киргач эса ҳайратдан оғзи очилиб, гўё юролмаётгандек, атрофга аланглаганича таққа тўхтаб қолди.

– Ўзингни тут, – ўнг билагидан қаттиқ сиққан Мадинанинг гапи Гулбодомни уйқудан уйғотгандек бўлди. – Ўзингни тут, одамлар қараашяпти.

Гўё бир-бирини қўлтиқлаб олган икки дугонадек, факат бири атрофга аланглаб, иккинчиси бошини киборларча мағрут тутган икки жувон, Асад аллақачон навбат олиб турган билетлар рўйхатдан ўтказиладиган жойга келиб, унинг ёнига туришди.

– Аланглайверма, – жилмайганича яна «дугонаси»га шипшиди Мадина. – Навбат келганида менинг оргимда

тур. Ҳовлиқма, үзингни босиқ тут. Сал довдирасанг, қолиб кетасан, тушунгдингми?

– Тушундим, – Гулбодом калта пўстинининг сувсар ёқаси орасидан гўё мўралади, – хўп.

– Ёқангни тушир, бошингни кўтариб, атрофга лоқайдлик билан қара.

«Лоқайдлик билан эмиш. Бу гапни айтиш осон. Сенга ўхшаб ҳафтада бир марта самолётга чиқиб юрган бўлсан экан. Умримда биринчи кўришим бўлса бундай жойларни. Ҳали самолётга чиқмай туриб, юрагим така-пука бўлиб ётибди-ю. Ҳали унга чиқиш, айтилган манзилга етиш... эҳ-ҳе... »

Навбатдагиларга қўшилиб, сурила-сурила ҳужжат текширувчилар ёнига келиб қолган Гулбодом беихтиёр қўлидаги паспорт ва билетини тусиқ ортида ўтирган қизга узатди. У бир Гулбодомга, бир қўлидаги ҳужжатга ва билетга қараб, нималардир деди. Гулбодомнинг ўрнига ундан кейин навбатда турган Мадина жилмайганича, жавоб берди. Назоратчи қиз билетга қандайдир белгилар қўйиб, паспорти билан бирга Гулбодомга қайтариб берди. Навбат Мадинага келди...

Ниҳоят, йўловчилар билан тўла автобус оғир қўзғалиб, қапотларини керганича, учишга шай тургандек, ялтираб кўринаётган баҳайбат кумушранг самолёт ёнига келиб тўхтади. Одамлар дув этиб, пастга тушиниди ва самолётнинг зинаси – трап олдига тўпланишиди. Яна ҳужжатлар текширилиб, одамлар битта-биттадан чиройлигина стюардесса қизлар кутиб турган жойдан – эшикдан «пўлат қуш»нинг ичига кириб, билетларида кўрсатилиган жойларни эгаллай бошлидилар.

Гулбодомнинг кўраётганилари гўё тушига ўхшарди. У текис йўлда қоқилар, атрофдагилар кимга нима деяётганини англамас, гўё ҳозир уйғониб кетади-ю яна уйларидан, ўша, томлари настак, деразалари кичкипа уйда, хонтахта ёнида ўтирган ҳолда бўлиб қоладигандек ҳисқиларди үзини. Агар Мадина ёнида бўлмагандан, агар у

қўлидан маҳкам ушлаб олмаганида... балки Гулбодом самолётдан тушиб, орқа-олдига қарамай, пойи-шиёда, оёғидаги бигиз тумшуқ, бигиз пошна туфлисини ечиб, улоқтириб, эгнидаги қимматбаҳо кийимларини улоқтириб... Майли, ялангоёқ, юпун кийимда уйи, отаси – меҳрибон, муштипар отаси, меҳнаткаш, ҳамиша мунғайиб юрадиган акаси, кўзида ёш билан қолган опаси-ю қуйинчак янгаси, «онахон, кетманг!» дея фарёд солиб, йиғлаб қолган қизалоги томонга қанот чиқариб учиб, югуриб кетарди. Афсус, энди буниинг иложи йўқ...

– Мазангиз бўлмаянтими? – ёнида ўтирган Мадина Гулбодом томонга ўгирилди. – Ҳали самолёт учмай туриб, рангингиз оқариб, терга ботиб кетибсиз. – Мадина меҳрибонлик кўрсатиб, дарров «сиз»лаб гапира бошлиди. У шундоққина тепасидаги тугмани босгани эди, баланд бўйли, хушбичим стюардесса «хизмат?» дея етиб келди. Мадинанинг гапини эшитиб, дарҳол ортига ўгирилди-ю, зудлик билан узун шиша идишда сув кўтариб келди.

Раҳмат айтиб, сувни олиб қолган Мадина кафтига яшириб турган опноқ тугмача дорини Гулбодомнинг оғизига тутди.

– Муздек сув билан мана шу дорини ичиб юборинг, кўнглингиз очилади, йўлда кўнглингиз ҳам айнамайди. Мен доим самолётга чиққан заҳоти шу доридан ичиб оламан.

Ҳақиқатан ҳам, ўзини нохуш ҳис қилаётган Гулбодом дорини ичиб юбоди-ю, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай кўзлари юмилиб, Мадина мослаштириб берган ўринидикقا чўзилди.

Самолёт юксак-юксакларга парвозини бошлаганда олам ҳангомаларидан бехабар Гулбодом пишиллаб ухлаб ёгарди. Ўз ҳийласидан масрур Мадина эса аллақачон ёнида ўтирган яна бир ҳамроҳи – ўрга ёшлардаги қиррабурун, қош-кўзи қоп-қора, соchlари мош-гуруч, сиюо кийинган эркак билан ширин суҳбатга киришганди...

Дастлабки қадам

– Күзингни оч, мунча ухлайсан, уйғонсанг-чи? – Гулбодом күзларини аранг очиб, иккى елкасидан ушлаб, силтәётган Мадинанинг сурмали күзларига тикилди. У уйғонгап бўлса ҳам оиги ўзига келмас, нима бўлаётганига тушунмасди. – Тур деяпман, етиб келдик, ҳозир тушамиз.

Гулбодом атрофга аланглаб, ўзининг қаердалигини билмоқчи бўларди. Ниҳоят унинг оиги ёришиб, тўзғиган соchlарини тўғрилаб, ўрнидан турмоқчи бўлди.

– Хайрият, бутунлай уйғондингми энди? – Мадина унга истеҳзо билан қаради. – Шунақаям уйқучи бўладими одам? Йўл бўйи ухлаб келдинг-а. Шунча турткиласам ҳам кўзингни очмайсан. Атрофдагилардан уялиб кетдим сени уйғотолмай. Шошилма, кийимларинги тарғибга солиб ол. Ҳозир самолёт Дубайга етиб келади. Тушини ҳақида эълон бўлади. Кейин тушамиз.

Гулбодом ўзини лоҳас ҳис қиласар, боши ғувиллаб, кўнгли айниброқ турарди. У бу ҳолатни «самолётда биринчи марта учганимдан» деб билди. Мадинанинг яна «Дубайга» деганига ҳайрон ҳам бўлмади. Чунки бозордан қайтиб, чиройли кийимларни кийдириб, юриш-туришни ўргатган Зебо опаси унинг аслида нима учун, қаерга кетаётгани ҳақида ҳам гапирган, энди орқага йўл йўқлигини, шу «йўл» билан шул ишлаб, бой-бадавлат бўлиб қайтишини уқтирган эди. Гулбодом тескари ўгирилиб, бир парча қофозга нималарнидир ёзив, чамаси, бояги эрек билан телефон рақамларини алмашаётган Мадина-га тикилганича, бу ёғи нима бўлишини кута бошлади.

Самолёт ерга қўнди. Унинг радиосидан йўловчиларнинг пастга тушишлари мумкинлиги ҳақида эълон бўлгач, ҳамма ғимирлаб қолди. Мадина ҳам сумкасини билагига илиб, Гулбодомни тирсагидан тутганича, астасекин ўртадаги чиқиш эшиги томон силжий бошлади. У нимадандир шод, ўзи билан ёнма-ён одимлаётган янги танишига суйкалиб-суйкалиб қўярди.

Ниҳоят, улар самолётнинг трапидан эҳтиёт бўлиб пастга тушишди. Мадина «таниши» билан қуюқ хайрлашгач, атрофга аланглаётган Гулбодомга «секинроқ юр, аланглайверма» дея шиншиди. Кейин гўё бу юргни кўравериб, жонига теккандек, эринчоқ қадамлар билан одамлар орасида шаҳарга чиқиш йўлагидан имиллаб, паришон қиёфада, лекин Гулбодомни қўлтиқлаб, унга нималарнидир тушунтириб бораверди. Гулбодомнинг эса қулоғига гап кирмас, аланглаб, бу нотаниш диёрнинг ҳар бир қаричини эслаб қолмоқчилик, баланд-баланд уйлар, фалати дараҳтлару антиқа машиналарга анграйиб қарапди.

Улар ўн-ўн беш дақиқача юриб, аэропорт майдонидан узоқлашгандаридан кейин йўл четида қатор турган турли-туман автомобиллар орасидан башанг кийинган, баланд бўйли, жингалак сочли бир йигит ажралиб чиқиб, жилмайганча қаршиларига кела бошлади. Унга кўзи тушган Мадина ҳам Гулбодомга:

- Тезроқ юр! – деди-ю йигитга пешвоз чиқди.
- Хуш келибсиз, Мадина хоним, – йигит Мадина билан ўпишиб кўришди.
- Танишинг, Жобирбек, меҳмонимиз мана шу қиз, – дарҳол очилиб-сочилиб кетган Мадина йигитга эркалантганинамо жилмайди. – Исли – Гулбодом.
- Гўзал экан, – қўл узатди йигит. – Исли ҳам ажойиб: ҳам гул, ҳам бодом...

Кўришиш учун йигитга беихтиёр қўл узатган Гулбодом унинг қўлини сиқиб кўришганидан дув қизарди.

– Гўзал бўлгани учун олиб келдим-да, – Мадина нозланиб, йигитнинг елкасига осилди. – Фақат исми менга ёқмади, сал фализроқ, айтишга қийин.

– Бундай бўлса, исм масаласини уйда ҳал қиласиз, қани кетдик...

Жобир қизларнинг енгилгина юкларини бир қўлига олиб, иккинчи қўли билан Мадинани қўлтиқлади. Гулбодом уларга эргашди.

– Марҳамат! – йигит каттакон, ранги қип-қизил машинанинг олд ўриндиғиға Мадинани ўтқазгач, орқа эшикни очиб, Гулбодомни ҳам таклиф қилди. У ийманибтина машинага кириб, ўтириб олганидан кейин эшикни ёпиб, юкларни юхонага жойлаштириди ва Мадинанинг ёнига ўтириди.

Машина енгил қўзғалиб, йўлга тушгандан унинг ичидаги майин куй таралиб, аёл кипи шикаста овозда қўшиқ айта бошлади. Олдинги ўридиқдагилар гўё Гулбодомни унугтандай, ўзлари билан ўзлари овора, гоҳ Мадина гапириб, Жобир кулар ёки аксинча, чақчақлашиб боришарди.

Гулбодом текис йўлда гўё сузиб кетаётгандек бир мағомда бораётган машинанинг юмишоқ ўриндиғида, унинг қоп-қора ойнасидан хирагина кўринаётган нотаниш маңзараларни кузатиб, қўшиқ тинглаб бораётган бўлса ҳам хаёли минглаб чақирим олисда қолиб кетган, қизининг «Жанубий Кореяга» кетганига ишонган отаси, «қўй, синглим, у ерларда нима бор?» демаган акаси, қизалогига эга чиққанидан боши осмонга етган опаси ва поччаси – ҳамма-ҳаммани бирма-бир кўз олдига келтириб, кўзлари ёнга тўлиб, кўксини нимадир ғижимлаётгандек, эзилиб борарди. «Нега ўшаида Зебо опанинг гапларига лаққа тушдим? Нега берган шулларини индамай олавердим? Нега отам, акам, онамни алдадим? Бу ёқларга келишга нега рози бўлдим? Тинчгина кўча супириб юриб ҳам куним ўтаётганди-ку? Энди нима бўлади?».

У беихтиёр юзларини юва бошлигага кўз ёшларини атир ҳиди анқиган ипак рўмолчасига артаётгандан, машина енгилгина силкиниб тўхтади.

– Мана, уйга ҳам етиб келдик, – Жобир қувониб гапириб, бирин-кетин машина эшикларини очди. – Қани, хонимлар, марҳамат қилинглар!

Қизлар машинадан тушиб, икки тарафида хушбуй гуллар очилиб ётган йўлакдан ҳашаматли эшикка, бир неча зинадан кўтарилигач эса лифтга киришди. Гулбодом юра-

гининг ҳапқиришини сездирмасликка уриниб, ўнг қўлини кўкрагини устига қўйиб олган, неchanчи қаватга кўтарилигандарини англашга уринар, лекин лифт гўё сирғаниб, тобора юқорилаётганини сезарди, холос.

– Нечанчи қаватга чиқамиз? – ниҳоят тоқати тугаб, сўради у.

– Жуда баландга, санаб-саноғига ета олмайсан, – кулиб жавоб берди аллақачон яна «сен»лашга ўтиб олган Мадина.

Гулбодомнинг дами ичига тушиб, индамай қўя қолди. Унинг хаёлида лифт энди ҳеч қачон тўхтамайдигандай, худди чексиз-чегарасиз осмону фалакка кўтарилиб кетаётгандек. Мадина билан Жобир унинг ёnlарида, бирга кетаётганини унутгандек, бемалол ялашиб-юлқашишга тушишган. Гулбодом уларга қарамаслик учун орқага ўгирилиб, лифтнинг кенггина «хона»сининг бир четига бориб олган. «Нега, нега келдим? Бой бўлмасам, камбағалроқ бўлсам ҳам ўз уйимда, шаҳарчамда тинчгина яшайвермайманми? Манавиларнинг уялишмаганини. Тавба...»

– Қани, киринглар. Сизлар bemalol жойлашиб туринглар. Мен ҳозир Ҳабиба опани чақираман.

Мадина Жобирнинг гапига ҳайрон бўлиб даҳлизда тараддулданиб турган Гулбодомнинг елкасига туртиб, ичкари киришга ундаркан:

– Нега ҳайрон бўляпсан? Хоналар зўр безатилган, а?
– деди юмшоқ, момиқ гулдор гиламда яланг оёқ юриб, деразадаги ҳарир пардаларни очар экан. – Бир-икки йилда сенинг ҳам шунаقا уй-жойинг бўлади, қани ваниага кир, ювиниб кийимларингни алмаштириш.

Гулбодом кўзни қамаштирадиган даражада безатилган хоналарни кўриб эмас, Жобир Зебо опасининг дугонаси Холидани «Ҳабиба» деганига ҳайрон бўлганди. «Демак, бу ерда ҳамманинг исми бошқача айтиларкан-да? Менинг исмим қанақа бўларкан?»

У ювингани ваниага кириб кетди. Умрида биринчи марта бегона юрга қадам қўйган Гулбодомнинг хаёли

паришон, кимдир ҳозир «кетдик» деса, индамасдан, ол-дига тушиб, қайтиб кетишга ҳам шай аҳволда, кўз ёшли-ри киприкларининг учида илиниб турарди. У ҳашаматда уйдан қолишмайдиган нафис рангли кошинлари ярқираб, ярим айлана шаклидаги ванинси мовий рангда товлапиб турган хонага кирди-ю, бу ердаги ранг-баранг қути-ю шишаҷалар, кўринишидан ҳарир, аслида елим пардалар, катта-кичик патли сочиқлар қархисида лол бўлиб, туриб қолди. Унинг ортидан индамайдигина кириб келган ўрга ёшлардаги хизматкор аёл ялтироқ жўмракларни гоҳ унисини, гоҳ бунисини буради, илиқ сув жилдираганича ваннага оқа бошлади. Аёл яна бир сўз демай токчалардан биридаги мовий рангли идишдаги шампунни, шу рангдаги қофози очилмаган атир совун, тароқ олиб, мўъжазгина столча устига қатор териб қўйди. Кейин учта катта-кичик майин сочиқ олиб, рангли илгичларга илди. Сўнгра Гулбодомга юзланиб, «булар сен учун, ювиша-вер» дегандек имо қилди-ю, қандай оҳиста кириб келган бўлса яна шундай жимгина чиқиб кетди.

– Бечора, соқов шекилли, – деб ўйлаганча Гулбодом ҳаммом эшигини ичдан қулфлаб, маза қилиб чўмилди.

Илиқ сув, ширин ҳидли совун-у, шампун гўё унинг кўнглидаги ғуборни ҳам ювиб ташлаётгандек, ювингани сайин Гулбодомниш руҳи сингиллашиб, кўнгли ёришмоқда эди.

«Пешонамда борини кўраман-да энди, – у хаёлан ўзини-ўзи овутиб, қилмишини оқлашга уринди. – Алданниб, бундай йўлга кириб қолган бир менми? Майли, чидаганимча ишлаб, пул йигаман, кейин қайтиб кетаман. Мени бу ерга келганим, нима ишлар қилишимни уй томонда ким билиб ўтириби? Мени бирор танимаса, кимлигимни билмаса. Уйга кетгач ҳам «Жанубий Кореядан қайтдим» десам, бирор бориб суриштиармиди? Бўлар иш бўлди, қайсарликнинг ҳожати йўқ. Энди бу ёғи кўпроқ маблағ топишни ўлашим, шунга ҳаракат қилишим керак».

У тақдирга таи берган, фикри-хаёли күпроқ пул ишлапш бўлиб қолганди.

«Сабина, Фарида, Нодима хонум»лар

– Ҳой, чиқмайсизми ё ухлаб қолдингизми?

Эндиғина кийинаётгани Гулбодом «ҳозир» деди-ю овознииг танишилигидан ажабланди. «Тавба, Ҳабиба опанинг овози ҳам Зебо опаникига ўхшаркан-а? Бу ерда бўлмаганимда Зебо она чақирди деб ўйлардим...».

Шу хаёллар билан ҳаммомдан чиқиб, меҳмонхонага кирган Гулбодом кўзларига ишонмай, тақقا тўхтаб қолди.

– Ҳа? Нега туриб қолдингиз? Келаверинг, тушингизда эмас, ўигингизда кўряпсиз мени, – Мадина, Жобир ва яна иккита нотаниш қиз билан каттакон стол атрофида кулишиб, гаплашиб ўтирган Зебо Гулбодомни ёнига чорлади. – Аммо лекин роса уйқучи экансиз-а? Ёнигизга уч марта бориб, хабар олибман ҳам ухлаб ётибсиз-а... – Зебо хандон ташлаб кулди. – Ҳали стиб боргандга ҳам уйғонмаса, қандай олиб кетамиз деб ҳам ўйладим.

Зебога қўшилиб, бошқалар ҳам кулди. Лекин Гулбодом «Мадина қанақадир дори берган эди» дея олмади, ийманибгина бориб, қизлардан бирининг ёнига ўтирди.

– Қалай, яхши стиб келдингизми? – Зебо Гулбодомнииг бош қимирлатиб, «ҳа» деганини эшиштгач, гапда давом этди. – Ҳозир ким кўп, кимни қаерга, нима учун кетаётганини кузатадигилар кўп. Шунинг учун уччовларингни бирга олиб келсак, ўшанақалардан бирортаси қизиқиб қолмасин деб биз алоҳида машинада аэропортга келиб, самолётнииг бошқа эшигидан чиқиб, бошқа бўлмасида келдик. – У қизларга мурожаат қилди. – Бу қиз – Гулбодом, – кейин Гулбодомга юзланди. – Бу қора кўз, чиройли қизнинг исми Чарос, буниси эса, – у қора-мағиздан келган, истараси иссиқ, дўмбоқроқ қизга қаради. – Нигора. Бугун меҳмонсизлар, дам олинглар. Лекин

аввал бир нарсаны ҳал қилиб олайлик, – у деворга осилган каттакон соатга қаради, – Холида опанглар ҳам ҳали замон келиб қолади. Үнгача сизлар паспортларингни менга берасизлар. Мен уларни эртага рўйхатдан ўтказдириб, бу ерда қонуний яшайдиган қиласман. Кейин, исм масаласи. Учковларингни исмларинг ҳам чиройли-ю, лекин бу ерликларникига ўхшамайди, айниқса, Гулбодомнинг исмига бу ерликларнинг тили айланиши қийин. Шунинг учун исмларингни бошқача қилиб айтамиз. Қани, Мадина, Жобир Гулбодомга қанақи исм қўямиз?

– Сабина хонум бўла қолсин, – унинг гапини диққат билан тинглаб ўтирган Жобир дарҳол жавоб берди. – Ҳам айтиш осон, ҳам бу ерларда энг кенг тарқалган исмлардан.

– Майли, Сабина бўлса – Сабина-да, – Зебо Гулбодомдан «Розимисан?» деб сўрамади ҳам. – Чаросни-чи?

– Фарида хонум бўлсин, – бу гал Мадина бидиллади.
– Нигорага эса Нодима хонум деган исм жуда мос келади.

Мулла қулоқчаларига аzon айтиб, қўйган исмларини йигирма икки – йигирма уч йилдан бўён «кўтариб» юрган уч қиз бир зумда «хонум»ларга айланди-қолди.

– Исларингни унутиб, сўраганга аввалги исмларингни айтиб юрманлар, – Жобир гапни илиб кетди. – Орқасидан чатоқ гап чиқиб қолиши мумкин.

– Нега энди дуч келганга исмларини айтишаркан? – эътиroz билдириди Зебо. – Аввало, иложи борича камган бўлишларинг керак. Ахир, тил билмайсизлар-ку? Шундай бўлгач билиб-билмай бирорта бемаъни гапни гапириб қўйиб, ҳаммамизнинг бошимиз балога қолмасин. Бу ернинг одамларипинг феъли тез, қизиқон. Шунинг учун эҳтиёт бўлмасанг, сал нарсага жанжал чиқиши мумкин.

Йўлакдан майнингина куй эшитилди. Хизматкор аёл зудлик билан бориб, эшикни очди ва тавозеъ билан эгилиб, салом берди.

Меҳмонхонага баланд бўйли, қотмадан келган, юзи-кўзига яхшигина пардоз берилган, эркакларга ўхшаб кетадиган, сипогина кийинган аёл кириб келди:

– Хуш келибсизлар! – у қулочини кенг ёйди. – Зебо, Мадина! Ва ниҳоят...

Аёл Зебо ва Мадина билан бирин-сирин қучоқлашиб, ўпишиб кўришди. Улар билан сўрашиб бўлганларидан кейингина Жобирга қўл узатди:

– Хуш кўрдик, Жобирбей.

Жобир унинг қотмадан келган узун-узун бармоқли ўнг қўлини қўлига олиб, назокат билан эгилиб ўпди ва:

– Саломат бўлинг! – деди.

Уччала қиз аёлни кўрганлариданоқ қалбан «Ҳабиба хонум, яъни Холида опа деганлари шу экан-да», деб ўйлаган, ўзларидан ҳол-аҳвол сўрашини кутиб, жимгина, жавдираб турардилар.

– Танишинг, – ниҳоят Зебо қизларни Холидага таништира бошлади. – Гулбодом, яъни Сабина хонум. – Гулбодом «ассалом» дея бошини хиёл эгди. Холида – Ҳабиба унинг саломига алик олмай, кейинги қизга юзланди. – Чарос, яъни Фарида хонум, бу дўмбонгимиз Нигора эди, Нодима хонум деб номладик.

– Жуда яхши бўпти-да, – аёл бирон-бир жонзор ёки буюмни кўраётгандек, қизларни бирма-бир айлантириб, баданларининг ўёқ-буёғига қўл текизиб, гўё уларни баҳолади. – Яхши. Қушчаларингиз дуруст экан.

– Биз тутиб келган қушчалар қачон яхши бўлмаган? – унинг гапига мос жавоб қайтарди Зебо. – Биз фақат палаги тоза қушчаларга тузоқ қўямиз.

– Марҳамат, ўтиринглар, – Холида Зебо билан Мадинанинг ўргасига ўтириди. – Қолган гапларни кейин гаплашамиз. Ҳозир ўёқларда нима гап, қариндош-уруғлар омонми, шундан гапиринглар.

Мадина билан Зебо навбатма-навбат Холидага гўё ҳисоб беришди. Шундан кейингина Холида:

– Зебо, бу ёққа юр-чи, – дея Зебони бошқа хонага олиб кириб кетди.

Қолганлар телевизордан концерт томоша қилиб ўтиришди. Орадан бир соатча вақт ўтгач, Холида билан Зебо хонадан чиқиб келди. Худди шуни кутиб турғандай, хизматкор аёл столга оппоқ дастурхон ёзди.

Қуюқ-суюқ овқат ейилиб, чой, қаҳва ичилиб, ширинлик тановул қилингач, дастурхонга фотиҳа ўқилди. Қизлар баробарига ўринларида туриб, дастурхонни йиғиширмоқчи бўлган эди, Холида уларни тўхтатди.

– Сизлар бу ерга хизматкорлик қилгани эмас, бекалик қилгани келгансизлар, – деди у қизлар жойларига қайтиб ўтиргач. – Шундай бўлгач, ўз қадр-қимматларингни билиб, шунга яраша иш тутинглар. Эсларингдан чиқмасии: қўлларинг ҳамиша майнин, тирноқларинг олинган, тоза бўлиши шарт. Мана шу уй – сизларга. Ҳар бирларингга биттадан хона ажратилади. Кийим-кечаклар олиб келинади. Хизматларингда битта аёл бўлади. Жобир қўриқчилик қиласиди. Вақти-вақти билан шифокор келиб, қўриқдан ўтказади. Сизларниңг ўзбoshимчалик билан кўчага чиқишларинг, мижозлар билан ош-қатиқ бўлиб, телефон рақамини олишларинг, улар билан муомалада ҳаддан ошишларинг ёки уларга қўпол муносабатда бўлиб, ранжитишларинг ман қилинади. Сизларга уч-тўрт динор ҳадя қилишса – ўзларингга, лекин иш ҳақини мен оламан. Ҳар ойда бу цулдан оиласарингга маош тариқасида пул юбориб тураман. Лекин таъмагирлик билан мижоздан пул сўраганларингни билиб ё эшитиб қолсан, хафа қиласан. Еб-ичиш, кийим-кечак, дори-дармон, уй ҳақи кабилар менинг зиммамда. Эртадан иш бошлайсизлар. Бугун ювиниб-тараниб, чиройли бўлиб, дам олинглар. Эрталаб туриб ҳам ювиниб, овқатлангач, соат 10:00 га пардоз-андозларни қилиб, мижоз қабул қилишга шай бўлиб ўтиринглар. Ҳар ким ўзининг хонасида ўтирсин.

Ҳадеб бир-бирингниш ёнингга киравермаларинг. Бўлар-бўлмас гапларни гаплашмаларинг. Бирор нарса керак бўлса, менга ёки Жобирга айтасанлар...

Холида қизларга яна кўп нарсалардан «сабоқ» берди. Унинг гапларини қизлар қаторида Зебо, Мадина ва Жобир ҳам жимгина ўтириб, жои қулоқлари билан тингладилар.

Ниҳоят, «иш» бошилаш олдидаи қизларга бериладиган йул-йўриқлар тугади. Холиданиш ўзи ҳар бир қизга хонасини, у ердаги жиҳозлардан фойдаланиш қондалари-ни обдан тушунтириди. Охири:

– Ҳаммаларинг гапларимни англалиларингми? Қанақа савол бор? – деб сўради.

– Мен... уйга қўнғироқ қилишим керак эди, – деди ийманнибгина Гулбодом. – Етиб боргач, қўнғироқ қиласман, дегандим.

Холида бирпас ўйланиб турди. Кейин:

– Майли, қўнғироқ қил. Лекин бундан кейин «фалон куни қўнғироқ қиласман» деб ваъда бермагин, тушундингми? – деди қатъий.

– Хўп.

Холида Гулбодом берган кафтдеккина қоғозга қараб, рақам терди. Орадан бир неча сония ўтиб, у томондан телефон гўшаги кўтарилди.

– Алё, алё, келин ая! – Гулбодом гўшакни кўтарган келин аясини жуда-жуда кўргиси, унинг бағрига бош қўйиб, дод солиб, тўйиб-тўйиб йиғлагиси келди. Овози бўғилиб қолди. – Яхши ўтирибсизларми? Отам, акам, опам, жияним яхшими? Асал-чи? Отам қани?

– Ҳаммамиз яхшимиз. Яхши етиб олдингизми? Соғлигингиз яхшими? Отам кўчага чиқиб кетганди...

– Қисқароқ қил, қисқароқ.

– Яхши етиб келдик. Отамга, ҳаммага салом айтинг. Жияшларимни, Асални ўниб қўйинг. Вақт топиб, яна қўнғироқ қиласман. Хайр!

– «Қўнғироқ қиласман» эмиш, – миттигина уяли телефонини ўчирап экан, Холида лабини бурди. – Бу теле-

фонда гаплашган ҳар бир дақиқанғ неча доллар туриншни биласанми? Ҳозир ҳам камида эллик долларлик гаплашдинг...

Холида телефон қилишга рухсат бермаслиги ҳам мумкин эди. Шундай қылса, бу ёқда «жонли товар»ларининг күнгли алағда бўлиб, «иш» сифати бузилишини, у ёқда эса қизини «иш»га юборганилар хавотир олиб, ғимирлаб қолишлари мумкинлигини у яхши биларди. Шунинг учун ҳам, яъни кўнгилсизликларининг олдини олиш учун ҳам у янги келган «қўушча»ларга ён босишга, сал бўлса-да, уларнинг кўнглига қарашга мажбур эди...

Нонушта

Тонг отди. Қуёш нурлари гўё бирданига чарақлаб, олами чароғон қилди ва Гулбодом, эндиликда Сабинанинг ўзи ҳам нечанчи қаватдалигини билмайдиган, лекин анчагина баланддаги «хона»сининг қизил рангдаги қалин пардалари орасидан сизиб ўтиб, уй ичини ёритиб юборди. Аллақачон уйғониб, бу ёғи ҳаёти қандай кечишиши ўйлаб ётган Гулбодом устига ёпилган ипак ёнинчиқни бир томонга ташлаб, юмшоқ ўриндиқдан аста сирғалиб, қалин, юмшоқ гиламга оёқ босди. Турайми-турмайми дегандек хаёл суриб турганди ҳамки, эшик тақиллади:

– Хайрли тонг, жоним. Марҳамат қилинг, нонушта тайёр.

Гулбодом шоша-пиша гулдор ипак халатини елкасига ташлаб, хонасининг ёнгинасидаги даҳлизга ёндош қилиб қурилган ювиниш ва ҳожатхонага ўтди. Обдан ювиниб, тараниб, кийиниб бўлиб, хонага қайтганда хизматкор аллақачон ўринини йиғишириб, орасталаб қўйган экан.

Гулбодом аста хонадан чиқиб, меҳмонхонага йўл олди. Фарида билан Нодима аллақачон туриб, нонушта қилиб ўтиришар, Холида, Зебо, Мадина ва Жобирлар эса кўри-

нишмасди. Гулбодом қизлар билан саломлашиб, ёилари-га ўтирид ва Фарида узатган финжондаги қайноқ, хушбүй қаҳвани оғзи куя-куя, ҳўилаб ича бошлиди.

– Хонимларимиз кўришишмайдими? – гап очди Гулбодом жимгина ўтириб овқатланадиган қизларга қараб. Ва шу заҳоти гўё унинг гапини кутиб тургандек, хонага Холида билан Жобир кириб келишди. Қизлар баравар ўрниларидан туриб, салом беришди.

Холида номига алик олган бўлди-ю, «Ўтириинглар», дея уларининг рўпарасига жойлашди. Жобир унинг ёнидан жой олди.

– Қалай, яхши дам олдингларми? – мулозамат қилган бўлди Холида. – Уйқу яхши бўлдими? Бу ерининг ҳавоси нам-да, одамии уйқу босаверади, – қизлар унинг гапини бош силкиб маъқуллаган бўлишди. – Лекин, Сабинахоним, ҳамма аллақачоп туриб нонушта қиляпти-ю, сиз эса...

Гулбодом бошини эгди ва:

– Кечиринг, бошқа қайтарилмайди, – деди секингини.

– Бундан кейин попушта, тушлик деганларини хоналарингда қиласизлар, – унинг гапига аҳамият бермади Холида. – Хизматкор хоналаринга олиб кириб беради. Хонада ҳамма нарса бор. Чиқишларинг шарт эмас. Қачоп мен чақирсан, шунда чиқасизлар. – Холида Жобирга қаради. У костюмининг ички чўнтағидан кичкинагина қутича олиб, Холидага узатди. Холида қутичадан кичкина-кичкина оқ дори олиб, қизларга битта-битта узатди. – Мана шу доридан кунига эрталаб овқатдан кейин бир донадан ичиб оласизлар. У сизларга куч-қувват беради. Ҳар хил касалликлар юқишидан асрайди, – қизлар қўл узатиб, дориларни олишгач, қўшимча қилди: – Бу билан «фақат касали бор одамлар келади» демоқчимасман. Одамнинг ичидагини билиб бўлмайди-да.

Қизлар дорини ичиб олгач, Холида дуога қўл очди:

– Қани, омин! Ҳамиша омад берсиз, қўйни-қўнжимиз давлатга тўлсин!

Ҳамма құлини юзига сурди ва Ҳолиданинг буйруғи билан хона-хонасига тарқалди. Ҳеч ким Ҳолидадан «Зебо билан Мадина қани?» дәс сүрай олмади. Зеро, улар үз вазифаларини бажариб бұлишган, оладиган «ҳақ»ларини олиб, тунги рейс билан уй-уйларига қайтиб, аллақачон үз тирикчиликтериге – япиги «құпіча» овига киришин режаларини тұзмоқда әдилар.

«Фаолият»нинг бошланиши

Гулбодом хонасига кириб, бир оз хаёл суриб турди. Кейин пардан очиб, күчани томоша қымоқчи бўлди. Қаёқда, парда ортидан яхлит дераза – айвоннинг эшиги бўлиб, у ҳам қулфланган, дераза ойнасидан фақат рўпарадаги кўп қаватли уйнинг қайсиdir қаватию худди осмонга тутаниб кетгандек юксак уй кўришар, настдан эса, Гулбодом кечаси келиб, қандайлигини ҳам кўрмаган кўчадаги сон-саноқсиз машиналарининг овози олис-олислардар келаётгандек элас-элас эшитиларди. «Тавба, ўзинг яшаб турган уй неchanчи қаватда, рақами қандай, қаерга жойлашган – билмасанг. Кўчага чиқиш эмас, деразани очиш, айвонга чиқиш ҳам, бир-биринг билан гаплашиш ҳам мумкин бўлмаса. Уйнингга қўнфироқ қилиш ҳам бу ёғига фақат орзу бўлиб қолади, шекилли. Тавба, худди тутқунга ўхшаймиз-а. Тўғри-да, бунақа шароитда тутқун бўлмай, киммиз?»

Эшик оҳиста тақиллади. Ҳаёллари олис-олисларда бўлган Гулбодом уни эшитмади. Қаттикроқ тақиллаганды эса бир чўчиб тушди. Худди мавҳум бир бўшилиқ томони кетаётгандек, оҳиста қадам ташлаб бориб, эшикни очди.

– Ухлаётганимидинг? – Ҳолида унга таънили қаради. – Нега бир марта тақиллатганды дарҳол эшикни очмайсан? – У Гулбодомнинг узрига қулоқ ҳам солмади. – Юр, тезроқ. Кутиб туришибди.

Эндиликда Сабинага айланган Гулбодом қоқилиб йиқилмаслик учун, гўё дор устида кетаётгандек, қадамла-

рини оқиста, эҳтиёткорлик билан босиб, шу юриши билан ташқаридан қараганда гүё нозланиб, юрайми-юрмайми деб борар, хаёлида хонаси билан меҳмонхонагача бўлган бир неча метр йўл адоқсиздек туюларди. Аслида эса, у ичган «қувват берувчи» дори таъсири остида «фалатироқ» аҳволга тушганини гоҳ сезиб, гоҳ сезмай, иложи борича ўзини тутишга уриниб бормоқда эди.

Меҳмонхонага киргандан унинг кўзи самолётда бирга келган, Мадина билан нималарнидир гаплашиб, кулишиб ўтирган эркакка тушди. У Гулбодомни кўриб, ўтирган жойида хиёл бош эгиб саломлашган бўлди. Хонада яна ўрта ёшлардаги икки эркак ҳам бор эди. Гулбодом ўзидан аввалроқ келиб, уч эркакнинг қаршисидаги девор томонда ўзига ўхшаб баданлари ним кўриниш туралдиган ипак либосларда, пардоз-андозни жойига қўйиб, маликалардек товланиб, ўзини кўз-кўз қилиб турган Фарида билан Нодиманинг ёнига бориб турди. Эркаклар қизларга потаниш тилда Холида билан нималарнидир гаплашиб, кулишиб, охири бир қарорга келишди, шекилли, ўринларидан туриб, қизларнинг ёнига келишди. Самолётда бирга келган одам бир нарсалар деб кулиб, Гулбодомнинг билагидан ушлади.

– Сабина хонум, меҳмонни хонанингга олиб кир, яхшилаб кўнглини ол, – буюрди Ҳабиба – Холида.

Қолган икки эркак ҳам Фарида ва Нодима билан қўлтиқлашиб, уларнинг хосхоналарига йўл олишди.

Шу тариқа қизларнинг «иш фаолияти» бошланди...

Ҳабиба хонумнинг «бозор»и

«Иш» бошлаган кунларидан кунига 4-5 нафар эркак келган бўлса, бир ҳафта ўтиб, кунига ҳар бир «қиз» учун 20, ҳатто ундан ҳам кўп ишратпараст «талабгор»лар кела бошлади. Ҳабиба хонумнинг савдо бозори қизигандакизиди. У келганларга қатъий вақт, шу билан бирга «тариф» белгилаб берар, агар улар белгиланган вақтдан сал

кечикса, дарҳол у кириб кетган хона эшигини тақиллатиб, вақт тугаганини билдирап ва қолган ҳар бир дақиқа учун құшымча ҳақ талаб қиласынан. Қизифи, ишратпаастлар ҳеч тортина май, дарҳол «хонум афанди» айтган миқдордаги дипорларни санаб берарди.

«Қизлар» әрталабки нонуштадан кейин «иіш» бошлашар, пешинде бир соат түшлик – дам олишар, шундан кейин хуфтошгача, то қоронғи түшгүнча «иішлаб», кейин ювииб-тараниб, кечки овқатни тановул қилишарди. Баъзан бир кечани «сотиб оладиган» талабгорлар ҳам бўларди. Хуллас, уч жувон аллақачои озиб, кўзлари киртайиб, қоқ суюкка айланиб қолишган, чунки эркакларни тинимсиз қабул қилишнинг ўзи бўлмасди-да. Шулар туфайли кунига бир ярим минг, ҳатто икки минг долларга-ча топаётган Ҳабиба хонум қизларнинг емишини ҳам саралаб, фақат куч-қувват берадиган таомлар билан боқар, айниқса, ҳар куни эргалаб «қувват дориси» беришни канда қилмасди. Дори таъсирида ярим телба ҳолига тушиб қоладиган «қизлар» ҳам аслида «шаҳват машинаси»га айланиб, кунига ўттизтагача эркакни пишак бузмай «қабул» қилишаверарди.

– Топаётган пулингни ҳисобини олиб бора япсанми? – деди бир куни кечқурун Гулбодом билан ҳаммомчасига баробар кириб, дардлашмоқчи бўлган Нодима.

– Қанақа ҳисоб? – унинг гапини тушуимади Гулбодом.

– Ие, кунига қанча одам қабул қиляпсан, улар қанча пул тўлашаянти, шундан қанчаси ўзингга-ю, қанчаси анавинга – ҳисоблаб юрмайсанми? Дафтар тутмаганмисан?

– Йўқ. Буни ҳеч ким айтмаган эди...

– Калланг қурсин. Шуниям сенга бирор айтсинми, ўргатсинми? Ўзингни калланг қаерда? Ҳисоб-китоб қилмасанг, уйга қанча пул юбораётганини қаердан билансан?

– Дафтар, ручкани қаердан оламан?

– Шу ҳам гапми? Иш боштаганимизга уч ой бўляпти.
Ҳалиям ўзингга бироргасини «доимий» қилиб олмадингми?

– Анави, биринчи келган бор эди-ку? Салмонбей, ўша «доимий» бўлиб қолган. Лекин у Ҳабиба опа билан яқин дўст-да. Бунаقا гапни айтсам, унга айтиб қўйса, кейин нима бўлади?

– Ҳа, майли, эҳтиёт бўлган яхши. Мен ўзимнинг «мижозим»га айтиб олдираман. Унгача хаёлингда бўлсаям ҳисоблаб юр.

– Ҳисоблай олмаяпман. Негадир бошим ғалати бўлиб, ҳисоб-китобдан адашиб кетаман. Нечтасини «қабул» қилганимни ҳам аниқ билмайман.

– Анави дори ҳаммамизни шу аҳволга соляпти-да. Лекин усиз шунча одамни қабул қилиб, вақтини хушлашнинг ўзи бўладими?

– Ие, «қувват дориси» шунинг учун бериладими?

– Тавба, нима бало, бунаقا ишлар билан илгари шуғулланмаганмисан? Наҳот шуни ҳам тушунмасанг?

– Бу иш билан умримда биринчи марта шуғулланишим...

– Мен аввал ҳам бу томонларга бир келиб, пул ишлаб кетганман. Шунинг учун тартиб-қоидани биламан. Берилган дорини оғзингга соганингдан кейин секин тишинг билан иккига бўлиб, ярмисини ют, бусиз тинканг қуриб, ҳеч нарсага ярамай қоласан. Ўша яримта дори ҳам етади, қолганини оғзингда олиб қолиб, кейин бармоғинг билан майдалаб ташла. Ярмини ичганинг учун «иши»да сал қийналасан-у, ақл-ҳушинг жойида бўлади. Ким билан, нима қилдинг, қанча пул топдинг – ҳаммасини билиб турасан, темиртанга айланиб қолмайсан. Бу кетишида ҳеч кимдан қўшимча чойчақа ҳам олмаётгандирсан?

– Вақти келса, нима бўлаётганини англамай қоляпман-у, чойчақани қаердан топаман?

– Вой содда-ей. Менинг айтганимни қилгин-да, сен билан бўлаётган эркакка имо-ишора билан мана бундоқ

қилиб, – Нодима бармоқларини бир-бирига ишқалаб күрсатди, – сұнgra мана бундай қил, – у үнг құlinи құксига қүйиб, чап құlinи тиланчиларнинг құл узатишидан қилиб узатди. – У тушуниб, сенға чойчақа беради. Эркакка таъзим қилиб үзингни қувонгандек қилиб күрсат, пулни дарҳол ёстифинг остига беркит. Шунда у сенинг ҳам ахволинг оғирлигини, бу ерда тутқунлигингни англаб, раҳми келади. Кейинги гал сұрамасанг ҳам пул, ҳатто совға беради...

Эшик қаттиқ тақиллади. Нодима йүл-йүриқ беришдан тұхтаб:

– Мана, ҳозир. Чиқяпмиз, – дея овоз берди.

Қызлар апил-тапил артиниб, меҳмонхонага чиққанларидан у ерда уларни иккита «кунда-шунда» кутиб үтирапди. Холида аллақачон «савдо»ни битирган, шекилли:

– Тез-тез бўлинглар, меҳмонлар кутиб қолди, – дея қизларни шоширди. – Тезроқ хоналарингга киринглар...

Бу гал Сабина Нодима ўргатгандек иш тутди. Унинг имо-ишорасидан нима демоқчилигини тушунган «меҳмон» кетар чоғи қўлиға бир даста пул бериб, хайрихоҳлик билан пешанасидан упид қўйди.

Эртасига Сабина дорининг ярмини ичиб, ярмини бармоқлари билан майдалаб, ҳамиша гуллари очилиб ётадиган гултувакка ташлади.

Мудҳишиң қотиллик

– Эшитдингларми? Нариги кварталда бизга ўхшаганларниң иккитаси – бир йигит билан аёл, тоғган пулларини бўлишолмай, ишлаб пул топиб берадиган «қиз»ларини ўлдиришибди.

– Буларнинг тилини тушунмасак, Холида она бизга бунақа гапларни айтмаса, қаердан эшитамиш? – Негадир кечки овқатни Холида опаларисиз тановул қилаётгандан қизлар Нодимага баробар тикилишиди. – Сен бу гапларни қаердан биласан?

– Бугун доимий «мижозим» келган эди, ўша гапириб берди, – Нодима ваҳима билан давом этди: – Мен буларниң тилини анча-мунча тушунаман-да. Аниавиининг айтишича, Холида опага ўхшаган бир аёл, Жобирдақа йигит ўзимиз томондан сенларга ўхшаган содда бир қизни олиб келишиб «ишлатар» экан. Йигит харидор топиб келар, қиз эса мижозларга «хизмат кўрсатар» экан. Охири қиз касалманд бўлиб, «кетаман»га тушиб қолибди. Йигилган пулни ўргада тақсимлашни талаб қилибди. Лекин анави иккови кўпроғини олиб, қизга арзимаган пул берадиган бўлибди. Орада жанжал чиқиб, охири аниавилар қизпи ўлдириб, бўлакларга бўлиб, елим халтага солиб, кечаси ахлатга ўхшатиб кўчага чиқариб қўйишибди. Тонг саҳарда ахлат йифадиганлар негадир гумонсираб, қопни очиб қараашаки... Гумон билан дарров аниавиларни ушлашибди. Ҳозир улар қамоқда эмиш...

– Вой тавба, энди нима бўлади? – кўрқувдан кўзлари дум-думалоқ бўлиб, ваҳима билан сўради Фарида.

– Ўлган қизнинг ота-оналари бормикан? Бу хабарни уларга етказишармикан? Ўлдирғанларни нима қилишади? – хәёлчанлик билан, дона-дона гапириб сўради Сабина.

– Ўлганни шу ерда дафн қилишиб, уйидагиларга бўлған воқеа ҳақида хабар беришибди. Қотиллик қилғанлар шу юртниң қонуни билан судланиб, узоқ муддатга қамоққа ташланибди. Ана энди «аттанг-о» деб ёта-веришади. Ҳамманиям Яратғанинг ўзи асрасин, қани, тез-тез ейдиганларингни еб, ичадиганларингни ичинглар. Холида опа ҳозир яна бир гала эркак бошлаб келади. Жобир билан шу ҳақда гаплашаётганини эшитиб қолдим, – Нодима гўё ҳозиргина мудҳиши қотиллик ҳақида гапириб, қизларниң юрагига ваҳима солмагандек, иштаҳа билан овқатланишга тушди.

– Нима, энди кечаси ҳам ишларканмизми? – чиройли терилған қоп-қора қошларини норози бўлиб чимирди Сабина. – Темир эмасмиз-ку, ахир?

– Буниси энди ортиқча, – Фариданинг чаросдек дума-лоқ күзлари ҳам чақнаб кетди. – Шундоқ ҳам кунига уч-чаламиз камида етмиш-саксонтасига «хизмат» қиляпмиз. Бу ернинг эркаклари ҳам, нима бало, хотинсираб ўлаёт-ган эканми ё бизни ўз аёлларидан бошқачароқ деб билишадими?

– Албатта, «бошқачароқ»сан-да, – оғзи тўла овқат билан уни масхара қилди Нодима, – хотинлари текии – қизифи йўқ. Бизнинг нархимиз фалон пул. «Шунча қиммат экан, демак, бир балоси бор. Шуни бир билай-чи», деб келишади улар. Кейин доимий «мижоз»ларимиз ҳам янги-янгиларини топиб келади. Ўзи билан олиб келган ҳар бир одами учун Холида уларга процент тўлайди. Ўйлайсизларки, шунча эркакни Холида билан Жобир топиб келади деб. Йўқ, уларнинг, агар янгилишмасам, ҳар кўчада биттадан даллоли бор-ов. Ана ўшалар худди бирор бир маҳсулот, мол савдосидагига ўхшаб, бизни ҳам таниган-билган эркакларига реклама қиласди, биз ҳақимизда хоҳлаганича беҳаё гапларни гапиради – нархимизни оширади. Қарабсанки, бу гаплар қулоқдан қулоққа ўтиб, «фалон жойда «зўр»лари бор экан», деб пулинин қаерга қўйишини билмаган бетамизлар бу ерга танда қўйишади...

Эшик қўнғироги жиринглаб, зум ўтмай Холиданинг овози эшитилди, кейин ўзи ҳам кўринди. Унинг негадир ранги оқариб кетган, кўзлари ҳам бежо эди. Тўкин дастурхон атрофида ўтирган қизларни кўриб, унинг авзойи баттар бузилди:

– Сенлар бу ерда ёққанини танлаб еб ўтиринглар, мен жон ҳовучлаб, тириклик ташвишини қилиб юрай-а? Жобир! – унинг бақириғидан қўлларини қофоз сочиққа артиб, бирин-сирин жойларидан қўзғалаётган қизлар чўчиб тушишди. Остонада Жобир кўриниб, «лаббай» деди. – Хизматкорга айтиб қўй. Менинг йўғимда бу ойимтиллалар ресторонда ўтиргандай ялпайиб ўтирмасин. Қачон мен келсам, шунда овқатланишади. Ундан кейин...

— у қизларга юзланди, — рухсатимсиз бирортанг хонангдан чиқмайсанлар. Жа-а, елкамга чиқариб олдим. Индамасам, бошимга ҳам чиқиб кетасанлар. Ана, сенга ўхшаганларнинг касофати билан...

Холида вақтида тилини тийди. Шундай бўлса-да, қизлар боягина Нодима айтиб берган воқеани кўзда тутаётганини англашди. Эшигтан воқеалари ҳақиқатан юз берганини англаған қизлар бундан даҳшатга тушган бўлсалар-да, бу воқеа босди-босди бўлиб, гап-сўзлар тингунча «хизмат»лари ҳам тўхташини ўйлаб, ичларида қувонишиди. Худди уларнинг фикрларини ўқиётгандек, Холида ҳам:

— Уч-тўрт кун дам оласизлар, — деди бир оз ҳовуридан тушиб. — У ёқ-бу ёқларингга қараб, сал куч тўплаб олинглар. Ҳозир кириб дам олинглар. Эртага — Худо пошшо.

Қизлар хона-хоналарига тарқалишиди.

«Ҳа, демак, текшир-текшир бошлангаи. Бугун одам бошлаб келмаганининг ҳам сабаби шу. Энди анча тўкилади, яъни йиққан-терганини кимларгадир сарфлайди. Қизиқ, бизнига қанчадан юбораётган экан? Ҳеч бўлмаса 200-300 доллардан юбораётгандир? Бечора отам, «Қизим пул юборяпти, демак, соғ-саломат ишлаб юрибди», деб ўйлаётгандир. Опам, акам, қизимнинг аҳволи қандай экан-а. Уфф, шу аёл мени тириклийин ютиб юборса ҳам, эртага шу ҳақда гаплашаман. Ҳеч бўлмаса, уч ойда бир марта телефон қилиб, гаплашишга, тириклигимни айтишга ҳаққим йўқми, дейман».

Сабина шундай хаёллар билан ухлаб қолди.

... Қандайдир фаройиб, жуда катта майдонда чамаси томоша кўрсатилаётган экан. Гулбодом билан опаси Гулсара ҳам кўнчилик орасида туриб томоша кўришаётганмиш. Бир пайт бир йигит иккита чиройли гулни улар томонга иргитибди. Опа-сингил гулларни илиб олибди. Гулсара қўлидаги гулни рақс тушаётган қизчалардан бирига берибди. Яна битта қизча келиб, унинг қўлидаги

гулни олибди-ю, «Нега буни эзиб, ғижимлаб қўйдингиз?» – дея фарёд солиб йиғлай бошлабди. Гулбодом қараса, қўлидаги гул, ҳақиқатан ҳам ғижимланган. Қизча йиғлайверибди, у эса қизалоқнинг кўзига кўринмаслик учун ўзини ҳали у, ҳали бу томонга панага олармиш. Эшик ортига беркишармиш, барибир қизчапиниг дод солиб йиғлаётганини кўриб, эшитиб тураверибди. Шундан кейин у опасини етаклаб, қизалоқ кўрмайдиган бошқа бир йўл билан кетмоқчи бўлибди-ю, қор босган кенг далада адашиб-улоқиб кета бошлишибди. Оёқ остидаги қорнинг юзи музлаган, қадам қўйган жойларидағи муз қисирлаб сишиб, сув чиқармиш. Қаердандир машиналар овози келар, опа-сипгил қўл ушлашганча, ўша, машина овози келаётган томонни мўлжаллаб, «Йўл шу томонда бўлиши керак», деб кетишашётганимиш.

Бир пайт фира-шира қоронғиликда ён томонларидан бир йигит, яни Жобир югуриб ўтиб кетар экан, Гулбодом тушунмайдиган тилда нимадир дебди. Гулбодом қараса, уни қор босган, ўнқир-чўнқир ерларда етаклаб кетаётган онаси эмас, Холида эмиш...»

Гулбодом чўчиб уйғонди. Қоп-қоронғи хона димиқиб, ўзи терга ботиб кетибди. Юраги кўксидан отилиб чиқиб кетгудек уряпти. Танаси чўғдек қизиб, ўзи эса ёниб кетаётгана ўхшайди. Бу хона ўлгурнинг ҳеч бўлмаса дарчаси очилса экан, уни очиб, хонани шамоллатса.

Кўрган туши таъсирида каловлапиб, ўзини қаёққа қўйишини билмай қолган жувон оёғига юмшоқ шиншигии илиб, даҳлизга чиқди, чироқни ёқиб, юз-кўзини муздек сувга ювди. Ҳовучини тўлдириб сув ичди. «Тавба, суви ҳам ўзимизнинг сувга ўхшамайди-я, bemазалигини».

У чироқни ўчириб, пайпасланганича бориб, кенг-мўл юмшоқ ўринига ўзини ташлади. Кўрган тушини қайта-қайта ўйлаганча, хаёл суриб ётди. Тушида кўргани йиғлаётган қиз – Асалой, унинг гулинини ғижимлаб юборганим – шафқатсизлик билан ўз боламни опамга берганим,

деган хулосага келди. Асалой касал бўлиб қолдимикан? Ё бирор фалокат...

У ўрига ўтириб олганича, тезроқ тонг отишини кута бошлади...

Парда очилди

– Ҳабиба хоним (у «опа» дейишни тақиқлаган эди), сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим, – эрталаб нонуштадан кейин фотиҳа қилиб, ўридан туроётган бекасини тўхтатди Сабина.

– Нимани? – ингичка қошларини чимириди Ҳабиба деганлари жойига қайтиб ўтиаркан, норозилик билан. – Нима гапинг бор?

– Шу-у... уйимга қўнғироқ қилсам. Қизим тушимга кирибди. Кейин, қанча пул юбораётганингизни ҳам билсам дегандим.

– Нима, энди ҳар куни қизингни тушингда кўрсанг, ҳар куни телефон қиласанми?

– Ахир, келганимдан буён атиги бир марта, шунда ҳам келин аям билан гаплашдим. Улар ҳам хавотирланишаётгандир, пули келяпти-ю, ўзидан дарак йўқ деб...

– Мен сенга «пул юборяпман» демадим, шекилли?

– Ие, шунча вақтдан бери... «Ҳар ойда юбораман», дегандингиз-ку? – Гулбодомнинг оёқларидан мадор кетиб, боши айланса бошлади. – Отам... уйдагилар нима аҳволга тушдийкан, ўлик-тириклигимни билмай? Нега бундай қилдингиз, нега? Ҳар ойда икки юз-уч юз доллардан юбориб тураман, дегандингиз-ку? Энди нима қила-ман? Отамга нима дейман? – у турган жойига – момиқ гиламга ўтириб қолди ва ҳўнграб йиғлаб юборди.

– Йиғлама-ей, – Холида унинг елкасига туртди. – Тур ўрнингдан. Нима, мени йиғлаб қўрқитмоқчимисан? Аввал қарзингни, сенларга қилган сарф-харажатларимни тўлаб қўйларинг, ундан кейин пул талаб қилларинг. Э, тартиб-қоидани ўргатмаганми сенларни бу жойга бош-

лаб келгап опахонларинг? – Холида бир четда мұлтираб турған Фарида билан Нодимага қаради. – Үzlарингча ҳар ойда фалон пулдан юбориб, ота-опамизни бой қиласыз деб үйлаганмидинглар? Хомтама бўлибсизлар!

– Бизлар ҳам... – юрак ютиб гап бошлади Нодима қўрқа-писа.

– Ҳа, сенлар ҳам! Зебо сенларнинг ҳар бирингни менга йигирма минг доллардан сотгаи. Сенлар менга аввал ўша долларларни топиб берларинг. Ундан кейин уйга пул юбориш масаласини үйлаб кўрамиз. Тур ўринингдан, юзкўзингни ювиб, одамбашара бўл, – у Гулбодомга ўқрайди. – Бугун тушликни эртароқ қиласаллар. Тушликдан кейин мижозлар келади. Шунчак дам олганларинг етар, – у фудранганича ўз хонаси томон юрди.

Икки қиз дарҳол келиб, Гулбодомнинг ўриидан туришига ёрдамлашди. Улар ҳам унсиз йиғлашар, лекин қафасдан ҳам мустаҳкам бу бетонни, темирданми, гиштданми – нимадан қурилганини Худо билади, хоналардан остона ҳатлаб чиқишига ҳақлари йўқ; худди қофоз гулдек бежирим, чиройли, лекин ўз ҳақ-ҳуқуқларини ўз ихтиёри ила бой берган, кимларнингдир қўлида қўғирчоқ, ўйинчоқ, тўғрироғи, Холидага, Зебога ўхшаганларга жарақ-жарақ пул топиш учун ўз танини сотишга мажбур бўлган «шаҳват машиналари» эди улар.

– Кунига, вақти келса, ўттизталаб одам қабул қиляпман, – йиғи аралаш деди Гулбодом. – Кунига икки минг доллардан тушганда ҳам, аллақачон олтминш-етмиш минг доллар ишлаб бердим. Наҳот шунчак маблағдан ойига икки-уч юз долларини отамга юбориш қийин бўлса? Мен энди нима қиласман? Отам қандай аҳволда юрган экан? – у йиғлаганича хонасига кириб кетди. Фарида билан Нодима ҳам бир аҳволда хоналарига йўл олишди.

Шу пайтгача «уйдагилар биздан бораётган пулларни олиб, маза қилиб яшаяпти» деб үйлаб, ўзларини овутиб юрган қизларнинг гўё кўз олдиларидағи нарда кўтарилиган-у, ҳақиқий ҳаётни кўриб, ваҳимага тушиб қолган эди-

лар. Уларнинг ҳам боши қотган: демак, шунча вақтдан бүёи қизларининг ўлик-тиригини билмаётган ота-оналари нима аҳволга тушганикин? Аллақачон қизлариши сўраб-суриштириб, қаерга бош уришини билмай, сарсон бўлиб юришгандир? Ҳуқуқ-тартибот идораларига «қизим йўқолди» дея арз қилиб юришгандир балки? У ёқда «фалончининг қизи бедарак йўқолибди» дея дув-дув ган, булар эса бу ёқда...

«Нега келганимиздаёқ ҳар ойда бир марта уйга қўйифироқ қилиш, пул юбориш ҳақида келишиб олмадик? Йўғ-а, бу ҳақда ган бўлганди. Демак, Зебосиям, бунисиям бизни алдаган. Зебога нима, бизни лақиллатиб, мана, бу ерга олиб келиб, боплаб пуллаб кетибдику? У ёқ-бу ёғи билан бирор минг доллар сарфлаган бўлса, ҳар биримиз учун йигирма мингдаи олибди, ёрилиб ўлтур. Биз эса, ит азобида, қайси бир зинокор қанча чойчақа бераркан деб ўлиб-тирилиб, ташамизга қўшиб, виждан, ор-номус деганларини ҳам сотиб ётибмиз. Э, фоҳиша ор-номус, виждан бўлармиди? Бу нарсалар бўлса, ўшанда, Зебо онанинг уйида қаёққа, нима учун боришимни айтгаңдаёқ, башарасига туфлаб, шарманда қилган бўлардим. Ор-номусим, виждоним бўлмагани учун унинг чиройли ганларига маҳлиё бўлиб, гўзал ҳаёт, ҳашаматли кийимлар, жарақ-жарақ пул топиш орзуси кўзимнингина эмас, онгимни ҳам кўр қилиб қўйди-да. Мана, сигил-елпи пул топиб, бойишини орзу қилишининг оқибати. Бу ердан қайтгач, отам, акам, онанинг кўзига қандай қарайман? Умуман, бу ердан қайтармиканман ё менинг ҳам ўликларим шу жойларда қолиб кетармикан?»

Эшик оҳиста тақиллади. У шошилмай ўриидан туриб, қўлларини артганича бориб эшикни очди. Остонада доимий мижози Салмонбей жилмайиб турарди.

– Хуш келибсиз! – деди Гулбодом қоидага кўра унга жилмайиб қарашга уриниб, лекин бегона юртда яқин қариндошини кўриб қолган одамдай, юраги тўлиб, ўзини

тутолмай қолди: күз ёшлари рангпар юзларини юва бошлилади.

– Нима бўлди? – Салмонбей ҳайрои бўлиб, унинг иягидан ушлаб ўзига қаратди. – Нега йиғлаяпсан? Ким сени хафа қилди?

Гулбодом эшикни ичкаридан қулфлаб, Салмонни ўрин томон етаклади. У ерда бир-бирларига қарама-қарши ўтириб, гоҳ имо-ишора, гоҳ қулоғига ўриашган сўзларни аралаш-қуралаш қилиб, амаллаб, йиғлаганича бўлган гапни тушунтириди.

– Вой, ярамаслар, вой, разиллар, – Салмоннинг астойдил жаҳли чиқди. – Шунчаликка ҳам боришадими-а? Боплаб урайми Ҳабибани? Ё полицияга хабар қилайми?

– Йўқ-йўқ, – Гулбодом бош чайқади, – кейин мен нима қиласман? Ҳайдаб юборишса, қаерга бораман? Полиция ушлаб олса, қамаб қўяди-ку? Қўлимда ҳужжатим йўқ, анави, – у эшик томонга ишора қилди, – паспортимни олиб қўйган.

Шу куни Салмон «шишк ўйини» ўрнига Гулбодом билан жиддий гаплашди, маслаҳатлашди. Охири, «йўли»ни топиб, уни бу ердан олиб кетадиган ва шаҳарнинг жашубий туманларидан бирида жойлашган исловотхонага олиб борадиган бўлди.

– У ерда шароит бутунлай бошқача, – деди Салмон уни юпатиб. – Бу ердагига ўхшаб ит ҳам, бит ҳам келиб, нафсии қондириб кетавермайди. У ерга оз, лекин соз одамлар очиқ-сочиқ эмас, хуфия равишда келиб-кетади. Тушум ҳам шунга яраша. Битта бойга доимий бўлиб қолсанг, пичоғинг мой устида. Бундан ташқари, исловотхона эгаси жанжал, гап-сўзни ёқтирмайди. Қизларни яхши кийинтириб, яхши боқади. Хонанинг бир четига телефон аппарати ўрнатилган – хоҳлаган пайтингда, хоҳлаган одамингга қўнғироқ қилиб, бемалол гаплаша оласан. Асосийси, у ойнинг маълум бир кунида ким қанча пул топганини, шудан қаинчаси озиқ-овқат, кийим-кечак ва ижара пулига сарфланганини эълон қилиб, ким қаерга

қанча пул юбормоқчилигини сұрайди. Айтганингга «хұп» деб, айтған миқдорингдаги пулни қаерга десанд, үша ерга жұнатыб, жұнатылғанлиги ҳақидаги қофозни құлингга олиб келиб беради. Айтаяпман-ку, унинг гап сұзға, жанжалға тоқати йүқлиги учун доимо қызларнинг күнглиға қарайди...

Салмоннинг гапларидан Гулбодомнинг күнгли күтарили. «Шу пайтгача бу ҳақда нега үйламадим, агар қызим тушимга кирмаса, яна қанча вақт индамай юрардим», деган гаплар хаёлидан үтди ва юраги ғалати орзикіб кетди. Чунки у үзини қай күйга солмасин, барибир, она, юрагининг бир четини ҳамиша қизининг үйи, соғинчи жимиллатиб турар, лекин у айш-ишрат қўйнида үзини йўқотиб, үша үй, соғинчни унугашга, эсламасликка, қалбидан чиқариб ташлашга уринарди. Ахир, энди уни «болам» дейишга, эслашга ҳаққи йўқ. У энди опасининг боласи. Лекин «унут» деган гап айтишга осон...

– Кетишга астойдил тайёрлан, лекин эҳтиёт бўл, анави сезиб қолмасин, – унинг хаёл суриб қолганини келгуси ҳаётидан хавфсираш деб тушунган Салмон нозик қўлларидан ушлаб үзига қаратди. – Кийимингнинг энг яхшиларини ол, қолгани қолаверсин. Йиққан пулларингга эҳтиёт бўл. Мен Жобир билан келишаман, у мен билан қалин дўст. Бир куни, яқин кунларда, у сенинг мен билан кетишингга шароит яратиб беради.

– Қачон? – унинг пинжига суқилди Гулбодом.

– Тез кунда, – Салмон аёлни бағрига олди. – Тез кунда, азизам.

* * *

Ҳабиба хонум нимадандир хурсанд. Қадди-қоматини кўз-кўзлайдиган янги антиқа кийимда, соchlарини ҳам чиройли турмаклатган, юришлари ҳам бошқача. Жобирнинг ҳазиллашиб айтишича, «опанинг лотереясига ютуқ чиққан». Ясан-тусанни жойига қўйган аёл, кўпинча уйдан эрталаб чиқиб кетиб, оқшомда қайтади. Келади-ю,

Жобирни хонасига чақириб, нималарни дир талашиб-тортишади, чамаси, ҳисоб-китоб қиласади. Чунки у уйда бўлмаган пайтда «мехмон»ларни Жобир кутиб олиб, ҳисоблашиб кузатади.

Гулбодомнинг «доимиий»си ҳам кунда шу ерда. Чамаси, у шу йўл билан аёлни гўё муҳофаза қилияпти, яъни бошқа эркаклар унинг ёнига киришига деярли йўл қўймаяпти. Унинг ёнига ҳар гал кирганди иккови янги-янги резжалар тузади. Салмоннинг жонкуярлиги, ўзига нисбатан ғамхўрлигидан Гулбодом баъзан «менга уйланади, шекилли» деган ўйга ҳам боради. Лекин... унинг қилиб юрган ишларини кўра-била туриб, қайси ақлли эркак унга уйланарди? Энди у «бузуқ» номи билан умрбод ёлғиз ўтиб кетса керак. Майли, бу фирром аёлнинг фоҳишахонасидан қочиб ҳам кетар, лекин у ерда ҳам бу ердан кам бўлмаса керак. Ахир, «оқ ит, қора ит – барибир ит» деган гап бекорга айтилмаган. Лекин...

Гулбодом таваккал қилишга жазм этди.

Қочиш

Қуёшнинг жазирама тафти бир оз пасайган бўлса ҳам, кун иссиқ. Бундай пайтда шаҳардаги ҳаёт сал сустлашгандай бўлади: кўчаларда ранг-баранг машиналар нисбатан камаяди. Гўё иссиқдан лоҳасланган кўчаларда йўловчилар сийрак. Улар ҳам ўз ишлари билан овора, ҳеч кимнинг бирор билан иши йўқ.

Вақт пешиндан ўтиб, асрга яқинлашган ана шу пайтда кўчадаги ўнлаб таксиларга үхшаган бир машина аҳоли яшайдиган кўп қаватли уйларнинг бирининг йўлаги ёнига келиб тўхтади. Шу заҳоти йўлак эшиги очилиб, ўрта ёшлардаги бир эркак чиқди ва у ёқ-бу ёққа аланглаб олгач, очиқ эшикка қараб, «чиқавер» дегандек ишора қилди. Ичкаридан епглари узун, этаги ерга теккудек кўйлак кийиб, бошига ёпинчиқ ёпган – шаҳарнинг оддий аёлларидан фарқ қилмайдиган бир аёл чиқиб, тезгина

юрганича ҳалиги эркак эшигини очиб турган машина ичига кириб ўтиради. Эркак олд ўриндиқça жойлашиб олгач, машина жойидан қўзғалди. Аёл ёпинчиғига маҳкам ӯралиб олганича чурқ этмай ўтирас, физиллаб кетаётган машина деразасидан қараб, атрофни томоша қилиб кетишни хаёлига ҳам келтирмас, қўрққанидан юраги ҳапқириб, худди қафасидан чиқиб кетгудек бўлар, бутун вужуди титрарди.

Машина бир ярим соатдан кўпроқ йўл юриб, соя-салқин кўчанинг охиридаги икки қаватли кўркам бир бинонинг эшиги ёнида тўхтади. Олдинги ўриндиқда ўтирган эркак аввалдан тахт қилиб қўйилган кира ҳақини ҳайдовчининг қўлига бериб, машинадан тушди ва орқа эшикни очди.

– Марҳамат, тушинг, хонум, – у аёлга қўл узатди.

Аёл – Гулбодом ҳам унга қўлини бериб, оҳиста машинада тушар экан, эркак унинг аъзойи-бадани теракнинг баргидек титраётганини ҳис қилди.

– Қўрқманг, Сабина хонум, қўрқманг, – қувноқ оҳангда аёлга далда берди у. – Мана, етиб ҳам келдик. Энди ҳаммаси яхши бўлади. Қани, ичкарига марҳамат.

Бино дарахтларга буркангани учун унинг деворлари ҳам кўкимтири-яшил рангга ўхшар, ҳеч ким бу ерни казо-казолар келиб-кетадиган жой демас, чунки у қўримсизгина эди. Йўлдан онда-сонда ўтиб қоладиган машиналарни ҳисобга олмаганди, атроф сокин, тирик жон қўринмайди.

Гулбодом қўрқувдан юраги ҳовриқиб, тезроқ кирмаса, кимдир орқасидан келиб, тутиб оладигандек, ўзини ичкарига урди. Ташқарига нисбатан анча салқин бўлган йўлак эшиги дарҳол ёнилди.

Салмон Гулбодомни эргаинтириб йўлакнинг охирига, кенг-мўл меҳмонхонага олиб кирди. У ерда Холида опанинг акси бўлган паст бўйли, дўмбоқ, лекин истаралигина, ўрта ўшлардаги қўзойнакли аёл бурчакка қўйилган пастак стол ёнида нималарнидир ҳисоблаб ўтирасиди.

- Ассалому алайкум, опа, мана, биз келдик.
Аёл қоғозлардан бош күтариб, уларга қаради. Саломига алик олиб, ўрнидан турди.
- Хуш келибсизлар, қани, марҳамат.
Аёл Гулбодомнинг елкасига қоқиб кўришди. Кейин:
– Қани, она қизим, чодрангизни очинг, – деди.
Гулбодом бошидан ёпинчиини олгандан аёл, яъни Зайнабхоним унга бош-оёқ синчиклаб қараб, гўё баҳолади. Кейин хона ўртасидаги устига чиройли дастурхон ёзилган стол ёнига бошлади.
- Қани, ўтилинг-чи, қизим.
Аёлнинг «қизим» деб мурожаат қилганиданми, Гулбодомнинг кўнгли бўшашиб, кўзларига ёш тўлди. Зайнабхоним уни қаерданлиги, бу ёқларга қачон келганлигини сўрай бошлаганда эса, ўзини тута олмай, ҳиқиллаб йиғлай бошлади.
- Йиғлама, қизим, – Зайнабхоним дўмбоқ, юмшоқ қўллари билан унинг бошини силади. – Киз бола – палахмон тоши, тақдир қаерга улоқтиурса, ўша ерга бориб тушиб, яшашга интилишга мажбур...
- Аёл анча панд-насиҳатлар қилди. Гулбодомнинг хаёлида бу аёл раҳматли онасига ўхшаб кетарди. Шунинг учунми, аёл билан бўлган бир соатлик суҳбатдан унинг кўнгли ёришиб, худди яқин қариндошини топиб олгандек, анча енгил тортди.
- Бугун дам ол, хоҳласанг, ана, уйнинг орқасида ҳовли – боғ бор, чиқиб айлан. Фақат бегона кўзлардан эҳтиёт бўл. Бу жой шаҳарга нисбатан анча тинч-у, лекин билиб бўлмайди-да. «Балодан ҳазар» деган гап бекорга айтилмаган. Эҳтиёткорлик яхши-да.
- Гулбодом «айланиб келишга» – боғда сайр қилишга иштиёқи йўқлигини билдиргач, аёл уни эргаштириб, иккинчи қаватга олиб чиқди. Гулбодом кенг йўлаклар, зиналардан юриб бориш асносида атрофда ҳеч ким йўқлигига эътибор берди ва «Нима бало, бу ерда мендан бошқа аёл йўқми», деб ўйлади ҳам.

– Манави хона сенинг фақат ўзингга, – аёл жилмайди, – мана бу – ҳаммом, ҳожатхона, бу ётоқхона. Қара, деразанг боғ томонга очилади, – Зайнабхоним ипак пардаларни бир томонга суриб, деразани очди. – Ҳавонинг тозалигини қара. Салқилигини-чи. Шунинг учун кондиционерни кўп ҳам ишлатавермаймиз, шамоллаб қолиш мумкин-да. Мана, қара, сенинг келишингни эшитиб, бу хонанинг жиҳозларини янгилатдим. Одамнинг кўнгли нозик-да. Сендан олдин бу ерда яшаган қиз билан шартномамиз тугади. Шунинг учун «Бир уй томонларга бориб келай», деб кетди.

– Қизлар... шартнома билан ишлашадими? – торгинибгина сўради Гулбодом.

– Бўлмасам-чи? Шуниси яхши-да. Ўртада кўнгилхиралиқ, гипа-кудурат бўлмайди.

Гулбодомнинг хаёлида ўзи бу ерга танини сотиш, фоҳишалик қилиш учун эмас, тупиа-тузук бир корхонада ҳалол ишлаб, ҳалол пул топиш учун келганга ўхшай бошлиди. Уни Зайнабхонимнинг муомаласидан, бу ердаги шарт-шароитдан кўнгли таскин топиб, ўзини анча еигил ҳис қилмоқда ва бу ерга олиб келгани учун ичидан Салмонбейдан миннатдор эди.

Бироқ унинг хурсандчилиги узоққа бормади...

Аризанинг ёзилиши

– Отажон, мени қутқаринглар! – эрталабдан бери юраги фан бўлиб, ўзини қаерга қўйишини билмай, уйда қаловланиб юрган Нормат ота бехос жириинглаган телефони гўшагини олиб, «Алло, ким?» деди-ю, қизининг овозини эшитиб, гўё танасини жон тарк этди, оёқлари майишиб, жон-жаҳди билан «Келин!» дея бақирганча, телефон аппарати турган токча ёнига ўтириб қолди. Югуриб кирган келин қайнотасининг ҳолсиз қўлларидан тушиб кетган гўшакни олди.

– Ҳой, ким, кимсиз?

– Келин ая, менман, – Гулбодом, – симнинг у томонидан ҳиқиллаб йифлаган овоз келди. – Акам, отам қани?

– Нима гап ўзи? Акангиз ишда, отам шу ерда, – келин икки қўли билан бошини чанглаб ўтирган қайнотасига ачиниб қаради. – Нима бўлди, қаердасиз? Нега йифлагяпсиз?

– Келин ая, мен Дубайдаман.

– Дубайда? Кореяга кетган эдингиз-ку?

– Йўқ, бу ёққа олиб келишди, – ўзини анча босиб олган Гулбодомнинг овози аниқ-равшан эшитилди. – Акамга айтинг, Зебо опанинг уйига борсин, телефони... – у телефон рақамини айтди. – Ёзib олдингизми? Тасдиқ овозини эшитгач, давом этди. – Ўша телефонга қўнфироқ қилиб, уни топсин. Паспортимни ўша олиб қўйган. Ҳозир мен қамоқдаман, – Гулбодом яна йифлай бошлади.

– Нега, нега қамоқдасиз? Нима бўлди ўзи? – телефон гўшагидан қисқа тудоклар эшитила бошлади. Алоқа узилганди.

– Ота, туринг, – келин қайнотасини ўрнидан туришига кўмаклашиди. – Куйинманг ота, тирик экан, тирик.

– Нима деди? – ота беҳол сўради.

– Қамоқдаман, деди. Зебо опанинг телефонини берди, «Паспортимни ўша олган», деди. Келин «Дубайда экан» дея отанинг ярасига туз сепишни истамади. – Мана, ёзib олдим, – келин токчада ётган телефон рақамлари ёзиладиган дафтарни курсатди. – Телефон қиласми?

– Тўхта, ўғлим келсии, – ранги униқиб, кўзлари қизарип кетган қайнота бош чайқади. – Яна қўлдан чиқармайлик. Лаънатини уйини топишимиз керак.

– Топамиз, ота, албатта, топамиз, – унга далда берди келини. – Мана, телефон рақами қўлимиизда. Ўғлингизнинг ишхонасида Дима деган компютерчи йигит бор. Телефон рақамини ўшанга берсак, уйи ернинг тагида бўлса ҳам топиб беради.

Нормат ота деворга суюниб ўтирганча бир сўз демади. Ахир у келинига қизи бир марта қўнфироқ қилиб йўқ

бўлиб кетгач, Зебо берган телефон рақами бўйича қайта-қайта қўнфироқ қилганини, ҳар гал қўнфироғига ё «Абонент хизмат доирасидан ташқарида», ёки «Сиз тераётган ракам тармоқда йўқ» деган жавоб олганини қандай айтсин? Тўғри, у эркак киши, ота, ўз ҳис-ҳаяжонларини, чекаётган изтиробларини очиқ-ойдин ошкор қила олмайди. Пешанасидаги иккинчи қизи – Гулсара, мўмин-баёв тўнғичи, ота-она изми билан турмуш қуриб, кам бўлгани йўқ: куёви оғир-босиқ, одамшаванда, турмуши тинч-тотув. Фақат Аллоҳ улардан биттагина тирноқни дариф тутди. Худога шукр, ўғли қўшгани билан тиниб-тинчиб яшаяпти. Яқинда яна Ҳасан-Ҳусанли бўлишди. Кенжаси Гулбодом эса... «Нима кўрсанг, шу қизингдан кўрасан», деди фолбин лўли, – деган эди бир куни хотини раҳматли. – Отаси, шу қизингиз бир ажойиб бўлиб чиқади».

«Ҳа, онаси, қизинг қанчалик «ажойиб» чиққанини ўзинг кўрмасанг ҳам, чирқираган руҳинг кўраётгандир, ахир. «Ўламан, обло, шунга тегаман» деб теккан эрини Худо ҳам кўп кўрди. Ота-онасини норизо қилгани учун бўлса керак, битта тирноқли бўлишганда йиғиштириб ола қолди. Онаси, шу, кенжангнинг фамида ўлиб кетганингни билмайди деб ўйлайсанми? Жуда яхши биламан. Лекин, нима қиласай, «бурним сассиқ» деб уни кесиб ташлаб бўлмайди-ку? Энди сал... кўнглим илий бошлаганди. Ана-ви, сувилонга ўхшаган аёл – Зебони бошлаб келди. Бошдаёқ у аёл менга ёқмаганди. «Сарфлаган пулимни қайтаринг», деб тургач, иложим қолмади – қўлим калталик қилди, у айтган маблагни топиб беришга. Қизинг ҳам у билан кетиш тарафдори эди, онаси. Учиб-қўниб турганди, ўша билан кетай деб. Ноилож рози бўлдим. Қизинг у билан кетди. Сен кетгач, юрагимнинг бир томони ўпирилиб кетган, лекин сенинг ёшлиқдаги тимсолинг бўлган мана шу жигаргўшанг менинг ҳаётимни ёритиб турганди. У ҳам кетгач, касалманд бўлиб қолдим. Дўхтирлар қон босими дейдими-ей, юрак етишмовчилиги дейдими-ей. Шу қизингни топиб, мана шу, сенинг изларинг қол-

гаи ҳовлига олиб келмай ўла олмасдим, онаси. Қизларининг мактабдан салгина кеч қолса, хавотирланиб, бир жойда ўтира олмасдинг. Арзанда қизнинг уч ой дом-дараксиз кетди-ю, менинг аҳволимни бир тасаввур қилгин. Худога шукр, тирик экан. Дунёнинг қай бир чеккасида бўлса ҳам, майли, тирик экан. Овозини эшитдим, Аллоҳга шукр. Энди уни қутқариш чорасини кўришим керак. Оҳ, хом сут эмгаи баанд-я, сенга нима стишмаётган эди?»

— Ога, отажон, сизга нима бўлди? — эшиқдан кирибоқ отасининг беихтиёр овоз чиқариб айтган гапини эшитган ўғли саросима билан қаршисига тиз чўқди. — Сизга нима бўлди, отажон? Узингизни қўлга олинг. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади, отажон.

Нормат отанинг кўз олдидағи туман тарқалиб, рўнарасида хавотир билан қараб турган ўғлига бир оз тикилиб турди. Кейин:

— Келдингми? — деди ҳорғин овозда. — Синглиниг тирик экан, эшитдингми?

— Эшитдим, отажон, эшитдим, — шоша-ниша жавоб берди ўғил. — Отажон, одамни қўрқитманг. Мана, манави аччиқ чойдан босиб-босиб ичиб, маслаҳат беринг, нима қиласай?

— Ўша аёлиниг уйини топ, — ота салгина жоиланди. — Ўша урғочи илоннинг инини топ. Нима қилса — ўша қилди. Тинчгина юрган синглинигни йўлдан урди. Майли, унга ҳам Аллоҳнинг атагани бордир, — отанинг овози бўғилиб қолди.

— Отажон, мана, телефон рақами қўлимда, қўнғироқ қиласайми? — отасининг кўз ёшларини кўрмаганликка олди ўғил.

— Қўнғироқ қилсанг... қочиб кетмасмикан?

— Қочиб қаёққа боради, ота? Энди ҳеч қаёққа қоча олмайди.

Ўғил қўлидаги дафтарга қараб рақам терди. Телефон гўшагидан бир неча марта узун-узун чақириқ овози эшистилгач, у томондаги гўшак кўтарилди.

– Алло! – деди аёл киши гўё кўринмас ошифига ишва қилгандек ноз билан. – Эшитаман?

– Зебо опа? Ўзингизмисиз?

– Ҳа, мен, кимсиз?

– Мен, Гулбодомнинг акасиман. Сиз билан учрашим керак.

– Нима? – Зебо бир оз тараддудланди. – Қанақа Гулбодом? Янглишдингиз, шекилли?

– Йўқ, янглишганим йўқ. Сиз «Кореяга» деб олиб кетган Н.лик Гулбодомнинг акаси. Гўшакни қўйманг, бўлмаса, ҳозир уйингизга етиб бораман. Энди қоча олмайсиз.

– Тавба, – аёлнинг сохта кулгиси эштилди. – Мен қаёққа қочар эканман? Бирор айб иш қилибманмики, қочсан? Бирор айбим бўлса – айтинг, бўйнимга қўйинг, лекин туҳмат қилманг, йигит. Туҳматга ҳам жазо бор-а, – аёл беўхшов ҳиринглади.

– Мен сиз билан сичқон-мушук ўйнамайман. Синглимни алдаб олиб кетдингиз, кимларгадир сотибсиз. Сиз билан энди керакли идорада гаплашамиз, – йигит гўшакни қўйди.

– Уйи қаердалигини сўрамадинг-ку? – анча ўзини тутиб олган ота ўғлидан сўради.

– Отажон, телефонини топдик, гаплашдик, бу ёфи энди осон кечади...

Шу куни ота-бала шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлигининг номига ариза ёздилар. Аризада бўлиб ўтган воқсаларни батафсил баён қилиб, охирида Зебонинг телефон рақамини ҳам қўшиб қўйишиди. Эртасига ота-бала шахсан бошлиқнинг қабулида бўлиб, аризани унинг қўлига топширишиди.

Қўшалоқ фожиа

Ариза ёзилганидан уч кун ўтиб, эрталабдан дарвоза тақиллади. Нормат ота: «Ким, келаверинг», – дея оқсоқланганича дарвоза томонга кела бошлади: анави кунги

рухий зарбадан кейин унинг ўнг оёғи қаттиқ оғрий бошлиғанди.

– Келинг, – дарвозадан ташқарига қадам қўйган ота аввал оппоқ «Нексия»ни, кейин ён томонда гаплашиб турган аёл билан йигитни кўрди. Худди шу машинада бир неча ой аввал қизини олиб кетишганди. Уни анави аёл – Мадина билан Зебо олиб кетишганди. Рулда эса шу йигит эди...

– Нимага келдинглар? – отанинг серажин юзи тундлашди.

– Ассалому алайкум, – ундаги ўзгаришдан ичдан зил кетишган бўлса ҳам, Мадина билан йигит ялтоқланиб, баробар салом беришди. Отанинг алик олмаганини сезмагандай, йигит сўрашгани қўл узатди. – Отахон, яхши юрибсизми? Уй ичи, набиралар?

Ота унинг узатилган қўлини кўрмаётгандек, яна сўради:

– Нимага келдинглар? Қизим қани?

– Отажон, биз ҳам қизингиз билан бирга Корсияга кетиб, шу пайтгача сиз билан хабарлаша олмадик, – тиззасидан келмайдиган қизил юбкача, қизил кофта ва шим кийиб олган, калта соchlари жингалакланган Мадина бидирлай бошлади. – Мана, кеча кечқурун келдиг-у, «роса хавотир олишаётгандир» деб эргалабдан бу ёққа югурдик, – у сохта қулги билан отани юмшатишга уринарди.

– Қизингиз соғ-саломат юрибди, салом айтиб юборди. Манави, – у машинанинг очиқ турған орқа эшигига бош суқиб, ўриндиқдан оғиргина елим халга олди ва отага узатди, – манавини бериб юборди. Уч миллион сўм! Қаранг-а, қизингиз роса чевар экан, уч ойда шунча пул топиб жўнатса-я.

– Пулингни йўқот, – отанинг қўли мушт бўлиб тугилди. – Қизимни топиб бер, маразлар, қизимни! Унинг паспортини қайтар!

– Ие, фалати одам экансиз-ку? – Мадина ўзини ундан олиб қочди. Йигит эса зудлик билан машинага ўтириб

олди. – Мен сизга рост гапни айтяпман, мана қизингиз юборган пул, олинг, бирорни ҳақи керак эмас бизга, олинг, – у яна оғир елим халтани унга узатди. – Қизингизни паспорти ўша ёқда, опахонининг қўлида. Яхшиси, пулни олинг.

– Йўқот кўзимдан, тулки! – ота бақириб юборди. – Шу йўл билан оғзимни ёимоқчисанларми? Мени ҳам сотиб олмоқчисанларми, а? Ҳозир, ҳозир мелиса чақираман! – у ичкарига қараб қичқирди. – Келин! Мелисага қўнфироқ қил, одамфурушлар ўз оёқлари билан келди!

Ота гапини охирига етказмасдан, машина жойидан қўзғалди. Нормат ота унинг ортидан сўкиниб қолди.

«Илонлар, чаёнлар, инингга ўт тушгандан кейин ғимирлаб қолибсанлар-да, – ота оёқ оғригини ҳам унтиб, ўзича ғудранди. – Шу пулни олиб борсак, гапларимизга ишонади деб ўйлагансанлар-да, маккорлар. Бир марта бўлса макрингнинг тўрига илинтирдинг. Сенларнинг ширин гапингга ишониб, жигаргўшамни ўз қўлим билан топширдим. Мана энди, гумроҳлигимнинг азобини тортаяпман. Ҳали, шошмай турларинг».

Ота кечга томон ишдан қайтган ўғлига бўлган воқеани айтиб берди.

– Пулни олмай тўғри қилибсиз, – деди ўғли. Кейин чўнтағидан бир парча қофоз олди. – Мана, уйининг қаердалигини ҳам аниқладим. Бугунги ташрифларидан суриштирув бошланибди, шекилли. Ҳали яна келади улар...

Унинг гапи тўғри чиқди. Ҳуфтонга яқин, кечки овқат ейилиб, дастурхон йиғиб олингач, яна дарвоза тақиллади. Бу гал ўғли билан Зебонинг ўзи келганди. У гапни айлантирмай, тўғрисини айтиб қўя қолди.

– Отахон, айб бизда, қизингизнинг пулларини вақтида етказиб бера олмадик, – деди у дангал. – Лекин ҳали ҳам кеч эмас, уч миллион ўринига, майли, тўрт миллион сўм бераман. Аризангизни қайтариб олинг. «Девона аразласа – хуржунига зарар» деганилариdek, ўз «оёғи» билан дарвозангиздан кириб келаётган бойликни қайтарсангиз,

кейин афсусланасиз. Чунки қизингиз бир йил ишлаганда ҳам шунча пул топа олмайди. Ундан ташқари, қизингизни ҳеч ким алдагани, ўғирлаб кетгани йўқ. У қаерга, нима учун кетаётганини яхши биларди. Ўзингиз ҳам ўз қўлингиз билан қизингизни чет элга кетишига розилик хати ёзиб, қўл қўйиб, нотариусга тасдиқлатиб бергансиз. Энди ёш болалик қилишнинг ҳожати йўқ.

– Хўш, шундай ҳам дейлик, – отанинг юзидан ранг қочди. – Энди нима қилишимиз керак?

– Эртага бориб, аризангизни қайтариб олинг. Эвазига мана шу пул сизники.

– Қайтариб олмасам-чи?

– Э, отахон-а, Зебо соxта кулди. – Бу дунёда ҳал бўлмайдиган муаммонинг ўзи йўқ. Олмасангиз – олманг, лекин мен ундан каттароқ аризаларни ҳам кўрганман, тинчитганман. Бу ҳам ўшаларнинг бири-да. Аризани қайтариб олмасангиз ҳам пулдан қуруқ қоласиз, ҳам қизингиз шарманда бўлади, ўйлаб кўринг. Идорама-идора югуриб, охири бир куни пушаймон бўласиз.

– Майли, – деди ота босиқлик билан. – Пушаймон бўлганимда гаплашамиз. Ҳозир эса, йўлингдан қолма, мегажин...

Отанинг авзойини кўрган она-бала бошқа гап ортиқ-чалигини сезиб, индамай қайтиб кетишиди.

* * *

Энг «пултопар қизи» фойиб бўлганидан, унинг уйдан қандай қилиб чиқиб кетганини, ҳатто ишонгани Жобир ҳам «бilmaganiдан» ғазаби тўлиб-тошган Холида «бўлар иш бўлибди» деб қўя қолмади. У аллақачон «оғзини мойлаб» қўйган икки-уч таниш полициячига бўлган гапни айтиб, қизни топиб беришса, яхшигина «суюнчи» олишларини тушунтириди. Шундан кейин полициячилар ўзлари биладиган «точка»лардан Гулбодомни суриштира бошладилар. Орадан икки ҳафта ўтиб-ўтмай уни Зайнабнинг уйида ўз «фаолияти»ни давом эттираётганини аниқлашди.

Зайнабга унча-мунчанинг тиши ўтмайди. Шунинг учун Холида ўйлай-ўйлай бир қарорга келди: ўзига ҳам йўқ, Зайнабга ҳам йўқ. У ўша таниш полициячилар билан келишиб, Гулбодомни айни фоҳишалик қилиб турган пайтида ушлаттирди. Полициячилар давлат қонунига кўра Гулбодомни зиндан-қамоқقا олиб бориб ташлашди.

Эртаси куни уни терговга олиб чиқдилар. Амал-тақал қилиб ўтказилган сўроқдан кейин терговчи Гулбодомга Холидага қўнғироқ қилишни буюрди. Шуни кутиб турган Холида «Паспортинг билан билетни эртага соат... да аэропортга олиб чиқаман», деди ва бу гапни ўзига тегишли одамга ҳам айтди. Эртасига Гулбодомни бир полициячи аэропортга олиб чиқди. Холида ҳам сўзида туриб, паспорт ва билетни Гулбодомнинг қўлига берар экан:

– Ҳа, майли, бир адашдинг-да, – деди гўё куйинчаклик билан. – Уйга бориб, қайтиб келганингдан кейин ўзинг учун пул ишлайсан, мен ёрдам бераман. Уйга боргач, у ёқ-бу ёққа аризабозлик қилиб юрмагин, хўпми?

Гулбодом унинг қўлидан билет ва паспортини олиб, орқасига қайрилмасдан самолётга чиқиш йўлаги томон йўл олди...

* * *

Гулбодом Тошкентга етиб келгач, шу куни қариндошларининг уйида тунаб қолди. У энди илгаригидек тортичоқ, ҳуркак жувон эмасди: гап-сўзлари бурро, бировнинг йўл кўрсатишига муҳтож эмас, ҳар қандай жойни сўраб-сuriштириб топиб бора оладиган, қисқаси, «шашар кўрган эчки» эди.

Тонг отди. Эрта баҳорнинг майин эпкини зум ўтмай шамолга айланди. Энди гина оламга бўй чўзган қуёшнинг заиф нурларини орқасидан бўри қувган қўй подаси каби шиддат билан «югуриб» келаётган қора булутлар тўсди. Ялт-юлт қилиб чақмоқ чақди-ю, бир неча лаҳзадан кеийин кучли гулдирак овози ҳали ширин уйқуда ётган одам-

ларни ҳам шошиб ўридан туришга мажбур қилди. Борлиқ зумда тундлашиб, тасир-тусур қилганича ёмғир ёға кетди.

Иккинчи қаватнинг деразаси ёнида ёмғирни томоша қилиб турган Гулбодомнинг юраги сиқила бошлади. «Энди уйга нима деб бораман? Отамга, акам, опамга нима дейман? Сени Кореяга кетган, ишляпти десак, сен қаерда, нима ишлар қилиб юргандинг?» дейишса, нима деб жавоб бераман?»

Ёмғир қандай тез бошланган бўлса, шундай тўсатдан тинди. Шамол булуларни яна қаёқларгadir ҳайдаб кетди, гулдирак овози ҳам энди узоқлардан элас-элас қулоққа чалиниб турди-ю, охири у ам йўқолди.

Гулбодом ҳар қандай оғирликни бўйнига олиб, уйга қайтиши керак. Чунки бошқа иложи ҳам йўқ, мажбур эди шунга.

У имир силаниб йўлга отгана бошлади. «Касбдошлари»нинг маслаҳати билан йиққан пуллари анчагина экан. Улардан бир қисмини ажратиб, уйдагиларга совфа-салом олишини режалаштирди. Қолганини кийимлари орасига яширди.

— Мен энди кетай, — деди Гулбодом келганидан буён қош-қовоғи уюлиб юрган узоқ қариндош аёлга.

— Майли, яхши етиб олинг, — аёл кўнгил учун «қолинг» демади. Чунки у узунқулоқ гаплардан Гулбодомнинг қачон, қаерга кетганини эшиганди.

Аёл кўча эшигини катта очиб қўйди. Орқасидан кузатиб тушмади ҳам. — Майли, уйдагиларга салом денг, — дея энсаси қотиб, орқасидан қараб қолди.

Гулбодом «хайр» деганича, оғир қадамлар билан йўлга тушди...

* * *

Гулбодомнинг қайтиб келгани зумда овоза бўлиб, қўши nilарнинг қай бири ҳол-аҳвол сўрагани, яна бирори «шаҳар кўриб келган» жувонни томоша қилгани чиқди.

Лекин Нормат отанинг мук тушиб ётганини кўргач, Гулбодом билан чала-чулпа сўрашиб, қайтиб чиқиб кетишиди.

Анави куни Зебо «Қизингизнинг ўзи рози бўлиб, қаерга, нимагалигини билиб кетган», дегандаёқ Нормат отанинг бошига бирор мушт ургандек бўлиб, юраги ўйнаб, кўз олди қоронfilaшиб, гангид қолганди. У орият кучи билан амаллаб, хонасига кириб келди-ю, ўшандан буёп ташқарига чиққани йўқ. Чақирилган шифокорлар унинг қон босими ҳаддан ташқари кўтарилиб кетганини айтиб, касалхонага олиб кетмоқчи бўлишиди. Лекин ота аранг бошини қимирлатиб, «кетмайман» ишорасини қилди. Ноилож қолган шифокорлар зарур муолажаларни қилиб, отанинг касалхонага боришдан бош тортганлиги ҳақидағи тилхатга ўғлига имзо чектирилар ва қайтиб кетишиди. Уларнинг маслаҳати билан ўғли эртасига эрталаб ҳудуд шифокорини чақирган. У ҳам ҳамшираси билан келиб, зарур уколларни қилишяпти, лекин отанинг аҳволи ўнглангани йўқ.

— Отажон, мен ақлсиз қизингизни кечиринг, — Гулбодомнинг кўз ёшлари юзини юва бошлади. — Мени кечиринг, отажон! — У отасининг қорайиб кетган, саноқсиз қон томирлари бўртиб чиққан ўнг қўлинин қўлига олмоқчи, ўпмоқчи бўлди. Лекин ота атай қилдими ё Гулбодомнинг кучи етмадими, қўлига қўли текканидан у зилдек оғир бўлиб, жойидан қўзғалмади.

— Қоч, отамни безовта қилма, — деди акаси унинг отаси ёнида йиғлаб ўтирганини кўриб, — ташқарига чиқ.

Гулбодом ташқарига чиқди. Айвондаги сўри четида ўзи олиб келган ранг-баранг елим халталардаги совфасаломлар мунғайибгина ётар, уларга ҳеч ким қўл урмаган, чамаси, янгаси ирганганди уларни олишга. Бундан баттар хўрлиги келган жувон ҳовлининг этак томонига қараб кетди. У ердаги ҳар йили шу пайтда оппоқ гулга бурканиб ётадиган, баланд бўйи узоқ-узоқлардан кўриниб турадиган каттакон бодом дараҳтини қучоқлаганича, ҳўнг-ҳўнг йиғлади. Онаси раҳматли, «Сен

туғилганингда мана шу дарахт нозиккина ниҳол эди. У биринчи марта оқ-пушти бўлиб гуллаган кун сен туғилгансан. Шунинг учун отанг сенинг исмингни Гулбодом қўйган», деб бир неча марта айтган эди.

Гулбодом йиғи аралаш қадрдон дарахтнинг ғадир-будур танасини силади ва нимадир эсига тушгандек, бошини илкис кўтарди: дарахтнинг қоқшол новдаларида ҳаёт асари кўринмас, у қўлларини кўкка чўзиб, нола қилаётганга ўхшарди – дарахт қуриб қолганди.

– Гулбодом, – уй томондан келинойисининг овози келди. – Қаердасиз? Опам келдилар, бу ёққа келинг!

Гулбодом қўйилиб келаётган кўз ёшларини арта-арта деярли югуриб бориб опасининг бағрига отилди. Опасингил худди азадордек обдан йиғлашди. Кейин ўзини босиб олган Гулсара:

– Бўлди, синглим, бўлди, – дея унинг соchlарини силади. – Хайрият, тирик экансан. Дарагингни тополмай, нима хаёлларга бордиг-у.

Гулбодом кўз ёшларни рўмолининг учига артиб, опасига қаради-ю, хуфтон кўнгли бир оз ёришди: Гулсаранинг ҳомиладорлиги шундоққина кўриниб турарди.

– Муборак бўлсин! – йиғи аралаш жилмайди у ва хаёлидан «Асалойни қайтариб берармикан» деган фикр ўтди-ю, бу фикрни опаси сезиб қолгандай, хижолат бўлди.
– Қизингиз ҳам яхши юрибдими? Анча катта бўлиб қолгандир? Поччам тузумилар?

– Вой шўрим, Асалой ҳам мен билан келган эди-ку, – опа типирчилаб қолди. – Қаерда қолдийкин, кўчага чиқиб кетдимикин?

Гулбодом лапанглаб, аранг юрган опасидан олдин кўчага югуриб чиқди. «Асалой, Асал», дея чақирди. Кўча жим-жит, жон зоти кўринмасди.

– Хола, Асал кирмадими? – Гулбодом, унинг ортидан ҳаллослаган Гулсара ва келин шу савол билан бирин-кетин бир неча эшикка бош суқишиди. Асалой ҳеч қаерда йўқ эди.

Ҳамма саросимада, ҳар томонга зир юрган. Маҳалла бир зумда қий-чув, ваҳима бўлиб кетди.

Орадан икки соатча вақт ўтгач, Гулбодомнинг акаси қуийб-ёниб:

– Аблаҳлар, энди бу йўлга ўтишибди-да, – деди фазаб билан. – Ҳаммаси ўшаларнинг иши, – у уйга югуриб кирди ва қаергадир қўнғироқ қилди. Бир неча сония ўтгач, у томонда гўшакни кўтаришди, шекилли: – Ярамаслар, болани қайтар! – дея бақирди. – Қайтар деяпман, бўлмаса, ёмон бўлади.

Ака бир оз жим бўлиб қолди, чамаси, у томондаги одамнинг гапларини тинглади. Кейин:

– Ҳа, гувоҳим бор! Сенларни Асални машинага ўтқазганингни кўрган, машинангнинг рақамини ёзиб олган гувоҳларим бор, – дея яна бақирди. – Ё ҳозироқ болани олиб келларинг, ёки ҳозир ўзим милиция билан бораман.

Ака ёнига ўгирилди-ю, бўлаётган гапга қулоқ солиб турган Гулбодомни кўрди ва у гапга оғиз очмасдан, юзига тарсаки урди:

– Ҳаммаси сенинг касрингга, сен туфайли бўляпти, наҳс, мараз!

Тўсатдан теккан тарсаки зарбидан жувон уйнинг бурчагига отилиб кетди ва гурсиллиб йиқилди. Кейин ҳўнграб йифлаганича:

– Тирикми, тирик эканми? – деди титраб-қақшаб.

Акаси унга қараб ҳам қўймасдан ташқарига отилди. Ва айвонда белини ушлаганича, ранги қумга ўхшаб ихраб турган опаси ва уни суюб, кўзи ола-кула бўлиб кетган хотинига дуч келди.

– «Тез ёрдам» чақиринг, тезроқ, «Тез ёрдам!» – хотини ҳовлиқçанича эрига бидирлади...

То «Тез ёрдам» келиб, муддатидан олдинроқ тўлғоқ тута бошлаган Гулсарави олиб кетгунча орадан бир соатга яқин вақт ўтди. Гулбодом опаси билан бирга туғруқхонага кетди.

Йўловчи машинани кира қилган Гулбодомнинг акаси Зебонинг уйини топиб борганда қош қорайиб, одам-одамни танимайдиган даражага етган эди. У ҳашаматли дарвоза четидаги қўнғироқни узоқ-узоқ босиб, анча кутди. Ҳовли ичи зим-зиё, одам шарпаси сезилмас, фақат итнинг тўхтовсиз ҳуриши эшитиларди, холос.

– Ука, сизга ким керак? – ниҳоят Зеболарнинг чап томонидаги уй эшиги очилиб, ўрта ёшлардаги аёл чиқди.

– Зебо опанинг уйи шуми?

– Ҳа, шу, лекин ярим соатлар олдин ўғли иккови машинада чиқиб кетишди...

Ака ноилож уйга қайтганда ҳовли боягидан ҳам бадтар қий-чув эди: Нормат отага укол қилиш учун чиққан қўшни ҳамшира жувон дарвозанинг тагида ётгай Асалойни сал бўлмаса босиб олай депти. У гоҳ қизчанинг юзига сув сепар, гоҳ сунъий нафас беришга уринар, келин эса Асалнинг атрофида парвонадек айланиб, чамаси, нима қилишини билмас эди...

Расулжон Асални кўтарганича юзларига уриб, «Асал, Асалой» дея уни ҳушига келтиришга урина бошлади.

– Отангизнинг... аҳволлари оғир, – деди ичкари кириб кетган ҳамшира қўлида дори торгилган шприц билан Нормат отанинг тепасида тураркан, келинни чақирди. – Томирларига дори кетмаяпти.

– Ота, отажон? – келин чўчибгина қайнотасига яқинлашди. – Сизга нима бўлди? Мени қўрқитманг, ота!

Нормат отанинг ранги оқариб кетган, кўзлари очиқ, нафас олаётганини билиб бўлмасди...

* * *

Минг бир азоб, минг бир таҳлика билан тонг отди. Ҳаво булат, изфирин шамол эсар, гўё қишлоғ яна қайтиб келганга ўхшар эди. Ниҳоят, уйқусизликдан кўзлари киртайиб кетган оқ халатли эксперт бир парча қофозни кўтариб чиқди:

– Қизнинг томирига қайси бир ваҳший катта миқдорда дори юборган. Юрек кўтара олмай, парчаланиб кетган...

* * *

Шу куни иешин намози вақтида масжидда Нормат ота ва Асалойнинг жанозаси ўқилди. Қабристоннинг бир че-тидаги напармон гуллари тўкилиб, эндинга куртакла-ри очила бошлған бодом дарахти остида бири катта, бири кичкина – иккита қабр ёнма-ён мунғайибгина қолишди.

Туғруқхонада эса шифокорлар Гулсаранинг эгизак-лари ҳаётини сақлаб қолиш учун бор билим, тажрибала-рини ишга солмоқда эдилар.

* * *

Орадан бир ойга яқин вақт ўтиб, лақма қиз-жувонларни йўлдан уриб, ишончига кириб, тоғ-тоғ ваъдалар би-лан «ўз розилигига кўра» фоҳишалик қилиш учун чет элга олиб бориб, уларни мўмай пулга сотиб юборган, дўппи тор келганда, ҳатто уларнинг мурғак гўдаклари-ни ўғирлаб, ўлдириб, қотилликкача борган Зебо, Мади-на, Холида, Зайнаб ва уларнинг фарзандлари, қариндош-ларидан иборат қабиҳ гуруҳ қўлга олиниб, уларга қарши очилган жиноят иши якунланди ва суд жараёни бошлан-ди. Лекин бу судда Гулбодом қатнаша олмади: у отаси билан қизининг ёнма-ён қўйилган тобутларини кўрган-даёқ ақлдан озган, жиннихонанинг тузалмас беморлар ётадиган бўлимига жойлаштирилган эди...



КЕЧИРИЛМАС ЖИНОЯТ

Алматы, 2010 год. Книга о том, как в Казахстане изменились женщины за последние 20 лет. В книге собраны истории из жизни казахских женщин, их мнения и воспоминания о том, как изменился мир для них. Книга содержит множество фотографий, иллюстраций и карт.

... Ярим тун. Атроф сув қуйгандай сукутга чўмган. Жимликни қиши чилласи бўлса-да, шиддатли оқими туфайли музламаган катта канал сувининг шовуллашигина бузиб турибди. Қишлоқ четидан ўтувчи бу канал суви, ҳатто ўтган йилги қаттиқ қиши совуғида ҳам музламаган эди. Бу йил-ку, қиши анчайин илиқ келди.

Ёзда ям-яшил, шовуллаган ўрмон тусини олиб, баланд-паст томлардан ҳам юқорига кўтарилиб, кеккайиб турадиган мирзатераклару майин новдаларини жилдираб-шилдираб оқувчи ариқларга маъюс солинтириб, қизчаларга сочпопук бўлувчи мажнунтоллар, ҳар нарсага қизиқиб дарвоза тирқишидан мўралайдиган аёлларга ўхшаб ярим «гавда»ларини пахса деворлар оша ташлаб, тупроқ кўчалар бўйлаб ястанган мевали дарахтлар – ҳамма-ҳаммаси қиши уйқусига чўмган. Эрта баҳордан яшнаб кетадиган қишлоқ шу боисми, анчагина фарид кўриниади. Лекин тонг отиб, қуёшнинг ожизгина нурлари борлиқни жонлантирса, ҳаммаёқ ўзгариб, жозибали тус олади.

Бугун тунда ҳаво анча ўзгариб, изғирин совуқ яхшигина забтига олди. Кундузги илиқликка ишониб, қишлоқ милиция таянч пункти хонасидаги думалоқ чўян печканни ёқишига эринган навбатчи – жиноят қидирув бўлинмасининг тезкор ходими, капитан Ойбек Пўлатов таъзирини еди. Қалин форма кийимиға ўранганича гоҳ мудраб, гоҳ хонадан у ёққа-бу ёққа юриб, амаллаб тонгни кутиб олган капитан сабрсизлик билан профилактика инспектори, лейтенант Алишер Усмоновни кута бошлади. Чун-

ки у келса, тезроқ уйга бориб, иссиққина ўринга кириб дам олади-да.

«Тавба, кичкинагина қишлоқдаги ягона милиция таянч пунктида кеча-кундуз навбатчилик қилишни ким үйлаб топган экан-а? Қишлоқда ҳамма бир-бирини таниса, ойда-йилда бирортасининг қўйими, молими дайдиб кетишини ҳисобга олмаса, Худога шукр, ҳаммаёқ тинч. Шундай бўлгандан кейин навбатчиликни нима кераги бор? Мана, кечаси билан дилдираб, навбатчи бўлдим. Кошки, бирорта инсон «Бормисан?» деб сўраб келса...»

У яна соатига қаради. Етти ярим бўлибди. Соат тўққизгача...

Хона эшиги тақиллади. «Киринг» дея берилган рухсатдан кейин эшик очилиб, қишлоқда отнинг қашқасидай тиниқли бўлган, лекин «Безори» деган номи бўлгани сабаб тенгқурлари билан онда-сонда муштлашганини ҳисобга олмаганда, арзирли «иш»га қўл урмаган Мурод кириб келди. Уининг қоп-қора сочи тўзғиб, бошига чўгирма кийиб олганга ўхшаб қолган, кийимлари пала-партиш, юзида қон йўқ, кўзлари бежо эди.

– Ие, келинг, Муродбой, – жилмайди капитан. – Тонгсаҳарлаб нима қилиб юрибсиз? Ё келин уйдан ҳайдаб юбордими?

– Мен... – Мурод унга томон икки-уч қадам ташлади.
– Мен... уни ўлдирдим...

– Нима? – капитан ўрнидан ярим турди, Мурод томонга эгилди. – Нима дединг? Ҳазиллашяпсанми?

– Йўқ... – Муроднинг кўриниши инсонликдан йироқ, у худди темиртан манқуртга ўхшар, кўзлари бақрайиб, Ойбекка тик қараб турган бўлса-да, уни кўрмайтгандек, йирик тишлари орасидан чиқаётган сўзлар ҳам темирдек совуқ ва ҳиссиз эди. – Уни ўлдирдим.

Капитан столни айланиб ўтиб, Муродга яқинлашиди. Уининг озғин елкасига қўл ташлаб, кўзларига қаради. Кўзлари ҳиссиз, шишадай совуқ. У киприк қоқмай тура-верди.

Ойбек уни билагидан ушлаб, девор тагига қатор тे-рилган стуллардан бирига ўтқазди. Яна бир стулни олиб ўзи ҳам унинг рўпарасига ўтирди. У ҳамон Муроднинг гапларига ишона олмас, «роса чекиб олган-у, ўшанинг кайфи билан алжираяпти», деган хаёлда эди.

— Мурод, — у йигитнинг елкасидан ушлаб силкитди. — Ука, кўзларингни оч, менга қара. Кайфинг борга ўхшайди. Бунаقا гап билан ҳазиллашилмайди. Тўғрисини айт. Нима гап ўзи?

— Уришиб қолдик, — Мурод нимагадир тиқилиб қолгандай хириллаб, бўғилиб яна қайтарди. — Уришдиг-у... Уни ўлдириб, каналга ташлаб юбордим...

— Қачон? Қачон?

— Кечаси соат ўн-ўн иккиларда.

Муроднинг гаплари чинга ўхшарди. Капитан зудлик билан туман ички ишлар бўлимига хабар берди. Тонгги изғириндаги бу хабар бир зумда туман ва вилоят ҳуқуқ тартибот идораларига етиб борди. Орадан ҳеч қанча ваqt ўтмай, милиция таянч пункти биносининг ёнида ўнлаб енгил машиналар қаторлашиб турарди.

* * *

Норгул рўпарасида келаётган дугонаси Ҳалимахонни кўриб, қадамини тезлаштиргди. Икки дугона қучоқлашиб, айланиб-ўргилаб кўришгач, йўл четидаги каттакон чинор соясига ўтиб, тик турганича, суҳбатга берилишиди. Бор янгиликлар айтилиб, гап халталари бўшагач:

— Ўртоқ, ёнингга бир зарурат билан келаётгандим, — деди Норгул ялинганинамо. — Ёрдаминг керак.

— Вой, аввалроқ айтмайсанми? Қанақа ёрдам?

— Шу десанг, юз минггина пул зарур бўлиб қолди, ўртоқжон. Бир ойда қайтарамац, йўқ демагин.

— Бўлса, сендан аяйманми? — Ҳалимахон чинакам күйинди. — Ҳозир бунча пулим йўқ.

— Нима қилсам экан-а? — Норгул умид билан унга тикилди. — Жуда-жуда зарур эди, — унинг кўзлари ёшла-

ниб, пешанасидаги ажинлари кўпайгандай бўлди. – Болшингда бир эркакнииг йўқлиги шунаقا пайтда билинارкан, ўртоқ. Бошимда эрим бўлса, пул қидириб юармидим. – У ростмана йифлай бошлади.

– Ўртоқ, қўй, йифлама, – Ҳалима уни юпатди. – Эринг раҳматли гўрида тинч ётсин. – Бир оз ўйлаб туриб, қўшиб қўйди: – Ҳали кечроқ бизникига ўтгин. Пул топиб бера олмайман-у, пул ишлаш мумкин бўлган бир иш бор.

– Қанақа иш? – умид билан унга қаради Норгул.

– Боргандা биласан.

Дугоналар кечки пайт Ҳалимахоннинг уйида кўришадиган бўлиб хайрлашишиди.

* * *

Ҳалимахон йўлинни Асад дўкондорнинг дўкони томон бурди. У дугонасига пул бера олмаса ҳам, куни кеча дўкондор таклиф қилган ишии унга топшириб, пул олиб беришни кўзлаган эди. Бахтига, дўкондор дўкон ичкарисидаги кичкина ҳужрада бир одам билан гаплашиб ўтирган экан. У исмини айтгандан сотувчи болалардан бири ичкарига кириб кетди ва зум ўтмай қайтиб чиқиб:

– Юринг, – дея Ҳалимахонни ичкарига бошлади. Дўкондор меҳмонини ҳужра эшигигача кузатиб, кейин Ҳалимахонга юзланди:

– Ҳўш, опажон, бир тўхтамга келдингизми? – сўради дўкондор.

– Ҳа, – Ҳалимахон у кўрсатган стулга ўтирди. – Фақат бир маслаҳат: айтган нарсангизни менинг ўрнимга дугонам олиб борса, дегандим. Танийсиз, Норгул бор-у, эри ўлган, анави, Мурод деган биттагина ўғли бор. Ўша. Жуда пулга зориқиб қолибди, шўрлик.

– Ишонса бўлармикин? – дўкондор аёлга синовчан тикилди. – Бирда-иккида ишим тушмаган унга, «мол» нозик.

– Ҳа, ука-я, – аёл кулди. – Мен ҳам бир-икки марта сиз билан иш қилиб юрганмидим? Мана, ишондингизку. Ишонганингиздан шу гапни айтдингиз.

– Майли, – дўкондор бир оз ўйлаб туриб, гўё ноилож рози бўлди. – Дугонангизга айтдингизми нима ишлигини?

– Йўғ-а, ўлибманми? Аввал розилигингизни олай деб бу ерга келдим.

– Нима ишигини билгач, рози бўлмаса-чи?

– Рози бўлади, чунки пулга зориқиб юрибди.

– Майли, унда ишни пишитиб, эртага эрталаб соат ўнларда ёнимга келарсизлар. Лекин Норгул опага «мол»-ни кимдан олишингизни дарров айтманг. Иш пишганидан кейингина айтинг, – тайинлади дўкондор. Ҳалимахон:

– Хотиржам бўлинг, – деди-ю, хайрлашиб чиқиб кетди.

Амаллаб кунни кеч қилган Норгул дугонасиникига етиб борганда, унинг қизи эндиғина овқатни сузиб, дастурхонга қўйган экан.

– Келинг, қайнонангиз роса суйган экан, – деб кулди Ҳалимахон. Ҳалимахоннинг бўйи етган қизи чой дамлаб келгач, учовлон иштаҳа билан мошкичири ейишди. Фотиҳа ўқилиб, дастурхон йифилгач, қиз:

– Дугонамникига чиқиб келаман, – дея хонтахтага бир чойнак чой, иккита пиёла, бир ликончада ширинлик қўйиб, чиқиб кетди.

– Тезроқ қайтгип, уканг ҳам бугун кеч келади, – деб қолди қизининг орқасидан онаси.

– Нима иш эди, айта қол, – дугонасини қистади Норгул. – Қизиққанимдан кунни аранг кеч қилдим.

Ҳалимахон гапни узоқдан бошлади: ўзининг ҳам эри «ишлаб, пул топиб келаман» деб аллақайси юртларга гумдон бўлиб кетгани, болалари катта еб, катта киядиган, қизига сеп йифадиган бир пайтда қўли қисқалик қилиб, пул учун ким нима деса, «хўп» деб ишини қилиб юрганидан ҳасрат қилди. Бу гапдан дугонаси ҳеч қанақа иш йўқ экан-у, дардини айтгани чақирган экан-да, деб ўйлаб, тобора тушкунликка туша бошлади.

– Энди, анави ишга келсак, – гапда давом этди Ҳалимaxon. – Бир яқин укахоним бор. Шуни озгина молини қўшни вилоятдаги қишлоқлардан бирига олиб бориб бериш керак экан. Эвазига яхшигина ҳақ тўлайди, йўл кира, еб-ичиш шули ҳам ундан, – ниҳоят ёрилди у.

– Хайрият-э, шу холосми? Бирор жиддий ишмикин дебман, – енгил тортди Норгул. – Қанақа мол экан? Кўпми?

– Жиддий ишлигидан катта ҳақ тўлайди-да, – давом этди Ҳалимaxon. – Уни олиб бориш хавфли бўлмагандা, бирорта йўловчи машинанинг эгаси билан келишиб, бериб юбораверарди. Жиддий иш.

– Нима бало ўзи? – Норгулнинг тоқати тоқ бўлди. – Чайналмасдан айтақолсанг-чи? Одам ўғирлаш эмасдир, ахир?

– Ундан ҳам баттар, – дугонасининг юрагига фулғула солишда давом этди Ҳалимaxon. «Оббо, шу мижғовлиги сира қолмади-да, ўшан-чун ҳамма «мижғов» дейишадида буни», – ичиди фижинди Норгул ва яна дугонасининг оғзига тикилди.

– Ўша укахонимнинг уч юз грамм «дори»сини айтилган жойга олиб бориш керак экан...

– Қанақа дори? – ҳайрон бўлди Норгул. – Битта дорига шунча ваҳимами?

– Ганини охирини эшит, – юзига ваҳимали тус берди Ҳалимaxon. – Бу оддий дори эмас, анави, ҳақ қуриб кетсин, қора дори.

– Вой, – Норгулни ранги оқариб, қийиқ кўзлари чақчайди. – Унақа дорини қандай олиб бораман? Йўлда ушлаб олишса-чи?

Икки дугона обдан маслаҳатлашишди. Охири қўлига тегадиган пулнинг чўғи устун келди – Норгул рози бўлди.

Эртасига икки дугона айтилган вақтда Асад дўкондорнинг ёнига стиб бориши. Ундан «дори»ни қўшни вилоятга эмас, қўшини республиканинг қайсиdir туманига стказиш кераклигини эшитиб, Норгул яна иккиланди. Охири дўкондор бериладиган пулнинг чўғини оширди. Эрта ўтиб, индинга Норгул йўлга чиқадиган бўлди. Бироқ...

– Ўртоқжон, оёғим тортмаяпти, – эртаси куни пешинга яқын дугонасинаникига кириб борган Норгул мужмалланди. – Қе, иккаламиз борақолайлик. Икки кишига яхши-да. Автобусда гаплашиб кетамиз. Ҳеч ким биздан гумон қилмайды, бир-биirimизга далда бўламиз.

Ҳалима ўйлаб кўриб, рози бўлди. Дугоналар «дори»ни тенг иккига бўлишди. Бир бўлагини Норгул олиб кетди. Иккинчи бўлагини Ҳалима яшириб қўйди.

* * *

Автобус имиллаб-симиллаб, икки вилоят чегарасидаги йўл-патрул хизмати ёнига стиг келганда, қош қорая бошлиганди. Ушбу хизмат инспекторларидан бири ҳайдовчига тўхташ ишорасини қилди. Автобус серқатнов йўл четига тўхтади. Эшиги очилгач, салоига милиция формасидаги икки йигит кириб келди ва ҳужжат текшира бошлиди.

Автобус йўл четига тўхтагандаёқ Норгулнинг оёқ-қўлидан жони чиққандек бўшашиб, рангидан қон қочиб, типирчилаб қолган эди. Унинг ҳолати, табиий милиционернинг назаридан чистда қолмади. Улардан бири Норгулнинг тирсагидан сингилгина ушлади – аёлнинг танаси дир-дир титрамоқда эди.

– Опажон, мазангиз йўқми? – сўради милиционер ва аёлнинг тили гапга келмаётганини кўриб: – Қани, мен билан юринг-чи, – деся настга тушишга таклиф қилди. Дугонасинанг аҳволини кўрган Ҳалима ҳам машинадан тушди. Норгулни текшириш учун маҳсус хонага олиб киришди. Ҳалима ташқарида қолиб, бинонинг атрофидаги гулларни томоша қила бошлиди.

– Опажон, мабодо бирон-бир ноқонуний нарсани яширинча олиб кетаётган бўлсангиз, ўз ихтиёрингиз билан топширииинг, шунда ўзингизга яхши бўлади, – деди бунаقا ишларни кўравериб кўзи пишиб кетган кўзлари каттакатта, дўмбоққина майор жувон. – Қани, нимангиз бор?

Норгулнинг гапиришга ҳоли қолмаганини кўрган жувон бир ниёла сув қуйиб, унга узатди. Сувни ичгандан

кейин бир оз ўзига келган аёлнинг тараддудланиб турганини кўрган майор жувон яна мулойим овозда ноқонуний юқ олиб ўтиш ва унинг оқибатлари ҳақида гапириб, «Ёнингизда бирор нарса борми?» деб такрор сўради. Тасдиқ ишорасини кўргач:

– Ўзингиз олиб берасизми ё ёрдамлашайми? – деди кулиб.

Норгул жувонга орқа ўтирганича, кўйлагини кўтариб, лозими ичига қўл солди ва бир парча латта орасидан елим қоғозга ўралган нарсани олиб, стол устига қўйди...

Дугонаси чиқавермаганидан иш пачавалигини сезган Ҳалима гўё ранг-баранг гулларни томоша қилаётib, панароққа ўтди, у ёқ-бу ёққа аланглади ва шарт кўйлагини кўтариб, лозими ичига қўл солди-ю, бир нарсани олиб, гуллар орасига ирғитди.

– Қани, опахон, ташлаган нарсангизни дарров олингчи, – йўл бўйидаги ойнаванд будка ичида Ҳалиманинг олазарак хатти-ҳаракатини ва гулзорга нарса ташлаганини кўриб турган ҳушёр милиционер йигит ёнида пайдо бўлиб қолганида Ҳалиманинг юраги чиқиб кетай деди.
– Нимани ташладингиз? Олинг, деяпман!

Ноилож қолган Ҳалима гулларни эзиз-янчиб, қоқи-либ-суқилганича, ташлаган нарсасини олиб чиқди. Милиционер автобусдан тушиб, атрофни томоша қилиб турган, Ҳалима ва Норгул билан бир автобусда келган йўловчилардан иккитасини гувоҳ сифатида чақириб, Ҳалимани маҳсус хонага олиб кирганда, Норгул қўлидаги нарсани эндиғина стол устига қўяётган эди. У холислар ва милиционер билан хонага кириб келган дугонасига ялт этиб қаради-ю, бошини эгди...

Экспертиза хulosасида ёзилишича, улардан олинган кукунсимон оқ модда героин гиёҳвандлик воситаси бўлиб, оғирлиги 251 грамм экан.

– Аёлларнинг айтишича, героин 300 грамм бўлиши керак эди-ку? – гиёҳвандлик воситасини ноқонуний олиб ўтиш бўйича Ҳалима ва Норгулга нисбатан очилган жи-

ноят ишини олиб бораётган терговчи йигит ҳайрон бўлди.

– Бу ерда эса?..

– Бори шу экан, – елка қисди эксперт. – Балким аёлларни алдашгандир...

* * *

Онаси дугонаси Ҳалимахон билан бирга ноқонуний ишга қўл уриб, қамалиб кетгач, шундоқ ҳам эрка-таниқ бўлган «ўтиши» ёшидаги, 14 ёшли Мурод ўзи хон, қўланкаси майдон бўлиб қолди. Унга раҳми келиб ёки жони ачиб, оталиққа олмоқчи бўлган қариндош-уругларига бўй эгмади. Жуда зарур бўлиб қолганда тоғаси ёки холаларидан бирортасиникига бори, чўнтагини тўлдириб қайтмаса, улар билан иши йўқ. Уйда доим ўзидан 5-6 ёш катта «дўстлари» улфатчилик қилишади. Уларнинг бу ерга танда қўйиб қолганининг сабаби эса бир куни Муроднинг уларга кўрсатган бир чимдимгина матоҳи; онаси қўйнидан кичкина тугунча олиб, у ёқ-бу ёққа аланглаб, ишончли жойга яшириб қўйганда, Мурод уйғоқ, ўзини шунчаки ухлаганга солиб ётган «онам нимани яширди, нега бунча аланг-жалаңг қилди» деган қизиқиш устун келиб, онасининг кўзини шамгалат қилиб, тугучани яширилган жойдан олиб, унинг ичидаги елим халтachedаги оқ кукундан бир қисмини олиб қўйган эди. Онаси қамалгандан кейин тергайдигани йўқ, Мурод маҳалланинг «пахани» – Мухторга ана шу ҳақида гапирган ва у: «Укам, бу ҳақида бошқа бировга оғиз очма, ҳеч кимга кўрсатма, бўлмаса, сен ҳам онапганинг орқасидан равона бўласан, керак бўлганда, ўзим сенга пуллаб бераман», деган эди. Шундан кейин баъзи-баъзида «бечора Мурод»нинг уйида «пахан»нинг ошна-офайнилари йиғилиб, айтиб ўтганимиздек, «бир чимдим» билан кайф қилишар, бу майшатдан Мурод ҳам четда қолмасди, унга ҳам «дори» ҳидлатиб, «маза» қилдиришарди.

Орадан икки ойча ўтиб, «бир чимдим» ҳам тугади. Аввал ошиналаридан Муродга пул йигиб берадиган «па-

хан» энди ундан пул олиб, «дори» топиб берадиган бўлди. Мурод мактаб деганларини эсдан чиқарди. Муштумдек боши билан кўнгли фақат майшат тусар, ўзига ўхшаганлар учун унинг уйи тайёр «чойхона» эди.

Мактаб маъмурияти Муродни тўғри йўлга солиш учун нималар қилмади, дейсиз. Қариндошлари билан қилган суҳбатлари, унинг ўзига алоҳида педагог бириктирилиб, ҳар куни мактабга етаклаб келишлар ҳам ёрдам бермади. Вояга етмаганлар билан ишлаш инспекциясига мурожаат қилинди. Улар Муродни тарбияси оғир ўсмир сифатида маҳсус ҳисобга олдилар. Ҳатто «пахан» билан унинг тарбияси ҳақида суҳбатлашилди. Охири Мурод мактабда безорилик қилиб, текканга тегиб, тегмаганга кесак отавергач, уни мактабдан ҳайдашди.

Шундай қилиб, Мурод ҳақиқий эркин одамга айланди. У ҳар гал келиб-кетгандан кейин уйларида нимадир йўқолишидан безор бўлган қариндошлари ҳам иложи борича уни ўзларидан нари қилишга интилардилар. Чунки у безорилиги, қўли эгрилиги билан ҳамманинг жонига текканди.

* * *

Гулқишлоқлик Малоҳатнинг баҳтига кўз тегди: ойдек қиз қишлоқшининг олди йигитларидан бўлган Фурқатга турмушга чиққанида ҳамма «узукка кўз қўйғандек бир-бирига муносиб» дея ҳавас қилган эди. Орадан бир йил ўтиб, Малоҳат бир қиз туғдики, худди эртаклардаги парилардек: ой деса – оғзи, кун деса – кўзи бор. Гўдакни кўриб ёки таърифини эшигганлар ҳайратда қолишарди. Унга доялик қилган шифокор:

– Вой тавба, 20 йил ишлаб, минглаб чақалоқларни кўрганман, лекин бунақасини биринчи марта кўришим, – деди ҳайратини яшира олмай. – Сочларини қаранглар, қоп-қора, жингалак, худди З ойлик чақалоқнинг сочларидек. Қошли-кўзлари, киприклари... Тавба, оғизчасининг кичкиналигини! Бу қизалоқ эмас – Паризорд!

Шу баҳона бўлиб, қизалоққа Паризод дея исм қўйишиди. Қишлоқда Фурқат билан Малоҳатдан баҳтли одамлар, уларнинг оиласидан тўкис оила йўқ эди гўё. Лекин...

Эрта тонгда яхши кайфият билан ишга кетган Фурқат ярим тунгача уйга қайтмади. Бундан хавотирланган Малоҳат то эшик тақилламагунча мижжа қоқмай ўтириди. Эшик тақиллагач, учиб бориб уни очган Малоҳат дарвоза олдида икки бегона эркакни кўриб, қўрқувдан ҳушини йўқотай деди. Улар айтган хабарнинг даҳшатидан эса... Туман марказида ишлайдиган эри ишдан қайтаётганда машина уриб кетиб, ўша жойнинг ўзида ҳалок бўлиби.

Ўлганда ўликинг жони кетар экан. Тириклар эса йифлаб-сиқтаб ионини еб, чойини ичиб яшайвераркан.

Фурқатнинг ўлими Малоҳатни икки буклаб қўйди. Бу жудоликка чидай олмай, у ҳам ўлиб кетиши мумкин эди, лекин кундан кунга янаем кўркамлашиб, ширин бўлиб бораётган Паризод унинг ҳаётини асраб қолди. Севимли турмуш ўртоғидан ёдгор бўлиб қолган мана шу гўдак учун ҳам яшаш керак эди у. Ахир, ўлганинг ортидан шаҳид кетмайди-ку?!

Малоҳат эрига умрбод аза тутмоқчи эди. Лекин отонаси, опалари ўртага олиб панд-насиҳат қиласавериб, охир, икки йил деганда мотам либосини ечди. Шуни кутиб тургандек, унинг уйидан совчиларнинг қадами узилмай қолди.

Малоҳат эса «Ҳеч қачон эрга тегмайман», дея келгандарга рад жавобини беришдан чарчамади. Охири, қайнонаси уни ёнига ўтқазиб, зор-зор йифлади, дуо қилди ва:

– Ўғлимни руҳини шод қиласан дессангиз, турмушга чиқинг, – деди йиғи билан. – Мен учун бу гапларни айтиш қийин, аммо бошқа йўли йўқ. Болам, «бевани туянинг устида ҳам ит қопади» деган гап бор. Ҳозир менинг кўзим очиқ, тинч юрарсиз, лекин мендан кейин кўчада бирорта таниш эркак билан саломлашсангиз ҳам фийбатчиларга гап топилади, жон болам. Бундан ташқари,

Ёлғизлик Яратганга хос. Турмуш қилиб, набирагинамни ҳам кўпайтиринг, – дея ялинди-ёлворди.

Паризод етти ёшга тўлганда қариб, яримжон бўлиб қолган қайнона: «Менинг кўзим очиқ кетишини истамасангиз, турмуш қуринг, – дея қаттиқ турди ва хотини ўлиб, икки бола билан қолган, Малоҳатдан етти ёш катта эркакдан совчи келганда келинидан сўраб ҳам ўтирамай, розилик бериб юборди. Қўшни қишлоқлик Қудрат исмли йигит, қурилишда бошқарувчи бўлиб ишларкан.

– У ҳам сенга ўхшаб, меҳнаткаш экан, – деди қайнона ишдан келиб, янгиликни эшишиб, юм-юм йифлаётган келнига. – Болам, бирорларнинг ғамини еб, улар учун уйжой қурадиган одамдан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Паризодимга ҳам ўз отасидек меҳрибон бўлади. Тамом, шу йигитга турмушга чиқасан.

Орадан 15-20 кун ўтиб, яқин қариндошлари йифилиб, кичкина маърака қилишди ва йиглайвериб, кўзлари қизарип кетган Малоҳатни қайнонасасининг уйидан нариги қишлоқقا – Қудратнинг уйига келин қилиб олиб боришди. Қудрат эртаси куниёқ ўзи Гулқишлоқقا келиб, бувиси билан қолган Паризодни олиб кетди. Унинг бувисини ҳам олиб кегмоқчи эди, кампир рози бўлмади. Бундан ташқари, Фурқатнинг укалари ҳам онамизга ўзимиз қараймиз, дейишиди...

* * *

Шу воқеаларнинг бўлиб ўтганига ҳам ҳадемай ўн йил бўлади. Қудрат Паризодни ўз боласидек кўради. Унинг қизлари эса Малоҳат ўгай онасилигини билишмайди, чунки уларнинг оналари оламдан ўтганда қизларнинг бири тўрт, иккинчиси бир ярим ёшда экан, дарров Малоҳатга илакишиб, уни «она» деб кетишган. Паризод ҳам Қудратни ўз отасидек кўради.

Малоҳат Қудратдан икки ўғил кўрди. Болалар кўпайиб, ишламай уйда ўтириб қолган Малоҳатнинг зерикишга вақти йўқ. «Болали уй – бозор» деганларидек, уй

юмушлари ўзига етади. Унинг устига, педагогика коллежини битириб, уйларининг ёнидаги мактабда ишилаётган, институтга сиртдан ўқишига киришига тайёргарлик кўраётган Паризодга кунига ҳеч бўлмаса икки-уч ердан совчи келади. Малоҳат жойи чиқса, ўзига муносиби бўлса, узатиб юбора қолайлик дейди баъзан. Қудрат эса «Йўқ, аввал ўқишига кирсин, ҳеч бўлмаса иккинчи курс бўлсин», дея сочи тақимини ўпадиган гўзал қизини бирорга беришига шошилмайди.

Ниҳоят, Паризод Педагогика институтининг талабаси бўлди. Бир йил кундузги бўлимда ўқиб, ўқишини сиртқи бўлимига ўтказиб, мактабда ишини давом эттираётган Паризодга совчилар кўпайгандан-кўпайди.

– Дадаси, шунингизни узатсак-узатайлик. Совчи кутишдан чарчадим, – дея Малоҳат нолийвергач, Қудрат ҳам ўйланиб қолди.

– Кимни кўзлаяпсан? – хотинига синовчан тикилди у.

– Бошим қотган. Ҳаммаси ҳам яхши оила.

– Ҳаммасидан биттасини ташлашинг керак-ку?

– Анави, Норгул деган аёл бор-ку, тумандаги фабрикада ишлайдиган, ўшанинг ёлғизгина ўғли бор экан, фирманинг машинасини минар экан. Шу йигит қачондан буён қизингизга совчи юборади. Кечча онаси бир аёл билан яна келиб, «Ўғлим шу қиздан бошқасига уйланмайман» деб қасам ичган», деб роса йиғлади. Ўғли йигирма уч ёшда экан, кўрдим, тузуккина, келишгангиша йигит экан.

– У бола, – Қудрат aka ўйланиб қолди, – ёшлигида ўта безори бўлган.

– Дадаси, ёшлигида ким шўх бўлмаган? Кечки мактабни битириб, ҳайдовчиликка ўқиган экан. Ёмон бўлса, қўшма корхонага тегишли фирмага ишга олишардими?

Қудрат aka бир оз ўйланиб турди. Кейин:

– Майли-ку-я, онаси, «Адашганнинг айби йўқ, қайтиб ўулини топса» деган гап бор. Агар Мурод тўғри йўлга тушиб олган бўлса – нур устига аъло нур. Лекин унинг онаси ҳам қамалиб чиққан-ку? – деди хაслчашлик билан.

Малоҳатнинг кўз олдида Ногулнинг мискин қиёфаси гавдаланди. Қулоқлари остида «Синглим, йўқчилик туфайли... шу болани боқаман деб... катта пул ваъда қилишгани учун», – дея йифлаб гапирган гаплари келди.

– Дадаси, йўқчилик одами не кўйларга солмайди. У бечора ҳам ёлғиз боши... – Малоҳатнинг хаёлига эри ўлган йиллари келиб, кўзлари ёшланди, – ёлғиз боши билан мана шу боласини боқаман деб, минг бир кўчага кирган, натижада бир дўкондорга алданиб қолган экан...

Қудрат ака қарасаки, тарозининг палласи Мурод томонга қараб тош босяпти. Майли, агар бу бола уриниб-суриниб йўлини топиб, ҳалол ион топиб сяётган бўлса, унинг қаршилиги йўқ. Лекин қизи-чи? У нима дейди?

– Паризоднинг ўзи нима дейди? – кўнгли ғаш бўлиб сўради ота. – Унинг кўнглига ҳам қараш керак-ку?

«Кўнгил эмиш-а. Агар кўнгилга қарашибганда, мен ҳеч қачон сизга умр йўлдош, болаларингизга она бўлмасдим», деб ўлади аёл ва эрига:

– Қиз бола «фалончига тегаман» дейдими, дадаси? – деди. – Қайси ҳаёли, иболи қиз шу гапни ота-онасига айтибдики, сизнинг қизингиз айтса? Ота-она «мана шунга турмушга чиқасан» деса, одобли қизлар «хўп» дейди. Шунинг учун қизингиз ҳам сиз билан менинг танлаганимизга рози бўлади.

– Майли, онаси, янаям ўйлаб кўр, – деди Қудрат хотини шу оиласа қиз беришни кўнглига тукканини сезиб. – Кейин аттанг қилиб қолмайлик.

Малоҳат жуда кўп ўйлаган. Келаётган совчиларнинг аксарияти кўп болали оиласалардан. Бирида – икки ўғил, уч қиз. Бирида – тўрт ўғил, яна бирида – уч қиз, уч ўғил. Ахир, шунча фарзандни уйли-жойли қилгунча ота-она, уларга қўшилиб оиласидаги ўғил фарзандлар адойи тамом бўлади-ку? Норгулнинг эса фарзанди биттагина, ана ўша Мурод экан, холос... Норгулни туман марказида икки хонали кичкина ҳовлиси бор экан. Келинни ўша ерга тушириб, икки-уч купдан кейин келин-куёвни Муроднинг ота-

сидан қолган қишлоқдаги уйига күчириб қўяркан. Демак, қизи куёв билан ўзи хон, ўзи бек бўлиб яшайди. Паризод ҳам йигирма ёшга кирди, битта эрни, битта рўзгорни эплай олмайдими?

Онасининг узундан-узоқ панд-насиҳатлари, мулоҳазаларини жимгина эшишган Паризод на «ҳа», на «йўқ» деди. Демак, сукут аломати – ризо. Орадан икки кун ўтиб, яна совчиликка келган Норгулга розилик берилди.

* * *

Ниҳоят қизнинг ота-онаси тўйга розилик берганини эшишган Мурод аввалига қулоқларига ишонмади. Бу хабар ростлигига амин бўлгандан кейин эса ўзини еттинчи осмонда ҳис қилиб, босар-тусарини билмай қолди. Айниқса, Паризод билан икки-уч марта учрашиб, унинг ўзига мойиллигини сезгач, ўзини тоғни ағдаришга қурби етадиган паҳлавондек ҳис қила бошлади. Ахир қаддиқомати келишган, афт-ангори бежирим, қора соchlари қўнғироқ бўлгандан кейин Паризодга, албатта, ёқадида. Оддий ҳайдовчи бўлса, нима қилибди? Топиш-тутиши ҳеч кимницидан кам эмас. Фақат баъзан анави «пахан» билан улфатчилик қилиб қолишини ҳисобга олмаса, наркотик деганларини ҳам деярли ташлаган.

Ҳапи-паш дегунча тўй куни ҳам етиб келди. Кундузи билап меҳмондорчилик, қош қорайганда эса аёлларнинг «Ёр-ёр»лари садоси остида Паризодни Муродларнинг уйига олиб келишди. Удумга кўра, Мурод келинни машинадан кўтариб тушириб, куёвжўралар даврасида бир тарафга қочди. Аёллар «Ёр-ёр» айтганича, келинни гурилиб ёнаётган гулхан атрофида уч марта айлантириб, чимилдиқли уйга олиб киришди.

*Йиглама, қиз, йиглама, тўй сеники, ёр-ёр,
Остонаси тиллодап уй сеники, ёр-ёр, –*

деб ёр-ёр айтарди қиз-жувонлар. Икки құлтиғидан икки жувон құлтиқлаб олган Паризод эса тиінімсиз йиғларди. У бир кун келиб, ота-онасини, укаларини ташлаб, «остонаси тиллодан» уйга йүл олишини билар, лекин бу йүлни – ота-она, укаларидан айрилишний бунчалик оғирлигини тасаввур қила олмасди.

Норгулниң ҳовлиси товуқ катагидеккина экан. Икки хонали тор-танқис уйидан бир хонаси келин-куёвга ажратылған. Яна бир хонасида келған мәхмөн аёллар тор-тилған қуюқ-суюқ таомларни амаллаб тановул қилиши-ди-ю, янга билан икки-учта аёлни қолдириб, қайтиб кетишиди. «Эсизгина-я, шундай қизни түшгап жойини қаранглар», деди аёллардан кимдир. «Қовунниң яххисини ит ейди», деган гапни әшитмаганмисизлар?» деди яна бири. «Э, құйсаларинг-чи, гап уй-жойдами? Аллоҳ пешонасига берсін, құша қарисин», деди яна бири.

Паризоднинг харидорлари күп эди. Түйга келғанлар орасида «Қани, бизга тенг күрмаган қизини кимга, қаерга берди экан?» дәя томошага келғанлар ҳам бор эди, албатта. Ва уларнинг қуданинг уйида, дастурхони тепасида-әк шивир-шивир, қиқир-қиқириңи бошлаб юборғанлар ҳам бор гап...

* * *

Түйдан кейин икки ҳаftача ўтиб, Норгул ўғли билан келинини қишлоқнинг бир четидаги Муроднинг отасида мерос бўлиб қолган, амал-тақал таъмирланган ҳовлига кўчириб олиб борди.

– Ўз ҳолларингча, мустақил яшаши ўрганинглар, – деди у кетаётиб.

Кўчиб келишганининг учинчи куни Паризод «чойни аччиқ дамлагани учун» эридан тарсаки еди. Орадан иккимен кун ўтиб яна, яна...

Түйдан кейин бир ярим ой ўтиб, келин-куёв ва қудасини чақириқ қилған Малоҳат билан Қудратга Паризоднинг ранг-рўйи бир аҳволдек бўлиб туюлди. «Келин

бўлиш осонми?» деб жавоб берди Малоҳат эрининг бу ҳақдаги ташвишли гапларига жавобан. Бироқ ўнқови келгач, ўзи ҳам қизидан «Турмушинг яхшими? Соғлинг-чи?» дея ҳол сўради.

– Онажон, кундан кунга сабр-тоқатим тугаб боряпти, – бир даста косани кўтариб ошхонага киргац Паризод онасининг саволига йиғлаб жавоб берди. – Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ жанжал, оғиз очмасимдан бошимда калтак ўйнайди.

– Ие, – Малоҳат довдираб қолди. – Ҳали «асал ойи» тугамасдан...

– Онажон, «асал ойи» аллақачон «заҳар ойига» айланиб бўлган.

Малоҳатнинг юраги гўё лахта қонга тўлиб, кўнгли хуфтон бўлиб кетди. Наҳотки, танлаб-танлаб топган күёвлари шунчалик ёвуз бўлса? Балки қизида ҳам айб бордир?

– Қизим, манави чойнакларни меҳмонларга олиб кириб бер-да, қайтиб чиқ, – деди у дили озорланганини қизига сездирмай. – Сенга айтадиганларим бор.

Паризод «хўн» дея юз-кўзини артиб, иккита бир хил, чиройли чойнакларга дамланган чойларни меҳмонлар олдига қўйиб қайтди ва «нима дейсиз» дегандек, унсиз онасига термулди.

Она қизининг бир ярим ойдаёқ озиб, бир аҳвол бўлиб қолганига, рангиар, нурсиз юзларига, сўниқ кўзларига бир зум тикилди-ю, ўзини ўкириб йиғлаб юборишдан аранг тийди. Шошилиб косадаги совуқ чойни симириб, сал ўзини босиб олгач, гап бошлади.

– Болам, кенг ҳовлида эр-хотин икковларинг яшасанглар. Қайнота-қайнона, қайни-бўйинларинг бўлмаса, жанжал нимадан чиқади?

– Билмадим, – кўз ёшлари сел бўлган Паризод ерга қаради.

– Эрингни ишлари юришмаётгандир, балки? Шундан сиқилаётгандир? Анави «туғилган кунига ўзиги ёққан

кийимларни сотиб олсин» деб амакиларинг берган пулни нима қилди?

– Билмаймаи, – ҳиқиллади қизи, – чўнтағига солиб қўйди, «кийимларим етарли» деб.

– Тоғанг олиб берган рангли телевизор яхши ишляяптими? Онанинг мақсади қизини ўз ташвишларидан бир оз бўлсаям чалғитиши эди. Қизи «Ишляяпти», дея жавоб бергач, гапда давом этди. – Яна нима каминг бор, болам? Эрингни бошида отаси, aka-укаси бўлмагач, унга ҳам қийин-да. Нима каминг бўлса, бизга айтгин, жон болам. Сув бир лойқаланиб тингандай, янги оила ҳам то эр-хотин бир-бирининг феъл-авторини тушуниб олгунча, анча қийналади, болам. Ҳали яхши бўлиб, бир чиройли оила бўлиб кетасизлар, Худо хоҳласа. Фақат сабр-тоқат қилгин, нима деса «хўп» деб, айтганини қил, гап қайтарма.

– Сиз билмайсиз-да, онажон. Қандай қилиб «йўқ» демай, гап қайтармай бўлади унга?

– Болам, ўзингни бос, «Демак, қизимнинг ўзида ҳам бор экан-да, – ўйлади она. – «Ҳа» деса, гап қайтаряпти, шекилли. Унақа бетгачопарлик одати йўқ эди-ку?»

Қизининг бунчалик тез ўзгариб қолганидан ҳайрон бўлган она қизига «идишларни ювиб тур» дея меҳмонлардан хабар олиш учун уйга кириб кетди. Улардан ҳолаҳвол сўраб, қайтиб чиққач:

– Қизим, сенга бир нарса айтиб берайми? – деди ювилган косаларни артаётган Париздага ўзини қувноқ кўрсатишга уриниб. Қизи «майли» дегач:

– Қадимда сизларга ўхшаган бир ёш оила бор экан, – дея гап бошлади. – Турмушларининг дастлабки ойлариданоқ эр-хотин тез-тез уришиб, жанжаллашадиган бўлибди. Келин тилини тиймас экан, куёв – қўлини. Охири келиннинг тоқати тоқ бўлиб, маҳаллада яшовчи кекса бир онахонга бориб, дардини айтибди. Унинг дардини диққат билан тинглаган онахон индамай уй ичига кириб кетибди ва қўлида кичкинагина, маккажўхоридай келадиган тош кўтариб чиқибди ва уни келинга бериб:

– Қизим, қачон эринг жанжал бошласа, ўша заҳоти мана шу тошни оғзингга солиб, оғзингни сира очма, эрингга жавоб берма, – дебди. – Бу тош – сеҳрли тош. Жанжал пайтида оғзингни очсанг, бошиніңта жуда катта фалокат олиб келади. Сабр-тоқат қилиб, эринг тинчланмагунча оғзингни очмасанг, марра сеникі. Турмушинг жуда яхши бўлиб кетади, эринг ҳам сени ҳурматлаб, бошига кўтаради.

Келин тошни олиб қайтибди.

Шу куниёқ ишдан келган эри оёқ остида ётган супургини бир тепиб, сўкина бошлабди. Эрини кўрган заҳоти оғзига тош солиб олган келин эри қанча сўкиниб, бақир-чақир қилмасин, «миқ» этмай, жавоб қайтармай, уй юмушларини қилаверибди.

Эр гапириб-гапириб қараса, хотини гап қайтармаяпти, охири у ҳам индамай қолибди.

Бу ҳолат бир ҳафта, икки ҳафта давом этибди. Охири күёв хотини гап қайтармай, ўз ишини билиб қилаётганини кўриб, инсофга келибди. Феъли ўзгариб, хотинига қўполлик, бақир-чақир қилишга уяладиган бўлибди. Буига баҳона, сабаб ҳам йўқ экан-да. Орадан икки-уч ой ўтиб, уларнинг оиласи қишлоқдаги энг аҳил, иноқ оиласа айланибди.

Бир куни келин бояги кампирнинг уйига бориб:

– Холажон, сизга минг раҳмат! Айтганингиздек, эримга инсоф берди. Оиласиз тинч-тотув. Сеҳрли тошни олиб келдим, балки у яна бирортасига керак бўлиб қолар, – дебди.

Шунда кампир:

– Болам, бу тош сеҳрли эмас, оддий тош. Эр «эт» деганда хотин «бет» деб турадиган оила – оила эмас. Ҳар қандай ҳолатда ҳам хотин эридан бир поғона паст туриб, унинг нимадандир жаҳли чиққанда тилини тийиб, айтганини қилса, эр билан муросайи мадора қилиб яшаса, турмуши кундан кунга чиройли бўлиб, ўртадаги меҳроқибат кучайиб бораверади. «Эринг жанжал бошлаган-

да манави тошни оғзингга солиб ол» деганим, «унга гап қайтарма, тилингни тий» деганим эди, – дебди.

Келин кампирининг донолиги, тадбиркорлигига қойил қолиб, раҳмат айтиб кетган экан...

– Нима демоқчилигингизни тушундим, онажон, – Паризорд бошини янаям қўйи эгди. – Лекин мен уйда бирор марта сизга ё дадамга гап қайтариб, бирор ишни «қилмайман» деганманми?

Малоҳат қизининг кўз ёшларини артиб, соchlарини силади ва:

– Чида, қизим, чида, ҳаммаси яхши бўлади, – дея уни юпатди.

Паризор индамайгина қуда томондан келган меҳмонларнинг олдига тушиб, эрининг уйига кетди.

«Қуда бекор ёшларни дарров алоҳида қилиб қўйибди, – қизининг ортидан термулиб қоларкан, Малоҳатнинг юраги увушди. – Бирор йил бирга туришганда, онасидан ҳайиқиб, тинч яшашармиди? Инсоф берсин, ишқилиб, инсоф берсин».

* * *

Малоҳатнинг дарди ичида: эри қизини «шу йигитга бермайлико» деган маънода қанча гапирди – қулоқ солмади. «Ёшлиқда ҳамма ҳам адашади», дея унинг оғзини ёпди. Чунки совчи бўлиб келган қудаси Норгул билан унинг дугонаси Ҳалима опанинг гаплари уни сеҳрлаб қўйди. Ҳатто эри «Бу аёл қамалиб чиққан» деса ҳам, кўзи очилмади. Күёвнинг буй-басти, кўркамлигини кўриб, «киройи күёвим деса, дегудек экан» дея қувонди. «Ёлғизгина ўғил экан, бир эмас, иккита уй-жой унга қолар экан», дея бемаъни ҳавасларга берилди. Қизига Яратгандан бармоқдек баҳт сўраш ўрнига олтин тахтга интилди. У эмас, бу эмас, қизининг пешанаси, тақдиди шу эканми, Малоҳатни шайтон йўлдан урдими, мана шу балоларга дуч келди...

Малоҳат кичик қизи Гуландомга чок тикиш сир-асрорларини ўргатиб ўтирганди. Гап билан бўлиб, Пари-

зоднинг келганини сезмай ҳам қолибди. У қизига қаради-ю, унинг афт-ангоридан юраги орқага тортиб кетди: Паризоднинг қовоқлари, юзи шишиб, моматалоқ бўлиб кетибди. Лаблари ёрилган... У онасининг бағрига унисизгина кирди-ю, елкалари титраб, йифлай бошлади.

— Она қизим, жоним қизим, — Малоҳат шивирлаб қизининг соchlарини силади. Паризоднинг бошидаги жун рўмол сирғалиб тушиб, яланг бошида, соchlарига ёпишиб қолган қонлар кўринди. — Илоё, сени урган қўллари синиб, акашак бўлсин. Илоё, сени ўшанга бермай, мен ўлай...

Малоҳат қизига қўшилиб, изиллаб йифлай бошлади. Онаси билан опасининг йифлашидан қўрқиб кетган, айниқса, опасининг афт-ангоридан ҳайратга тушган Гуландом ҳам Паризоднинг ён томонидан қучоқлаб, йигига қўшилди.

Ниҳоят, Малоҳат ўзини қўлга олди. Гуландомнинг юзини силаб, «Қизим, чой қўй», деди. Гуландом чой тайёрлаш учун ошхонага йўл олди.

— Онажон, у билан яшай олмайман, — Паризод пальтосини, кейин майин жундан тўқилган пуштиранг жемперини ечиб, кофтасини кўтарди. — Аҳволимни қаранг, онажон. У одам эмас, ҳайвон, қутурган ит. Соғ жойим қолмади мени, онажон. Агар сизга керак бўлмасам, айтинг. Кетаман, амакимникуга, холамникуга кетаман. Фақат у билан яшамайман, яшамайман, — Паризоднинг йифиси авж олди.

Ҳақиқатан ҳам, унинг баданида соғ жой қолмаган, ҳаммаёғи қонталаш, моматалоқ, ҳатто куйганга ўхшаш жойлари ҳам бор эди.

Қизининг аҳволини кўрган Малоҳат эсдан оғай деди. Кейин у ҳам йигига зўр бериб, йифи аралаш куёви Муродни ер муштлаб қарғайверди.

Пахта гулли чойнакка чой дамлаб, патнисга нон, қанд-қурсларни қўйиб кўтариб кирган Гуландом қўлидагиларни аста хонтахта устига қўйиб, қайтиб чиқиб кетди ва

зум ўтмай, пиёлада юрак дориси томизилган сув күтариб кирди.

– Онажон, мана шуни ичиб олинг, – ялинди у. – Жон опа, бўлди, йифламанг, – онаси дорини ичиб, бир оз тинчлангач, опасини қучоқлади у. – Бўлди, опажон, бўлди, йифламанг. Мана, сиз ҳам дори ичиб олинг.

Ниҳоят, Гуландомнинг далдаси билан она-бола юпанишди.

– Доктор чақирайлик, болам, – деди бир пайт Малоҳат қизининг сўлғин юзларига қараб. – Бу аҳволда ётиб қоласан, майиб бўлиб қоласан. Иссиғинг ҳам баланд.

– Майиб бўлмаган жойим қолмади, онажон, – қиз яна қўзига ёш олди.

– Нима?! – онанинг хаёлига мудҳиш ўй келди ва савол назари билан қизига қаради. Паризод онаси нимани наzarда туваётганини сезди ва: – Ҳа, онажон, танамда соғ жойим қолмади. У мараз кўнгли нима тусаса, шуни қилиб, менинг ор-номусимни ҳам букиб ташлади, – дея яна ҳўнграб юборди.

Малоҳат уч кун эзилиб, хаёл суреб юрди. Охири қўшини вилоятга кетган эрини қайтишини ҳам кутмай, күсванинг устидан прокуратурага ариза ёзиб берди...

* * *

Онаси қамоқда ўтирган даврда безориликнинг учига чиққан Мурод у қайтгач, аста-секин инсофга келиб, аввалги ошналаридан ажралиб, тузуккина одам бўла бошлаган, яъни кечки мактабда ўқиб, ўрта маълумот олгач, ҳайдовчиликка ўқиганини айтиб ўтган эдик.

Муроднинг юриш-туриши эпақага келиб, бўйи чўзилиб, мўйлови сабза ура бошлагандан онанинг хаёли ёлғизгина фарзандини тагли-тахтли оиланинг эпли-сепли қизига уйланитириш, шу йўл билан рўзгорини эпақага келтириб, қариганда тинчроқ яшаш эди. У мақсадини амалга ошириш йўлида, аввало, Асад дўкондорни ишга солди. Ҳов анави «воқеалар»да улар «бир одам шу нар-

саны фалон жойга элтиб берсаларинг, фалон сўм бераман, ўзим айтилган манзилда сизларни кутиб оламан деганди», дея қаттиқ туришди. Терговчи ҳам ишига лоқайдроқмиди ё бунақаларни кўравериб, безор бўлганмиди, «гиёҳвандлик моддаларини аёлларга шахсини аниқлашнинг иложи бўлмаган кимса берган» дея ишни якунлаб, судга ошириб юбора қолди. Суд ҳам аёлларнинг «чин кўнгилдан пушаймонлиги, бу ишга минбаъд қайта қўл урмаслиги ва оиласий аҳволларини ҳисобга олиб», иложи борича енгилроқ жазо тайинлаган ва Асад дўкондор уларнинг «оғзи маҳкам» лигидан қувониб, ўзини аёллардан қарздор деб биларди. Шу боис ҳам Норгул ўзи «канави ёқда» бўлган икки йилга яқин вақт ичидаги яккаю ёлғиз ўғли қинғир йўлга кириб кетганини айтиб, уни тўғри йўлга солишда ёрдам сўраганда, у жон-дили билан рози бўлди ва аввало, ўсмирнинг безори ошналарининг танобини тортиб, унга яқин келмайдиган қилиб қўйди. Кейин аста-секинлик билан гоҳ ўзи, гоҳ Норгул орқали уни йўлга солди. Охирида келишган йигитга айланган Муродни фирмага ҳайдовчиликка ишга киритиб қўйди. Бироқ Муроднинг ташқи қиёфаси қанчалик ўзгармасин, ички дунёсида «озгинагина» ўзгармаган, янгиланмаган «жой» қолган, бу унинг кунда бўлмаса ҳам, кунора кайфиятини кўтариш учун «тортиб» туриши эди. Ҳеч ким бу келишган, хушчақчақ йигитнинг ана шундай иллати борлигини хаёлига ҳам келтирмас, чунки бу борада устасифаранг бўлиб кетган Мурод меъёрини билар эди.

Лекин уйланганидан кейин ана шу «меъёр»ни бир оз оширди: унинг томирларида кўпирган қони янги-янги «саргузашт»ларни истар эди. Тумандагина эмас, вилоятда ҳам энг олди қиз бўлган, исми жисмига муносиб Париздага харидор бўлиш, унинг ортидан уч йил соядек эргашиб юриб, охири эришиш унинг қонини жунбишга келтирган, пул сарфлаб, мол сарфлаб олгани, йиллар интизор бўлиб етишгани – худди моҳир ҳайкалтарош оқ мармардан ясаб, тим қора ва узун, қалин, шалоладек

соchlарга ўраб қўйилган ва эндиликда унинг, фақат унинг ўз-ўзига тегишли бўлган манави маликани нима қилсам, ҳаққим бор, чунки у энди ўзимники деган фикр билан наша кайфи остида кундан-кунга янги-янги қилиқлар чиқариб, ҳаддидан ошиб бормоқда эди. Пари-зоднинг мармардек силлиқ, беғубор танасини томоша қилиб, силаб-сийпаб тўймас, лекин «Мана шу гўзалнинг фақат менга тегишли баданларига яна кимларнидир қўли тегса-чи?» деган аламли ўй унинг сармаст онгини пармалаб, тинчлик бермас ва тўсатдан хотинига ташланиб, уриб, бўға бошлар, «Нега ураяпсиз?» деб қақшаб, йиғлаб турган хотинига «Эр деган хотинини уриб туриши керак. Ана шунда хотин эри борлигини бир дақиқа ҳам унутмайди», деб ўзича донолик ҳам қиларди.

Паризод шўрлик келин бўлиб, келинлик гаштини ҳам сурмади, қайнонасига таъзим билан салом бериш, ибо билан чой узатиш унинг учун армон бўлди. Баъзан «Қай-нонам биз билан яшаганларида ўғиллари бу даражада ҳаддидан ошмасмиди», деб ўзича ёзғириб ҳам қўяди.

Икки-уч ҳафталик келин, ҳе йўқ, бе йўқ, эридан тарсаки еса... Унга гўё меҳр билан тикилиб турган эр бирдан уриб қолса, ким уни соғ дейди?

Ҳовлига кўчиб ўтишгач, Мурод уйга алламбало шарм-ҳаёсиз нарсалардан иборат уятсиз киноларни олиб кела бошлади. У видеони ётоқхонага ўрнатиб қўйган, бу нарсаларни Паризодга ҳам «Кўр, томоша қил», деб мажбурлар, ўша кинодаги ҳаёсиз қилиқларни ўзи ҳам такрорлашга интиларди. Одоб-ахлоқ, ор-номус руҳи кучли бўлган Паризод эрининг бу қилиқларига қаршилик қилишга уринар, уятсиз фильмларни кўрмоқ тугул, овозини эшигитдан ҳам номус қилар, ҳатто пайт пойлаб, ана шундай кинолар ёзилган кассеталарни синдиришга, тандирга ташлаб, ёқиб юборишга уринарди. Оқибатда кайф таъсирида ваҳшийлашган эри уни аёвсиз калтаклар, хотинини таҳқирларди.

Эрталаб гүё ҳеч нарса бўлмагандек ювиниб-тараниб, «нонушта тайёрламай, ялпайиб ётган», аслида эса «тунги томоша»лардан туришга ҳоли келмай, бутун аъзойи-бадани зирқираб оғриб, иссиғи чиқиб ётган Паризоддан ҳол сўраш ўрнига, «нонушта тайёрламадинг» дея дуч келган жойига икки-уч марта тепиб, унинг устидан дарвозани қулфлади ва ишга кетди.

Эрининг қадам товушлари узоқлашиб, ҳовли жим-жит бўлиб қолгандан кейин ҳам Паризод гоҳ йиғлаб, гоҳ юпаниб бир соатча ётди. Қимирлашга мадори йўқ, оғриқдан, иситмадан мана ҳозир, ҳушини йўқотиб, ўлиб қоладиган даражада эди у. Бунинг устига, ичидан тинимсиз қон кетиб, ётган жойи ҳам қонга ботган, умид билан бир ёстиққа бош қўйган эрининг ўз нафсини қондириш йўлидаги ваҳшийлиги уни шу аҳволга солган эди.

Охири Паризод амаллаб ўридан турди. Тунда чеккан азобларига тилсиз гувоҳ бўлган бетартиб ўринга қарамади, йиғиштиришга ҳоли ҳам, хоҳиши ҳам бўлмади. Амаллаб кийиниб, сув иситиб, ювиниди. Кейин видеомагнитафон ичидаги ва стол устидаги кассеталар билан ҳовлига олиб чиқиб, ўтихонанинг бир четида ётган катта болтани кўтариб келди ва чеккан, чекаётган азобларига фақат шу буюмлар сабабчидек, уларни бир четдан уриб, майдалади. Кейин уйга қайтиб кириб, иссиқ кийимларини, пальтосини кийди. Бошига жун рўмолини ўраб, дарвоза томон ўйл олди.

Дарвозани торта-торта очолмагач, уни ташқари томондан қулфланганига ақли етган келинчак бир оз хаёл суриб, ҳовлини кузатди. Ҳовлининг уч томонида қўшнилар яшарди. Улар ҳам янги келин – Паризод бу хонадонда тутқундек яшашини сезишар, ўзаро шивир-шивир қилишарди. Лекин лоқайдликданми, Муроднинг ўтмишини яхши билишганиданми, аралашишмас, ўзларини тортиброқ юришар, онда-сонда кундан кунга сўлиб бораётган Паризодни кўриб қолганда, ақлли-ҳушли одамлар наҳот шу ярамасга тулдек қизларини бериб, уни адойи-

тамом бўлаётганини кўра-била индамаса, дея ажабланишарди, холос.

Паризод уйингиз орқали кўчага чиқиб олай деса, ҳеч бир қўшини йўқ демаслигини биларди. Шундай қилса, ўша қўшини кейин Муроддан тугамас балоларга қолишини ҳам биларди.

Паризод девор тагига ётқизиб қўйилган узун ёғоч нарвонни амаллаб тиклади – дарвоза ёнига, катта кўча томонга тираб қўйди. Ҳозир унинг аллақачон мажруҳ бўлган жисмига ғайритабиий қувват инган, у ҳозир, шу тобда қандай қилиб бўлмасин, шу ҳовлидан чиқиб кетмаса, инсон қиёфасидаги малъун келиб, ўзини яна нима аҳволга солишини, эҳтимол, бу ҳовлидан тирик чиқмаслигини яхши биларди. Шу боис ҳам шошиларди. Шошилиш, қўрқув эса унга куч берарди.

У нарвондан девор устига чиқиб, у ёқ-бу ёққа аланглади. Кўчада ҳеч ким кўринмади. У кўча томондаги толининг шоҳларидан ушлаб, сирғалиб ерга тушди. Кийимларини қоқиб, тузатиб, шошилиб йўлга чиқди.

Уйидан эллик метрча узоқлашгач, орқадан машина овозини эшитган Паризоднинг юраги қинидан чиқар бўлди, қўрқувдан оёқлари майишиб, йўл четига ўтириб қолди.

– Қизим, сизга нима бўлди? Ёрдам керак эмасми?

Қизил «Жигули»нинг эшигини очиб, ўзига ташвиш билан қараб, нималардир деяётган отаси тенги одамнинг гапларини Паризод тушунгани йўқ. Аммо у эри эмаслигини, ўзига ёмонлик қилмаслигини англади ва аранг ўрнидан туриб, гандираклаб, бир-икки қадам ташлади.

– Уйимга, Қудрат аканикига олиб бориб қўйинг.

– Майли-майли, ўтилинг, – ҳайдовчи орқа эшикни очди. – Мазангиз йўқми?

– Ҳа.

Ҳайдовчи нималар деди, Паризод тушунгани йўқ, у ўриндиқча ястанганича, кўзларини юмид борарди.

– Бечоранинг анча мазаси йўқ-ку, – ҳайдовчи қиз жавоб бермагани учун ўгирилиб қараб, Паризоднинг аҳволини кўрди-ю, ўзига ўзи шундай деб, тезликни оширди ва ҳеч қанча ўтмай қишлоқда ҳаммага таниш Қудрат прорабнинг уйи ёнига стиб келиб, Паризодни машинадан тушишига кўмаклашди ва у ҳовлига кириб кетгач, машинани юргизди.

* * *

Эрталаб ўзига оро бериб, ишхонага борган, кечгача машина рулини яхши кайфият, ширин орзулар билан бошқариб, кунни аранг кеч қилган Мурод ярим килограмм қўй гўшти билан думба, ўзига таниш «окахон»идан бир «доза дори» олиб, минг хил расво орзулар билан кечга томон ишда қайтиб, дарвозани очиб, ҳовлига кирди-ю, кўзи деворга тираб қўйилган нарвонга тушди ва нима гаплигини англади. Бироқ хаёлига келган фикрга ишонгиси келмади: эрталаб туришга ҳоли келмаётган аёл қандай қилиб шундай оғир нарвонни кўтариши, кўча томонга сакраб тушиши мумкин? У шошилиб, уй томон юраркан, айвонда чилпарчин бўлиб ётган «видик» ва унинг атрофидаги тасмаларига қўшиб майдалангандан кассеталарни кўрди-ю, уларнинг ёнида ётган болтани қўлига олди.

– Ўлдираман, қанжиқни ўлдираман! – болта тутган қўлларининг панжаси гўё ёғоч сопга михланиб, ёпишиб қолди. – Барибир ўлдираман!

У қўлида болта билан ичкарига кириб, хоналарни айланди. Ётоқхона ҳамон ивирсисб ётибди, қолган уч хона доимгидек саранжом-саришта.

Мурод қозонга қайнатма шўрва ташлади. Кейин «дори»ни маза қилиб «тортди». Асаблари бир оз тинчлангандек бўлди. Чала пишган шўрвадан катта косага қуйиб, ичиб олди. Кейин ётоқقا кирди. Ўрин негадир ҳўл эди... «Кеча жа оширворганман, шекилли», дея ғўлдираб, кўрпани думалоқлади ва хонанинг бир четига отди.

Тұрдаги тахмондан құлига кирған дұхоба күрпани олиб ёзди-ю, чўзилиб ётди.

У тоңгача алоғ-чалоғ туш күриб, босинқираб чиқди. Тушлариди Паризодни гоҳ бегона эркак қучоғида, гоҳ қўлида болта тутган ҳолда кўрар, ҳар гал аламдан тишларини ғижирлатиб, уйғониб кетар ва ёнбошига ўтирилиб, яна уйқуга кетарди.

Шу тариқа орадан тўрт кун ўтди. Мурод «Ота-онаси қизини қайтариб олиб келади. Ахир, ярим йил ҳам яшамай, уйга қайтган қиз ҳақида қанақа гап-суз, фикрлар бўлиши мумкинлигини билишади-ку», деган хаёлда, лекин кўнгли ғаш, юраверди. У «Паризод аразлаб юрибди», деган ўйда эди. Бироқ...

Эрталаб расво кайфиятда уйғонган Мурод совуқ сувда обдан ювинди. Кайфияти кўтарилигандек бўлди. Кечаги овқатдан қолганини иситиб еди. Чой ичгиси келмади. Кийиниб, яна дарвозани қулфлаб ишга кетди.

— Оғайни, ишинг чатоқ-ку? — ишхонага етиб келиб, машинасининг у ёқ-бу ёғини кўздан кечираётганда Паризодларга қўшини яшайдиган, ўз вақтида унга совчи ҳам юборган яна бир ҳайдовчи — Самад қўлидаги калитни ўйнатиб, унга ваҳима билан тикилди.

— Нима бўлти? — хаёлига «Паризод ўлиб қолдимикин» деган фикр келган Муроднинг ичи музлаб кетди.

— Паризоднинг онаси устингдан прокурорга шикоят ариза ёзибди, — баттар ваҳима қилди Самад.

— Уфф, — хаёлидаги ўйдан юраги ёрилай деб турган Мурод енгил тортди. — Нега ёзади? Мен унга нима ёмонлик қилибман?

— Ҳалиги... — Самад атрофга аланглади, ҳеч ким йўқлигини кўриб, овозини пастлатди. — Паризодни жа ёмон қийнар эмишсан, анави, ғайритабиий йўллар билан зўрлар эмишсан? Шуларни ёзибди.

Бу гаплардан Муроднинг ичидә титроқ бошланган бўлса ҳам сиртига чиқармасликка уринди.

— Жа, топибди баҳонапи! Аввало, Паризод менинг қонуний хотиним, қолаверса, — у Самадга күзини қисди, — қизишганда табиий-ғайритабиий деган гапни ўйлайдими эркак киши? Нима қылсам ҳам ўз хотинимни қилибман-ку, күчада бирорванинг қизини зўрламабман-ку? Бу гапни қаердан эшита қолдинг?

— Онам ўша жойни супуриб-сидиради-ку? Пол ювиб юриб, икки-уч ходим ўша аризани ўқиб, маслаҳатлашиб ўтирганда нима гаплигини сезиб қолибди.

— Ариза кимнииг қўлида экан?

— Анави, Бозоров деган йигит бор-ку, ўшандা.

— Раҳмат, оғайни, огоҳлантирганинг учун, — Мурод унга қўл чўзди. — Қарздор қилдинг.

— Ҳа, энди, — унинг совуқ қўлини сиқаркан, Самад ичидага «Бу кулингдан баттар бўл, банги», деб қўйди.

Мурод Бозоровни яхши танир, бир-икки марта унинг ҳожатини чиқарган — машинасида аллақаерларга олиб бориб, ишларини битиришга ёрдам ҳам берганди. Шунинг учун кўнгли анча таскин топди ва Бозоров билан маслаҳатлашиш учун унинг ишхонаси томон йўл олди. Мақсади бирортасидан уни чақиртириш эди. Иши ўнгидан келиб, йўлдаёқ папка кутариб кетаётган Бозоровга кўзи тушди ва унга яқин бориб, машинасини тўхтатди. Бозоров ҳам уни кўрди-ю, гап-сўзсиз дарҳол ёнидан жой олди.

— Машинангни четроқда тўхтат, — деди Бозоров салом-аликдан кейин бир оз юришгач. — Гап бор.

Мурод гап нимадалигини англаган бўлса ҳам, унга савол назари билан бир қараб, одам сийракроқ жойда машинасини тўхтатди.

— Сен бола, нима ишлар қилиб юрибсан? — дангалига ўтди Бозоров.

— Нима қилибман?

— Қайнонанг бизга қанақа ариза ёзиб берганини биласанми?

— Эшийтдим, лекин упинг қизи бўлса, менинг қонуний хотиним, — бўш келмади Мурод.

– Калланг ишламас экан сени, – йигитнинг жаҳли чиқди. – Қонуний хотининг бўлса нима? Сени нима ҳаққинг бор унга ҳайвонларча муносабатда бўлишга? Бу нарса қонун билан ман қилинган, аёл кишини таҳқирлаш, файритабии алоқа қилишга мажбурлаш учун неча йил берилишини, бундай «иш» билан қамалганларнинг бошига у ёқда нима кўргуликлар тушишини биласанми?

– Нима қил, дейсиз? – анча бўшашиб Мурод унга мўлтираб қаради.

– Биринчи галда хотинингдан тиз чўкиб, кечирим сўра, ийғла, ялин, тавба-тазарру қил, иккинчи бундай иш қилсан... деб қасам ич, уни қайтариб уйингга олиб кел. Кеъин нима қилиб бўлса ҳам, «Онаингни қўидир, аризасини қайтариб олсин», деб аризани қайтариб олдир. Ҳеч қайси ота-она фарзандининг уйи бузилишини хоҳламайди, шу жумладан, хотинингни ота-онаси ҳам.

– Кейин-чи?

– Нима «кейин-чи»? У ёғини ҳам мен ўргатайми? Керак бўлса «туҳмат» дейсан-қўясан. Эркак бўла туриб, наҳот битта хотинни йўлга сола олмайсан? Кетдик.

* * *

Бозоровни ишхонаси ёнида тушириб қолдирган Мурод машинасини тўғри қайноасининг уйи томон ҳайдади. Дарвоза ёнида машинани тўхтатиб, аста ҳовлига кираркан, хаёлида «Қайнонам дод солиб, бошига оломонни йифса-я», деган ўй ҳам келди.

Катта ҳовли негадир эгаси йўқ уйдек сукунатда, одам шарпаси сезилмасди. Мурод уй олдидаги кенг айвонга етгач, ёлғондан йўталди ва – «Ким бор?» – дея овоз берди. Ичкаридан шарпа сезилиб, зум ўтмай эшик очилди ва Гуландом кўринди. У поччасини кўриб, дарҳол салом берди-ю, нима дейишини билмай туриб қолди.

– Уйда ким бор? – иложи борича мулойим оҳангда сўради Мурод. – Дадам, аям қаердалар?

– Даdam ишга кетгандар, аям иш билан чиқиб кетдилар, укаларим ўқищда, – бирваракай жавоб берди Гуландом.

– Опанг-чи?

– Опам касал ётибдилар.

– Қани, касални бир күрайлик-чи? – Мурод остоңада оёқ кийимини ечиб, ичкарига кирди.

Ичкари хонада, дераза ёнидаги каравотда ётган Паризды Муроднинг келганини аллақачон сезган, энди юраги дукуллаб, уни синглиси билан гаплашишига қулоқ солиб ётарди. Эри ичкари кирганда эса атайлаб тескари қараб, бошига кўрпани тортиб олди.

Мурод ичкари кириб, бир оз тараддуланиб туриб қолди. Кейин:

– Паризды, – дея секин чақирди. Хотини индамаса ҳам ўзининг келганини билиб, овозини эшитаётганини савқи табиий билан сезди ва яна:

– Ҳой, девор ошар хоним, тузукмисиз? – деди киноя ва эркалаш аралаш. Кўрпа ичидаги тана бир қимирлаб қўйди. Гуландом чой қўйиш баҳонасида ошхонага кириб кетган эди. Шунинг учун Мурод бемалол ҳаракат қилаётганди. У илдам каравот ёнига борди ва Париздынинг устидаги кўрпани шаҳд билан тортди. «Ҳозир уради» деган хаёлда титраб ётган Паризд ғужанак бўлиб, бошини қўллари билан тўсди.

– Эрини ҳам шунаقا кутиб оладими, қочоқ ойим? Уйга келган мәҳмон ўрнидан туриб кутиб олинмайдими?

Мурод гапга уста, тилёғламалик, муғамбирликни ҳам жойига қўярди. У каравот ёнига тиз чўкди ва бўғиқ овозида ўз қилмишларидан мингдан-минг пушаймонлигини, итлик қилганини айтиб, қайта-қайта хотинидан кечирим сўради. Унинг момиқдек, лекин парча-парча қонталашларга тўлиб кетган қўлини қўлларига олиб, қайта-қайта ўпди, кўзларига сурди. Аранг етишган ёри уни ташлаб кетса, ўзини ўлдириши ҳақида қасам ичди. Орада Паризд ётган жойидан туриб, каравотда оёқларини осилтириб ўтириб олди. Мурод хотинининг оёқларини қучоқ-

лаб, ўпид уларга бошини қўйиб, бундан кейин бутунлай бошқа инсон бўлишини айтиб, қасамнинг минг хилини ичиб йифлайверди.

Паризод боладек содда, ишонувчан эди. Мурод эса унинг кўз очиб кўргани. Мана, ўзининг қилмишларидан минг-минг пушаймон бўлиб, эркак бошини оёқларига қўйиб йифлаяпти, кечирим сўраяпти. «Ўзим сени катта дўхтирларга кўрсатиб даволатаман, бошимда кўтариб юраман», деяпти. Йифлаяпти...

Қайси аёл қалби эркакнинг кўз ёшлари олдида эримаган эдикни, Паризод метиндек тура олса...

Паризоднинг бармоқлари Муроднинг жингалак сочларини силай бошлади. Унинг ҳам кўзларидан тинимсиз ёш оқарди. Бу ҳолни эса эшик пардаси тирқишидан Малоҳат кўриб турганди.

– Кечирдим, дегин, айт, жоним, кечирдим, сиз билан бирга уйимизга кетаман дегин, – ҳамон йифларди Мурод. – Ахир, қасам ичяпман, бошқа ҳеч қачон сени хафа қилмайман, ҳатто чертмайман деб. Ҳеч қачон дилингни оғритмайман, эшитяпсанми? Ахир, сени қанчалик севаман, сенга етишгунимча ўлиб қолай дедим-ку, Пари. Энди сенсиз қандай яшайман? Ўлимимни хоҳламассан ахир, кечирдим дегин...

– Кечирдим, туринг ўрнингиздан, – ниҳоят Паризоднинг ҳассос қалби дош бера олмади. У эрининг кўз ёшларига, қасамларига ишонди. – Туринг деяпман, онам кўрсалар, уят бўлади.

Мурод секин ўрнидан туриб, Паризоднинг бошини кўксига олди. У қаршилик қилмади.

Малоҳат секин ташқарига чиқиб, гўё ҳозир келгандек «Гуландом» дея овоз берди. Поччасининг опаси ёнида йифлаб турганини кўриб, Гуландом ҳам ошхонага кирганича, ўша ерда ўтирганди. Онасининг овозини эшитиб, «лаббай» дея югуриб чиқди.

Онасининг овози келгандан Паризод гўё ўғирлик устидаги қўлга тушган одамдек титраб, дув қизарди ва Му-

родни ўзидан итариб, «Нари туринг», деди шивирлаб. Мурод ҳам чаққон ҳаракат билан девор бўйлаб солинган кўрпачага чўккалади ва қайноаси кириши билан дарҳол ўрнидан туриб, мутеларча қўл қовуштириб, унга салом берди.

– Ҳа, йигит, нима гап? – деди Малоҳат унинг саломига алик олмасдан. – Нега келдингиз?

– Онажон, кечиринг, – Мурод мунғайиб, бошини эгди.
– Кечиринг, ёшлиқ қилдим. Энди ҳеч қачон қайтарилилмайди, ишонинг...

– Қандай ишонай? – Малоҳат ўзини тутолмай қолди.
– Қани, айтинг, қандай ишонай? Мен гулдек қизимни не-не орзу-ҳаваслар билан эрга берганманми ё бир ваҳшийнинг қўлига қўғирчоқликка берганманми?

Малоҳатнинг айтмаган-демагани қолмади. Мурод унинг заҳар-заққум гапларини жим туриб, бошини қуий солиб, ора-сира «кечиринг, бошқа қайтарилилмайди» деганича эшилди. Мурод тез-тез кўз ёшларини артар, унга қўшилиб Паризод ҳам йиғламоқда эди.

Онасининг аламли гаплари ҳали-бери тугамаслигини сезган Паризод:

– Онажон, бўлди, жон она, – деди йиғлаб. – Куёвингиз билан келишдик. Яна бир марта менга қўл қўтарса ёки...
– Паризоднинг овози титраб кетди, – ёки бемаънилик қилса, тамом, ўша кундан орамиз очиқ. Кечира қолинг...

– Сен-чи, сен кечирдингми? – қизига синовчан тикилди она.

Паризод боши билан тасдиқ ишорасини қилиб, ерга қаради.

Кўнгли алағда, қалби пора она қизи билан куёвига яна анча панд-насиҳат қилди. Қизига «тузалгунча уйда қол» деб ҳам кўрди. Иложи бўлмади. Икки ёш бир жуфт мусичага ўҳшаб, мўмингина бўлиб, бошларини эгиб, хайрлашиб, уйдан чиқиб кетишиди.

Қайси ота, қайси она узатилган қизининг турмуши бузилиб, қайтиб келишини хоҳлаганки, Малоҳат хоҳла-

са. Аввалига эрка қизининг аҳволини кўриб, қон қақшаган она кечагина зор йиғлаб келган қизи сал ўзига келгач, эридан кўрган озорларини дарров унтиб, унинг етова иде кетаётганини кўриб, бир оз жаҳли ҳам чиқди. Кейин ўзига-ўзи «Эр-хотиннинг уруши – дока рўмолининг қуриши деганлари шу экан-да, тавба», деб қўйди. Яхшиям бу воқеаларни эри Қудрат кўрмади, билмади. Агар билганда... Малоҳат уй юмушларига уннади.

* * *

Мурод хотинини машинага ўтқазиб, тўғри онасининг уйига олиб келди. Норгул иккита қўшни аёл билан дарвоза олдида ҳангомалашиб турган экан. Уй ёнига келиб тўхтаган машинадан ўғли билан келини тушгач, уларга пешвуз юрди.

– Вой, болажонларимдан айланай, келдиларингми? – дея қулочини ёзиб, аввал ўғлини қучоқлаб, пешанасидан ўпди. Кейин келинини бағрига босиб, унинг юзига қаради-ю:

– Вой шўрим, бу нимаси? – дея беш-олти одим нарида турган қўшнилар эшитмаслиги учун паст овозда сўради.
– Нима қилди?

– Бунингиз сира тинчимайди, онажон, – бамайлихонтириж жавоб берди Мурод. – Девор тагида ётган нарвонни ўзича кўтариб, ҳовлининг этагига олиб бормоқчи бўлган экан, энди кўтарганда афдарилиб, сал бўлмаса бунингизни башарасини мажақлаб қўйяй, дебди. – Кейин хотинидан нолиган бўлди. – Бунингиз ёш бола, ойи, сира ўзини ёлғиз қолдириб бўлмайди. Шу аҳволда ҳам яна бирор балони бошламасин деб, мана ёнингизга олиб келяпман.

Унинг гапларини эшитган қўшнилар Паризднинг бошига нарвон афдарилганига гўё чиппа-чин ишонишида ва «Вой, тинчимаган келин, кўз-пўзингизни чиқариб қўйса, нима қилардингиз», қабилида чувиллаб, унга ачишишди.

– Ҳамма айб ўзингда, – ҳовли томон йўл бошлаб, ўғлини койиди Норгул. – Аnavи борганимда айтган эдим-а, шу нарвон ўлгур хунук ётибди, ҳов кўздан нарига олиб бор деб. Ўзинг қилмаган ишни бу бечора қилмоқчи бўлган-да.

Улар дарвоза ҳатлаб ичкарига киргандан аёлларнинг ўзаро пичир-пичирлари бошланди.

– Онажон, қани, ошхонани бўшатинг, – фотиҳадан кеинин чой қўйиш учун ошхонага йўналган онасининг йўлини тўсди ўғил. – Қаерда нима борлигини кўрсатинг, келинингиз бир палов пиширсин. Ош ейман деб атайлаб ишга ҳам бормадим бугун.

Ўғли билан келинининг ўртасида бир гап ўтганини аллақачон пайқаган она масаллиқларни ажратиб берди. Паризор ош гадоригини бошлади.

Ўғил эса онасини ичкарига имлаб, паст овозда бўлиб ўтган гапларни оқизмай-томизмай унга айтиб берди ва:

– Ўша аризани нима қилиб бўлса ҳам қайтартириб олдиришимиз керак, – деди мўлтираб. – Бўлмаса, аҳвол чатоқ.

Она бир оз ўйланиб тургач:

– Қайнонанг билан бу ҳақда гаплашмадингми? – деб сўради ўғлидан.

– Қандай айтаман? Аризани эшитгани учун қизимга ялиняпти, демайдими?

– Унданам, ариза берганим қаердан маълум бўлди, ким айтди ҳам дерди-да. Бозорвга «аризани исини чиқармай тур» дедингми?

– Айтдим. Икки-уч кун амаллаб тураман, унгача сен хотинингни уйингга олиб кетиб айт, онасини аризасини қайтартириб олишга кўндирысин, бўлмаса, бир балога йўлиқасан, деди.

– Нима қилсак экан? – она фикрлай бошлади. – Дабдурустдан ариза ҳақида гап очсанг, Бозорвни ҳам сотган бўласан.

— Гап очмасам, эрта-индин «сур-сур» бошланади. Кейин гап кўпаяди. Балким... — Мурод онасига умид билан термулди. — Анави дўкондорни ишга соларсиз?

— Ҳе йўқ, бе йўқ, бу гапни унга қандай айтаман? Айтганимда ҳам «қизини йўлга солинглар, амаллаб, онаси ни аризани қайтариб олишга кўндирсинг», дейди-да. — Она яна ўйга берилди. Кейин: — Мундоқ қиласиз, — деди. — Бугун шу ерда тунаб қолинглар. Эртага келинни бу ерда қолдириб, ишга кет. Ишдан гўё ташвишли қиёфада келиб, хотинингни уйингга олиб кет. Ўша ерда «бугун мени органга чақиришди» деб хафа бўлиб гапир. «Турмуши миз бузилмасин десанг, онангга айт, аризасини қайтариб олсин» де, гап тамом — вассалом. У, албатта, айтганингни қиласиди.

Она-бала гапни бир жойга қўйгач, Мурод «Ҳорманг, ошпаз, ёрдамчи керак эмасми?» дега ошхонада куймала наётган хотинининг ёнига чиқди. Унга ҳазил-ҳазул қилиб, белига қўл юбориб, чеҳрасини очишга уринди — бўлмади. Унинг ҳазилларига кулиш ўрнига Паризднинг кўзларида ёш кўринди — кулмоқчи бўлганда ёрилган лаби қаттиқ тортишиб, қон сизиб чиқсан ва оғриқ берганди...

* * *

Паризд тонг саҳарда туриб, ювениб-тараниб, ҳовлини супурди, чой қўйиб, нонушта тайёрлади. У дастурхон тузгаётганда қайноаси уйқудан туриб, ташқарига чиқиб кетди. Ювениб келгач, келинининг саломига алик олиб, ўзича дуо қилган бўлди ва:

— Келинли уй дарров ўзгаради, қаранг, бирнасда ҳаммаёқни саранжомлаб, нонушта ҳам тайёрлабсиз, — дега уни мақтади. Унинг галига жавобан Паризднинг хаёлидан «Шунинг учун ўн-ўн беш кунлик келинни алоҳида чиқармаслик керак эди. Бирга яшасак, ўғлингиз ҳам сал ўзини тутармиди», деган ўй ўтди-ю, дилидагини тилига чиқармасдан, эрини уйғотиш учун у ётган хонага кирди.

– Намунча саҳармардонда туриб олмасанг, – деди эри норозиланиб. – Ўзингга қўшиб, бошқаларга ҳам уйқу бермайсан.

– Турақолинг, нонушта тайёр, – унинг гапига эътибор бермади Паризод. – Онам кутиб ўтирибдилар...

Нонушта пайти Мурод онасига ғалати туш кўрганини, тушида қандайдир бир аёл, лекин жуда таниш аёл, ўзининг қўл-оёқларига занжир солмоқчи бўлаётганмиш-у, у «Паризод!» деб қичқиргач, хотини югуриб келиб, ҳалиги аёлнинг қўлидаги занжирни узиб-узиб ташлаганини тушкун кайфиятда айтиб берди ва хотинига тикилди.

– Қасд қилганлар паст бўлиб, ер билан яксон бўлсин, илоё, – қайнона ҳам номига нон чимдид, бош эгиб ўтирган келинига қараб гапирди:

– Кўролмайдиганлар кўп-да. Ишларинг яхши, ойдек хотининг, уй-жойинг бор, шуни кўролмай юрганлар қанча. Садақа бер, садақа – радди бало, дейдилар.

* * *

Паризоднинг нимадандир юраги фаш. Ўрганмаган жой бўлгани учунми, кечаси деярли ухлай олмади. Кўзи сал илингандан эса алоғ-чалоғ туш куриб, чўчиб уйғонаверди. Кейин уни хаёл олиб қочди. У «Эrim билан кетиб, онамнинг дилини оғритдим-а. Аввалига йиғлаб келиб, уларнинг юрагини қон қилмаслигим керак эди, дея мулоҳаза қилди. – Онамнинг меҳрибон қўллари, дори-дармонлари туфайли анча яхши бўлиб қолдим. Демак, дардга чалинсам, эримдан норози бўлсам, онамнинг олдига югураверарканман-да? Йўқ, унчалик эмасди, лекин шу галгиси жонимдан ўтиб кетди, ахир. Уйда қолсам, ўлишм аниқ эди, бу золим ўлдиради мени. Унинг юзига туфлайман, қайтиб қарамайман, яшамайман, деб аҳд қилган эдим. Унинг ялиниб-ёлворишларига, қасамларига, йифиларига ишондим. Ишонмай иложим ҳам йўқ эди-да. Турмуш қилганига ярим йил бўлар-бўлмай эрдан қайтиб келибди, деган гап ҳам оғир-да. Яна ўша қилифини қиласа,

қандай қилиб онамнинг олдига йиғлаб бораман? Мен аҳмоқ, яна нега бунинг тилёғламалигига, ширин гапларига учдим? Синган идишни қалайлаганинг билан изи қолади, дейишади. Юрагим эмас, баданимда ҳам бу ярамас қолдирган жароҳатлар маддалаб ётибди-ю, юр деса, этагидан ушлаб келавердим-а...»

Ана шундай оғир хаёллар остида тонг оттириб, одатдаги ишларини бажариб, нонушта қилаётгандек бўлиб, аслида ўй суриб ўтирган Паризод эрининг тўқима «туши»ни ҳам, қайнонасининг унга айтган гапларини ҳам эшилди-ю, маъносини англағани йўқ. Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, ишга отланган эрига «Яхши бориб келинг», деди ўлганининг кунидан. Эри эса, аксинча, негадир кайфияти кўтарилиб, онасига нималарнидир гапириб, қулиб, ишга кетди.

Ҳаво тундлашиб, совуқ анча кучайганига қарамай, Паризод қайнонасининг чойшабу ёстиқжилдлари, ҳаммомчадаги тоғорада ётган кийимларни, сочиқларни йифиб ювди. Ювилган нарсаларни бир неча қатор арқонга расамади билан ёйди. Кейин тушликка суюқ овқат пишириб, қайнона-келин овқатланишиди.

– Сиз бемалол дам олаверинг, мен бир айланиб келай,
– деб қайнонаси кийиниб, кўчага чиқиб кетди.

Дам олиш қаерда? Паризод идиш-товоқларни, газ плиласини содалаб ювиб, кечки овқат тадоригини кўриб турганда, эшик очилиб Мурод кириб келди. Эргалаб хушхандон кетган эрининг тунд қиёфасини кўрибоқ, юраги увишган Паризод унга пешвоз чиқиб, салом берди.

– Онам йўқми? – алик ўрнига савол берди Мурод.

– «Ишим бор», деб чиқиб кетган эдилар.

– Кийин, кетамиз.

– Онангизни кутмаймизми? – бу уйда яна икки-уч қунгина осойишта яшаш умиди билан сўради Паризод. – Хафа бўладилар, хайрлашмай кетиб қолсак.

– Кутишга вақт йўқ, – онаси билан келишиб, иш тутаётган Мурод «онам билади кетишимизни» дермиди? – Тезроқ бўл, машина кутиб турибди, бўл...

Паризоднинг бу уйдан сира-сира кетгиси келмаётган, қишлоқ четидаги хилват уйга боргиси келмаётган – оёғи тортмаётганди. Лекин иложи йўқ: ҳозир гап қайтарса, яна бир кор-ҳол бошланиши мумкин.

У худди оёқларига тош боғлангандек судралиб, эрига эргашди.

Ҳақиқатан, кўча четида оқ ранги «Москвич» уларни кутиб турган экан. Мурод хотинини машинанинг орқа ўриндигига ўтқазиб, ўзи олдинга ўтиреди ва уларни бепарвогина кузатиб турган ҳайдовчига «кетдик» деди. Борадиган манзиллари аввалдан келишилганми ё уларнинг уйини биладими – ҳайдовчи бир оғиз гап гапирмай, тўппатўғри ҳовлиларининг дарвозаси ёнида машинасини тұхтатди.

Машинадан тушишгач, Мурод индамай бориб, дарвозани очди ва ичкари кириб, айвон чироғини ёқди. Паризодни эса кўринмас куч орқага тортар, кимдир қулоғига «Кирма, кирма!» дёя тинимсиз шивирларди. Келинлик сиёғи кетмаган бўлса-да, ўзи учун ғамхонага айланган бу хонадонга кирмасликка иложи йўқ эди унинг. У энди бу остона ёнидан ортга қайтиб, қочиб кета олмасди. Шундай қилишни жуда-жуда истаётган бўлса ҳам, энди иложи йўқ. Чунки яккаю ягона сирдоши, суюнчиғи, маслаҳатгўйи – онажонининг «борма» деган гапини икки қилиб, унинг кўзларидаги ҳасрат-аламни кўра туриб, кўрмасликка олиб, мана шу ҳайвонсифат одамнинг ширин гапларига учиб, унга эргашди. Энди ота уйига «эрим урди» деб йиғлаб бориш учун унинг юзи қаттиқ бўлмоғи керак.

Паризод бу ёруғ оламни сўнгти марта кўраётгандек, атрофга бир қур назар ташлади. Қоронғи тушиб қолган кўчада ҳеч ким йўқ. Худди бу жойларда одам яшамайдигандек, ҳаммаёқ ҳувиллаб ётибди.

У остона ҳатлаб, ҳовлига кирди. Тўғри бориб, айвондаги ўзининг қилмишидан гувоҳлик бериб турган «видик» ва майдаланган кассеталар,чувалашиб ётган тасмаларни йиғишириб олиб, ҳовлининг бир четидаги чу-

қурга – лойхандаққа ташлади. Болтани ўтinxонадаги күзга қўринмайдиганроқ жойга яширди. Кейин гўё муте қулдек ичкарига кириб, аллақачон кийимларини алишириб, ўринда чўзилиб ётган эридан сўради:

– Нима овқат қиласай?

– Кўнглимга овқат сифмайди, – ўрнидан туриб, ўрин четига ўтириди Мурод. – Кўнглимга ҳеч нарса сифмайди... – У Паризоднинг «Нима бўлди?» дейишини кутди. Паризод индамай туравергач: – Мана бу жойга ўтири, – дея девор ёқалаб солинган кўрпачани кўрсатди. Паризод индамайгина кўрпачага омонат тиз чўкди.

– Мақсадинг мендан айрилишми? – Бош эгиб ўтирган Паризод жавоб қайтармади. – Ажралмоқчи бўлсанг, тинчгина «сиз билан яшамайман» дегин-да, кетавер. Лекин мен ҳақимда турли гап-сўз тарқатма.

Паризод «нима гап тарқатибман» дегандек унга ялт этиб қараб, яна бошини эгиб ўтираверди.

Мурод жуда кўп гапирди. Унинг овози узоқлардан келаётгандек Паризод унинг гапни эшилса ҳам, маъносини тушунмас, боши янайм қўйи эгилиб, ҳозир йиқилиб кетадиган алфозда ўтиради.

– Бор, бирор нарса пишир, – Мурод ниҳоят «тарбиявий соат»ни тугатди. – Тез-тез қимирла, эшилдингми?

Паризод унинг бу гапини тушунди. Секин ўрнидан туриб, ошхонага кирди. Чироқни ёққандан кўзи ювуқсиз идишларга, қозонга тушиб, дарҳол уларни ювиш учун сув иситди – у кундалик юмушига шўнғиб кетди: эрининг ҳеч тугамайдиган гапларини эшилгандан ошхонада куймаланиш минг марта афзал эди.

Орадан бир соатдан мўлроқ вақт ўтиб, Паризод бир қўлида дастурхон билан эри ётган хонага овқат пишганини айтиш учун кирди-ю, ичкарига бир қадам қўйган жойида шаҳло кўзлари ҳайрат билан катта-катта очилиб, беихтиёр «Нима қиляпсиз» – деб юборди.

Мурод аллақачон «дори»нинг кучлироғига ўтган, ҳозир ҳам томирига «гера» юбормоқда эди. У бошини қўта-

риб, хотинига бир қаради-ю, «Бу ёққа кел», деди ишшайиб.

Паризод бунақанги «ҳунар»ларни күриш эмас, эшигмаган ҳам эди. «Бирор гап бўлдими, мазаси қочдими», деган хаёлда эри томон беихтиёр икки-уч қадам юрди-ю, Муроднинг сузилиб турган, гўё туман босганга ўхшаган кўзларига кўзи тушиб, юраги ниманидир сезди – таққа тўхтади.

– Кел, деяпман, – нинани суғуриб, билагини буклаб олган Мурод яна уни чорлади. – Буни тотиб кўргин. Ҳаётнинг қанақанги лаззатлари борлигини ҳис қиласан, билласан. Кел, деяпман!

Эрининг қандайдир ёмон иш қилаётганини, ўзини ҳам шу ишга уидамоқчи бўлаётганини қалбан сезган Паризод ўрнидан туроётган эридан даҳшат тўла кўзларини узмаган ҳолда орқага тисланба бошлади.

– Манавиндан тотиб кўргин, – Мурод бир сакраб унинг қўлидан ушлади. – Билагингни оч, томирингга ўзим юбораман, оғримайди, – деди ғалати кулиб ва куч билан Паризодни ўзига тортиди. – Ҳозир, мана, бир дақиқа...

Паризод эрининг боягина нина санчган билагидан қопқора қон оқаётганини кўрди-ю, бўш қўли билан Мурод ўзининг билагига санчишга уринаётган қон юқи шприцни зарб билан уриб юборди. Шприц уйнинг қаеригадир учиб тушди.

– Ҳали шунақами? – Муроднинг кўзлари ваҳшат билан ялтиради. – Шунақами? Қўлимга урадиган, айтганимни қилмайдиган, ўзбошимча бўлиб қолдингми? – деди хириллади у. – Хотинимсан, айтганимни қиласан.

У аллақачон ҳуши бошидан учиб, теракнинг баргидек титраб турган Паризодга оч бўридек ташланди. Унинг зор қақшаб, ялиниб-ёлворишлари, бўзлаб йифлашларига ҳам парво қилмай, қўлларини омбурдек қисиб ушлади ва шаҳд билан ўзига тортиб, устидаги кийимларини йиртиб-бурдалаб ташлади, ўринга куч билан босди ва:

– Ҳали онанғиз менинг устимдан ариза ёзадиган бўлибдими? – деда тиржайди. – Ё эртага эрталаб бориб онанг аризасини қайтариб олади ёки сен... Онанғга айтасанми «қайтариб олинг» деб?

Қўрқувдан аъзойи-бадани дир-дир титраётган Пари-зод:

– Хўп, – деди аранг.

Мурод яна ҳайвоний қилиқларини бошлади...

Ярим тунга бориб ўзининг тийиқсиз қилиқларидан ҳориган Мурод қай томонга тортса, ўша томонга эгilib, дод-фарёд ҳам қилмай қўйган хотинини туртиб:

– Тур, муздек сув олиб кел, чанқадим, – деди. Пари-зод қимиirlаб ҳам қўймади. Мурод уни қаттиқроқ туртиб, гапини қайтарди – жимлик. У хотинининг пахтадек юмшоқ қўлидан тортиб: – Сенга айтяпман, эшиятсанми? – деда силтаб ташлади. Қўл жонсиздек «тап» этиб тушди.

– Ие, ўлиб қолдингми, нима бало?

Пари-зоднинг мурданинг рангидан фарқ қилмайдиган юзига, узун киприклари чирмашиб, чирт юмилган кўзла-ри, хиёл очиқ оғзига қараб, Муроднинг кайфи тарқаб кетди. У хотинини яна бир-икки туртди, билагидан ушлаб, томир уришини билмоқчи бўлди, ҳеч нарса сезилмади. Кўксига бош қўйиб, юрагини эшиитмоқчи бўлди – юраги бетламади: Пари-зод ўлиб қолган эди!

Кайфи тарқаб кетган Мурод мурда қархисида бир оз хаёл суриб ўтирди – режа тузди. Кейин амаллаб, унинг кийимларини кийдирди. Уни шу ҳолича қолдириб, ташқарига чиқди. Борлиқ тун сукунатига чўмган. Қаерлар-дан дир онда-сонда ит ҳургани эшитилади. Самода на йилт этган юлдуз, на ой бор, ҳаммаёқ зимиштон. Айвондаги хира чироқининг ёруғи дарвозага ҳам стмайди. Эсаётган шабада анча илиб қолган – баҳор яқинлашаётганидан нишона. У оёғидаги калишини шапиллатмасликка уриниб, оҳиста қадамлар билан дарвоза ёнига борди. Унинг занжирини ҳам шиқирлатмасдан тушириб, дарвозани очди. Ташқарига чиқиб, атрофни кузатди: онда-сонда

кимнингдир дарвозаси устига ўрнатилган лампочкаларнинг хирагина ёругини ҳисобга олмаганда, ҳамма ёқ қоронғи. Күчада зоғ ҳам йўқ.

Мурод уйга қайтиб, спорт кийими устидан чопонини кийди. Кейин тандир ёнида ётган ғалтак аравани итариб, айвон ёнига олиб келди. Ичкарига кириб, бир қоп унни орқалагандек, Паризодни орқалаб олиб чиқди ва икки букланган ҳолда аравага ётқизди. Иложи борича овоз чиқармай, оғир аравани аранг филдиратиб, кўчага олиб чиқди ва канал томонга жадал юриб кетди. Канал бўйлаб кенитина текис йўл кетганди, бу ёғига қийналмади. У қирғоқдан нишаброқ жой топиб, пастлай бошлаганда, узоқдан машина чироги кўринди. Машина худди атай қилгандек у томонга келмоқда эди. Атрофда беркинадиган жой йўқ. Пастга тушиш хавфли – тойиб кетсанг, тамом. У шоша-пиша аравани сув томонга итарди-ю, кучанинг нариги томонига ўтиб, пастак дарахтларни шаналаб, уйи томонга югурди. Юзига ёпиқ дарвозани очиб, деярли югуриб ҳовлига кирди ва уни дарҳол ёпиб, ичкаридан занжирлади. Хонага киргандан кўзи девордаги соатга тушди: бирдан ўн дақиқа ўтибди. У чироқни ўчирмай, чопонини ҳам ечмай, ўрнига чўзилди. Ҳеч нарса бўлмагандек, ухлашга уринди: кўзи илиниб-илинмай қора киймдаги бир шарпа уни бўға бошлади.

Мурод устидаги нарсани иргитиб ташлашга уринар, у эса баттар бўғарди. Кайфи батамом тарқалган иблис амаллаб ўрнидан турди. Ошхонага чиқиб, чироқни ёқди, косани тўлдириб муздек сув ичди, юзини ювди. «Босин-қирадим, шекилли», дея яна ўрнига ётди. Ҳали кўзи илинмасдан кимдир нақ қулоғининг остида «Паризод қани?» деди. У чўчиб туриб, ўринда ўтирганича атрофга аланглади. Ҳамма чироқлар ёқилгани учун ҳамма ёқ ёп-ёруғ. У ёстиқни олиб орқасига қўйди ва деразадан ташқарига қараганича ўтираверди. Хаёлида қандайдир соялар у ёқдан бу ёққа лип-лип қилиб ўтаётгандек. Уларга қараб ўтириб яна кўзи илинди. Яна «Паризод қани?» деган овоз,

кимнингдир кучли қўли бўғзига ёпишган... Тоңгни ит азобида қаршилаган Мурод юзини ҳам ювмай, милицияхонага қараб йўл олди...

* * *

Вилоят марказидаги бир ҳафталик семенар чўзилгандан-чўзилди. Йиғилишдан кейин қатнашчилар «бир ишёла чойга» таклиф қилинди. Раҳбарларнииг ўзи мезбон бўлгандан кейин уни ташлаб кетиб бўладими? Ундан ташқари, бирга ўқиган курсдошлар бир йиғилиб қолишиди.

Ана-мана билан соат тунги ўн икки бўлди. Ким-ким билан, лекин Қудрат бугун уйга қайтиши шарт. Бу ёққа келганига ҳам бир ҳафта бўлди. Келаётганида Малоҳатнииг ранги синиқиб, мазаси бўлмай турганди. Шундай бўлгач, бемор аёлга йўл қаратиш ҳам инсофсизлик. Унинг устига, ҳайдовчиси ҳам уйини, оиласини соғинди, шекилли, кетақолайлик деб турибди. Тўғри-да, ҳаво яхши, кўчалар типч, икки соатларда уйга етиб боришади.

– Қудрат ака, канал ёқалаб кетсан, ўн беш-йигирма километр масофадан ютамиз, – деб қолди ҳайдовчи йигит – Содиқжон. – Йўл яхши, текис. Тўғри йўлдан кетсан, анча узоқ.

– Ука, ўзингга қулайини танла, – Қудрат бу йигитнииг моҳирлигига, йўлларни яхши билишига ишонарди.

– Фақат эҳтиёт бўл, ухлаб қолиб...

– Йўғ-е, ҳали эрга-ку, – йигит машинани текис асфальт йўлдан канал қирғонига бурди. – Ҳаво ёғмаганига йўл қуруқ...

Ҳақиқатан ҳам, бу йўлдан юрилса, анча яқин.

– Йўл яхши-ю, канал ёқалаб экилган дараҳтлар яхши кўкармаган-да, – деди Содиқжон, – қирғондаги яккамдуккам ўсган, бири букри, бири чўлтоқ дараҳтларни кўрсам, раҳмим келади.

– Ҳамма нарсага ҳам эътибор, қунт керак, – Қудрат ҳам йўлдан кўз узмай, ўз фикрини айта бошлади. – Даражти экиб, ташлаб қўйган билан кўкариб, ўсиб кега-

верармиди. Унга ҳам қаров керак, парвариш керак. Сув бўйига экилди, ўзи ўсаверади, дейиш нотўғри.

Машинанинг кучли, чақноқ чироқлари олдиндаги қиличдек йўлнинг анчагина қисмини ёритар, ўзи эса гўё ана шу ёруғликка етиб олмоқчилик бир маромда гўё югуриб борарди.

— Олдинда қандайдир қора нарса кўриндими? — деди Қудрат. — Адашган мол-қўймикин?

— Одамга ўхшайди, — Содиқ ҳам олдинга тикилди. — Ие, бир нарсани каналга ташлаб, ўзи қочдиёв.

— Айрим одамларнинг, ҳатто ахлатни ҳам сувга ташлаш одати сира қолмади-да, — Қудрат фижинди. — Шундай покиза сувни ифлослантиргани уялишмайди ҳам.

— Унда нега ахлатни ағдариб, аравасини олиб кетмади?

— Биз сал нарироққа борганимиздан кейин яширинган жойидан чиқиб, аравасини олиб кетади, — деди Қудрат. Кейин нимадир эсига тушгандек: — Ўша ерда тўхта-чи, бир қарайлик, — деди юраги фалати ўйнаб.

Содиқ тусмол билан арава пастга қараб филдиратилган жой рўпарасида машинани тўхтатди. Қутидан фонар олиб, унинг ёруғида қирғоқни кўздан кечира бошлидилар.

— Ана, арева ағдарилиб ётибди, — деди Содиқ ва: — Ие, қаранг, одам ётибди, — деди ваҳима билан. — Үлик, шекилли.

Улар эҳтиёткорлик билан пастга туша бошлидилар. Қудратнинг негадир юрак уриши тезлашиб, худди ҳозир кўкрак қафасини ёриб чиқадигандек дукиллай бошлиди.

Юқоридан шошилиб, пастга итариб юборилган арева иккита чўлтоқ дарахтлар орасига тиқилиб, ёибошлаб қолган, юпуни кийимдаги аёл гавдасининг ярми ерда, ярми қийшайган аревада осилиб ётар, унинг бир ўрим қалин сочи худди қора илонга ўхшаб, дарахтнинг билакдек та-насига ўралиб қолганди.


Құдрат фонарнинг ёруғида бу манзарага бир оз қараб турди. Кейин...

– Паризод! Болам! – деган ҳайқириқ қоронғиликни тилиб юборди...

* * *

Шифокорларнинг бир ойдан ортиқ қилған саъй-ҳара-катлари туфайли Паризод тузалиб, оёққа турди. Үқиши-ни тиклаб, кундузги бўлимга ўтказдирди. У доим хомуш юрар, худди, мана, ҳозир йиғлаб юборадигандек қиёфа-си доим маҳзун эди. Чунки унинг кўнгли ярим: ўшанда Муроднинг гапларига ишониб, унга эргашиб кетгани-дан бир эзилса, меҳрибон онажонининг ўлимига сабабчи бўлганидан янам куярди: ўшанда, ярим тунда Құдрат билан Содиқ беҳуш Паризодни кўтариб киришгандаёқ Малоҳат «Болам!» деб бир қичқирган-у, жони узилган, унинг юраги бу даҳшатли манзарани – кўргиликни кўтара олмаганди...

Мурод суд ҳукми билан қилмишига яраша узоқ йилга озодликдан маҳрум қилинди. У энди ўша ёқлардан соғ-омон қайтадими-йўқми – гумон: «зона»дагилар бундай жиноятга қўл урганларни кесирмайдилар...



Севги изтироблари

— Опа, мен Робиянинг олдига бораман, ҳаммасини узил
— кесил ҳал қиласман...

Маъсуда Эломонга ажабланиб қаради. Йигитнинг қорача, шижаатли юzlари сўлғин, хиёл қалин лаблари титраб, қизларнига ўхшаш серкипrik қора кўzlари қизариб, худди ундан кўз ёшлари тўкилиб кетадигандай, филтиллаб туради. Унинг келишган, баландгина қомати, елкалари ҳам чўкиб қолгандай.

Йигит энг яқин сирдошига айланиб қолган аёл – пойтахтдаги қариндошларидан бирининг рафиқаси бўлмиш Маъсуданинг уни энди кўраётгандек, бошдан-оёқ кўздан кечиришидан ноқулай аҳволга тушди ва: – Шу қарорга келдим, – деди яна ерга қараб.

Ниҳоят Маъсуда қўлидаги бир даста косани стол устига қўйиб, унга юзланди:

– Қани, манави жойга ўтир-чи, – Эломон Маъсуда кўрсатган курсига омонат чўкди. – Хўш, энди гапир: нима бўлди? – аёл ҳам йигитга рўпара томондаги курсига оҳис-та жойлашди.

– Ҳеч гап... шунчаки, чарчадим.

– Бу ёғи қизиқ бўлди-ку? «Чарчадим» деб одам севганидан кечиб кетаверса, бу қанақа муҳаббат бўлди энди? Ё уришиб-айтишиб қолдиларингми?

– У мени бу ердалигимни билмайди ҳам, – йигит илкис бош кўтарганди, кўзларида нимадир ялтираб кетди. – У билан гўё қишлоқда туриб қўнғироқлашяпман, ишоняпти. Мана, келганимга бир ҳафта бўлди – хабари йўқ. Қишлоққа, уйига ёки синглисига қўнғироқ қил-

ганды мени сұраса, Тошкентта кетган, дейишар эди-ку? У бұлса...

– Хаң бола-я, үзинг унга ҳар куни құнғироқ қилиб тұрсаңг, у яна синглисідан сени сұрасинми? Опа-сингил бир қориндан тушган бұлса ҳам, ҳамиша бир-бири билан сирлашавермайди, уялишади, тушундингми? – аёл койиган бўлди. – Бунинг учун дарров «кетаман»га тушиш керак эмас. Дарвоқе, нечанчи синфдан севишган эдинглар, саккизинчими?

– Йўқ, олтинчидан, – йигит жойида бир қўзғалиб қўйди. – Аммо бундан бошқа гаплар ҳам бор-да...

Доим мана шундай. Чекка вилоятнинг энг чекка қишлоғида яшаб, ўрга мактабни битирғандан бүсін иккі марта «ўқишига кираман», дея пойтахтга келиб, имтиҳондан «ий-қилиб» кетадиган бу йигит ичини ёндираётган аламлару rashklarini ҳам, орзулари, умидларини ҳам үзи учун азиз ва меҳрибон мана шу аёлга тўкиб солади, охири дарди ариб ёки қувончига шерик қилиб, жўяли маслаҳатлари, йўл-йўриқларидан кўнгли тўлиб, яна қишлоғига қайтади ва дехқончилигини қилиб юраверади. Бу йил унинг учинчи марта олий ўқув юртларидан бирига ҳужжат топшириши. Ҳали жавоб чиққани йўқ. Негадир бу гал у одатига хилоф равища эртароқ келиб, пойтахтни айланыб, томоша қилиб юрибди. Бахти чониб, Аллоҳ «ол, қулим» деса, талаба бўлади.

– Укам, хафа бўлмагину шунча йил «ўлдим-кўйдим» деб аҳд-паймон қилиб юриб... қиз болага осон тутмагин, у бечора гап-сўзга қолади-я. Унинг айби нима, сендан олдин омади келиб, ўқишига кирганими? – деди аёл қизишиб.

– Сиз олдин гапимни охиригача эшитинг-да, ахир, – йигит унга норози қаради. – Тўғри, гап-сўз бўлади, бўлган ҳам. Синфдошларим, уларнинг ота-онаси-ю, ака-укаси – бутун қишлоқ бизнинг... «юришимиз»ни билади, – йигитининг шалпанг қулоқлари дув қизарди. – Синфдошлар йиғини бўлса, туғилган кунларда доим биргамиз, ҳатто

ҳамманинг олдида... ўпич ҳам олаверади – шунчалик яқин-
миз биз, лекин... мен шунча кундан бүён шунчаки, Тош-
кентни томоша қилиб юрганим йўқ: у амалиёт ўтаётган
касалхонага бордим, унинг ўзига билдирмай, юриш-ту-
ришини кузатдим. Аслини олганда-ку унинг амалиёти
тугаган, ҳозир таътилда бўлиши керак экан. Аммо у киши
«вақтингча бўлса ҳам ишлаб турай» деб илтимос билан
қолибдилар.

– Вой-бўй, шунга шунчами? Рашк қилаяпсанми?

– Йўқ, ундей эмас. Хуллас, очифини айтсам, ўша ерда
амакимнинг мендан икки ёш катта ўғли Илҳом ҳам иш-
лар экан, – Эломон қизиши. – Қарасам, иккаласи жуда
бир-бирига меҳрибон, худди ошиқ-лаъшуқлардай, – йи-
гитнинг стол устидаги қўли билинар-билинмас титрай
бошлади. – Робия-ку майли, у қиз бола, ким яхши гашира-
са – эриб, эргашиб кетаверади. Лекин амакимнинг
ўғлига, Илҳомга нима бўлган? У Робия иккимизнинг
муносабатларимизни яхши билади, минг марта... гувоҳ
бўлган. Наҳот, қуриб-билиб туриб яқин қариандошининг
севган қизини бошини айлантирса? уни кинога, музқай-
моқҳурликка, анҷор бўйларини айланнишга етаклаб юрса?
Шу иш йигитчиликка тўғри келадими? – Эломоннинг
боши эгик бўлса ҳам ёноқларидан кўз ёшлари оқиб ту-
шаётгани кўриниб турарди.

Қаршисидаги норғул бир йигитнинг қалбидаги изти-
роблар, ҳам қариандоши – дўсти бўлган Илҳомнинг, ҳам
севган қизи Робиянинг хиёнатидан ичи олов олиб, бор-
лигини рашк ва алам тилкалаб, адойи тамом қилаётгани
эндигина Маъсуданинг онгига етиб борди ва юрак-юра-
гидан йигитга нисбатан ачиниш, хайриҳоҳлик ҳиссиини
туйди. У ҳалиям Эломонни бола, ўсмир деб ўйлагани-
дан, у билан укасидек, лекин бир оз ҳазил билан гапла-
шиб, баъзида туйғулари устидан кулганини эслаб, ўз-
ўзидан уялиб кетди ва:

– Хафа бўлма, укажон, бу – ҳаёт, – деди босиқлик
билан уни юпатишга уриниб. – Ҳастда ҳамма нарса

бўлиши мумкии. Агар улар сен ўйлагандек яқин бўлиб, сенинг туйғуларингга хиёнат қилаётган бўлса – ҳақиқатан ёмон иш бўлибди. Бироқ улар шунчаки дўст сифатида, айниқса, бири – қариндошинг ва дўстинг, иккинчиси севган қизинг сифатида дўстона, самимий муносабатда бўлишса, бундан хафа бўлишингга ҳожат йўқ. Робия «қишлоққа бориб, нимаям қилардим, ҳарна таътилда ишлаб, уч-тўрт сўм топай, ота-онамга ёрдам бўлсин» дегандир. Шуни ҳам унутма: мусофиричиликда ҳар қандай юргдош ҳам яқин қариндошга айланиб, бир-бира гига меҳрибон, суюнчиқ бўлиб кетади, аммо бу ҳали кимдир хиёнат қилди, дегани эмас. Қўшиқда ҳам айтилганку «узма дўстлик торини, боғлаш қийин» деб. Шошилма, ўйлаб иш тут, кейин уялиб ёки афсусланиб юрмагин, келишдикми?

– Келишдик, – синиқ жилмайди Эломон. – Ҳаёт ҳақиқатан ҳам сиз айтгандай бўлса экан. Бундай бўлиши қийин-да. Барибир, гаплашиб олишим керак, ҳеч бўлмаса, синайман.

– Хўп, масалан, нима дейсан, қандай синайсан? – қизиқди Маъсуда ҳам.

– Масалан, – Эломон аёлнинг кўзларидан ниманидир ўқиётгандек, унга бир оз хаёлчан термулиб қолди. – Масалан, олдига бораман-да: «Робия, аввало ўқишга кирай, имтиҳондан ўтиш насиб этсии. Мабодо, яна йиқилсан, мени кутма, чунки мен ўқишга кирмагунимча уйланмайман, сенинг ҳам йўлингни тўсишни, баҳтингта тўғаноқ бўлишни истамайман. Агар бу йил ўқишга кира олмасам – бошинг очиқ, баҳтли бўл», – дейман-да, қайрилиб кетавераман.

– У-чи? У нима, индамай қолаверадими?

– Севса, «бунақа гапларни айтманг, кутаман» дейди. Бўлмаса «хўп, майли» дейди, тамом. Ахир у ҳам катта қиз бўлиб қолди, ота-онаси бизникидан борадиган совчиларни кутиб ўтирганиш. Бу бўлса...

— Ҳа, хўп, шундай дединг ҳам. Ўзинг нима қиласан кейин?

— Ўзим? Билмадим, — Эломон иккиланди. — «Бошинг очиқ» дейишим билан дод солиб, бўйнимга осилиб олса-я? Ундан бунаقا ҳунарни кутса бўлади, — йигитнинг қалбидаги қизга нисбатан меҳр сўзларида сезилди.

— Яхши ният қилайлик, илоҳо ўқишига кир, ўқи, сев-ганингга эриш. Севги ҳам Аллоҳнинг бир инояти, дей-дилар. Шундай иноятни арзимаган гап билан қўлдан чи-қарма, кейин ўзинг қийналасан, — Маъсуда Эломонга астойдил насиҳат қилди. — «Ҳазилнинг таги зил» деган гап бор, биласан.

— Опа, бу – ҳазил эмас. Қани, борай-чи, бу ёфи нима бўларкин... — Эломон ўрнидан туриб, бошини этганича, кўча эшик томон йўл олди. Унинг ички кечинмалари – қалб тубида олишаётган икки куч, юз берастган бўрон оғир-оғир қадамларида, бошини хиёл эгиб, елкалари оси-либ, ҳатто йўқ нарсага туртиниб кетиб боришида сези-либ турарди.

— Омадингни берсин, ҳаммаси яхшилик билан туга-син, — деди Маъсуда унинг ортидан ачиниш ва меҳр би-лан қараб, «шўрлик ошиқ» дея шивирлади...

«Умрининг охиригача эслаб юришади...»

Орадан икки соатча вақт ўтди. Саратоннинг жазира-маси шу даражага борганки, Маъсуданинг боягина юв-ган чойшабу ёстиқ, кўрпа жилдлари аллақачон қуриб, гўё иссиқдан лоҳас бўлиб, йиқилиб кетмаслик учун икки қўллаб чилвирга осилиб олган. Қилт этган шабада йўқ. Ҳатто доим ҳовлида, баъзан эса тарвақайлаган ўрик дарахтининг тагига қўйилган стол устида ҳам нималар-нидир чўқилаб, талашиб, вижир-вижир қилиб юрадиган, унча-мунчага одамдан ҳам қўрқмайдиган олақанотлар, ялқов аёлдек пийпаланибгина, дуч келган жойдан наси-басини терадиган мусичалар, ўрикка ёндош қурилган

кран жұмрагидан томчилаб қолған сувда ҳам чүмилиб кетаверадиган, кейин маза қилиб, гулзор четида қизиб ётган тупроққа ағанайдиган чумчуқлар ҳам қаёққадир ғойиб бұлған.

– Бу иссиқда унча-мунча одам күчага ҳам чиқмаса керак. – Маъсуда шундай деб үйлаганича, дордаги ки-йимларни йиғишири бошлади. – Қизиқ, Эломон қасрда, нима қилиб юрган экан? Робия билан ярашиб, бирор истироҳат боғида музқаймоқ еб үтиргандир балки? Ҳа, ёшлар-а, бир-бирининг қадрига етмайди-я.

Шу пайт унинг хаёлларига жавоб берәётгандек, күча эшик фийқиллаб очилди. Эшикнинг ёнгинасида, девор панасида салқынлаб ётган ит бошини күтариб, остоңа ҳатлаган Эломонга «ҳа» дегандек «ғұп» дәя овоз чиқарди ва яна бошини узатилған олдинги оёқлари устига қўйиб, кўзини юмди.

Маъсуда осилган чойшаблар орасидан Эломон ўзини кўрмаганини сезди ва тўғри кран ёнига бориб, ютоқиб сув ичаётган йигитга овоз берди: – Эломон, келдингизми?

– Келдим, ассалому алайкум, – йигит кафти билан иягидан оқиб тушаётган сувни артди. – Келдим!

– Хўш, нима гап? Гаплашдингизми? – Маъсуда бир тўп гулли-гулсиз оппоқ чойшабу жилдларни кўтарганича у томон икки-уч қадам босиб, аёлларга хос қизиқиши билан сўради.

– Бордим, гаплашдим, – Эломон қандайдир, ўзига ярашмаган, ғалати овозда кулди. – Аввал сиз қўлингиздагиларни олиб киринг, үтирайлик, кейин гаплашамиз.

«Оббо, бирор гап бўпти шекилли» – Маъсуда шу хаёл билан шошилиб қўлидагиларни айвон ичига олиб кириб, дазмол столига қўйди ва дарҳол ортига қайтди. Бу пайтда Эломон оёқларини кериб, жўмракдан шариллаб тушаётган муздек сувда юз-қўлларини ювмоқда эди. Маъсуда бир йўла ошхонадан бир неча бўлак пирог солинган ликопча ва бир чойнак чойни ҳам олиб,

стол устига қўйди. Унинг устига тўнкариб қўйилган пиёлалардан иккитасини олиб, оҳорли сочиққа артганича, Эломон артингунга қадар чойнакдаги чойни қайтариб, пиёлаларга чой қўйди.

– Опажон, шу, пирогингизни жуда яхши кўраманда, айниқса, олмали бўлса, – Эломон бир бўлак пишириқни олиб, бутунича оғзига солди. Маъсуда эса унинг кўриниши, ҳаракатларига зимдан разм солиб, ёнига пиёладаги чойни қўйди ва йигитнинг ўзи гап бошлшини кута бошлади.

Эломон гўё ихтиёrsиз тарзда, нима қилаётганини ўзи ҳам билмаётган, сезмаётгандек, яна бир неча бўлак пирог еб, устма-уст икки пиёла чой ичди. Кейин аёлга кулиб қараганича:

– Сўрамайсизми? – деди ғалати овозда. Маъсуданинг хаёлида унинг овози бўғиқ, титроқ, йифи аралашга ўхшаб кетди.

– Хўш, нима гап? Эшитайлик-чи? – Маъсуда унга синчков тикилиб, яна саволини такрорлади. – Фақат бир бошдан айтинг.

– Хўп, – йигит аёлдан кўзларини олиб қочди ва ўзи чой қуиб, ичди. – Бордим, тўғри ёнига кириб бордим. Ўзиниям, ранги оқариб, кўзлари олайиб кетди мени кўриб. Кутмаган-да. «Гаплашиб олишимиз керак, юр» дедим. «Ҳозир, жавоб сўраб чиқай» деб қаёққадир кириб-чиқди ва «жавоб беришмади, ҳовлида гаплаша қолайлик» деди. Ҳовлидаги олма дарахти тагига бориб, ўтирдик. Илгари-ги муносабатлар, «ўлдим-куйдим»лар йўқ. Ҳатто уйдағи, қишлоқдаги аҳволни ҳам сўрамади. Мен ҳам атай қитмирлик қилдим: Робия, шундай-шундай, ота-онам мен ўқишига кирсам ҳам, кирмасам ҳам мени уйлантиришмоқчи. Эрта-индин уйингга совчи бўлиб боришмоқчи. Ўқишига кирсам – яхши, киролмасам – нима бўлади? Сен – буёқда, мен – ўёқда яшайверамиزمи? Шунга, аввал олдингдан ўтай, деб келдим, нима дейсан, дедим. У эса гоҳ қизариб, гоҳ безовта бўлиб, «менинг ўқишим-чи? Мен, ахир, ўқишим

керақ» деди дангал. Ундай бўлса, «ўқишга кирсам-бахтимиз, тўй қиласиз, бирга яшаб, бирга ўқиймиз. Киролмасам – тақдир бўлмаган экан, бошингни боғлаб, баҳтингта тўғаноқ бўлмайман. Бошинг очиқ», – дедим.

– У нима деди? Йиглаб юборгандир?

– Қаёқда? Бўпти-да, шундай бўлгани тузук. Майли, сиз ҳам баҳтли бўлинг. Узр, мени чақиришияпти, – деди-ю жўнади. Қарасам, бино эшиги ёнида Илҳом турибди. «Қойил» дедиму мен ҳам жўнадим. Институтга бориб, суриштирсан яна йиқилибман. Энг қизифи, мен билан изма-из Робия билан Илҳом ҳам бориб, мени яна йиқилган, ўтганимни суриштириб туришганини кўриб қолдим. Ёнларига бормай, қараб турсам, ўзлари келишди ва гўё менга таскин бермоқчидай, Илҳом:

– Хафа бўлма жўра, ҳали ёшсан, ҳаммаси олдинда. Ҳали ўқишга ҳам кирасан, баҳтли ҳам бўласан, – дейди. Мен: – Сенлар эса икковинг ҳам баҳтсиз бўласнлар, – дедим-да, индамай кетиб юбордим. Улар оғзиларини очиб, қолаверишди, – Эломон тиззаларига уриб, кулиб юборди. – Дод солар эмиш-а! Йиглар эмиш-а! Унинг ўзи мендан қандай қутилишини билмай юрган экану мен аҳмоқ «шундай десам, мени шунча гапсўз қилиб, ташлаб кетмоқчимисан, номард!» деб ёқамга ёпишиб олса, «қишлоқда қандай бош кўтариб юраман, одамлар нима дейди, муносабатларимизни ҳамма билади, ахир дод солиб, ўзини ўлдириб-нетса, нима қиласман», деб ўйлабман-а. Мана сизга мусофириликдаги меҳрибонлик, суюнчиқлик, тавба, – Эломон жиддий тортди.

Маъсада, тўғриси, икки ёшнинг муносабатлари бунчалик осон барҳам топиши мумкин, деган гапни хаёлига ҳам келтирмаган, эшитганлари ростми ё бу сода, дўлвор қишлоқ йигитининг доимгидек ярим ҳазил... гаплариданми – англай олмасди. Англагани, Эломон уларга «Сизлар баҳтсиз бўласизлар» деган. О, Художон, ишқилиб, бу гапга фаришталар «комин» демасин,

бу гап қалби, муҳаббати, қадри бир қизнинг, йўқ, ўз дўсти, қариндошининг ҳам енгилтаклиги, орсизлиги туфайли чил-чил синган йигитнинг юрагидан, дил тубидан, жону жаҳонини ёндириб, куйдириб, жисмини ўт олдириб чиққан иола, фарёд бўлмасин, йўқ! Чунки бундай гапнинг азобини, асоратини, мана, Маъсуданинг ўзи, ўз бошидан ўтказиб, ўтган ўн йиллар давомида нафақат нозик елкаларида, салмоғини, ҳатто ожиз юраккинасининг туб-тубидан ноласини, фарёдини, лаънатини ҳам эшитиб, ҳис қилиб яшаб келмоқда...

– Опажон, мен қайтдим бўлмаса, – Эломон аста курсидан турди. – Ҳозир йўлга чиқсан ярим тунгача бемалол қишлоққа етиб оламан. Уйда, далада иш кўп. Куз келаянти, йиғим-терим дегандай. Борай бўлмаса...

Бу – боягина қалби ёниб, алами, рашки тошиб, тўғон бузишга бориб қолган қишлоқи бир йигитчанинг ўзига хос ноласи эмас, ҳаёт мактабида тобланган, чайир гавдаси, қадоқ босган, қорайиб кетган қўллари меҳнатда пишган, стук, мулоҳазали, ота-онам, уйим-жойим дейдиган йигитнинг ўқтам овози эди.

Маъсуда кўзларидаги ёшни сездирмайгина сидириб, Эломонга манзират қилди:

– Ҳали эрта-ку, ош-овқат қилай, еб кетинг. Ҳозир Даврон акангиз билан Құдратбек ҳам ишдан қайтишади, кузатиб қўйишади.

– Раҳмат, опа, ош емаган уйимми? Акаларим, келинойим, жиянларни олиб, сизнинг ўзингиз боринг энди биз томонга. Маза қилиб дам олиб келасизлар. Хўп, хайр бўлмаса, акаларимга, ҳаммага салом айтинг, кетдим, – у кўча эшик томон шаҳдам одимлади.

– Майли, укажон, яхши боринг, биздан ҳаммага салом айтинг, тез-тез келиб туришлар. – Маъсуда унинг орқасидан гапириб, кузатиб чиқди. – Фақат... ука, анави гапни бекор айтибсиз, баҳт ҳақидагисини...

– Қўяверинг, умрининг охиригача эслаб юришади...

Ҳовлидан чиққан йигит қадамларини тезлатди.

Гулдаста

Үшанды айни баҳор, түғрироғи, май ойи эди. Мактабнинг еттинчи-саккизинчи синф ўқувчилари орасида «Тоғ ёнбағирларига саёчатга чиқар эканмиз, лола сайлига борар эканмиз» деган шодиёна хабар тарқалди. Қуйироқ синф ўқувчилари эса бу хабардан ҳайрон: нега айнан етти-саккизлар, улар-чи?

Хуллас, ҳафта охирига бориб, мактаб директорининг ўринбосари бошчилигидан олти нафар ўқитувчи 6-8-синфларда ўқийдиган элликдан ортиқ ўқувчини лола сайлига олиб бориб, бу ишларидан бир умрга пушаймон, тавба қилиб қайтишди. Сабаби, бирда-ярим уюшиб, бирор тадбирга бормага болалар автобуслардан тушибоқ ҳамма «төнг-төнги билан»га ажралиб, бири иккинчисига тош отган, яна бири бошқасига «ху, мактаб орқасида» уриб қочганини эслатган, яна кимлардир эса ям-яшил, сирпанчиқ майсалар устида астойдил кураш тушишга бошлаган. Йигирмага яқин қиз болаларнинг орасидаги шўх-шаддодларидан иккитаси «мен топган чучмомани сен олдинг» дея юмдалашиб ҳам кетишиди.

Бечора ўқитувчилар болаларга ҳай-ҳайлаш билан овора бўлиб юрган бир пайтда саккизинчи синф қизлари Маъсуда, Саида ва Шаҳнозалар бўлиқ ўтлар орасидан дўмпайиб чиқиб турган оқимтири гошга суянганларича турфа хил тоғ гулларидан гулчамбар тўкиш билан овора, ёввойи сара гулларни уларга синфдошлиари Аслиддин ва Алижон териб келаётган эди.

Ниҳоят, гулчамбарлар битиб, худди шу гулларнинг эндиғина очилиб келаётган бокира ғунчалари каби сулув, нозик-ниҳол уч қизнинг қўнғироқ соchlари узра бошларига қўндилар. Улар бир-бирларининг қўлларидан ушлаб, асга анча нарида ҳамон кимнидир койиётган устозлари томон одимлар эканлар, бирдан Саида-нинг чап оёғи яшиллик аро кўринмай, кўмилиб тур-

ган кичик чуқурчага қайрилди-ю у оғриқдан вой-вой-лаганича, ерга ўтириб қолди.

Икки дугона учинчисига парвона, ҳали у ёғидан ҳали бу ёғидан ушлаб, күттармоқчи бўлишади – дўмбоқ-қина Саида баттар изиллайди.

– Ўлдик, балога қолдик Абсаттор домладан, – Сайдани ўнг қўлтифига кириб, кўтаришга уринган Шаҳно-за чиранди, – Саида, нима бало, бунча оғирсан? Ўзинг ҳам сал ҳаракат қил, юришга, ўрнингдан туришга урин.

Бу гапдан кейин Саида ҳам:

– Оғир бўлсан ўзимга, алам қилсин! Сенларга ўхшаб қилтириқ эмасман, – дея йигини авжига чиқарди.

Боягина уч дугонанинг ким чиройлироқ ва тезроқ гулчамбар тўқиши ўйинидан завқланиб, уларга болаларча ҳавас билан гул териб берган Аслиддин ва Алижон нима қилишга ҳайрон. Ахир, улар болалиқдан ўсмирлик ёшига қадам қўйган, холос, қиз боланинг қўлига қўлинг тегса – уят, деган андишада қараб, томошабин бўлиб туришга мажбур.

Маъсуда эса қизларнинг энг нозик, энг сулуви. Унинг бўйи хийла чўзилиб қолган бўлса ҳам феъли – гўдак. Ҳозир ҳам дугонасига қўшилиб, пиқ-пиқ йиғлашдан нари ўта олмаяпти.

Охири Аслиддин чидай олмади. У шаҳд билан келиб, Сайданинг чап қўлтифига кирди ва: – Менинг бўйнимдан маҳкам ушла, лат еган оёғингни ерга босма, – деб буйруқ берганича, Шаҳноза иккаласи Сайдани зинфиллатиб, кўтариб кетишиди.

– Сен нимага йиғлаяпсан? – Алижон дугонасининг орқасидан тойиб, қоқилиб тушиб бораётган Маъсудага этиб олди. – Ё бирор еринг лат едими сенинг ҳам?

– Йўқ, – юришда давом этиб, ҳиқиллади Маъсуда. – Дугонамга раҳмим келяпти. Учаламиз ҳам оналаримиздан ялина-ялина жавоб олгандик. Энди нима бўлади?

– Атай қилмади-ку, оёғи қайрилиб кетди-ку, – уни юпатди Алижон. – Қамар хола тушунар.

Шу пайт орқадан кимнингдир ҳарсиллаб тушиб келаётгани эшитилди. Икки синфдош баробар тўхтаб, ўгирилишди ва баробарига «вой» деб юбориши: орқароқда жуда катта, беҳад ранг-бараңг, гўзал гулдаста кўтарган Мурод – синфдаги ёши бошқаларнидан каттароқ, бўйи баланд, ерга урса – кўкка салчийдиган, лекин аранг уч баҳога ўқийдиган бола турарди.

У ўзига ҳайрат билан қараб қолган қизнинг ёнига этиб келгач, дона-дона қилиб тантанали равишда:

– Маъсуда хоним, катта қиз бўлганингиздан кейин менга турмушга чиқишингизни сўрайман! – деди ва эгilib, гулдастани қизнинг оёқлари остига оҳиста қўйди.

– Маъсуда, гулларнинг устига ўтири, мен сени тортиб, пастга олиб тушаман, – синфдошининг ҳазилидан қотиб-қотиб кулаётган Алижон қизни ундади. – Ўзиям, бир боғ пичанни устида, аравада кетгандек кетасан...

Қалби, кўнгли ўзи каби нозик Маъсуда тўполончи Муроднинг ўғринча қарашларини, ҳуда-беҳудага ёнини олиб, бошқалар билан тортишиб кетишларини инжа бир туйғу билан ҳис қилас, хаёлида унинг бу қилиқлари дафтаридан уй вазифаларини кўчириб олиш учун баҳона, лекин Мурод ҳеч қачон «кўчириб олай» деган гапни айтмаган эди.

Оппоқ юзи ҳам ана шу хушрўй гуллар каби товланиб, алвон ранг олган Маъсуда Муродга қиё қараб:

– Раҳмат, ўйлаб кўраман, – деди ва гулдаста ичидан энг чиройли гулни ажратиб олганича, дугоналари томонга илдамлади.

Эртаси куни мактабга Алижонни кўзи кўкариб, лаби шишиб келди. Ўзининг айтишича, у ота-онасига «йиқилиб тушдим» деганимиш. Аммо шу куниёқ мактабда Маъсуда билан Мурод «юармиш» деган гап пайдо бўлди.

«Гирибон бува»

Айтишларича, фийбат, ифво, миш-мишларнинг қаноти бўлармиш. Улар битта оғиздан чиқса ҳам ақл бовар қилмас тезликда учиб, кўз очиб-юмгунча анча-мунча одамнинг қулоғига етиб борар, етганда ҳам жилла қурса асли эмас, бўяниб, бежалиб, пашшадан филга айланиб, йўлида қанча бегуноҳларнинг дилини вайрон, қалбини қон қилиб «оригинал» тарзда етиб бораркан.

Шунга ўхшаб, «Маъсуда ва Мурод савдоси» ҳам зумда қишлоққа тарқалди. Буига айниқса, ота-онасига «йиқилиб тушдим» деган Алижоннинг асли эронийлардан бўлиб, маҳаллийлашиб кетган, исми Мөҳрибон бўлса ҳам тили шалоқ, қаҳри қаттиқлиги билан қишлоқ аҳлининг ярмидан кўпининг дилини яралаган, кўриниши баҳайбат, укки кўз, бурни эгилган гаримдоридек узун ва гўштдор, от башара, оғзи доимо қимирилаб, нималарнидир ғудирлаб юрадиган, ҳатто эркакларникуга ўхшашиб соқол-мўйлови ҳам бор, ҳар қўли рапидадай, бесўнақай қадам ташлаб, кези келса, эркакчасига сўкиниб, ёқалашиб ҳам кетаверадиган баджаҳл, жоҳил бувисининг «ҳиссаси» катта бўлди. Кўпчилик бу кампирни «Мөҳрибон буви» эмас, «Гирибон бува» деб атар, чунки у ўзидан анча-мунча бўйи паст эркак-аёл, рўпара келиб, «сизники нотўғри» деса, гирибонидан олишга энчил, шунинг учун унга дуч келганда кўпчилик иззат бажо қилгандек, унинг қўли етмайдиганроқ жойда қўл қовуштириб туришни маъқул кўрарди.

Набираларининг олий даражали ҳимоячиси бўлган Гирибон бува Алижонни қисди-қафасга олиб, суритириб, аслида нима гап бўлганининг тагига етди ва шу заҳотиёқ енгини шимариб, йўл-йўлакай кўринганга «кошиқ-маъшуқлар достони»ни баён қилиб, охири Маъсудаларнинг уйига – икки кўча наридаги оддийгина пахса девори оша шафттолиларнинг шохи тугмача-

дек бўлиб қолган, хурмолар мўралаб турган ҳовлининг қия очиқ қўш табақали дарвазасининг бир томонини бир тепиб, ичкарига қадам босди ва: – Ҳой, ким бор? Бу уйда зардали, ориятли одам борми ё ҳаммаси қизини подага ҳайдаб, пашшахонанинг ичида дам олиб ётибдими? – дея шанғиллади. Дарвазанинг чап томонидаги ёғоч сўри тагида ётган қаригина бўрибосар эмаклаб чиқиб, кампирга бир оз ҳайрон қараб турди, кейин бир керишди-ю, «сен билан тенг бўламанми», дегандек, бурилиб, яна сўрининг тагига – соя жойга кириб, чўзилди.

Ҳовли этагидаги товуқхонадан тухумларни йифиб чиқаётган Солиҳа опа дарвоза томондан келган эркакшода, гулдираган овоздан қўрққанидан қўлидаги тухум тўла тоғорачани шундоқ оёқ остига қўйди-ю, юргургидек бўлиб дарвозага йўналди. Унинг кўзи бу фалокат элчисига тушмай туриб, овозини эшиганданоқ ўта кўнгилсиз бир нарса юз бергани ва ҳозир ана шу ҳақда эшитиб, адойи тамом бўлишини ҳис қилган, юраги кўксини ёриб чиқар даражада ўйнаб, оёқ-қўлларидан жон чиқиб кетаётгандек алфозга тушди.

– Келинг, хола, келинг, – аёл бошқа аёлларга ўхшаб, у билан «эсонмисиз-омонмисиз» деб елка қоқиб, кўришиш учун қўл узатмади. Аксинча, ундан нарироқ, қўли етмайдиганроқ жойда қўл қовуштириб турди. – Узр, товуқхонада эдим, тухумларни йифиб олай, деб...

– Ҳў, тухумингга ўт тушсин! – кампир уриб юборадиган важоҳатда хезланди. – Сен бу ерда тухум қўйиб, тухум босиб ётгин-да, у ёқда эрсираган қизинг дуч келганинг бўйнига осилиб, пичан устида ялашиб, яна бўйдоқ йигитларни бир-бирига гиж-гижлаб уриштирисин. Үл, бу кунингдан, мегажин.

Солиҳа опа гандираклаганича бориб, сўрининг четини ушлади ва йиқилиб кетмаслик учун аста оёқларини букиб, ерга ўтириб қолди.

Шу пайт бояги эринчоқ бўрибосар бор овози билан вовуллаганича сўри остидан отилиб чиқиб, кампирга ташланди. Чапдастликда бўрибосардан қолишмайдиган кампир итни гоҳ тениб, гоҳ ҳайдаб, амаллаб, кўчага қочди. «Ёви»дан ғолиб келгани ит уни анча нарига – катта ариқ лабигача қувиб борди ва ўз тилида нималарнидир ғулдираб, чамаси, сабабсиз оромини бузган, эгасига чанг солмоқчи бўлган бу алвастисифат аёлни сўкиб, қайтиб келди. Ит ялоғидаги сувидан бир-икки тилини ҳалпиллатиб ичиб, сўрига осилганича, амаллаб ўрнидан туроётган бекасининг ёнига бориб, оёқларига суйкалди.

– Яхшиям сен бор экансан, Бўйноқ, – аёл йифлаганича, титроқ қўллари билан итнинг бошини силади.
– Йўқса, бу ялмоғиз мени сал бўлмаса, тириклайн ютиб юборарди-я, тавба. Тушунмадим, у ўзи нимага келди, нималар деди? Ҳе, гапинг бошингдан қолсин, жинни...
– аёл чап кўксини силаганича, бориб дарвозани ёпди.

Қарғиши

– Вой-дод, одамлар, ёрдам беринглар! Тўғри гапни айтиб, балога қолдим! Аnavи тагипаст мени итига талатди, урди! Ёрдам беринглар, ити тишлаб олди! Гувоҳ бўлинглар!

Ёқавайрон, кент этакларига ўралиб, қоқилиб-сурилиб кетаётган кампирнинг овозини кўпчилик эшилди, ҳатто девор оша ёки деразадан мўралаб кўрганлар, томоша қилганлар ҳам бўлди. Лекин ҳеч ким рўпара келиб: – Ҳа хола, тинчликми, нима бўлди? – демади. Чунки унга ёрдам бериш, гувоҳ бўлиш ё ўлгунингча унинг измида юриш ёки узоқроқقا кўчиб, қишлоқдан ихтиёрий бадарға бўлмагунча, бу кампирниг кундакунора бўладиган ур-сурларида мажбурий «гувоҳ» сифатида уйма-уй, маҳаллама-маҳалла судрашиб юриш дегани эди. Ана шунаقا зўр эди, бу аёл!

Меҳрибон буви шу бақир-чақири билан күча бўйлаб борар экан, бирдан ён кўчадан – мактаб томондан чиқиб келаётган бир тўда болага кўзи тушиб, тақقا тўхтади ва кўзларини ола-кула қилиб, кимнидир қидира бошлади. Бироқ болалар ҳамиша ҳушёр ва абжир. Улар гап нимадалигини шу заҳоти тушунишди. Кимнидир «қочдик, қоч Мурод!» деди яна кимнидир «ўлдиради» деб бақирди. Хуллас, ҳозиргина хушчақчақ қий-чув билан кўчани тўлдириб келаётган бегам болалар зумда оёғини қўлига олиб, тумтарақай қочиб қолишиди.

– Тўхта, Мурод, тўхта деяпман! – кампир гулдираб, бақирди. – Ўғил боламисан? Йигитмисан? Тўхта, мен сенга тегмайман, урмайман. Фақат бир гапим бор, тўхта!

Қочиб бораётган болалардан орқароқда сумкасини саланглатиб, қочиб эмас, катта-катта қадам ташлаб кетиб бораётган Мурод тақقا тўхтади ва кампирга қаради:

– Нима гапингиз бор менга? Мен сизга нима қилдим, нега ҳаммани қўрқитяпсиз? – Мурод турган жойида гапирди, лекин қочишга шай турди. Чунки бувиси Алижонни ургани учун шундай қилаётганини, агар ҳозир ўзини тутиб олса, бирор жойини синдирмай, тупроққа белаб, урмай қўймаслигини яхши биларди.

– Мендан қўрқма, урмайман дедим-ку, – кампир бир қадам олға босиши билан Мурод икки қадам нари босди. Буни кўриб, кампир жойида тўхтади ва кўчага ёйилиб, воқеанинг давомини кутиб турган болаларга беписанд қаради.

– Мурод, мен сенинг бобо-бувингни, ўлиб кетган отангнинг таг-тугини яхши биламан, – кампир атай шанғиллаб гапирди. – Онанг ҳам насли тоза авлоднинг қизи. Сен бўлсанг...

– Нима мен? – Мурод сабрсизланиб, гап қўшди.

– Сен, шундай насли тоза одамларнинг авлоди, келиб-келиб, таг-тугининг тайини йўқ, тагипаст, бувиси

жинни, бобоси ўзини осган бир тентак, савдоининг мегажин қизининг оёқлари остига тиз чўкиб, ялиндингми? «Менга тег» деб йиқилиб, йифладингми? Ўл-а, фирт аҳмоқ, беномус, ориятсиз экансан. Ким айтади сени йигит деб? Ўл, бу кунинедан. Унга уйланасанми, ўйнаш қиласанми – ихтиёринг. Лекин ўлгунингча эсингдан чиқмасин: ким Солиҳа жинни билан Самад тентакнинг қизига уйланса, ўша баҳтсиз бўлади! Ҳа, омин, уйланган одам баҳтсиз бўлсин...

Кампирнинг бу гапи, тўғрироғи, қарғишини унинг гапларига тушуниб-тушунимай, анграйиб турган мактаб ўқувчилари орасидаги Маъсуда ҳам, атроф-теваракдан мўралаб турган эркак-аёллар ҳам эшилди. Фақат ҳеч ким: – Қўйинг, хола, қарғаманг, айб бўлади. Бу ёшларда нима гуноҳ, улар ҳали бола-ку, – дея олмади. Дея олмасди ҳам, чунки бу гапни айтган – Гирибои бува эди...

Аждодлар қиссаси

Бу воқеаларнинг бўлиб ўтганига жуда кўп йиллар бўлди. Ўшандо, кўчадан уйга қон йифлагаб кирган қиз, онаси ҳам ўзидан баттар аҳволда бўзлаб ўтирганинг устидан чиқди. Она-бола сўзсиз қучоқлашиб, йифладилар. Она «ўша гап ростми?» деб сўрамади. Чунки у қизига ишонар, иккаласи сирдош дугона каби эдилар. Қиз эса «Онажон, шу гап ростми? Бувим жинни бўлиб, бобом ўзини осганми?» деб сўради йифлаганича. Кейин онаси эри, яъни Самад акадан эшигтанларини айтиб берди...

Самад аканинг отаси эмас, катта отаси Содиқ карвон савдогар бой бўлиб, бир юртдан иккинчисига мол олиб бориб сотар, бу юртга кераклигини эса у ёқдан олиб келар экан. У катта савдогар бой бўлиш билан ўта инсофли, диёнатли, имонли одам бўлиб, ҳамиша ҳалол иш тутар, камбағал-ночорларга қайишар, улар-

ни доим сийлар экан. У ёши ўттиздан ошганда ўзидек ҳалол-пок, иймонли, жуда сулув қиз – Қамарбонуга уйланибди. Бу қизнинг таърифини эшитган, ғойибдан ошиқ бўлиб, унга етишни орзу қилганлар тилларини тишлаб, қолаверибди.

Орадан тўрт йил ўтиб, тақдир уларга бир ўғил, яъни Самад аканинг отаси Собирни, яна икки йилдан кейин эса Санобар исмли қизни инъом этибди. Болалар эсини таниб-танимай, юргда ҳар хил ўзгаришлар бошланибди. «Болшавой», «қизиллар» деган гап чиқибди. Кейин эса ёппасига колхозлаштириш, битта сигир, иккита қўйи борларни ҳам «бой» дея қулоқ қилиш бошланибди.

Ана шундай кунларда Содиқ карвон оиласидан узоқда, савдо ишлари билан олис сафарга кетганига бир неча ой бўлган экан.

Содиқ карвоннинг ишонган дўстларидан бири унга «тез етиб кел» деб хабар йўллади. Карвон келса, хонадони пароканда, ўғли билан қизи қариндошларида. У чекка ҳужралардан бирига кириб, қоронғу хонага хотини Қамарбонунинг узун кокиллари кесилган, бош яланг, кийимлари йиртиқ ҳолда занжирбанд қилиб қўйилганини кўриб, даҳшатдан ақлдан озай дебди.

Хотини уни танимабдими ё танигиси келмабдими, бирорта гапига жавоб бермай, бир нуқтага тикилиб, ўтираверибди. Фамдан адойи тамом бўлган Содиқ карвон йифлаганича ҳовлига чиқиб, дўстидан нима бўлганини очиқ айтишини сўрабди. Дўсти эса билган эшитганларини, яъни «қизил» лардан икки-учтаси уймай ўзимиздан чиққан бир ялтоқи билан кимнинг қанча мол-мулки борлигини суриштириб юриб, Қамарбонуни кўришганини, ниятлари бузилиб, ярим кечаси яширинча келиб, унинг ёнига кирмоқчи бўлганини, лекин боя, кундузиёқ уларнинг кўзидағи ҳирсни кўриб, юрагига фулғула тушгап аёл болаларини ухлатиб, ўзи

үйғоқ, эшикни ичкаридан тамбалаб ўтирганини айтибди.

— Хотинимнинг айтишича, ярим тунда икки эркак келиб, эшикни куч билан, лекин овоз чиқармай, итара бошлаган, — даҳшатли ҳикоясини давом эттириди у — Охири икки қутурган эркакнинг қучига дош беролмай, тамба сурилиб, эшик қия очилган. Шу дақиқада ёқ ичкаридан қип-қизил олов чиқиб, уларнинг дуч келган жойига санчилаверибди. Яъни хотининг узун темир касовни ўчоқдаги қўрга кўмиб, тайёр бўлиб ўтирган экан. Бирпаста қий-чув, тўполон бўлиб кетибди. Қамарбонунинг оташдек касови босқинчилардан бирининг бир кўзи ва оғзини, иккинчисининг эса нақ нозик жойини куйдириб, тешиб кетган экан. Тўполнонга етиб келган уларнинг шериклари касалхонага олиб кетибди. Қаттиқ қўрқиб, аллақачон ҳушдан айрилган аёлни эса, уриб-уриб, шу ҳолга солиб, ҳужрага қамаб қўйишибди.

Бу кулфатдан қадди букилиб, боши эгилган Содиқ карвон то тузукроқ табиб топиб, хотинини даволатгунча, бир неча кун на нонга, на сувга қараган аёл ётган жойида жон таслим қилибди. Шунда ҳам тинчмаган «қизиллар» Содиқ карвоннинг бор бойлигини мусодара қилиб, тортиб олибди ва ўзини «эртага Сибирга кетасан» дея огоҳлантирибди. Мол-мулқдан ҳам кўра севимли ёридан, азиз фарзандларидан, киндик қони тўкилган юртидан айрилишга чидай олмаган Содиқ карвон тунда ўзи қамаб қўйилган жойдан амаллаб чиқиб, бир неча киши майшат қилаётган уйни кузатибди. Улар «эртага кетасан» деганлар ва ўша, хотинига босқинчилик қилмоқчи бўлганлар, бири юзкўзи докаланган, иккинчиси таёқча суюниб, ўтирганини қўрибди-ю эшикни ташқаридан қулфлаб, уй атрофига лампа мойи сепибди ва уйга ўт қуйиб, кул бўлганини кузатиб турибди. Кейин эса ўзи ҳам соғқолмаслигини билиб, хотини кўмилган қабристонда,

унинг қабрининг ёнгинасидаги қайраочнинг шохига ўзини осибди. Ўша қайраоч ҳали ҳам бор, бир томони қуриб, иккинчи тамони кўкариб ётибди. Бобонгни ва унинг синглисини қариндошлари катта қилиб, уйлижойли қилишган. Бобонгдан эса сенинг даданг билан Ақида амманг туғилган, – ҳикоясини якунига етказди, аллақачон кўз ёшлари қуриб, ўзини тутиб олган она, – синглиси оламдан ўтиб кетган.

– Бу гапларни анави кампир қаердан билади? – ҳайрон бўлди Масуда. – Бу ерда куладиган, қарғайдиган ҳеч гап йўқ-ку?

– Ўша пайтларда бу кампир кампирмас, олти-етти ёшда бўлган бўлса ҳам милтиқнинг ўқидек, кўргани кўзига, эшитгани-қулоғига ўйилиб ёзилиб қоладиган қиз бўлган экан-да. Демак, у ҳам тўқсондан ошиб қолибди.

– Йўғ-э, – ҳайратланди қиз. – Унчаликмасдир. Кўри нишини, кучини қаранг уни.

– Болам, темирни – занг, одамни – фам қаритади, деган гап бор. Одам охиратини ўйламасдан, «шарманда-га шаҳар кенг» деб, тили билан юриб, кўринганни фийбатини қиласверса қариш ҳам эсидан чиқиб кетар ёки кексалик ундан қочар? Ёмонни ер ҳам чақирмайди, дейдилар-ку? Ке, қўй, даданг ҳам келиб қолади, овқатнинг ҳаракатини қилайлик.

Она-бола ҳафсала билан кечки овқатга уннаб кетишиди.

* * *

Орадан уч кун ўтиб Мөҳрибон буви ариққа йиқилиб, чўкиб ўлди. Бу унча чуқур бўлмаган, ёз бўйи болаларнинг чўмилиш макони бўлган ариқ қўл юваман деб энгашиб, тўсатдан оёғи тойиб, сувга тушиб кетган кампирнинг гирибонидан олдими ё унинг ўзи ўз вазни билан ўзини эплай олмай, томоғига сув тиқилиб, қалқиб ўлдими – номаълум. Хуллас, қишлоқ ҳаво-

си анча мусаффолашиб, одамлар бир-бири билан оқибатлироқ бўлиб қолди унинг ўлимидан кейин. Чунки уларни бир-бирига ифво қилиб, гиж-гижлайдиган одам қолмаган эди-да.

Аллоҳнинг қудратини қарангки, қизи билан боғлиқ миш-мишу ҳангомаларни адирга, дечқончиликка чиқиб кетган Самад ака эшитиб, дарғазаб ҳолда қишлоққа кириб келганда, айни Меҳрибон бувининг жазонаси ўқилаётган эди. Шу билан, у ҳам кампирнинг дағи маросимида қатнашиб, уйга келгач, хотини ва қизи билан бақамти ўтириб гаплашди ва: – Агар қиз бола бошинг билан мени юзимни ерга қаратадиган бўлсанг, охири бахайр бўлмайди, болам. Шунинг учун кўзингни очиб, ўзингни тутиб, шаънингга доғ туширмай яша. Акс ҳолда якка-ю ёлғиз қизим бўлсанг ҳам, баҳрингдан ўтиб қўя қоламан, – деди босиқлик билан ва эртаси тонгда яна адирга жўнади.

Ака-сингил сұхбати

Баҳор оёқлаб, саккизинчи синф ўқувчилари, шу жумладан, Маъсуда билан Мурод ҳам имтиҳонларни топшириб, июннинг бошида қўлларига шаҳодатнома олдилар. Кимдир ўрта мактабни давом эттириш, кимдир ўзи танлаган техникумга ўқишга кириш мақсадида ҳар томонга тарқалиб кетди. Лескин тоғ этагига жойлашган кичкинагина қишлоқ, худди ҳар тонг ризқ излаб, далаларга учиб кетадиган, қуёш ботишига яна ўз инига қайтадиган қушларга ўхшаб парвозга интилган ёшларни ҳам эргалаб тарвақайлаган ёнғоқ остидаги майдонда-автобус бескатида кузатиб, кечда яна шу ерда уларни интиқ кутиб оларди.

Ўша воқеадан кейин Маъсуда билан Мурод иложи борича бир-биридан узоқроқ юрадиган, рӯпара келиб қолса, дарҳол тескари қараб, бошқа-бошқа томонларга йўл оладиган бўлиб қолишганди. Қизифи, фақат учга

ўқийдиган Мурод имтиҳонларни аъло баҳоларга топшириб, қўшни тумандаги қишлоқ хўжалик билим юртида ўқишни давом эттириш учун астойдил ҳаракатга тушди. Онасининг шарофати билан унча-мунча кийим кечакни bemalol тика оладиган Маъсуда қишлоқдаги аҳолига майший хизмат кўрсатиш уйига ишга кириб, чеварлик қилмоқчи эди, онаси унамади. «Биттагина боламиз ўқиб, маълумот олсин, қайси бир гўрсўхтанинг бемаъни гапларини деб, ўқимай, уйда қолиб кетаверадими? Ана, аммасининг ўғли билан қизи ҳам ўрта мактабда ўқишни давом эттиаркан, боламизнинг улардан нимаси кам?» – деб йифлайвергач, Самад акага ҳам инсоф кирди ва Маъсуда яна ўқишни давом эттирадиган бўлди. Шу билан у қизига «қўзини очиб юриш»ни яна бир марта таъкидлаб, ўғил жияни Мардонга Маъсудага қўз-қулоқ бўлиб юришини топшириб қўйди.

Хулласи калом, ўрта мактабда уч йил ўқиш давомида янада очилиб, сарвқомат гўзалга айланган Маъсуданинг ошиқлари тақимини ўпадиган сочидан сероб бўлиб, бўйи етган ўғли бор аёл уни келин қилиш орзусига тушди. Бироқ бошқаларнинг наздида уни аммасининг ўғлидан бошқа ҳеч кимга узатишмайди, яна битта «бироқ» эса, унинг тақдири ўша, оғзи шалоқ камнир айтгандай бўлармикан? Шундай бўлса, ким ҳам бир қизнинг ўткинчи гўзаллиги, узун соchlари деб ўз боласининг баҳтига зомин бўлади? Ҳеч ким!

Маъсуда педагогика институтининг тарих факультетига сиртдан ўқишга кириб, ўзи ўқиган мактабда ишлай бошлади. Унинг институтининг кундузги бўлимида ҳам bemalol ўқиб кета оладиган билими, салоҳияти бор эди, лекин у нимагадир тез-тез юрагини ушлаб, утириб қоладиган, касалхонада даволаниб чиқса ҳам рангидан қон қочиб, қоқ суюк бўлиб бораётган онасини, соchlари бирдан оқариб, анча хаёлчан бўлиб қолган отасини ташлаб қандай қилиб шаҳарга кета оларди?

Маъсудаларнинг остонасидан совчи аримай қолди. Лекин улар, яъни ота-она жим. Самад ака опасини, жияни Мардоннинг оғзини пойладиди. Хаёлида ёлғиз қизини фақат ёлғиз синглиси ва жиянига ишониши мумкин. Улардан эса садо чиқмайди.

Бир куни бемор келинини кўриш учун Ақида амма келиб қолди. Келини, шу куни уйда қолган акаси билан узоқ ҳол-аҳвол сўрашиб, Солиҳани табибларга ҳам бир кўрсатиш зарурлигини, эскича ирим-сириларни ҳам қилиб кўриш лозимлигини айтиб: – Ёмон, ёвуз одамнинг руҳи ҳам ёвуз бўлади. Анави ялмоғиз ўлиб ҳам тинчимаётган, ёмонлигидан на дўзах, на жаннат қабул қилмасдан аросатда юриб, ёмонлик қилаётган бўлиши мумкин, – деди кўзига ёш олиб. – «Қаратган – қараб қолмайди» деган гап бор. Келинни қаратинг, ака, эскичаларни ҳам қилини.

– Қилай дейману, шу нимадир йўл бермайди, – ака синиқ овозда дардини тўкди. – Менинг ҳам кўзларимга алламбалолар кўринадими-ей. Бунинг устига ҳали униси келади эшикни тақиллатиб, ҳали буниси. Ёлғизлик ёмон экан, синглим, ота-онамиз раҳматлилар болани сал кўпайтиришмаган экан. Сен узоқдасан, ўзинідан ортмайсан. Баъзан совчи бўлиб келган аёлларга чой қўйиб, дастурхон ёзгани уялиб, қўшни аёлларни чақираман.

– Аллоҳ – меҳрибон, ака, дард берган, шифосини ҳам ўзи беради. Менга қолса то янгам тузалгунча келиб, уйингизда қарашишим керак. Лекин, нима қилай, куёвингиз шу паҳтага дори сепганда, тагида қолиб кетди-ю жигари шишиб, ётоқчил бўлиб қолди. Ташлаб келишнинг ўзи бўлмаяпти. Ҳали ёлғиз ўғлимнинг тўйини кўрмайман, шекилли, деб қолса, юракларим эзилиб кетади, – кўзига ёш олди аёл. – Нима қилай, она-бала сигирни сотиб, пулининдори-дармонга ишлатдик, кўрдингиз, бир ой касалхонада ётиб, оғир бўлса бўлди – тузалмади. Мардонга отанг ўнгланмай-

ди, шекилли, «Ке, болам, амал-тақал қилиб, енгилтина түй қилиб бұлса ҳам, сени уйлайлик десам, севган қизининг үзидан катта оласи бор эмиш, үша әрга тегмай туриб, бунисининг тегишига йўл йўқмиш». Қандоқ қиласай, ака үзимга қолса жон-жигарим – Маъсудаҳонни келин қилиб, «қўйнимдан тўкилса – қўнжимга» деб хотиржам юрардим. Совчи деганига ҳам ўт тупсин, ота-онанинг кўнглига, ҳолига қарамаса...

Синглисинг бундан кейинги гаплари акапинг қулоғига кирмади. Шу орада ишдан келибоқ овқатга униаган Маъсуда чинни косаларга хушбўй шўрва сузуб келди. Овқатдан кейин амма йиғлаб-сиқтаб, янгасига шифо тилаб, уйига отланди...

Тунги сухбат

Ўша йили қиши қаттиқ келди. Тоғдан қор кўчиб, юқорироқдаги айрим ҳовлиларни қор босиб ҳам қолди. Совуқдан, очликдан дийдираਬ, териси устихонига ёнишиб кетган гоҳ тулки, гоҳ бўри галалари куппа – кундузи ҳам қишлоқ яқинида изғир, пайтини топиб, товуқхонадаги товуқларни, қўйхонадаги қўй-эчкиларни қийратиб, олиб қочишга уринарди. Ҳамма хавотирда. Эркаклар уч-тўртгадан бўлиб, навбатчилик уюштиришган, айниқса, тунда қўрқмасдан, кўзлари ёниб, тишлари иржайиб, қўйхона, молхона томон писиб келаётган бўри галаларини қий-чув, тўс-тўполон билан, бақириб, қўлларида сўйилу таёқлар билан ҳайдашар, жуда бўлмаса, қишлоққа масъул ҳудуд милицияси ходимлари уларга қарата ўқ отарди. Ана шундай пайтларда очликдан ваҳшийлашиб кетган бўрилар ярадор бўлган ҳамжинсларидан келаётган қон ҳидидан яна ҳам қутуриб, уни бир зумда хомталаш қиласар, кейин яна баъзан тонггача ҳам уларнинг увиллашлари эшигилиб туарди.

Маъсуда янги йил арафасида вилоят касалхонасида даволаниб қайтган, ҳамон үрин-кўрпа қилиб ётган,

кагта-катта шаҳло кўзлари негадир, гоҳ-гоҳ нурланиб қўяётган қоқсуяк онажонисининг ёнидан бир қадам жилмасликка ҳаракат қиласарди. Ниҳоят, шифокорлар Солиҳанинг дардини аниқлашди. У – кўкрак саратони билан оғриган, касалланган чап кўкраги ҳар оғриганда, «юрагим» дер экан. Касаллик авж олиб, охирги босқичига етибди. Солиҳа оғриқдан инграй бошлаганида, Маъсуда дарҳол унга шифокор томонидан буюрилган доридан укол қиласади. Онажонисининг юзкўзларини илиқ сувга ботирилган нам дока билан авайлаб артиб, ўрин-кўрпасини доим озода тутишга уринади, тунлари кучли дорилар таъсирида кўзларини чирт юмиб, рангиз юzlари бир бурда бўлиб қолган опаси, кўз ўнгига сўниб бораётган рафиқасининг дардига даво топа олмай, еган-ичганини, юрган-турганини билмайдиган даражага тушиб қолган ҳардамхаёл отасига чидам, шифо, узоқ умр тилаб, Худога нола қиласади. Яхшиям, қўни-қўшни бор. Улар бошига ташвиш тушган бу оилани ёлғизлатмасдан, бири иссиққина сут, бири бир кося овқат, нои кўтариб, оёқ учиди кириб келишади. Солиҳа уйғоқ бўлса, таскин-тасалли бериб, ҳали тузалиб кетишини, ёлғизининг баҳтини кўриб, бир этак набиралар ичида ўралиб юришини айтиб, кўнглини кўтаришади. Ухлаётган бўлса, шивирлабгина гапириб, Маъсудадан ҳол-аҳвол сўрапади, бардошли бўл, бу ҳам Яратганинг синови, дард берган, шифосиии ҳам беради, дея уқтиришади. Самад ака эса иложи борича ташқарида ғимирлаб, ҳали қор курраб, энди мол-ҳолга қарашта, хонадони иссиқ бўлиши учун ўтин-кўмир етказилига уринади, иш билан чалғиди. Унинг оилавий аҳволидан боҳабар ҳамқишлоқлари павбатчиликка қўйишмайди. Борса, яхши гапириб, қайтариб юборали. Бу орада Маъсуданинг дугоналаридан аллақачон турмушга чиқиб, биттадан боланинг опаси бўлишига ҳам улгурган Саида билан Шаҳноза ҳам амаллаб келиб, ҳол сўраб кетишди. Хуллас, ҳаёт

ана шу тарзда, бир меъёрда ўтиб борар, фақат ота билан қиз буни сезмас, уларнинг сезаётгани – кўз олдиларида Солиҳанинг умр шами сўймоқда эди.

Февралнинг бошларида қўшии қишлоқдан – Ақида амманикidan хабар келди: шўрликнинг жигар саратонига чалишган эри ниҳоят азоблардан қутулибди – омонатини топширибди. Самад ака қўшнисининг «Москвич»ида тўрт эркак бўлиб, жанозага етиб бориши – ю майитни ерга қўйишиб, кун ботганда уйга қайтди: мушфиқ синглиси «Ака, аҳволингизни биламан, уйга қайтинг, янгамга кўз-кулоқ бўлинг» депти. Шўрлик амма, бир гап бўлса, Маъсуда қўрқмасин, деб ўйлаган-да...

* * *

... Ярим тунда, онасининг ўрни ёнгинасига кўрпача тўшаб, оёқларини ўраганича китоб ўқиб ўтирган Маъсуда юраги ҳапқириб, қандайдир бир савқи табиий билан илкис бошини кўтарди ва онасиға қаради. Солиҳа опанинг юzlари ажиб бир нурдан жилоланиб, кўзлари кулганича, ним табассум билан қизига бош ўгириб, ётарди.

– Тузукмисиз? – аста сўради қиз онасининг тепасига эгилиброқ. – Чой берайми, онажон?

– Йўқ, болам, раҳмат, – она худди соғлом одамникидек тиниқ, аммо пастроқ овозда жовоб қайтарди. – Сени ҳам жуда қийнаб юбордим, қизим...

– Ундей деманг, яхши бўлиб қолсангиз бўлди, – қизнинг худди онасиникига ўхшаш серкинрик шаҳло кўзлари намланди. – Худо хоҳласа, тузалиб, дард кўрмагандек бўлиб кетасиз.

– Айтганинг келсин, – она ютинди. Кейин яна бир маромда гап бошлади: – Болам, Аллоҳ инсонга умрни ўлчаб берар экан: бировга кўпроқ, бировга камроқ. Ризқ-насибаси тугаганлар вақти соати етиб, рост дунёга кетаверишар экан.

– Бунақа нарсаларни гапирманг, онажон, – қиз онаси ning қоқ сүяк қўлларидан авайлаб ушлади, – илтимос.

– Болам, балки гапиришим учун Аллоҳ куч берган дир, қўй, гапирай, – она қуруқшаб кетган лабларини ялади. Қиз дарҳол ёнгинасидағи сочиққа ўралган чойнакдан иссиққина чойни пиёладан-пиёлага қўйиб, сал совутди-да, онаси ning бўйни остидан қўлларини ўткашиб, аста бир-икки ҳўплам ичирди. Кейин унинг бошини авайлаб, ёстиққа қўйиб, лабларини оппоқ дока билан артиб олди.

– Раҳмат қизим, баҳтли бўл, – она яна жилмайишга уринган эди, лабларининг атрофига саноқсиз ажинлар тўр ташлади. – Даданг ухляяптиларми?

– Ҳа, нариги уйда, уйғотайми?

– Йўғ-а, қўй, у бечора ҳам қийналиб кетди, – она шивирлагандан сал баландроқ овозда деди. – Яхши қарагин, қизим. Иложи бўлса, баҳорга чиқиб, шаҳарга олиб бор, дўхтирларга кўрсат, даволансинлар.

– Ҳўп. Сизни ҳам бирга олиб борамиз.

– Мени қўй, – аёл яна жилмаймоқчи бўлган эди – уддалай олмади. – Баҳор ҳам келиб қолгандир-а?

– Ҳа, Худо хоҳласа, озгина қолди. Совуқ ҳам сал пасайди, – дарҳол жавоб берди қиз.

– Аммангнинг ҳам эри ўлибди-да, а? Худо раҳмат қилсин, яхши одам эди.

– Сиз қаердан эшитдингиз? – ҳайрон бўлди Маъсуда. Чунки онаси ётган хонада бу ҳақда гап бўлмаган эди.

– Э болам, ҳаммасини билиб, кўриб ётибман, – она хўрсинди. – Камини, анави сарсон кампир келиб, айтиб кетаяпти. Бечора аммангга қийин бўлибди.

Қўрқанидан бирдан юраги ўйнаб, ранги оқариб кетган қиз қўрқа-писа атрофга аланглади. Жимлик.

Уйнинг кираверишидаги ичига майда кўмир тўлдирилган чўян печканинг устидаги човгум гўё адоксиз куйни

ижро этаётгандек эзилиб, шигилламоқда, холос. У катта, қалин күрпа билан түсіб қүйилган деразага, ичкари томонига эски күрпача қоқилиб, тирқишилари беркитилған, илгаги солинган эшикка жавдираб қаради.

Солиҳа опа бу гапни бекор айтганини, қизи қаттиқ құрқиб кетганини сезди. Нима қылсын, қизи билиб қүйиши керак-да. Токи, бу ялмогиз унга дахл қила олмасин.

– Маъсуда...

Маъсада онасининг ёнида алант-жаланг қилиб, нафаси ичига тушиб кетганидан уялиб кетди ва дархол ўзини ўнглаб:

– Лаббай, онажон? – дея жавоб берди.

– Құрқма қизим, у сенга құринмайды, ҳозир бу ерда змас, – бир оз нафасини ростлаб олган она дадиллашди.

– Сизга... қандай құринади? Тушингиздами?

– Шундай деса ҳам бұлади. Руҳим ором олаётганды рұпарамға келиб олади-да, фийбатини бошлайды. Ўтган куни даданг молхонада, пичан устига ўтириб, роса йиғлаганини ҳам ўша айтди. Яна нима дейди, дегин?

– Нима дейди? – онасининг гаплари ростлигини ҳам рүёлигини ҳам англай олмаётгандың унинг фил сүяги рангидаги озғын ўнг құлни құлиға олиб, силади.

– Ху, эсингдами? Мен билан уришгани келгани? Ўшанда менга қараб, тавба, бу ўлгур мунча сулув, қаддини – қоматини қара-я. Күкраклари ёш қызларникідай... Ҳозир шаппа чанг солиб, биттасини узиб оламан, деб шаҳд қилғанда, бирдан сүрининг тағидаги Бүйноқ вовуллаб чиқиб, қувлаб кетғанмиш. Ўшанда, сенинг күкрагингга менинг суқым кирған, кейин, ўша, жинни бўлиб ўлган эр уруғинг қўл юваман, деб энгашганимда, мени ариққа итариб, сувга босиб турған, дейди, – аёл сал ҳарсиллаб, жим бўлиб қолди. Онаси чарчаганини пайқаган сезгир қиз бир оз сўз қўшмади. Кейин, барибир қизиқиш устун келиб: – Онажон, чарчамадингизми? – деб сўради. Онаси «йў-ўқ» дегач:

– Шу гаплар ростмикан-а? Яхши-ёмон руҳлар бўлиши, ҳамма нарсани кўриб туриши ростмикан? – деди ҳайрат билан.

– Рост, болам, рост. «Арвоҳлар ҳамма ерда ҳозиру нозир» деб бекорга айтишмаган, – дея яна паст, бир меъёрдаги овозда ҳикоя қилди она. – Эсингдами, касалхонада бир неча кун оғир ётганим? Ўшандан кейин уйга жавоб беришди-ку? – деб сўради.

Қиз тасдиқ маъносига бош силкиди. Она давом этди:

– Бир пайт қарасам, мен худди парқуга ўхшаб, хона шифтида учиб юрибман. Пастда, каравотда эса гавдам чўзилиб ётибди. Жуда қизиқ. Атрофимни беш-олтита оқ ҳалатли эркак-аёл ўраб олишибди. Бурнимга қана-қадир резинкалар тиқилганми-эй. Мен эшик томонга учиб, чиқиб кетмоқчи бўлдим. Остонада ўтиб кетган ота-онам, қайнона-қайнотам – ҳамма уруғларим тўпла-нишган, эшикни қоплаб, мени ташқарига чиқармасликка уриниб туришибди. Ҳаммаси оппоқ либос, қора нимчада. Мен уларга яқинлашдим. Онам бир қўллари-ни кўтариб, – Қайт, қайт, – дегандек ишора қилдилар... – Солиҳа бир оз тин олди. Маъсада эса унга термулиб, ҳикоянинг давомини кутарди. – Хуллас, ёнимда уч-тўрт ўзимга ўхшаган парқу аёллар пайдо бўлиб қолишди ва «уйингни кўрасанми? Юр, кўрсатамиз», – дейишиди. Мен улар билан бирга учиб, остонада тургандарнинг ёнидан ўтиб кетдик... Болам, бир ҳўплам сув бер.

Маъсада дарҳол боягидек қилиб, онасининг оғзига сув тутди. Солиҳа опа бир-икки қултумни тамшаниб, роҳат қилаётгандек ютди ва «умрингдан барака топ, раҳмат» деди. Ўзини сал ўнглаб, қулайроқ ётиб олгач, яна гапини давом эттирди. – Учиб-учиб, ўта чиройли, ям-яшил жойлардан ўтиб, бир жойга қўндинк. Қурилиш бўлаётган экан. Тасавур қил: биринчи хона сомон сувоқ қилинган, ер тупроқ, унинг устида гувалалар, сомон-

лар сочилиб ётибди. Ичкари хонага кириш учун осто-
надан ўтаётіб, қарасам, остана қирраси пастға қара-
ган, учбурчак шаклда. Ичкари хона сепи ёйилган ке-
линларнинг хонасидек, безатилган. «Мана шу ер се-
нинг уйинг, фақат ҳали чала», – дейишди ҳалиги аёл-
лар. – Вой-бў, мунча чиройли безатилган? Лекин дер-
заси йўқ экан, нафасим қайтиб, ўлиб қоламан-ку, де-
дим ва хонага қайтиб чиқаётіб бир оёғим ўша, бирин-
чи остананинг қиррасига илиниб қолди. Силтаб, бир
тортдиму оғриқдан бақириб юбордим. Кўзимни очсан,
«ҳушига келди, ҳушига келди» деб, тепамда дўхтирлар
турибди... қизиқ-а?

– Қизиқ, – Маъсуда кўз ёшларини ичига ютиб, жил-
майди. – Худди эргакка ўхшайди.

– Менинг кўзимга кўринган эртак-да, а?

– Ҳа, онажон, илоҳим, ҳеч қачон биринчи хона бит-
масин, – иложсиз қолган кўз ёшлар дув тўкилди.

– Йиғлама болам. Доим кулиб тур. Кулсанг худди
офтоб чарақлаганга ўхшаб, чиройли бўлиб кетасан.
Кулиб яшагин, хўпми?

– Хўп.

– Сен баҳтли бўласан, узоқ яшайсан, қизим. Севила-
сан-севасан. Фақат Мурод... – аёл бир оз жим қолиб,
гапни бошқа ёқقا бурди. – Кўркам, катта шаҳарда,
чиройли ҳовлида бека бўласан, болам. Баҳтли бўла-
сан, Худо хоҳласа. Фақат битта илтимосим: мендан
кейин отанг қийналмасин. Шунинг учун амманг би-
лан маслаҳатлашиб, аввал уни яхши бир аёлга уйлан-
глар, мен мингдан-минг розиман. Кейин сен турмушга
чиқиб, узоққа кетасан. Ахир отангни ёлғиз ташлаб
кетмайсан-ку, она қизим? – Солиҳанинг нафас олиши
тезлашиб, қоқ сүяқ танаси титрай бошлади. Унинг
ҳозиргина сокин турган юzlари бужмайиб, оғриқдан
инграй бошлади.

Маъсуда абжир ҳамширалардек, нинага дори тор-
тиб, «ҳозир, онажон, ҳозир, мана» дея дарҳол унга укол

қилди. Она аста-секин тинчланиб, юзларида пайдо бўлган ажинлар, зулукдек пайваста қошлари орасида бўртиб чиққан тугунча ёйилиб, силлиқлашди ва киприклари бир-бирига чирмашди. Нафас олиши мўтадиллашиб, ширин уйқуга кетди.

– Онажоним! – Маъсуда шундай дея унинг пешонасидан ўпид, устидаги юпқа кўрпани тўғрилаш асносида ичкари уй эшигини қия очиб, фира-шира ёруғликда ўзига қараб турган отасига кўзи тушди. Чамаси, у аллақачон уйғониб, она-боланинг суҳбатини бўлмаслик учун буёққа чиқмаган, ҳамма гапни эшитгани аниқ эди.

– Ухла қизим, чарчадинг, – бўғиқ овозда деди ота.

Гўё бунга жавобан товуқхонадан туллак хўрозвонинг «тонг отди-ку», дегандек қичқириғи эшитилди.

Ота билан қиз Солиҳанинг аҳволи-руҳияти ҳақида паст овозда гаплашиб туришганда гўё уйқудаги малика каби жилмайбгина ётган гўзал аёлнинг қонсиз, лекин нафис лаблари хиёл очилиб, у бир сўлиш олди. Эртагаликка дори етиш-етишмаслигини пичирлашаётган ота-бала уй шифтида, бошларини енгил силаб, жипс ёпилган эшик орасидан осонгина ўтиб, гўё қаҳратон қишининг қиличи синганини билдиromoқчикдек, қор остида уйғонаётган табиатга ҳайрат-ла тикилган қуёшнинг илк нурларига сингиб кетган бир тутам парқуни сезмай ҳам қолдилар...

Касалхонада

Онасининг маракалари ўтказилгач, Маъсуда дадасининг соғлиғига фамхўрлик қилишга астойдил бел боғлади. Чунки севимли рафиқасидан айрилиқ дарди бир томондан, уни сақлаб қолишга имкон топа олмагани, устига-устак ёлғиз қизининг ҳам ўқишилари ўлда-жўлда қолиб қетгани, айни егилиб, совчилар дарвозасининг турумини бузайтган, танлаб, севиб турмушга чиқади-

ган бир ёшида оппоқ келинлик либоси ўрнига қора кийиб, аза тутиб юриши – қисқаси, ҳаётнинг аёвсиз зарбалари эндигина қирқ олти ёшга кирган Самад акага олтмиш ёшнинг нуқсини уриб қўйган, доим қадди эгик, боши хам, ёш болага ўхшаб, арзимаган нарсага ҳам йифлаб юборадиган бўлиб қолганди.

Маъсуда отасини даволатишга бел боғлашдан аввал эридан айрилиб, мунғайибгина қолган аммаси ва отасининг ўлимидан кейин бирдан улғайиб, оғир-босиқ, мулоҳазакор йигитга айланган Мардон билан бақамти ўтириб, маслаҳатлашди. Маслаҳат якшанба куни аzonда Мардоннинг Маъсуда ва отасини оқлик билан таъминлаб турган говмиш сигирни бозорга олиб чиқишига тұхтади. Чунки отани пойтахтга олиб бориш, тажрибали шифокорлар кўригидан ўтказиб, даволатиш учун энг аввал пул зарур эди.

– Болам, сен сира ачинмасдан сигирни соттиравер,
– Маъсудани кўнглини кўтарган бўлди амма. – Ана, оғилдаги бўғоз сигир ҳам ўша, сизларнинг сигирларингнинг боласи. Янгам раҳматли, «болаларингизга» деб бузоқчасини берган эди. Энди мен сенга унинг бузогини бераман. Акам яхши бўлиб, тузалиб кетса бўлди...

Май ойининг охирларида ота-бала пойтахтга стиб келдилар. Донғи кетган клиникалардан бирининг даволаш бўлими бошлиғи бўлган кекса рус аёл – Ольга Михайловна Самад акани обдан синчиклаб, текшириди. Кейин унда бир эмас, бир нечта касаллик белгилари борлигини, астойдил даволанса, ҳаммасидан тузалиб кетишини уқтириди ва:

– Отангни-ку ҳозир касалхонага ётқизишимиз мумкин, лекин сен нима қиласан, бугун қишлоғингга кетишга кеч бўлди-ку? – деди ғамхўрлик билан Маъсудага.

– Майли, дадамни шу бугуноқ жойлайверинг, – отасининг касалхонага ётишдан айниб қолмаслиги учун қиз дарров жавоб берди. – Мен бугун-эрта кетмайман.

Бирорта жой топиб, тураман-да, дадамнинг ҳолидан хабар олиб, зарур дори-дармонларини олиб келаман. Институтга ҳам ўтиб, ўқишимдан хабар оламан.

— Бундай бўлса, сен ҳозир шу ерда, дадангни ёнида ўтириб тур, — ўзбек тилини равон гапирадиган шифокорнинг малла сочи-ю кўк кўзлари, юзларининг оқлиги демаса, тилидан ўзбекнинг ўзгинаси эди.

Ольга Михайловна ота-болани хонада қолдириб, «ҳозир» дея чиқиб кетди. Самад ака, «болам мени бу ерда қолдириб, бир ўзинг қоласанми? Қўрқмайсанми?» дея елкалари силкиниб, йиғлай бошлади.

Хонага аввал Ольга Михайловна, унинг ортидан нозиккина, ўрта бўйли, қораҷадап келган, кўзлари катта-катта, оқ халатли хушрўй аёл ҳуркибгина кириб келди.

— Танишинглар, бу – Юлдузхон, – аёлни таништириди шифокор. – Бизда ҳамшира бўлиб ишлайди. Юлдуз, айтган одамларим мана шулар: отаси Самад ака даволаниши керак, қизи Маъсуда эса икки-уч кун шаҳарда қолиб, кейин қишлоққа қайтмоқчи. Орада келиб туради, албатта.

— Жудаям яхши-да, – аёл чиройли, садафдек тишларипи ялтиратиб, жилмайди. – Ака, сизга Худо шифо берсин, Худо хоҳласа, тузалиб кетасиз. Сиз, синглим дейми-қизимми, – аёл хижолатли жилмайди, – сира хавотир олманг, шифохонамиз врачлари ўта тажрибали, ҳали дадангиз кўрмагандек бўлиб кетадилар. Жой масаласига келсак, bemalol. Ҳў, рўпарадаги беш қаватли уйнинг бешинчи қаватида, икки хонали хонадонда тураман, – у касалхона панжарасининг ортидаги баланд уйни кўрсатди. – Маъсудаҳон хоҳланларича, то дадалари тузалиб қолгунча қадар ҳам туришлари мумкин, – у Ольга Михайловнага мурожаат қилди.

— Раҳмат, Юлдуз, доим қийин пайтда ёрдам берасан, – шифокор ҳамшира аёлга миннатдорчилик бил-

дирди. – Савоб иш қилганинг-қилган. Яхшиликларинг-га Аллоҳдан яхшилик қайтсин.

Шу куни Самад ака икки кишилик палатага ётқизилди. Ольга Михайловна вақтни үтказмай, керакли муолажалар, таҳлилларни ёзиб, «касаллик тарихи»ни ёзар экан:

– Мана, Юлдузой, беморнинг парваришини ҳам, қизини ҳам сизга топшираман, чунки ишонаманда, – дея кулди. Унинг кўнглида бошқа эзгу ниятлар ҳам йўқ эмасди...

Дўст-дугона

– Юлдуз опа, уйингиз бунча шинам? – Маъсуда бешинчи қаватга енгилгина кўтарилиб, эшикни очган аёлнинг ортидан йўлакка кирди-ю атрофга аланглаб, беихтиёр гапириб юборди. – Шунчалар ҳам чиройли уйда яшар экансиз-а?

– Ёқдими? – мунисгина кулимсиради аёл кийимларини алмаштириш учун ваннахонага йўналар экан.

– Жудаям ёқди.

– Шу ерда яшаб қолинг бўлмаса.

– Сизнинг...

– Оилам, фарзандларим йўқ. Бир ўзим яшайман. Эримдан фарзандсизлигим учун ажрашганман. Ота -онам ўтиб кетишган. Укам, сингилларим бор. Ҳаммаси ўзи билан ўзи, бола-чақали, – аёл ичидагини бирдан тўкиб, енгил тортгандек, жилмайди. – Ҳозир чой қўяман, кечки овқатга уннаймиз. Ҳа, айтгандек, манави хона – сизга. Бемалол кийимларингизни алмаштириб жойлашаверинг, – у шундай деб иккинчи кичикроқ хонани кўрсатди. – Анави диванда bemalol ётишингиз мумкин. Чойшаб, кўрпа старли.

Юлдуз юз-қўлини ювиб, уй кийимида ваннахонадан чиқди-ю, кўзи хонадаги стол устига қўйилган бир даста пулга тушди ва:

– Маъсуда, бир дақиқага, – дея қизни чақирди. Аллақачон одмигина кийиниб олган қиз ҳам шошилибгина хонадан чиқди.

– Бу нима? – пулга ишора қилди Юлдуз.

– Пул.

– Қанақа пул? Нега бу ерда ётибди?

– Шу... ижарага.

– Ким сизни ижарага қўйди?

– Ахир...

– Нима «ахир»? Ҳозироқ йифиб олиб, сумкангизга солинг, – у стол ёнидаги курсига ўтирди. – Кейин аиави стулга ўтиринг.

Хижолатдан рангпар юzlари қизарип, пешонасига терчиқчан Маъсуда унинг айтганини қилиб, рўпарасига келиб ўтирди.

– Мен уйимга ҳеч қачон, ҳеч кимни ижарага қўймаганман, қўймайман ҳам, – у қизга қарамасдан гап бошлиди. – Агар уйи касалхонага яқин бўлгани учун одам қўйиб, уч-тўрт сўм топар экан, деб ўйласангиз, хато қиласиз.

– Кечиринг...

– Менинг топганим ўзимга етади, – аёлнинг овози титраб кетди. – Менинг оч қолаётган ёки етказа олмаётгандарим бормидики «ҳарна беш-ўн сўм тушади» десам. Мен бу ишни аввало савоб учун, қолаверса, Ольга Михайловна илтимос қилгани учун... тушундингизми?

– Тушундим, – аранг жавоб берди қиз.

– Тушунган бўлсангиз, ҳозирдан бошлаб бу уй сизники ҳам, – аёл унга калит узатди. – Мана, калит. Хоҳлаган пайтишгизда уйга кириб-чиқаверасиз. Ана, музлат-кичда, айвоидаги қутида ҳамма масаллиқ бор. Дадангизни кўнгиллари нимани тусаса, бемалол пишириб чиқинг. Ўзингиз ҳам хоҳлаган овқатишгизни нишириб енг. Бу дунёда одамдан одамга қилган яхшилиги қолади, дер эдилар раҳматли онам. Шунинг учун сиз ҳам бемалол, эмин-эркин яшанг бу уйда, тортинманг, хўпми? Кечирасиз, неча ёшдасиз?

- Йигирма учда.
- Вой-бў, агар қизим бўлганда, сиздек бўлармиди. Мен сизни ҳали йигирмага кирмаган, эндиғина мактабни битирган ёш қиз, дебман.
- Йўғ-е, – уялиб, кулди Маъсуда. – Кал-катта бўлиб қолганимай. Узр, ўзингизни ёшингиз?
- Э, мен аллақачон шафтолиқоқига айланиб бўлганман. Бу йил мучалим, ўттиз олтига кирдим.
- Ёлғон, – Маъсуда бу гапга ишонмади. – Мен билан тенгкүр, нари борса икки-уч ёш каттадирсиз? Жуда ёшсизку? Қоматингиз ўсмир қизларникига ўхшайди...
- Ҳаҳ ўргилай сиздан-а. Бу «ўсмир қиз» ўн саккизда турмушга чиқиб, ўн икки йил Яратгандан тирноқ сўраб, ажрашган аёл. Ёшлигим қоптими мени. Ана бўлмаса, иккимиз шундай ўтираверсак, анави, касалхонадаги беморнинг аҳволи нима кечади?
- У туриб музлаткичдан елим қофозга ўралган товуқни олди ва ювиб совуқ сув тўлдирилган қозонга солди. Маъсуда эса картошка билан пиёз артишга тушди...

Режа

Отаси касалхонада ётган бир ой мобойнида Маъсуда икки мартагина қишлоққа бориб, уйдан хабар олиб келди, холос. Қўши nilар барака топишсинлар, томорқани чопиб, жўяқ олиб, турли-туман помидор-у, булфор қалампири, боринг-ке ошкўкларни экиб ташлабди. Ҳовли ҳеч бир ойдан буён эгаси яшамаётган жойга ўхшамайди. Қизифи, иккита совлиқлари эгиз қўзилаб, олтитага етибди. Барака топур товуқлардан иккитаси бостиurmанинг устидаги похол орасига тухум қўяр экан, бир ой йўқолиб қолиб, Маъсуданинг кейинги келишига «бир этак» жўжалари билан чиқиб келишибди.

Маъсуда дадасиниг раигига ранг кириб, этига эт қўшилганидан, айниқса салга йиғлаб юбориш одати йўқолганидан, касалхонадан ошина-оғайнини орттириб,

одамлар билан суҳбатлашиб ўтиришга мойиллик пайдо бўлганидан хурсанд. Ҳафта сайн келиб, ундан хабар олиб кетаётган қўни-қўшнилар гўё ўзларишинг дардлари ариётгандек, ҳар келганди шифокорларни дуо қилишади. Айниқса, Ақида амма ҳафтада бир дунё нарсани Мардонга кўтартириб келиб, иложини қилса, касалхона қоровулига ҳам миннатдорчилик билдирам, дейди.

Самад акага жавоб тегишидан уч кун олдин яна келган Ақида амма Маъсуда билан касалхона ҳовлисидағи аргувон остида суҳбатлашиб ўтириди:

– Болам, бир гап айтсам, кўнглингга олмайсанми? – деди ялинганим овозда.

– Аммажон, нуқул шунаقا дейсиз. Бир-икки марта бирор гапингиздан хафа бўлган пайтим бўлганми? – ёлғондакам аразлади жиян.

– Шу, одамзод дунёга келаркан, яшаркан, ўларкан. Ўлган-кетди, қолганларга қийин экан. Шу... акамни уйланиш масаласини айтаман-да...

– Аммажон, ҳали эрта эмасмикин? Онажонимнинг турроқлари совимай туриб, – қиз мунғайиб қолди.

– Болам, мен сенга бу ишни бугун-эрта амалга оширайлик, демоқчи эмасман, демайман ҳам, – амма кўзига ёш олди. – Биринчи ўйлаганим – сен. Сенга совчи қўймоқчи бўлганларни эшитиб, билиб юрибман.

– Мен ҳали-бери турмушга чиқмайман, аммажон. Худога шукр, бу йил ўқишим тикланадиган бўлди. Ҳеч бўлмаса, учинчи курсни битирай. Онамнинг йиллари ўтсин, кейин дадамнинг ҳаракатларини қилайлик. Ҳозир айтганингиз билан дадам рози бўлмайдилар, бундан ташқари, яна яралари тириалиб, касаллари қайталанишидан қўрқаман.

– Ҳаҳ болам-а, бирор айтган экан, «бердисини айтгунча уриб ўлдиришибди» деб, сен олдин сўра, амма, бироргасини кўз остингизга олдингизми деб, ҳозирги замонда яхши қизларга ўҳшаб, уйли-жойли эркакларнинг ҳам харидори кўп бўлади. Айниқса, хотинидан ажраинган ёки

хотини ўлган бўлса, қўлга олишга интиладиган аёллар кўп, билдингми? – амма жиянидан тасдиқ ишорасини олгач, давом этди. – Ана, икки-уч гал келганимдан буён акам лўмбоздай жувонлар билан гаплашиб ўтирганини кўраман.

– Ие, акангизни қизғанаяпсизми? – Маъсуда кулиб юборди.

– Ҳа, қизғансам арзимайдими? Худога шукр, соқолмўйловини қиртишлаб, оҳорли кийим кийса, унча-мунича йигитлардан қолишмайдиган акам бор мени, – амма бирдан ловуллади-ю пасайди: – Хуллас, уни бирор илиб кетмай, ўша опангта рўпара қилайлик, дегандим.

– Қайси опамга? – ажабланди қиз.

– Ўнта опаси бор одамдай талмовсирайсан. Юлдуз опангга-да.

Маъсуданинг чеҳраси ёришиб, кўзлари кулди. Сабаби, бу фикр унинг хаёлига ҳам тез-тез келадиган бўлиб қолган, фақат «опамниңг йиллари ўтгунча кутармикин?» деган ўй эзарди уни.

– Ўзиям, раҳматли келинимнинг нусхаси – умри ўхшамасин, – амма йифлай бошлади. – Фақат у тоғ қизида – оппоққина эди. Бу эса қорароқ. Лекин бўй-баст, қоппкўз, юриш-туриши-ю хиёл қулимсираб гапириши ҳам Солиҳа раҳматлининг ўзи, отанг ҳам сезгандир ўхшашлигини, фақат индамай юргандир. Шунинг учун гап орасида сен опангга, мен акамга шипшитиб, гапнинг учини чиқариб қуяйлик. Умр – оқар сув, оқиб кетаверади. Мен сени узатсак, акам ёлғиз қолмасин, деяпман, холос.

Маъсуданинг хаёлига Юлдуз опасини биринчи марта кўргандаги ҳолат тушди. У гўё бу аёлни яқиндан биладигандай кўзига оловдай кўринган, ўшанда оғриқдан юзкўзи қийшайиб кетган дадаси ҳам унга тикилиб қолганини кўриб, фани келгандай бўлганди. «Юлдуз опамни туғилганимдан буён танийдиганга ўхшайман, кимгадир ўхшатаман» деб хаёл қилавериби-ю онажонимга ўхшайди, деган гап кўнглига келмабди.

– Нега жим бўлиб қолдинг? –амма сабрсизланди. – Уйланса, ана шунга ўхшаган аёл акамга тегишга рози бўлса...

– Аммажон, менга ҳам шу фикр келган, – хаёллари тўзғиган қиз жавоб беришга мажбур бўлди. – Юлдуз она – онам каби меҳрибои, сарашта, меҳнаткаш аёл, агар менга она бўлса, минг-минг розиман. Лекин, аввало дадам нима деркинлар? Ўзимизча, олдиларидан ўтмасдан унга гап очсак, кейин уялиб қолмасмишмиз?

– Нима қиласайлик бўлмаса?

– Аввал дадамни уйга олиб борайлик, – негадир қизнинг хаёли паришон бўлиб қолди. – Бирор ойлардан кейин Юлдуз опани меҳмонга чақирайлик, у билан борди-келдини йўлга қўяйлик. Кейин, онамнинг йилларини ўтказиб, уларни бошини қовуштириш ҳақида гап очайлик. Нима дийсиз?

– Гапинг маъқул, аммо унгача кимдир Юлдузни илиб кетса-чи?

– Ҳаҳ амма-я. Иладиган бўлса, шу пайтгача илиб кетарди. Қўриб-билиб турибман-ку, бу аёл фариштамисол яшашини.

– Майли, кейин кеч бўлиб, аттанг деб қолмасак бўлди, – амма фотиҳага қўл очди...

Хушхабар

Маъсада айтганини қилди – Юлдуз билан борди-келдини йўлга қўйиб, гоҳ ўзи унинг уйига «сизни соғиндим» деб борса, гоҳ Юлдузга қўнифироқ қилиб, шанба, якшанба қишлоққа келинг, илтимос, дея ялиниб чақирап, Юлдузнинг ўзи ҳам бу ҳавоси тоза сўлим қишлоқни, унинг меҳмондўст, меҳнаткаш халқини ёқтириб қолгаи, Маъсада «келинг» деган куниёқ етиб бориб, бир кеча ётиб қолар, ҳатто қўни-қўши nilар тўй-марака қилишса ҳам албатта Юлдузни айттиришар, у ҳам қаъда-қармини қилиб, чақирган хонадонни ҳурматини жойига қўярди.

Хуллас, вақти келиб, Солиҳанинг йил оши берилганда, Юлдуз Ақида амма билан Маъсуданинг ёнида туриб, елиб-югуриб, хизмат қилди.

«Йил оши» ўтгандан икки ҳафта кейин амма акаси билан бақамти ўтириб, Маъсуда билан пишитган режаси ҳақида гап очди.

— Мен Юлдуздан жуда кўп яхшилик кўрдим, уни ҳатто сен қатори синглимдек кўраман, — Самад аканинг кўзла-рига мунг чўқди. — Қизим онасидан кейин анча мунафайиб, чўкиб қолган эди. Шу аёл туфайли гўё яна ҳаётга қайтди. Бу гапни Юлдузга айтсанг, у норози бўлиб, Маъсуда билан борди-келдини йиғиштириб қўйса, қизимга қанчалик оғир бўлишини ўйлайсанми? У яна ёлғизланиб қолади ахир.

— Ака, бу томонини ўйламанг. Юлдуз ҳам ўлгунича сўққабош ўтирмас, кўнглида турмушга чиқиши умиди бордир, ёш ахир. Дангал айтинг, шу жувон сизга ёқадими?

— Ҳа, энди...

— Демак, ёқади. Сиз уйланганингиздан кейин Маъсудани узатамиз. Унгача қизингиз оқ отли шаҳзода келса ҳам сизни ташлаб кетмайди. Унинг ҳам ёши катта бўлиб, тенгқурларидан қолиб кетяпти, ака, шу томонларини ҳам ўйланг.

— Ҳўп.

* * *

Орадан яна бир ой ўтиб, Наврӯз байрами кунида икки ёлғиз, кўнгли кемтик — Юлдуз билан Самад ака қонуний никоҳдан ўтиб, аввал шаҳарда кичиккина тўй қилиб, Юлдуз қишлоқقا олиб келинди, кейин бу ерда ҳам қўни-қўшни чақириб, уларнинг қонуний никоҳлари маълум қилинди.

Юлдуз ишини қишлоқ касалхонасига кўчирди. Тажрибаси бир шифокорницидан кам бўлмаган шириңсўз ҳамширанинг хизматидан ҳамма хурсанд. Самад ака эса

гүё ўн-ўн беш ёшга ёшариб кетгандек. Унинг жисмида-
ги хасталиклар билан бирга қалб дарди ҳам ариди – ав-
валги қувноқ, ишлаб ҳоримайдиган инсонга айланди у.

Маъсуданинг сессияси бошланиб, тўйдан икки ой ўтиб
пойтахтга жўнади. У Юлдузнинг уйини ўз уйидек билиб,
курсдош дугоналаридан бири билан то сессия тугагунча
шу ерда яшаб, ўқишиди. Учинчи курсни аъло баҳолар би-
лан битирган Маъсуда қишлоққа қайтганда, озиб, анча-
гина ранги кетиб, қути учиброқ юрган Юлдуз уни хур-
санд кутиб олди.

– Сизга нима бўлди, касал бўлиб қолдингизми? – фам-
хўрлик билан хавотирланиб сўради у Юлдузни икки ел-
касига қўл ташлаб. – Қани, менга қаранг-чи, кўзларин-
гиз ҳам киртайб кетибди. Нима бўлди?

– Ҳеч нарса, – аёл кўзларини олиб қочиб, жилмайди.
– Ҳаммаси жойида, хавотир олманг.

Кечқурун, кечки овқатдан кейин дадаси тўй бошла-
ган қўшниникига сабзи тўғрага чиқиб кетиб, қийғос гул-
лаган ўрик тагидаги сўрига солинган кўрпачаларда
ўтган-кетганни гаплашиб ўтиришганда, минг истиҳола
билан Юлдуз гап бошлади:

– Маъсудажон, жоним, бир гап айтсам, хафа бўлмай-
сизми?

Чироқ ёруғида янада рангпар, хокисор кўринаётган
аёлга қараб, Маъсуданинг унга раҳми келиши билан
бирга «ҳозир, мен шаҳарга кета қолай, қишлоқда қий-
налиб кетдим» деса-я, деган ўй хаёлидан яшин тезлигига
ўтди ва: – Бемалол, мен сиздан ҳеч қачон хафа бўлма-
ганман, хафа бўлмайман ҳам, – деди унга хавотир билан
қараб. – Айтаверинг.

Юлдуз тарафдудланиб, гуё пайдарпай тўклилаётган
ўрик гулларини тутиб олмоқчидек, бир-иккитасига қўл
узатди, оқ-пуштиранг гулбаргларни кафтига кўйиб, ҳид-
лади.

– Гапирсангиз-чи, – Маъсуда тоқатсизланди. – Ай-
тинг ахир, нима бўлди, қишлоғимиз... дадам ёқмадими?

– Йўғ-е, – Юлдузнинг кўзлари сирли ялтиради. – Жудаям ёқди бу қишлоқ, яхши кўриб қолдим. Дадангиз ҳам ажойиб инсон. Шу... мени биринчи турмушим нима учун бузилганини айтганман-а?

– Айтгансиз.

– Энди... бу гал... хижолат бўляпман. Бўй етган қизи бўла туриб, онаси фарзанд кутса, деб...

– Нима? Сиз... фарзанд кутяпсизми? – Маъсуда ўрнидан туриб кетди. – Ростданми?

Юлдуз сўзсиз бош қимирлатиб, дастурхонга кўз тикканча, бошини эгиб ўтираверди.

– Вой писмиғ-еј, – Маъсуда уни ўтирган жойидан маҳкам қучоқлаб олди. – Индамай юришингизни. Табриклайман, опажон, йўқ, онажоним менинг. Қандай яхши. Раҳмат сизга, менга ука-сингил ҳадя қилмоқчи бўласиз-у, «хафа бўлмайсизми», дейсиз-а. Одам синглиси, укаси туғилса ҳам хафа бўладими? Худога шукр, ёлғиз қиз бўлиб ўтмайдиган бўлдим, шукр.

Икковлон бир-бирини қучоқлашганича, анчагача йиғлаб ўтиришди. Бу – қувонч ёшлари эди.

– Опажон, ўзингизни эҳтиёт қилинг, бундан кейин уй ишларининг ҳаммасини ўзим қиласман. Балки, ишдан ҳам бўшарсиз? Оғирлик қиласин яна? – Маъсуда Юлдузнинг елкаларини силаб, сўради.

– Йўқ, жоним, оғирлик қilmайди. Бунақа пайтда кўпроқ ҳаракат қилиш керак дийишади, – ўгай қизини меҳрибонлигидан кўнгли бўшашиб, кўз ёшлари юзини юваётган Юлдуз йифи аралаш жилмайди.

Тўй

Баҳор оёқлаб, жоноқи олмаларга маза, гилосларга ранг кириб қолди. «Мевали дарахтга тош отилади» деганларидек ўрикларнинг шўри қуриган: бола-бақра кўрингган жойда эгасининг кўзини шамфалат қилиб, ўрик шохига тирмашади, жуда бўлмаса, тош, кесак отади.

Бола – болада, яна ўн беш-йигирма кун сабр қилса, но-
мини айтганда оғиз сув очадиган ғұралар пишиб, стили-
шини кутишга тоқатлари етмайды.

Ана шундай күнларнинг бирида Маъсудага икки ма-
ҳалла наридан совчи келди. Қишлоқда ҳамма Тожиниса
эна деб ҳурмат қиласидиган, ёши тұқсондан ошган бу кам-
пир ҳу, ўша ўзимиз билан Муроднинг катта энаси – ота-
сининг онасининг онаси эди.

Кампир уйга кириб, тұрт қават қилиб солинган күрпа-
чага жойлашиб олгач, обдан дуо қилди. Кейин ҳол-аҳвол
сұрашиб:

– Қани, болам, иккалант ҳам рұпарамга ўтири, – деди
Юлдуз билан Маъсудага. – Менга дастурхон, ош-овқа-
тингнинг кераги йүқ. Эрталаб еган ширгуручим шундоқ-
қина ошқозонимда ҳазм бүлмай ётибди. Гапнинг индал-
лоси, мен совчи бүлиб келдим.

Пойгакда ўтирган Маъсуда қизариб, ўрнидан турмоқ-
чи бүлганди, кампир яна «ўтири деяпман» деб буюрди.

– Муродимнинг онаси «шу боламни уйланганини
күрмадим» деб күзи очиқ кетди. Мурод ҳозир, биласан,
институтни битириб, фермага инженер бүлиб ишляяпти.
Шу боламнинг бошини икки қилмай, ўлиб кетаманми,
деб менинг ҳам жоним ҳалак. У бүлса, у қизни у дейди,
бунисини бу. Тенгқурлари икки-учтадан болали бүлди.
Бу эса... Мен ҳам ўлиб кетсам, бу бола сұққабош қола-
верадими? Шунга, ке шу қизда чеварамнинг күнгли бор
деб эшиттандым, бир борай, дедим. Эрталаб айтсам, ўзин-
гиз биласиз деди-ю, ишга жұнади. Шунга, ҳассамни
дүққиллатиб, ковушимни судраб келавердим, – кампир
рұпаратасида ерга қараб ўтирган Маъсудага қаради. – Бо-
ламни яхши биласан, жон қизим. Яна бир күриш, гап-
лаш. Ота-боболаримиз «ёшликда берган күнгил айрил-
мас бало бүлур» деб бекорга айтишмаган. Тақдир насиб
бүлса, зора сенларнинг түйингни күриб, кейин бемалол
оёғимни узатсам. – У Юлдузга сұз қотди: – Сиз ҳали Са-
мадбой келганды, менинг мақсадимни тушунтириңг. Бир

қишлоқ одамларимиз, бир-биримизнинг баланд пастимизни яхши биламиз. Мен эрта ўтиб индии хабар оламан. Муродбегим ҳам кечроқ, ишдан қайтища сен билан гаплашиб кетади. .

Кампир фотиҳага қўл очди.

* * *

Орадан бир ой ўтиб, Мурод билан Маъсуданинг тўйи бўлди. Маъсуда «Муродга тегмайман» деб тихирлик қилган эди, қўшни аёл Ойниса хола: – Болам, кейинини ўйла. Шу бола билан бир пайтлар гап-сўз бўлгансан, бу-умрбод пешонангга тамға бўлиб қолган. Бошқа бировга тегиб, ҳа деса «эсингдами?» дея таъна-маломат ичидагашадан, шу йигитга тегиб, тинч-тотув яша. Сени яхши кўрганидан у бечора ҳам шунча йилдан буён уйланмай юрибди дея, насиҳат қилди.

Ёр-ёр садолари остида оппоқ кийинган Маъсудани ясатилган уйга олиб киришди. Хотин-халажнинг қийчуви остида бошидан сочқи сочиб, чимилдиққа олиб киришди. Фотиҳа ўқилиб, хонанинг тўрт томонига солинган янги кўрпачаларда ўтирганлар – қиз томондан келган меҳмонларнинг қўлига сув қўйилиб, кетидан тутатиб, исириқ солинди. Катта эна чиройли тилаклар билан дуо қилди ва нон синдириб, меҳмонларни еб-ичишга унгади. Кичкинагина, жимжимали чойнакларда чой киритилаётганини кўрган эна: – Ҳой, қанақа одамсанлар? Шу ҳам чойнакми? Каттакатта хум чойнакларда аччиқ-аччиқ чой опкирларинг, меҳмонлар тўйиб ичсин, – дея катта келинларидан бирини койиб ҳам қўйди.

Суюқ-қуюқ овқатлар тортилиб, еб-ичилгандан кейин ўйин-кулги авжига чиқди. Аёллар дастурхонларнинг четини қайириб, ноз-неъматларнинг устига ёпишганича, шу ернинг ўзидаёқ ўйинни бошлаб юборишиди. Қиз томондан Ойниса хола, йигит томондан Тожиниса эна ҳатто ёшларга ҳам гал бермай, басма-басига

лапар айтиб, куни кеча лўлилардан сотиб олинган чирмандани дапира-дупир чалишар, унга сайин қизжувонлар қий-чув билан бир-бирларини тортиб, ўйин тушишарди.

Бир пайт Тожиниса эна чирманда, Ойниса хола патнис чалиб, паст, босиқ овозда қўшиқ бошлишди. Уларнинг қўшиқларини ҳамма жим бўлиб, тинглай бошлади.

Тожиниса эна:

*Мен бу ерга келмас эдим,
ёра келтирди мени.
Ўтга солса, ёнмас эдим,
ёра куйдирди мени...*

Ойниса хола:

*Қаро мурт, қаро отлиқ
Мени кўргони келдингму?
Қалбда ўчган ўтларимни
Яна ёққони келдингму?..*

Чимилдиқ ичида Маъсуда пиқ-пиқ йифламоқда. Унинг янгаси – Ойниса холанинг дўмбоққина келини Лобархон юпата олмай ҳалак. – Нима бўлди, нига йифлайсиз, ахир? – тажанглиги ошади унинг. – Қиз бола ота-онаси-нинг бошига ёстиқ бўлиб ўтиб кетмайди, биласизку? Туппа-тузук ўтирган қизнинг йифисини...

– Оҳ, янгажон, қалбимдагиларни сиз қаердан билардингиз? Онажоним, онам уйда бирон юмуш қилиб юрганда ҳам, ҳовлида гулу райҳонларга қараб юрганларида ҳам шу қўшиқларни хиргойи қилиб юрадилар. Ҳозир гўё онажоним келиб, айтятти бу қўшиқни. Ёлғиз қизини тўйини кўрмаган онам, қуда бўлиб, тўрда ўтира олмаган онам...

Маъсуда бу гапларни сиртига чиқара олмайди. Сабаби, ёнгинасида, шундоқ чимилдиқ ташқарисида Юлдуз

опаси – онаси ўтирибди. Унинг дили оғришини истамайди, унга озор етиши керак эмас.

Ниҳоят келин ўтирган хонадан меҳмонлар қўшни хонага ўтишди. Кетадиганлар кетиб, қоладиганлар қолгач, Муроднинг янгаси бошлиқ қиз-жувонлар дастурхонларни йиғишишиб, гилам устини супурги теккизмай, қўллари билан сидириб, тозалаб олишди. Баланд қилиб келинкуёв учун ўрин солингач, яна хотин-халажнинг пичирпичири бошланди.

– Қани, «туғди-туғди»сига ким тайёр? – сўради Лобар янга кулиб.

– Мана, мен-да, ўргилай, – Тожиниса эна ўрин устига «бисмилло» деб чиқиб олди. – Илоҳо омин, икки ёш қўша қариб, серфарзанд, сердавлат бўлсин! Бахтли бўлишсин! Менинг ёшимдан ҳам ошиб, менга ўхшаб, беш ўғил, беш қиз кўришсин! Невара, чевара, эвараларнинг тўйларини кўришсин, баҳтли бўлишсин, омин! – Эна ўринда бир-икки думалаб жим ётаверди.

Ҳамма «омин» дея дуо қилиб, қўлларини кўтаришди.

– Ҳой, туғди-туғди, келин туғди, – шанғиллади Ойниса хола ҳаммани кулдириб. – Суюнчисини олиб келинг.

– Нима туғди, нима? –чувиллашди аёллар.

– Эгизак! Ҳасан-Ҳусан, қани суюнчи?

– Мана, холажон, мана, суюнчи сиздан айлансин! – мезбон келинлардан бири бир кийим ялтироқ матони унинг елкасига ташлади.

– Ҳо, бекор айтибсиз! Эгизак ўғилга бу кам! – хола ноз қилди.

– Хўп, мана, яна биттаси, – келин яна бир кийим мато узатди. – Етар?

– Автобус пули-чи?

– Мана, – келин чўнтагидан бир тутам пул олиб узатди. – Бўлдими?

– Бўлди, бўлди, туринг она, – хола ҳамон жимгина ётган катта энани туртди. – Мана, иккаламиз бўламиз. Туринг.

Катта эна қилт этмай, ётаверди.

– Нима бало, келинлигингиз эсингизга тушиб, ётиб-сизми? Туринг, жойни бүшатинг, – Ойниса хола шундай деб катта энанинг қўлидан тортмоқчи бўлди – кучи етмади. Қўйиб юборган эди қўл «таи» этиб, жойига тушди.

– Вой ўлай, катта эна, сизга нима бўлди? – бояги мато, пул берган келин кампирнинг бошига эгилди. – Эна, энажон, қўзингизни очинг, қўрқитманг, эна, – у оҳиста кампирнинг юзини ўзига қаратди. Унинг оғзининг четидан оқиб тушган бир исча томчи қон оппоқ чойшабга қоришиб турар, катта эна жонсиз ётарди...

Йўқотиш ва топиш

Орадан беш йил ўтди.

Маъсуданинг ҳам, Муроднинг ҳам сочларига оқ оралади, айниқса, Маъсуда ҳаёт ташвишларидан ўзини анча олдириб, қўзлари, оғзининг атрофини ажин босди, қўзларининг остида халтачага ўхшаш нарсалар пайдо бўлди. У ўқишини битириб, олий маълумотли педагог сифатида ҳамон мактабда ишлар, ёмон томони – ҳомиладор бўлгач, ҳомиласи 5-6 ҳатто етти ойлик бўлганда ҳам тушиб қолар – боласи йўқ эди. Мурод уни қанча юпатмасин, дўхтиру табибларга кўрсатмасин, нафи бўлмади. Шундан кейин у ҳам даладан, ишдан бери келмасликка, хотинининг доим маҳзун қиёфасини кўрмасликка ҳаракат қила бошлиди.

Юлдуз эса тўнғичига Ҳасан-Зуҳра туғиб, ҳамманинг оғзига тушди. Ҳатто Тошкентда, ажрашиб кетган собиқ эрининг қариндошлари ҳам бу гапни эшишиб, бармоқ тишлаб қолишибди. Чунки фарзандсизликда ҳамма айб Юлдузга қўйилган эди-да. Орадан икки йил ўтиб, Яратган Юлдуз ва Самад акага яна Фотима – Ҳусан берди. Улар бир ярим ёшга этиб-етмай, у

учинчи марта фарзандли бўлди. Ҳартугул, буниси битта ўғил. – Бўлди, – деди Самад ака кулиб. – Энди бошқа туфма. Жа, тувишни ўрганиб олдим деб, а?

Юлдуз эса ҳар гал ҳомилали бўлганда Маъсудага ҳам фарзанд сўрайди, берганинг вақти-соати билан туғилсин, деб Худога илтижо қиласи. Фойдасиз.

Маъсуда ўқиши битириб, ишлаб юрган кезлари туман марказида ҳамширалар мактаби очилди. У ушбу мактабни ҳам битириб, бинойидек ҳамшира бўлди. Билмаганини Юлдуз опасидан ўрганди.

Бир куни оёқда тура олмайдиган даражада ичиб, маст бўлиб келган Мурод хотинига ичидаги бор гапини тўкиб солди. Битта болани эплаб туғолмайсан, қаердан ҳам сенга уйландим. Уйланмасам, энам ҳам ўлмасди, деган гапларни гапириб, ҳўнграб, йиглай-йиглай ухлаб қолди.

Тонг отмасдан йўлга чиққан Маъсуда то кун ёриш-гунга қадар уйларининг ортидаги боғда ўтирди. Кейин уйга кириб, бўлган гапни отаси ва Юлдуз опасига айтди ва: – Мен уйга қайтиб бормайман, Мурод билан ажрашаман, – деди қатъий.

Эртаси пешинга яқин афт-ангори шишиб кетган Мурод хотинини йўқлаб келди. Самад ака уни ҳовлидаги сўрига ўтқазиб, очиқчасига «икковинг ҳам умрингни беҳуда ўтказма, ажраш» деганда Мурод кўзиға ёш олиб, қасам ичиб, иккинчи ичкиликни оғзига олмаслигини, кечиришларини сўраб, ялинди. Унга ҳатто Самад аканинг ҳам раҳми келиб кетди, бироқ Маъсуда:

– Умрбод «қаердан ҳам шунга уйландим. Уйланмасам, балки энам ўлмасмиди» деб афсусда ўтгандан, узил-кесил ажрашамиз, – деди. – Мен сизга тўғаноқ бўлиб яшай олмайман.

Муроднинг отаси, қариндошлари неча марта кечирим сўраб келишди, ёшларни яратирмоқчи бўлишди – Маъсуда унамади. Аксинча, никоҳларини бекор

қилишларини сұраб, ариза берди. Муроддан қонуний ажрашгандан кейин эса:

— Опа, бу ерларда яшагим келмай қолди, — деди йифлаб. — Худди ҳамма менга құлини бигиз қилиб күрсата-ётганга үхшайди. Узоқларга бош олиб кеттим келяпти...

Шундан кейин эр-хотин маслағатлашиб, Маъсудани пойтахтга, Юлдузнинг ҳувиллаб ётган уйига олиб бориб қўйишадиган бўлди.

— Мудир Ольга Михайловна билан гаплашиб, ўша, сиз даволанган касалхонага ишга жойлаштириб қўяман, — деди кенжатойини эмизиб ўтирган Юлдуз. — Ўша ерда ўзи тенги қўшни қизлар, касалхонада ишлайдиган, Маъсудани танийдиган ҳамширалар кўп. Ишлаб, овунади, биронтасини бирга яшашга кўндираман.

Маъсуда Юлдузнинг таклифини жон деб қабул қилди. Касалхонага ишга кириб, шанба-якшанба кунлари қишлоққа, ота-онаси, ука-сингилларининг ёнига бориб, бир кеча ётиб келишни канда қилмади. У, айниқса, ука-сингилларини соғинар, баъзан соғинчдан юраги ўртаниб, ҳамма нарсани, ҳатто ишни ҳам ташлаб, уйга жўнаб қолгиси келар, фақат иш олдидаги масъулиятгина уни тутиб қоларди.

Касалхонада ишлаётганининг иккинчи йили бирга ишлайдиган, доим маъюс юрадиган, бошқаларга нисбатан билим, тажрибаси билан ажралиб турадиган, баланд бўйли, қоп-қора жингалак сочли жарроҳ — қирқ ёшлардаги Амир Усмонович у билан ҳовлидаги ўриндиқда як-кама-якка гаплашиб, кўнглидагини изҳор қилди. Маълум бўлишича, у олдин ўқишини битириб, кейин фан номзодлигини ҳимоя қилиб, ёши ўттиздан ошганда уйланибди. Орадан икки йил ўтиб, ўзидан ўн ёш кичик рафиқаси ҳали ёшига ҳам тўлмаган ўғилчасини ташлаб, «биринчи муҳаббати» билан қочиб кетибди.

— Ҳозир ўғлим беш ёшда, — ҳикоясини давом эттирди Амир Усмонович. — Ҳар гал онасини сўраганда, нима

қилишимни, нима дейишимни билмай қоламан. Онамга ҳам қийин бўлди. Кексайганларида набира боқишининг ўзи бўлмайди. У киши ҳам «тезроқ уйлан, бир оёғим гўрда...» деганлари деган. Гоҳ онам, гоҳ она-сингил, янгаларим рафиқаликка номзод топиб келишади. Нима қиласай, юрагим «жизз» этмайди. Сиз келганингиздан кейин... Тўғриси, келганингиздан буён сизни зимдан кузатаман. Ўзимга ўзим нима учун бу қизни олдинроқ кўрмаганман деб сўрайман. Онам, сингилларим келиб, сизни кўриб, суриштириб кетишиди. Хуллас, ҳар томонлама идеал қиз дейишиди. Рози бўлсангиз – тўй қилалими. Фақат дарҳол жавоб берманг, майли, кутаман.

Бир ҳафгадан кейин Амир Усмонович ундан жавоб сўради. Маъсуда, «Билмасам, ота-онам билишади» деди қизарганича, ерга қараб.

Совчилар қишлоққа учинчи боришганда «оқ ўраб» қайтишиди...

– Маъсудажон, жоним болам, унинг фарзандига – Давронбекка оналик меҳрингни бергин, – тўйдан олдин Юлдуз Маъсудага қайта-қайта таъйинлади. – Ўгайлик қилмагин. Мана, мени кўрдингку, сенга меҳр бериб, бир этак болали бўлдим. Худо хоҳласа, сен ҳам қатор-қатор фарзандли бўласан, баҳтли бўласан, қизим. У инсон – жуда яхши, одамнинг қадрини биладиган инсон. Сен ҳам унинг қадрига ет.

Маъсуда шундай қилди. Шу хонадонга келин бўлиб келган биринчи куниданоқ бувисининг бағрида истималаб ётган Давронни «болам» деб бағрига олди. Рўзгор ишини ҳам, касалхонадаги ишини ҳам тахт тиндириди. Қайн уруғининг меҳрини, ҳурматини қозонди. Қайнонасини ўз онасидек билди. Сарашта, чаққон ва тили ширин келин сифатида маҳаллада ном қозонди. Ҳатто «узатиладиган синглингиз йўқми? » деб ҳавас билан сўраганлар ҳам бўлди.

Маъсуда Амир Усмонович билан турмуш қурганинг иккинчи йили Қудратни, яна икки йил ўтиб Мади-

на қизини дунёга келтирди. Уч болага бирдек оналик меҳрини бериб, улғайтирди. Орада қайноаси ундан мингдан-минг рози бўлиб, қазо қилди. Эломон – қайн уруғларидан олис қишлоқда яшайдиганларининг бири нинг ўғли.

Маъсада Меҳрибон кампирнинг жаҳл устида айтган ўша гапларини унутиб юборганман, деб ўзини ишонтиришга ҳаракат қиласди. Аммо бу гаплар баъзи-баъзида ўзини эслатиб-эслатиб қўяди. Ҳатто бир гал қишлоққа борганда анча кексайиб қолган отасига шу ҳақда гапириб, «Ўша кампирга атаб, битта қўй сўйиб худойи қилсанм » дея бир неча тахлам пул бериб, худойи қилдирди ҳам. Лекин «кўнгил – душман» деганларидаи, барабири, баъзида кўнгли хижил бўлади. Эломоннинг гапини эшитиб, ранжигани ҳам шундан.

Уйда

– Ота, бу йил ҳам омадим келмади, – эрта тонгда уйга кириб келган Эломон ҳовлида ўроқ қайраётган отасининг ёнига бориб, сўрашди ва бор гапни айтди.
– Далада ишлаб турай, кузда ҳарбий хизматга кетаман.

– Яхши бўлмабди, – Қодир ота бош чайқади,
– болам, иш-иш деб, чамамда, яхши тайёргарлик кўролмаяпсан-ов.

– Ота, қизиқсиз-а, – Эломон қизишиди, – «кўкишга киришим керак» деб ҳамма нарсани йифишириб, китоб ўқимайман-ку? Вақт топиб, тайёрла-наяпман. Бу йил ҳам киролмаган бўлсан, ҳарбийдан келиб, албатта кираман, ота. Ўқийман.

– Ниятингга ет, болам. Бу, онанг шу йил уйлайлик, келиш келиб, қўлимдан ишимни олсин, деб мени ҳоли жонимга қўймаяпти-ку? Бу ёфи қандай бўлади?

– Кейин, ота, кейин. Ҳозирча уйланиш ниятим йўқ.

– Ҳо, нега уйланмас экансиз? – томорқага боғланган сигирни соғиб, бир чепак сутни кўтариб келаётган Гав-

ҳар опа ўғлининг охирги гапларини эшитиб, чимирилди. – Шундай уйлангинки, ўзинг билмай қолгин.

Эломон илдам бориб, онаси билан кўришди ва сут тўла чепакни қўлига олди.

– Сен уйланишни пайсалга соласан, – бу ёқда ука-
ларинг бўй чўзиб келаяпти, – она мавзуни давом эт-
тирди. – Биз ҳам тўй қилиб, элга ош берайлик-да, бо-
лам.

– Укаларим шошиб қолган бўлса – йўл очиқ. Менга
қарамай, уйланишаверсин.

– Ҳой, нонуштанг тайёр бўлдими? – Отаси баҳсга чек
қўйиш учун гап қўшди. – Ё нонуштасиз далага кетаве-
райликми?

Гавҳар опа зумда дастурхон ёзиб, эрталаб ёпилган,
ҳали совумаган нонларни келтириб қўйди. Унинг орти-
дан қаймоқ, мураббо, новвот, қайнатилган тухум, турли
мевалар дастурхондан жой олди. Эломон хум чойнак-
ка аччиққина чой дамлаб, келди.

– Анави дангасаларингни уйғот, ўтириб, бирга но-
нушта қилсин, – ота хотинига буюрди. – Кейин далага
боришади. Бугун беда ўримига тушамиз...

Одатдаги оддий қишлоқ ҳаёти бошланди...

«Илик» тўй

Қишлоқда дув-дув гап. Нима эмиш, Илҳом Робияга
уйланаётган эмиш. Тавба, Робия билан амакисининг
ўғли Эломон неча йиллардан бўён «юриши»ни била
туриб, Илҳом қандай қилиб бу қизга уйланаркин? Қарин-
дош-уруғчилик нима бўлади?

– Бу гапни бир марта айтдинг, иккинчи марта оғ-
зингга олма, – ўғлига важоҳат билан ўқрайиб деди
Инъом ака. – Қиз уруғи қаҳат бўлган тақдирда ҳам
сенга бу қизни олиб бермайман.

– Нима учун, ота? – йиғламсиради Илҳом. – Унинг
бирир касали борми?

– Бунисини билмадим, лекин уни укамнинг боласи билан суйкалишиб турганини неча марта кўрганман, билдингми? Оринг борми сенинг? Ким-кимдан қолган сарқитни ҳам «қиз» деб, олаверасанми? – Отанинг баттар жаҳли чиқди. – Қишлоқда у ҳақда ҳамма билади. Эрта бир куни юзингга соладиганлар ҳам топилади. Кейин қайси юз билан «йигитман» деб юрасан? Бу ёгини ўйлайсанми?

Илҳом индолмай қолди. Чунки бу томонини, тўғриси, ўйламаган, аксинча, «юрган қизини олдириб, шалпайиб қолди» деб Эломон кулги бўлади, деб ўйлаганди. Энди билса, калтакнинг йўғонроқ учи ўзининг бошига ҳам келиб тегаркан.

– Она, она бўлиб, ҳеч бўлмаса, сиз мени тушунинг, – Илҳом отасидан баттар тўнини терс кийиб олган онаси Меҳри опага ялинди. – Она, ахир, уйланмасам бўлмайди энди.

– Ҳа, нима бало, бузиб қўйдингми? – дангалига кўчди она. – Ё қорни қаппайиб...

– Ҳа, буздим, қорни қаппайган, уч ойлик ҳомиласи бор, – Илҳом бидирлади. – Майли, тўй қилиб берманглар, шундай ҳам яшайверамиз.

– Вой, жувонмарг! – она бошини чангллади. – Ҳали ўқияпти десам...

– Ўқиётганлар одам эмасми?

– Тур-е, юзиз, бети йўқ. Шуми кўрсатган кароматинг? – она юрагини ушлаб, ўтириб қолди...

Сентябрнинг охирида илиқ ошдек тўйча бўлиб ўтди. Робиянинг онаси «жувоннинг тўйи ҳам шунчалик бўлмайди» деб, Робиянинг бошига муштлаб, йиглади. Кўнмай илож йўқ – ғишт қолипдан кўчган эди.

Тақдир тақозоси

Илҳом ўқишини битириб, қишлоқقا қайтди. Ўзи билан ўқиши аро йўлда қолиб кетган, озиб-тўзиб, устихонга

айланган Робияни ҳам олиб қайтди. Робия қишида ҳомиласини йўқотган, ўшандан буён ўнглана олмаётган эмиш. Устига устак Илҳом «шу бола олдинроқ тушганда, сенга уйланмасдан, ота-онаси бақувват бирортасини тонардим» дебди.

Тақдир тақозоси билан ҳар куни Илҳом эргалаб ишга кетаётганда Эломонларнинг уйи ёнидан ўтади. Бу ҳам майли, Робия туз, гугурт, совун.. каби майда чуйда, лекин рўзғор учун зарур маҳсулотларни сотиб олиш учун ҳам айнан Эломонларнинг уйи ёнидан ўтишга мажбур. Кейинги пайтларда ҳар куни бир «байрам» топилиб, ичиб келадиган Илҳом худди терговчига ўхшайди: –Бугун қаерга бординг? Нима учун бординг? «Анави»ни кўрдингми, гаплашдингми ва ҳоказо. Жувон ҳар куни ана шундай сўроққа, ҳатто тўсатдан тушиб қоладиган мушт зарбларига дучор.

– Ахир, сиз мени кўриб-билиб олгансиз-ку, нега бунча қийнайсиз? – деб йифлайди баъзан у.

– Ҳа-а, албатта, кўриб-билиб олганиман. Яъни Эломоннинг тиззасида, бўйнидан қучоқлаб ўтирганингни, уни дуч келган жойидан ўпганларингни кўрганиман, – дейди Илҳом масхара қилиб, – «Акажон» деб биланлаганингни кўрганиман.

– Нега, нега мени йўлдан урдингиз унда? Кўриб-билиб туриб?

– Атайдан. Қани, қишлоқда шарманда бўлган қиз амакиваччамга арзирмикан, деб синадим.

– Унда, нега менга уйландингиз?

– Мен Эломонга ўхшаган номард эмасман. Қоринингни қаппайтирдимми-жавобини ҳам ўзим бераман. Ҳали ҳам кеч эмас. Эломоннинг бўйнига осилиб, «акажо-он» десанг, ҳаммасини кечиради.

Шундан кейин қий-чув, тўполон бошланади. Илҳом қўлини, Робия тилини тиймайди. Робиянинг бўйида бўлаверади: ҳали дўконга чиққани, ҳали Эломоннинг уйидаги ёки унинг қўшнисиникидаги бирор йўриқقا боргани

учун нақд қорнига тепки еб, боласи тушаверади. Касалхонадагилар бу жувоннинг ҳали бадани, ҳали башараси моматалоқ бўлиб, ҳомиласи тушишига ўрганиб ҳам кетишган. Қизифи, Робияни гоҳ сигир «сузиб», гоҳ нарвондан «йиқилиб» афт-ангари кўкариб, боласи тушиши унинг на қайнона-қайнотасини, на ота-онасини қизиқтирад, у гўё бир кимсасиз, ташландиқ аёлга ўхшарди.

Охири пичоқ бориб, суккака тақалди.

– Мен бошқа чидай олмайман, – деди бир куни Робия эрига тик қараб. – Сиз мени кўриб, билиб олгансиз. Мен сизни йўлдан урмаганман. Сиз мени алдаб-алдаб, Эломонни ёмонлаб, охир-оқибат номусимга тегиб, уйлангансиз...

– Ие, сенда номус бормиди? – масхара қилди Илҳом. – Номусингни Эломоннинг тиззасида ўтириб, йўқотиб бўлган эдинг, шекилли?

– Шуларни билиб туриб, сиз мени йўлдан урдингиз. Мен кетаман. Сиз билан яшай олмайман. Сиз одам эмас, иблиссиз. Лекин, айтиб қўяй: қорнимда икки ойлик гумонам бор. Менга қўл теккизишига, яна боламга шикаст стказишингизга йўл кўймайман. Мен бу болани дунёга келтираман, сизга нисбатан жон, қон душмани тарзида тарбиялайман. У шунча йилдан бўён менга берган азобларингиз учун ўч олади!

Робия қора сумкаласини билагига илди-да, эшикни қарсиллатиб ёпиб, чиқиб кетди.

Илҳом унинг ортидан ҳайрат билан анграйиб қараб қолди...

Набира

«Робия шаҳардаги ижара уйида яшаб, ўғил туқсанмиш. Уйнинг эгаси бўлган аёл уни туфруқхонада «қизим» деб расмийлаштирибди экан. Робиянинг боласи, кўндаланг келиб, қорнини ёриб олишибди».

Қишлоқда кундан-кунга кенг ёйилиб, тарқалиб бораётган миш-мишларнинг охири: «Мард бўлиб, амаки-

ваччанғ севган қизни йўлдан урдинг. Энди номард бўлиб, нима учун ундан, болаигдан хабар олмаяпсан?» деган гапга келиб тақаларди.

– Болам, элимизда «султон суягини хўрламас» деган гап бор, – деди инқиллаб, ўрин-кўрпа қилиб ётган она. – Бир марта-ку Робияга уйланив, элга шарманда, қариндошируғдан мосуво қилдинг. Энди, қанақа отасанки, фарзандинг туғилса-ю сен бу ерда кайф-сафо қилиб юрсанг. Эл ичида бош кўтаролмай қолдик-ку, сен туфайли...

– Нима қиласай, нима кил дейсиз? – бўғилди Илҳом. – Ҳали, унга уйланма деб дод-фарёд соласизлар. Энди «фарзандинг- фарзандинг» деб фифон чекасизлар? Туғилса туғилар, ота керак бўлса, бир куни топиб келади ўша бола.

– Тур-е, турқинг қурсин, – агар она бемор бўлмаганди, ҳозир ўғлини қўлига илинган нарса билан уриб, бошини ёради. – Шунчалик, ҳам бемеҳр бўласанми? Хотининг ёмон бўлса, болангда нима айб? Бор, жувонмарг, бориб хотинингдан, болангдан хабар ол, иложи бўлса, уларни уйга олиб кел. Ўлар чоғим мен ҳам ҳеч бўлмаса, набирамни бир кўрай, – она ҳўнграб йиғлай бошлади.

Шу куниёқ Илҳомнинг пойтахтга сафарига тадорик кўрила бошланди. Унинг синглиси «қуда холаси»ни авраб, Робия янга ётган узоқ қариидошлирининг манзилини билиб келди. Келин, чақалоқ учун сарно-суруқ, мева-чевалар тайёрланди. Эрта азоида Илҳом тутун-терсакларни кўтариб, пойтахтга борадиган автобусга чиқиб, жойлашиди.

Робиянинг узоқ қариндошининг уйини топиб келганди, тунги соат тўққиздан ошган, йўлда овқатланишини кўнгли тусамаган Илҳомнинг очликдан силласи қуриб бормоқда эди.

Эшикни ўрта ёшдаги паст бўйли, тўлагина аёл очди.

Илҳом салом бериб, ўзини кимлигини таништирганда, аёл йўқотган одамини тонгандек қувониб, уни елкаларига қоқиб, кутиб олди ва ичкарига қараб:

— Асик (яъни Асадулла), бу ёққа чиқ, ким келганини күр, — дея қичқирди. Ичкари уйдан бўйи ҳаддан ташқари узун, озғин, чумчуқбош, кўз ойнак тақсан йигит чиқиб келди ва Илҳомга бошдан оёқ синчиклаб қаради.

— Асик, таниш, папаша, яъни янги туғилган ўғил боланинг отаси, Раечкани эри, — шанғиллади қувончи ичиға сиғмаган аёл. — Мен айтдим Раечкага, у албатта, келлади, дедим. У эса ишонмади. Хўш, нималар олиб келдингиз? — аёл кўз илғамас чакқонлик билан сумкаларни очиб, уларнинг ичидағи егуликларни дарҳол стол устига тера бошлади, — Ие, золотой, спиртной йўқ-ку? Чақалоқни қандай ювамиз? Ну, ладно, сиз Асикка пул беринг, нариги кварталдан топиб келади.

Илҳом беихтиёр чўнтағини кавлаб, бир тахлам беш юз сўмлик олди. Аёл уни чаққон тортиб олиб, Асикка узатди ва:

— Спиртное, колбаса капчёная, пишлоқ, напиткалар, — дея бидирлай кетди, — фанта олиш эсдан чиқмасин.

Орадан ярим соат ўтиб, зал аталмиш чоғроққина меҳмонхонада тўкин дастурхон тузалиб, пайдар-пай қадаҳ кўтарила бошланди. Бунга Сакинахоним ташаббускор, ўзи қадаҳларни тўлдириб, ўзи биринчи бўлиб қадаҳ кўтараарди.

Учинчи ё тўртингчи қадаҳдан кейин кўзи юмилиб кетаётган Асик ўз хонасига кириб кетди. Илҳом онаси тенгти аёл билан улфатчилик қилиб, яна қанча ўтириди — эсида йўқ. Охири у аёлга «йўлда чарчаганини» айтиб, охирги қадаҳни кўтаришди. Аёл уни қўлтиғига кириб, суюб энг четдаги кичик хонага етаклаб олиб борди ва:

— Ну — Раечкани, демак, кичкинтоини, унинг адасининг ҳам хонаси. Бемалол дам олинг, — дея негадир Илҳомнинг чаккасидан бўса олиб хайрлашиди ва гандираклаганича, ўз хонаси томон йўл олди.

«Топилдиқ»

Тонгданоқ эшик қўнғирогининг устма-уст жиринглаши Сакина хонимнинг уйқусини бузди. У «сут, қатиқ сотадиганлардир-да» дея бир оз индамай ётди. Қўнғироқ овози тинавермагач, ўрнидан туриб, пахмоқ сочларига қисқич қадади. Елкасига халатини, оёғига шиппагини илиб, эшик ёнига борди ва шарақ-шуруқ билан қўшалоқ қулфни, кейин эшикни очди. Қаршисида ҳовлини супуриб юрадиган қўшни аёл – фарроши кўриб, жаҳли чиққанини яширмасдан:

– Хўш, – деди энсаси қотиб. – Нима гап?

Фаррош аёл унинг афт-ангари, кайфиятига эътибор бермади ва: – Қўшни, уйнингизда меҳмон борми? – деб сўради ҳовлиқиб.

– Қанақа меҳмон? – мезбоннинг энсаси қотди.

– Бир йигит...

– Ҳа, бор, анави хонада ухлаб ётиди, – аёлнинг қошлиари баттарроқ чимирилди. – Уйғотайми? Сизга керакми?

– Йўқ, керак эмас. Фақат, бир қараб қўйинг. Пастда, буталар орасида бир йигит ётиди. Мабодо...

Уйқуси шу заҳоти очилган Сакина хоним шошилиб бориб, Илҳом ётган хонанинг эшигини очди: фижимланган чойшаб бир томонда, ёстиқ бир томонда. Ўрин бўш, дераза табақаси очиқ.

– Вой шўрим!

Аёл бошини чангллаганча, стулга ўтириб қолди...

* * *

Илҳом кайфи тарақ ҳолда ёчинмасдан ҳам ўринга ўзини ташлади. Оёқ-қўлини чўзиб, бирпас роҳатланиб ётган ҳам эдики, қаршисида бир мункиллаган кампир пайдо бўлди. У зўр бериб, узун, қинғир-қийшиқ бармоқларида қандайдир калитни айлантирас, айланниш тезлашгани сайин Илҳомнинг кўнгли айниб, безовта бўлар, кўнгил айнини, ўқчигиси келар эди.

– Эна, нега ундаи қиляпсиз? – ғўлдирай бошлади Илҳом. – Ундаи қилманг, менинг кўнглим айниятни, – у бир оз жим қолди, кейин: – Нима? Кимни айтяпсиз? Робияними? У менга текканда бокира эди. Аҳмоқ-да. Нима? Мен аҳмоқми? Мен сенга кўрсатиб қўйман ким аҳмоқлигини.

Илҳом кампирнинг қоқ сувак қўлидан, пахмоқ сочларидан ушлашга ҳаракат қилас, лекин у тутқич бермай калитни айлантиргани айлантирган эди.

Шу тариқа ярим кечада бўлди. Тоиг оқара бошлади. Кампир билан олишувдан ҳарсиллаб қолган Илҳом охири ўзини тута олмади: ичдан куч билан чиқаётган нарсани қусиши учун ўзини ёруғ тушиб турган томонга урди. Бир марта куч билан ўқчили, икки марта уч... ўқчиқ кучидан унинг оёқлари ердан узилиб, гавдаси дераза ромида тарозининг посангиси каби бир муддат чайқалиб турди, кейин... кейинги ўқчиқдан боши оғирлик қилдими пастга қараб, шувиллаб учиб кетди...

Илҳомнинг бешинчи қаватдан йиқилиб ўлганига оид жиноят иши билан унинг ҳамқишлоғи капитан Эломон Пўлатов шуғулланди. Робия уни кўриб, ўзини унинг қучофига ташлашдан аранг тийиб, юзини ўғлининг йўргагига босганича, йиғлайверди. Эломон эса уни биринчи марта кўриб тургандек фирт бегона нигоҳ, бегона овоз билан мурожаат қилди.

Суриштирув – тергов ишларидан маълум бўлишича, Илҳомнинг ўлими баҳтсиз ҳодиса туфайли юз берган, бунда ҳеч кимнинг айби йўқ экан... Робиянинг хаёлида эса бу – тасодиф эмас, неча марта дунё юзини кўрмай, она қорнидаёт ўлимга маҳкум қилинган болаларининг ўчи сифатида Аллоҳнинг Илҳомга берган жазоси эди...

МЕХР

КҮЗДА

Меҳр кўзда

...Тўй ярим кечагача давом этди. Кеч қузгача далада икки букилиб, меҳнат қилган қишлоқ аҳли ҳам тўй базмини, хурсандчиликни соғиниб қолган экан, шекилли, тўйга айтилган ҳам, айтилмаган ҳам келиб, етти ёшдан етмиш ёшгача дегандек, ёшу қари роса базм қилишди. Хуллас, Фозил аканинг ёлғиз ўғли Фотиҳжоннинг тўйи қишлоқ аҳлининг ёдидан узоқ йиллар чиқмайдиган бўлди. У яна шуниси билан эсда қолдики... базм тугаб, келинкуёв чимилдиққа кириши билан ички ишлар ходимлари келиб, куёвни чақиришди ва ўзлари билан олиб кетишди.

Кейинчалик маълум бўлишича, Фотиҳ – тиниб-тинчимас, текканга тегиб, тегмаганга кесак отиб юрадиган йигит, тўйдан икки-уч кун олдин туманда енгилтаклиги билан номи чиққан Оля исмли «қиз» билан ош-қатиқ бўлиб, «севишиб» қолган экан.

– Мана шу, шу ярамас менинг номусимга теккан, – бақириб кетди, икки-уч ходим қуршовида хонага олиб кирилган куёвлик либосидаги Фотиҳни кўрган Оля. Унинг афт-ангорига қараб бўлmas: оғзи-бурни қон, лаблари ёрилиб, қовоқлари шишган, калта соchlари пахмайиб, кийимлари ҳам бир аҳволда, у тинмай қарғаниб йифлар эди.

– Ҳой куёв бола, нима ишлар қилиб юрибсиз? – рўпаратаги стулда ястаниб ўтирган бўлим бошлиғи, капитан Рустам Саидов олдидаги столни чертганича, атрофга аланглаб, ранги ўчиб турган Фотиҳга савол берди.

– Ҳеч нарса...

– «Ҳеч нарса»си шу бўлса, бирор нарса қилганингизда нима бўларди? Бу қизни танияпсизми? – Фотиҳ «Ҳа» дегандай бош ирғади. – Хўши, қачондан бери танишсан?

– Уч ойдан бери.

– Уч ойдан бери танишиб, хуфиёна дон олишиб юрган қизингни шу аҳволга солишга қандай қўлинг борди?

– Мен ... Мен уни бундай қилганим йўқ, – Фотиҳ Оляга бир қараб қўйди.

– Уни охирги марта қачон кўргандинг? – Саидов яна бақириб гапира бошлаган Оляга «Жим, кейин сизга сўз бераман» – дея ўшқириб берди. Оля гижим, кир рўмолчасини юзига босганича, пиқиллаб, жим бўлди.

– К-кеча, – капитаннинг муомаласидан қўрқиб кетган йигит каловланди. – Кеча пешин пайтида кўргандим.

– Қаерда кўргандинг? Нима қилдинг кўришгач?

– Канал ёқасида... тўқайда.. – йигит тутилиб, қўллари титрай бошлади.

– Ҳа, тўқайда тўйдан олдин маҳбубанг билан хайрлашув ташкил қилиб, а? – капитан истеҳзоли кулди. – Кейин буни «пуф сассиқ» қилиб, келинчакни ёнига жўнадингми?

Хуллас, шу куни Фотиҳ қамоқقا олинди. Унинг «Мен Оляни бу даражага согланим йўқ» деб айини тан ол маслиги, ота-онасининг ялиниб- ёлворишилари, маҳалла-кўйнинг аралашуви ҳам иш бермади. Номусга тегиши жиноятини содир этишда айбланган Фотиҳ суд ҳукми билан саккиз йилга озодликдан маҳрум этилиб, жазо муддатини ўташи учун жанубий вилоятлардан бирига, қамоқхонага олиб кетилди.

Келинчак эса... чимилдиқ ичида ёлғиз қолган Оқила аввалига ҳеч нарсани тушунмади. Янгаси кириб «Куёв ҳали замон келиб қолади, сен хавотир олма» дея уни юпатиб, шу кеча, яна икки-уч кун Оқила билан бирга тунади.

Ўн саккизга тўлиб-тўлмаган қизларининг чимилдиқ-да ёлғиз қолиб кетгани, куёвининг қилмиши ҳақидаги гап-

сўзлардан адойи тамом бўлган Оқиланинг ота-онаси, акалари уни қайтариб олиб кетиш ҳаракатига тушиб қолишиди. Лекин тўйининг эртасигаёқ чимилидиқдан чиқиб, қайнота, қайноналарига таъзим билан салом берган, айниқса, ғамдан қорайиб, икки букилиб қолган қайнонаси Раҳима опанинг қўлидан ишини олиб, унга суюнчиқ бўлишга уринган Оқила аввалига «Кеча тўйим бўлиб, бугун қайтиб борсам, маҳалла нима дейди? Эшигтганларчи?» дея бу уйдан кетишни хоҳламади. Суд ўтиб, ҳали эр бўлишга ҳам улгурмаган йигит саккиз йилга кесилганини эшитгач, ғамдан йиқилиб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолган қайнонасини ташлаб кетишдан бош тортди: Мен кетсам, касалманд қайнона-қайнотамга ким қарайди? – дея йиглади у онасига. – Кетмайман, буларни ёлғиз ташлаб кетолмайман, онажон. Ростдан айборми, түхмат биланми, тўйи куни қамалган ёлғиз ўғлининг доғида қайнона-қайнотам адо бўлишяпти. Мен ҳам кетиб қолсам, улар нима қилишади?

Куёв қамалиб кетса ҳам унинг уйидан кетишни хоҳламаётган, бир ёстиққа бош қўйишга улгурмаган бир бебош йигитнинг ота-онасига ўз ихтиёри билан хизматкор бўлишни ихтиёр этган жиянининг ақлсизлигидан фифони кўкка ўрлаган аммаси – Ҳамида бир куни пешин чоғи дарвозани тарақлатиб, очиб ҳовлига бостириб кирди. Аммасининг важоҳатидан чўчиб кетган Оқила унинг баджаҳл, шаллақилигини билгани боис, салом беришни ҳам унутиб, қўлида супурги билан айвонга қочди.

– Ая, аяжон, – у паст овозда айвонда ётган қайнонасига мурожаат қилди – Мени бериб юборманг, кетмайман.

– Ҳой ким бор? – Ҳамида ҳовли бурчагида занжирини узар даражада акиллаётган итга парво қилмай, айвон томон юрди. – Оқила, кўзинг жойидами? Нима бало, эрингга қўшиб ақлинингни ҳам йўқотдингми? Нега югуриб олдимга бориш ўрнига қочасан? Ё мен бўриману сени себ қўяманми? Қани ким бор уйда?

Аммасининг гапларидан хижолат бўлгани Оқила довдираганча, унга пешвоз чиқди ва салом берди.

— Сен қиз ўлгурга бир бало бўлди, — яна бобиллади аммаси, — Келмайсанми, кўришмайсанми?

Оқила худди ёнига борса, аммаси шапни қўлларидан ушлаб, судраб олиб кетадигандек, каловлашганча жойида туриб қолди.

Келинининг аммаси келганини эшитиб, унинг шанғиллаб гапиришидан дили озор чеккан Раҳима она инграганча, аста бошини кўтариб, амаллаб ўтириб олди. Сирфалиб тушган рўмолини ҳолсиз қўллари билан соchlари оқарган бошига ўради ва:

— Чақиринг меҳмонни, чақиринг айвонга, — деди заиф овозда, — кўрпачаларни янгиланг.

Ҳамида шундоқ ҳам айвонга кириб келган ва оёқ киймини ечмоқда эди.

— Келинг Ҳамидахон, келинг хуш келибсиз, — она ўрнидан турмоқчидаи ҳаракат қилди.

— Ассалому алайкум, қуда пошиша, қимиirlаманг, қимиirlаманг, — келиб энгашиб, унинг қоқ суяқ елкала-рига қўл ташлади амма. — Эсон-омонмисиз, тузалиб қолдингизми? Бу қанақа эркалик? Туянинг юки енгил бўлса, ётоқчил бўлади, деб а? — у гапира-гапира, яп-янги қизил духоба кўрпачага ўтирди. — Қани, қадам етди, бало етмасин, дардингизни Аллоҳ аритсин, омин, Аллоҳу Акбар.

Фотиҳадан кейин ҳол-аҳвол сўрашиш асносида Оқила чаққон ҳаракатлар билан хонтахтага янги дастурхон ёзиб, унга ширинлик, мевалар ва патнисда нон келтириб, айвонга ёндош қурилган ошхонадан чой дамлаб чиқди.

— Келганингга энди икки ой бўлди-ю, уйни буткул ўзингники қилиб олибсан-да? — амма кесатиқ билан Оқилага юзланди. У атай «келин бўлганингга» демади, бу билан Оқила бу хонадонга келин эмаслигини писандада қилмоқда эди.

Оқила аммасининг ганини тушуммагандек, «Овқат сузіб келаман» деге ўридан турди. Ҳамида эса: – «Үтир, овқат егани келганим йўқ» деге бир ўқрайиши билан уни жойига михлаб қўйди.

– Қиз боққан ота-оналарига раҳмат, – Раҳима опа bemорларга хос ожиз, паст овозда гап қўшди. – Оқила-хон ҳақиқий оқила, исми жисмига мос қиз экан. Илоё умри узоқ, бахтили бўлсин.

– Энди, қуда хола, тарбия ҳақида ўзингиз гап очдингиз, – Ҳамида юзингда кўзинг борми десмай ичида йифиб келганиларини сиртига чиқарди. – Тўғри, Оқила бебаҳо қиз. Лекин бахти бутун бўлмади. Сизлар ўғлингизга яхши тарбия берганингизда, бу ҳам мана шундай бахтиқаро бўлиб, чимилдиқда тирик бева бўлмасди. Ёлғиз ўғил, битта ўғил деб жа ўғилларингизни талтайтириб юборган экансизлар. Мана оқибати. Ҳали у ёқдан келадими, келмайдими? Шунинг учун Оқиланинг жавобини беринглар, умри ўтмасин. Олиб кетайлик. Тенгги чиқса, узатамиш.

Гап бошлаганидаёқ, қайнонаси беҳол ўринига чўзилганини кўрган Оқила тезгина ўридан турди-ю, ниёладаги озгина илиқ чойга бир неча томчи дори томизиб, унинг бошини кўтарди ва: – Аяжон, мана бу дорини ичиб олинг, – деся унга ичирди. Кейин унинг юз-кўзларини ўрин ёнига тахлаб қўйилган юмшоқ сочиқ билан артиб, юпатди. «Аяжон, сиқилманг, аммам шунаقا, оғзига келган гапни ўйламасдан гапираверади. Худо хоҳласа, тез орада ўғлингиз қайтиб келади. Сиз яхши бўлиб қоласиз. Мен ҳеч қаёққа кетмайман. Бу даргоҳга «қайтиб кетман» деб келмаганиман. Менга ўғлингиздан бошқа ҳеч ким керак эмас. У кишини тұхмат билан қамашган.

Оқиланинг қайнонасини юпатиб, унинг елкалари, қоқ сүяқ бўлиб қолған қўлларини силаб, овутаётган гаплари ўзининг гапларига берилаётган жавоблигини сезиб турган Ҳамиданинг ғазабдан рангги кўкариб кетди.

– Ҳой қиз, сенда уят борми? – у вишиллагандек овозда Оқилага ўқрайди. – Бет борми сенда? Бир кеча бирга

бўлмаган йигитни эрим, унинг ота-онасини қайнона-қайпотам, деб, йўқ эрнинг уйда чўрилик қилиб юраверасапми? Ё кўчада қолганмисан? Энди эр олмайди, эр чиқмайди, деб қўрқяпсанми? Қўрқма, эрнинг зўрини тошиб кўйганман. Данғиллама уй-жойи, қўши-қўш машинаси, сандиқ тўла пули боридан. Тилингни тишлагин-да, нарсаларингни йиғиштири. Мен акаларингни чақираман. Шу бугуноқ олиб кетамиз.

Раҳима опа унинг гапларини эшитган сайин бағри куяр, аламидан кўз ёшлари тинмас, лекин унга бир оғиз гап қайтармас, гап қайтаришга на кучи етар, на юзи чидарди. Унинг шу шаллақи, тили заҳар аёл олдида юзи шувут, боши эгик, тили қисқа эди. Уни ёлғиз ўғли, дилбанди не-не орзу-умидлар билан ўстирган, кўзининг оқуқароси, суюнчиғи, эрка ўғли шу аҳволга соглан эди.

– Амма, тилингизни тийинг! – оппоқ юzlари қирмизи тус олиб, шаҳло кўзлари япада каттариб кетган Оқила паст, лекин қатъий оҳангда деди. – Тилингизни тийинг, амма! Аммамсиз, ҳурмат қиласман, лекин бу сизга менинг тақдиримга аралашишингизга, уни хоҳлаган томонга ўзгартиришингизга ҳаққингиз бор, дегани эмас. Мен бу уйга ёр-ёр билан кириб келгалиман, келин сифатида эримнинг ота-онасига бир қизи каби хизмат қиласман ва тұхмат билан қамалган эримни кутаман. Менга эр тошиб, овора бўлманг, яхшиси, ўша эрга қизингиз Наимани беринг. Ахир у эридан ажраб қайтиб келгани-ку. Кеини мен бу ердан кетмайман. Яна бир нарса деб қайнонамнинг дилини оғритсангиз – ўзим сизни кўчага чиқариб қўяман. Кетинг!

– Вой, тавба, тавба, – амма ўриидан турди, – яхшиликни билмаган ит, ўлиб кет-э. Шу уйда чириб кет, кунинг қайнонаингни тувагини тозалашига қолсин, ўл-а, аҳмоқ.

– Кетинг дедим!..

Аллақачоп оёғига туфлисини кийиб олган амма яна нималардир деб шанғиллаганча, эшикни қарсилатиб

ёлиб, чиқиб кетди. Унинг орқасидан бориб дарвозани ичидан занжирлаган Оқила кўз ёшларини тия олмай, девор ёнидаги бир туп ўрикниң папасига ўтиб, ҳўнграб юборди. Ахир унинг айби нима? Ота-оналари «мана шу йигитга узатамиз, ёлғиз фарзанд экан. Кенг уйнинг келини бўлиб юрасан, йигит шўҳроқ, эркароқ ўсгани билан ота-онаси мўмин-қобил одамлар экан,» – дея Фотиҳдан учинчи марта келган совчиларга розилик беришди. Ахир ҳеч ким тақдирини нима бўлишини олдиндан била олмайдику? Ота-онаси күёвни сўраб, суриштирганликлари боис унга қаттиқ-қурум гапира олмаяпти, лекин аммасини нима жии урди? Унинг шаддод, бетгачопарлигини билар эди, аммо бемор онанинг юзи-кўзи демасдан, гапирган гапларини... Ўзи азалдан шу аммасини суймас эди, энди умуман юзига қарамайди. Ўзим ҳам, ўйламай-нетмай, «эрим» дедим-а. Оқиланинг юзидан олов чиқиб кетгандай бўлди. – Мана энди, аммажонимга гап топилди. Энди у қиплоқда оёғи билан эмас, тили билан юради. Мени шаънимга мағзава афдаради. У муздек сувда юз-кўзини ювиб, артиниб рўмолини тузатди ва аста айвонга чиқди.

– Аяжон, иссиқ чой қуйиб берай, – у ҳеч нарса бўлмагандек, баҳмал ёпқич тагидаги чойнакдан чиройли пиёлага чой қуиди ва қайнопасининг ёнига бориб, тиз чўкди.
– Мана, иссиқина ичиб олииг. Кейин хўрда пишириб бераман.

У хушмуомалалик билан унинг кўнглини кўтариб, аммасининг қилмишидан оғриган дилига малҳам бўлмоқчи, «Қўяверниг парво қилманг, аммам ўзи шунаقا оғзи ботир», демоқчи эди. Кўз ёшлари яноқларини юваётган қайнона келинининг мақсадини тушунди ва йифлаб туриб, жилмайди.

– Бечорани хафа қилдингиз, – деди у Оқиланинг тутган чойидан икки-уч ҳўплаб, ўзини босиб олгач, – бир жиҳатдан унинг гапи ҳам тўғри-да, номиниз келин бўлгани билан, ўзингиз бокира қизсиз, – унинг юзларини яна кўз ёшлари юва бошлади. – Ўғлим тушмагур, – у оғир

тиң олди, – бир йил, икки йилда келса ҳам, кутсанғыз бұлар әди. Бир мегажиннинг қылган туҳмати билан боламнинг саккиз йиллик йигит умри панжара ортида ўтадиган бўлди. Лекин сиз, – хола рўмолчасини кўзларига босиб, ҳўнграб юборди. Оқила шошилиб бир ҳўпламги на илиқ чойга кичик шишачадан бир неча томчи дори томизиб, унинг оғзига тутди. У дорини ичиб, бир оз ўзини босиб олди ва гапида давом этди, – болам, сизнинг умриигиз беҳуда ўтмасин, дейман. Қайнотангиз ҳам шу фикрда. Майли, биз розимиз, уйингизга қайтиб, турмушга чиқинг, оиласи, фарзандли бўлинг. Нодон ўғлимизни деб ёш умриигиз ўтмасин. Она яна йиглай бошлади. Ахир, бу қизни не-не орзу-умидлар билан келин қылган әди. Бир йил ўтиб, набирали бўламиз, ёлғизим ўзидан кўпайиб, унинг фарзандлари биз, чолу кампирга эрмак, кейинчалик суюнч бўлади. Оқила қизим бизга келин эмас, қиз бўлиб, кенг ҳовлини тўлдириб, яйраб-яшиаб юради, деб орзу қилмаганми? Орзулари бир кечада сароб бўлди. Кўзининг оқу қароси бўлган ёлғизининг кўнглига қараб, у нима деса «хўп» дейишибди-ю, унинг издан чиқиб, суюқоёқ аёлга илакишиб юрганини пайқашмабди-я. Мана, оқибатда... Онанинг чап кўкси қаттиқ санчди. У бирдан букчайди-ю, ён томонга оғиб, ётиб қолди...

* * *

Раҳима опа кўзини очганда, касалхонада ётарди. У бу ерга қачон, ким олиб келганини билмай, атрофга жавдираб боқди.

– Аяжон тузукмисиз? – унинг кўзларини очиб, атрофга разм солаётганини кўрган Оқила мулойимлик билан томирлари бўртиб чиққан озғин қўлларини ушлаб, силяй бошлади. – Қўрқитиб юбордингиз-ку?

– Қаердаман? – хола паст овозда сўради.

– Касалхонадамиз. Ўша куни тўсатдан юрагингиз ёмон бўлиб, ҳаммамизни қўрқитдингиз. «Тез ёрдам» чақирдик, бу ёққа олиб келишди.

Эшик очилиб томчи дори тараддудидаги ҳамшира аёл кирди. У қўлидагиларни каравот ёнига қўйди-ю:

– Холажон, яхши бўлиб қолдингизми? – деся bemордан ҳол сўради, – Тузалиб қолинг, илоё. Шундай ақлли, меҳрибон, чиройли қизингиз бор экан, касал бўлишга ҳаққингиз йўқ. Уни тўйини кўрасиз, набиралар ичидагуралашиб қоласиз ҳали...

– Худо хоҳласа, – шивирлади хола. Унинг кўзларидан ёш оқа бошлади.

– Ие, нега йифлайсиз, йифламанг, сизга сиқилиш, йифлаш сира мумкин эмас. Ҳозир шифокорни чақириб келаман, у ҳам сизни ҳушиңгизга келганингизни кўриб, қувонсин. Кейин томчи дори қўйиб қўяман, опа.

Ҳамшира хонадан чиқди. Раҳима опа қўлларини ўзининг майин қўллари билан силаб-сийлаётган Оқилага қаради. Унинг ҳам ранглари синиқиб, анча озибди. Бояқишига ҳам осонмас. Чамаси, у касалхонадагиларга «қизиман» дебди, шекилли. Умри узоқ, баҳтли бўлсин.

Хонага бирин-кетин ҳамшира билан шифокор кириб келишди. Шифокор йигит Раҳима опанинг юрак фаолиятини, қон босимини текшириб кўрди. Ҳамширага бир қанча топшириқлар бергач: – холажон, яшаш курашлардан иборатлигини яхши биласиз, – деди салмоқлаб. – Мен сизга йўл-йўриқ кўрсатишга ёшлиқ қиласан, лекин шифокор сифатида айтаманки, бўлар бўлмасга ўзингизни уринтираверманг, юракни чарчатиб қўясиз. Ҳаётда одамининг бошига нималар тушмайди. Инсон Аллоҳнинг синовларига дош бера олиши, шукр қилиб яшashi лозим. Худо хоҳласа, ҳали бу дардларни енгиб, кўрмагандек бўлиб кетасиз. Бунинг учун фақат шифокор эмас, сиз ҳам ҳаракат қилишингиз лозим. Ўшанда касаллик тез чекинади. Кўп гапир масдан, тинч ётинг.

Хола синиқ жилмайиб, «ҳа» дегандек хиёл бош қимирлатди. Шифокор чиқиб кетгач, ҳамшира ҳам ўз ишини бажарди ва Оқилага:

– Мен хабар олиб тураман, лекин зарур бўлсам, чақирасиз. Бошқа bemорларга қарашим керак. Хола, оёғингизни узатиб, дам олиб ётинг, Худо хоҳласа тузалиб кетасиз – дея палатадан чиқди.

– Оқила, болам, бу ерга қачон келдик? – опа каравотнинг бир четига ўтириб олиб, унинг оёқларини секин-секин босаётган қиздан сўради.

– Бугун учинчи кун, – қиз узун, қалин киприкларини пирпиратиб, жавоб берди. – Сиз тинч ётинг, ая шифокор айтди-ку, «кўп гапирманг» деб.

– Отангиз...

– Отам яхшилар. Бир соатча олдин келган эдилар, бояги дўхтир қанақадир дорини, топиб келинг деганига, ўшани қидириб кетдилар. Ҳар куни уч-тўрт мартараб келиб, шу ерда ўтирадилар. Кеча «Сиз уйга бориб кeling, мен шу ерда бўламан» дегандилар, бориб, уй-ҳовлини йиғиштириб, мол-қўйларга қарадим, товуқхонани тозалаб, уларнинг тухумларини йигиб, уйга олиб кириб қўйдим, дон, сув бердим, – болаларча соддалик билан кулиб, аслида эса холанинг кайфиятини кўтариш учун гапиравди, Оқила. – Ўзиям, ўттизта тухум йиғилибди. Ҳанифа хола тухум сўраб чиқсан экан, беш донасини бериб, пулинни олмадим. Аямни дуо қилинг, тезроқ тузалиб қолсинлар, дедим. Роса дуо қилдилар.

– Фотиҳондан хат келмабдими? – хола юқоридаги гапларга жавоб бермай, умид билан сўради.

Оқиланинг оппоқ, сўлғин юзларига дув қизиллик югарди.

– Келибди, – негадир унинг кайфияти ўзгарди. – Хат келибди.

– Қани? – холага гүё ғойибдан куч-қувват, ғайрат ато бўлди. – Қани хат? Нима депти?

Қиз хола ётган каравотнинг оёқ томонига илиб қўйилган жажжигина, қора раңгли сумкачасини очиб, конверт олди ва қайнонасининг титроқ қўлларига берди. Опа гүё боласининг ўзи келганидек, мана шу бир парча

қоғозни аввал бағрига босди, кейин күзларига суртиб қайта-қайта үпди.

— Аяжон, қимирламанг, билагингиздан нина чиқиб кетади, — Оқила қайнонасиинг нина санчилган қўлидан маҳкам ушлади. Шундагина онанинг ҳуши ўзига келди. Ва: — Мана, ўқинг, ўқинг — дея кўз ёши аралаш жилмайиб, хатни қизга узатди.

Оқила хатни авайлаб очди. Уни олган заҳоти қайта-қайта ўқиб, ҳатто ёдлаб олган бўлса ҳам, яна она эши тадиган овозда, аста ўқий бошлади:

«Ассалому алайкум онажоним, дадажон!» — хола «Ваалайкум ассалом, болажоним» — деди беихтиёр. Оқила унга бир қараб олиб, давом этди: — Сог-саломат юрибсизларми? Оқила, қариндош, қўни-қўшилар — ҳаммалари согми?

Онахон, дадажон, мен побакор ўғлингизни кечиринг. Йигит-қизининг умрида бир марта бўладиган шундай таштапали, унумиллас кунида мен туфайли эл олдида бошингиз эгилди, уят-номусга қолдингизлар. Лекин Худони тилимга олиб айтаманки, у ифлос аёлни мен бу аҳволга солганим йўқ. Тўғри, мен у билан бир-икки гаплашганиман, тан оламан, лекин ўша охирги кўришганимизда, у мени ўша жойга чақиритирди яна битта хуштори орқали. «Муҳим гап бор» деган экан, мен аҳмоқ «Нима гап экан» деб бордим. Вино, колбаса, ион олиб борган экан, «Уйланаётган экансан ювамиз», деди. Мен ичмадим. Нима гапинг бор, айт, дедим. У винопи кўтариб ичиб, колбасани еб ўтириб: — Мендан ҳеч ким осонликча қутулган эмас, сен ҳам қутулолмайсан, — деди. Нима қилмоқчисан, десам, ё менга фалон минг сўм топиб берасан ёки мен сени қамоқда чиритмаман, деди. Мен, — Аҳмоқ экансан бунича пулни қаердан оламан», деган эдим, у қаердан олишинг мени қизиқтирмайди, топасан. Топиб бермасанг — тўйинг азага айланади,— дея пўписа қилди. Мен

«бор-э» дедим-да, кетиб қолдим. Бўлган воқеа шу. Унинг бунчалик насткашилик билан мени шу аҳволга солишини, тұхматшының күчи шунчалик қудратли бўлишини билмабман. Бу ерга келгач ҳам ишишни яна қайта кўриб чиқишини сұраб, юқори идораларга ариза ёздим. Ишим қайта кўрилса, ҳақиқат қарор тоғиб, қайтиб борсам, деган умид билан яшаеман, она жон. Соглигум яхши. Бу ернинг шароити ҳам ёмон эмас. Ҳунар ўрганипман. Мендан хавотир олманглар. Салом билан сизларни согинган ўғлинигиз Фотиҳ.»

19 марта, 19.... йил

Оқила хатни ўқиб бўлиб, Раҳима опага қаради. Унинг ёришган юзларини кўз ёшлари юваётган бўлса-да, ёниб-ўртаниб ётган қалби бир оз таскин топгани сезилиб турарди. У мактуб якунига етганини сезгач, «шукр» – деди қайта-қайта. – Болам соғ-омон юрган экан. Тұхматчиларга ҳам Аллоҳинг атагани бордир. Улар ҳам вақти келиб, жазосини олар...

Ҳамшира кириб, «Яхши ётибсизми хола? Яна нега йиғладингиз?» – деди кўнгил сўраганича, унинг билагига санчиб қўйилган нинани авайлаб, суфуриб олди ва: – Мана, сиз юрагингизга қувват бўладиган энг яхши дориларни олдингиз, энди кайфиятингизни чоғ қилиб ётинг, – деди нарсаларини кўтариб, чиқиб кетди.

Раҳима опа Оқиласага қаради. Унинг хаёлига «Ўғлим нима учун келинимга атаб бир оғиз сўз айтмабди-я» деган фикр келганди.

– Менга алоҳида мактуб ёзибдилар, – деди юзлари алвон тус олган келин қайнонасининг кўз қарашларидан нима демоқчи эканлигини англаб, ийманибгина. – Ишим қайта кўрилиб, оқлапишимга ишонаман, дебдилар. Худо хоҳласа, келиб қоладилар.

– Айтганингиз келсии, қизим, – аёл худди эрта-индин ўғли эшикдан кириб келадигандек қувонди. – Бу ерда ётавермай, тезроқ уйга борайлик, бўлмаса.

— Яхшилаб тузалиб олинг, ая, — Оқила кулди, лекин ҳали ўғлингизнинг хати қачон айтилган идорага етиб бориб, қачон қайта кўрилади-ю, қачон у киши оқланиб, жавоб тегади, деган гап кўнглидан ўтди, лекин, — Худо хоҳласа, мана, ўғлингиз жим ўтирумай, ҳаракат қилаётган эканлар. Ҳақиқат албатта бир куни юзага чиқади, у киши ёруғ юз билан қайтиб келадилар. Ўшанда тилига зўр берганлар уялиб қолишади.

— Илоҳо, айтганингиз келсин! Худойим қасд қилгапларни паст қилиб, болагинамни фалокатини аритсину, сизлар ҳам одамларга ўхшаб, тинч, ташвишсиз яшаб, серфарзанд, сердавлат бўлинглар, омин!

Онаизор ётган жойида нимжон қўлларини фотиҳага очди. Шу куни ёк эридан дафтар, ручка олиб келишини илтимос қилди. Ўзи Оқилага сўзма-сўз айтиб туриб, ўғлига жавоб хати ёздириди. Бу хатда онанинг фарзанд доғида куяётган юрак тафти, чеккан изтироб, аламларининг учқунлари сал-сал сезилиб қолса-да, у асосан соғинч сўзлари, панд-насиҳатлардан, ёрқин келажакка умид ва ишончдан иборат эди.

Кечагина фарзанди туфайли қалби қонга тўлиб, тўшакка михланган она ундан биргина мужда келиши билан гўё қайта тирилди, ҳаётга қайтди. Яшашга ишонч пайдо бўлди. Унинг кун эмас, соат сайин тетиклашиб бораётгани муолажаларининг, тўғри даволаётгани шарофати деб билган шифокор ҳам хурсанд.

Шу тариқа касалхонада уч кун ҳушсиз ётган Раҳима опа ўзига келгач, бир ҳафтадаёқ оёққа турди ва «уйимга кетаман, жавоб беринг» деб қисталанг қилавериб, охири шифокорлардан жавоб олди. Кечагина бир неча ой оддин ўғли қамалиб, кўнглида яшаш иштиёқи сўнгап холанинг юрагида яна умид куртаклари пайдо бўлди. У яна аввалги серғайрат, хушчақчақ ва меҳнаткаш Раҳима опага айлана бошлади. Қўйларидан семизроқларини эри орқали бозорга чиқариб, пулига қишининг ёғин-сонинида девор-у, айвонининг у ёқ-бу ёғида пайдо бўлган

рахналарни тузатишни илтимос қилди, уйни, деворларни оппоқ қилиб оқлаттириди. Эрига айтиб, ҳовлига мардикор солди: икки йигит уч кундаёқ қаровсиз қолган ўн со-тихча ерии ағдариб, жўяқ олишди. Хола илтимоси билан помидор, булфори, бақлажон каби турли хил экинларни экиб беришди. Яна бодом, гилос каби мевали дараҳтлар кўчатлари ҳам экилди. Камига Оқила ошкўклару, гул, райҳон урувларини сепиб, ҳовлини яшнатиб юборди. Ра-ҳима опа сут, қатиқ сотиб йифиб юрган пулларини эрига бериб, кичкинагина бўлса ҳам новвосча олишди – боқиб, ўғлим келганида сўйдириб, қайтадан тўй қилиб берамиз, дея ният қилди у. Маҳаллада ҳам «Фотиҳнинг иши қайта кўрилармиш, тез орада қайтиб келаркан» деган гап тар-қалди. Оқила ҳақида ҳар хил фийбат тарқатганлар писиб қолишли. Унинг ота-онаси, ака-опалари ҳам «Яхшиям Оқилани зўрлаб бўлса-да, қайтариб олиб келмабмиз, нақ уятга қоларканмиз» дейишганимиш.

Ана шундай яхши ниятлар, ёруғ орзу-умидлар билан кунлар ўтаверди. Ҳар ойда Фотиҳдан ишонч тўла битта хат борарди. Буёқдан эса унга умид, далда билан жавоб хати келарди. Орада Фотиҳ «Дада, иложи бўлса, келинг, икки кунлик учрашув беришаркан» деб хабар қилиб қолди.

– Онаси, иккаламиз борайлик десам, келин хафғ бўлармикан, дейман – Фозил aka хотинига ётифи билан тушунтириди, – уни ҳам олиб кетсам у ёқда шароит қан-дайлигини билмасак, қиз бола нарса, унинг устига ўғлинг ҳам «ота келинг» деб турибди, шунга нима дейсан?

Онанинг юраги потирлаб, қаноти бўлса, ўғли томон учиб борадиган шаҳди бору, лекин иложи қанча?

Дарвоҷе, Оқилани «келиним» дейишга тили бор-майди. У остонасига қадам қўйган онда «келин эмас, қизимиз», – дея пешонасидан ўпиб кутиб олган. Шун-гами ё биринчи кечадаёқ ёлғиз қолиб кетганигами, ё бир қиздан аъло даражада уй-рўзгор ишларини қилиб, чол- кампирни ўз ота-онасидек парваришлаганими, уни

«қизим» – деб ўрганиб қолган тили «келин» сўзини айта олмади.

– Ё Оқилани ота-онасиникига ташлаб кетаверамизми? – Фозил aka хотинининг хаёл суриб қолганини ўзича тушуниб, сўради, – Бориб келгунимизча ўша ерда яшаб турар?

– Йўқ, – Раҳима опа сапчиб кетди. – Йўқ у ерда қолдирмаймиз.

– Нега? Ўз уйи, ота-онаси...

– Шундайку-я... – хола иккиланди, – кейин... қайтармай қўйишлари мумкин-да. – У ўз фикрларидан хижолат бўлгандай, қўшиб қўйди. – Улар шундоқ ҳам қиз шўрликни олиб кетишини йўлини қила олишмаяпти. Шунинг учун Оқила бечора уйга боришга безиллайди, доим «Сиз борсангиз, бораман» дейди. – Она оғир хўрсинди. – Майли, отаси, ўзингиз бориб келаверинг. Балки яна учрашув берилгунича, боламнинг ўзи эшиқдан кириб келар.

– Илоҳо, омин! – ота юзига фотиҳа тортди. – Ганинга фаришталар «Омин» десин!

– Бир ўзингиз борасизми? – холапи яна ташвиш босди. – Узоқ йўл, бирорта шерик бўлмаса, қийналиб қоласиз, – хола «Қон босимингиз баланд» дейишдан тилини тийди.

– Йўқ, ўзим бормайман. Ўртоғим Шермуҳаммадга айтаман, йўқ демайди.

– Ишли одам...

– У ҳар қандай ишдан дўстликни устун қўядиган мард инсон.

Хуллас, орадан икки кун ўтиб, тугун-терсакларини кўтариб олган икки ўртоқ поездда йўлга чиқишиди. Уйга, икки аёл қўрқмасин деб, Фозил аканинг синглиси Саломатхон учта қизи билан келиб, яшаб турадиган бўлди.

* * *

Икки ўртоқ кечки соат олти яримда поездга чиққанларича, икки сутка йўл юрдилар.

– Бу ёғига автобусда борар эканмиз, – деди Фозил ота дим, шовқин-суронли поездда ухлай олмаганидан чарчаб, тинкаси қуриган, күзлари киртайиб, соқол- мўйлови тиканак бўлиб кетган дўстига хижолатлик билан боқиб:

– Майли, автобус бўлса – автобус-да, –Шермуҳаммад ота ўзини тетик кўрсатишга уриди, – лекин, дўстим аввал бирорта сартарошонани қидириб топиб, соқол-мўйловларни олдирайлик, – у ганини ҳазилга бурди. – Аҳволимизни кўриб, Фотиҳбек чўчиб кетмасин.

Улар сўраб-суршириб, вокзалдан сал нарироқдаги сартарошонага боришли. Чаққон сартарош йигит бир соатча вақт ичида дўстларнинг пафақат соқол-мўйловларини, бошларини ҳам ювиб, соchlарини қиртишлаб, хушбўй ативларни сепиб, ўз ибораси билан айтгандা, «арчилган тухумдай» қилиб қўйди.

– Энди, отахонлар, бир баҳонаи сабаб билан юртимизга келиб қолибсизлар, – хушмуомалалик билан тақаллуф қилди йигит. – Мана, йигитлардек бўлиб олдингизлар. Энди ҳов анави, – у олд томонига мажнунтоллар экилган, пишиқ фиштдан гумбазли қилиб қурилган бинони кўрсатди, – жойда донғи кетган чўзма лағмон пиширишади. Бир косадан мазза қилиб ичиб олсаларинг, кечгача қоринни тўқ тутади. Автобус ҳар бир соатда бўлади, улгурасизлар.

Икки дўст йигитнинг қўлига хизмат ҳақини бериб, раҳмат айта-айта кўрсатилган гумбазли бинонинг олд айвонига бориб, гулдор дастурхон, икки четига кўрпача ёзилган анвойи сўрилардан бирига ўтириллар. Соchlарини ёйиб ўтирган келинчакдек мажнунтолларнинг ям-яшил, узун новдаларини томоша қила бошладилар.

– Ассалому алайкум, меҳмонлар, хуш келибсизлар! – уларнинг қаршисида оқ яктакли, қора шим, оёғига этик кийиб олган, елкасига сочиқ ташлаган йигит пайдо бўлганда, икки ўртоқ қатор илингап тўрковоқларда басма-бас сайраётган беданаларнинг хонишига маҳлиё бўлиб ўтиришарди.

Йигит алик олган меҳмонлар билан қўл бериб, қадр-донлардек, қуюқ сўрашди ва: – Нима олиб келай? – деди тавозе билан таъзим қилиб.

– Сартарош йигит чўзма лағмоннинг таърифини келтириди, – жилмайди Шермуҳаммад ота.

– Хўп бўлмаса, чўзма лағмон, нон, кўк чой..?

Йигит тасдиқ ишорасидан кейин бир неча дақиқадаёқ гулдор патнис кўтариб келди. Ундаги иккита катта косадаги буғи чиқиб турган, сергўшт, қип-қизил лағмонларни меҳмонлар олдига қўйиб, тўртта нон, ликопчаларга новвот ва қора майиз, гулдор хум чойнакда чой ва учта чиройли чиройли пиёлалари бўлган патнисни дастурхонга қўйди. Нонлардан бирини синдиригач, чойни қайтариб, бир оз тиндириди. Сўнг ишёлашарга қўйди ва уни бирма-бир меҳмонларга узатди:

– Қани марҳамат, ёқимли иштаҳа, зарурат бўлса чақиравсизлар, исмим – Норбой, – дея манзират қилиб, ўз иши билан кетди.

– «Юрган – дарё, ўтирган – бўйра» деганлариdek, имкони бўлса, юрт кезиб турган ҳам яхши, – дея дўстига қаради Шермуҳаммад ота, – Бу жойларни сўлимлигини қара. Йўлдаги қумли чўллардан кейин мана шундай гўзал жойлар бор, деса, агар ўз кўзим билан кўрмасам, ишонмас эдим. Одамнинг қўли гул-да, меҳнат билан нималарга эришмайди. Лекин, лағмонни ҳам боплашибди.

Улар иштаҳа билан овқатлапишиб, мириқиб чойхўрлик қилиб, бир оз дам олишгач, хушмуомала йигитни чақириб, ҳисоб-китоб қилишиди ва унга борар манзиларини айтиб, узоқ-яқинлигини сўрашди.

– Ҳов, ана қизил рангли автобус, келганига ўн беш-йигирма дақиқа бўлди. Ўша, сизлар борадиган жойга қатнайди. Чамаси, яна ўн беپ дақиқалар туради, – жавоб бериш асносида йигит дастурхондаги нонларни олиб, Фозил аканинг ҳай-ҳайига қарамай, сумкасига солди. – Ота, нон инсонга ҳамроҳ бўлади, дейишади, пасибала-ринг қолиб кетмасин. Ўша автобус икки соатда манзи-

лингизга элтиб қўяди. Қайтишда ҳам ўшанда қайтасизлар, албатта, меҳмон бўлиб, кейин кетасизлар.

Улар йигит билан қадрдоnlардек хайрлашиб, у кўрсатган қизил «Икарусъ» томон йўл олдилар.

* * *

Ўғли билан учрашиб, қайтгандан кейин Фозил ота анча чўкиб қолди. У нималарнидир ўйлагани-ўйлаган, баъзан Раҳима опанинг сўзини ҳам эшиштмай, эшишта ҳам, англамай қолиб, уни ҳам хавотирга солар, ўзи эса хижолат, бўлиб қоларди.

— Отаси, нима гап бўлган бўлса, нимани кўрган бўлсангиз — очифини айтинг, — тиқилинич қилди, унинг навбатдаги паришонхотирлигидан хавотир олган хотини бир куни.

— Юрагимни қон қилиб юбордингиз, нима гап ўзи?

— Жа, бўлар-бўлмасга инжиқлик қиласверасан, — ота яна аёлига таскин берди, — айтдим-ку, ўғлинг соғ-саломат юрибди, тўқувчилик касбини ўрганияптийкан, қамоқхона бошлиғи ҳам мақтади, деб. Ҳақиқатан ҳам юқорига ариза ёзибди. Иши қайта қўрилар экан. Аnavи, ўғлингни бошига шу балоларни солган алвасти ҳам ўғлингга хат ёзиб, кечирим сўрабди. «Биз Малик иккимиз сени шу йўл билан қўрқитиб, пул олмоқчи эдик, сен эса қилмаган ишининг «қилдим» деб бўйинингга олиб ўтирибсан. Қанчалик тубан, енгил оёқ бўлмайин, менда ҳам одамгарчилик бор, мени кечир» деб ёзибди. Бошлиғи «Ўзинг тишиб-тинчимас, ўтганинг ўроғини оладиган бўлсанг ҳам, бунақа пайтда аммамнинг бузогига ўхшаб, шалпайиб қолавераркансан, жон-жаҳдинг билан ўзингни ҳимоя қилиб, ҳақлигинги исботлаб бермайсанми?» депти. Ўғлинг «ўша аёлни афти-ангорини кўриб, қўрқиб кетдим-да», — дейди холос.

— Унда, яна нимадан диққат бўлиб юрибсиз? — деди она.

— Ахир, кўриб-сезиб юрибман-ку аҳволингизни?

— Нимага диққат бўлмайин, ўзишг айт? Тилаб-тилаб топган фарзандимизнинг ҳалол-ҳаромни билмаслиги уни

мана шу аҳволга солди. У тенгилар икки-учтадан фарзандли бўлди. Унинг эса «у қиз – унақа, бу қиз – бунақа» деб уйланмайин ортга сурди ўша касофатлар билан топишиб олиб. Мана оқибат...

Она узун енгини кўзига босганича, тандирхона томонга ўтиб кетди. Ошхона деразасидан уларнинг гапларини эшишиб турган Оқила ҳам ўзини деразадан нари олиб, кўз ёшларига эрк берди. Фақат отагина дардини сиртига чиқара олмасдан, юраги қонга тўлганча, ҳеч ким эшиитмаса ҳам «бир айланиб келай» деся кўчага йўл олди.

«Хўп, сенлар-ку, аламингни йиғидан оласанлар, йиғлаб кўнглингни бўшатасанлар», – ўнг қўли билан чап кўксини силади, у кимсасиз кўчага чиққач. – Мен-чи, мен нима қилай? Дардимни кимга айтиб, кимдан далда кутай? Ахир бошлиқнинг ўзи айтди-ку ўғлингиз Жиноят кодексининг оғир моддаси билан қамалган, деб, бу модда билан қамалганиларни маҳкумлар кесиришмас экан. Қандай қилиб бўлмасин, унинг таъзирини бериб қўйишга уринар эканлар. Кейин уни энг тубан, паст кимса санаб, энг оғир, ифлос юмушларни қилишга мажбурлар эканлар, у билан ҳеч ким дўст бўлмас, қўл бериб сўрашмас экан. Янаям, ўғлингиз бақувват йигит экан, – деди бошлиқ. – Ёмон ниятда бўлганларнинг уч-тўрттасини оғзи-бурни қон бўлди. Биз уни жазоласак ҳам, «ӯшанда аҳмоқ эканман, ўша ифлос нима деса «ҳа» деб тураверибман. Энди кўзим очилди, ўлсам-ўламан, лекин мени таҳқирлашларига йўл қўймайман» деди. Айниқса, анави суюқ оёқдан хат келгандан кейин ўғлингиз туҳмаг билан қамалганига ишондик. Ишини қайта кўриб чиқилишига ҳам ўзим ариза ёздириб, жўнатдим. Лекин, чатоқ томони ўғлингиз жуда жizzаки, арзимаган нарсага ҳам муштлашиб кетади. Мана шу қилиғидан қўрқаман» – деди. Ўзи ҳам озиб-тўзиб кетган ўғлини аввалига танимади. Танигач, қуchoқлашганича, иккови ҳам ҳўни раб йиғлашди. Яхши ҳам ўртоғи Шермуҳаммад бор экан,

ҳазил-ҳузил билан уларни юпатди... Бошлиқнинг «қўрқаман» деган сўзи отанинг миясига жойлашиб қолган. Бошлиғи ўғлининг феъл-атворидан қўрқиб, чўчиб тураркан, у нима қилсан энди. Хаёлида ўғлига бирор кор-ҳол бўладиганга ўхшайверади. Кундузи у-бу билан андормон бўлиб, бир оз овунгандек, унугандек бўлади, кечаси ёмон ўй-хаёллар тинчлик бермайди. Энди кўзи илинса, қўрқинчли, алғов-далғов тушлар кўриб, сапчиб кетади. Бунинг устига ранги самондек сарғайиб кетган Оқила-га ҳар кўзи тушганди, юраги эзилади. Нобакор ўғли туфайли унинг ҳам ёш умри хазон бўляяпти, ахир. Кампири иккиси ёнига ўтқазиб олиб, бир эмас, бир неча марта панд-насиҳат қилишиб, «энди уйингта қайт» деган мазмунда гапиришди – кетмади. «Бор, йифиштирингингда, уйингта кет» дейишга тиллари бормайди, у, ахир қизларидек бўлиб қолган. Онаси-ю, опа-акалари, амма-холалари ҳам «олиб кетамиз» дея неча марта келди. Қиз ҳам ўғлидан баттар қайсар экан, «кетмайман бу гапни гапириб овора бўлманглар» дея уларнинг оғзини ёпади. Бу қизни ҳам орияти жуда кучли экан-э. Орият туфайли йўқ эрнинг ўтидан кириб, кулидан чиқиб юрибди-да.

Отани ана шундай хаёллар эзади. Ўғидан ойда бир марта келадиган хатни кўзи тўрт бўлиб кутгади. Азбаройи, азоб ўтида қолганидан ногиронлик пенсиясига чиқариб юборган ишхонасига қайтиб борди.

– Мени қоровулликка бўлса ҳам ишга қайтаринглар,-деб ялинди у собиқ бошлиғига. – Уйда ўтириши аёлларнинг иши экан, сиқилиб кетдим.

– Ана холос, – бошлиқ кулди. – Ишлаб турганингизда томорқам экувсиз қолди, мол-қўйларим оч қолди, дер эдингиз, энди эса, ҳа?

– Томорқа-ю мол-қўйга қарааш вақтинча иш экан, бажариб қўйиб, кейин нима иш қилиши билмайсан.

– Ака, сизни қоровулликка эмас, ўз жойингизга – бухгалтерияга оламиз. Фақат узр, бош ҳисобчи эмас, оддий бухгалтер бўласиз.

– Майли, майли, мингдан минг розиман. – Барака то-
пинг, умрингиз узоқ бұлсин. Қачондан ишга тушай?

– Эртадан келаверинг, ака.

Шу тариқа Фозил ака ишига қайтди.

* * *

Ана-мана билан орадан уч йил үтди. Үтган бу йил-
парда Фозил ота билан Раҳима опа гүё үн-үн беш йилга
қаридилар.

Ёз-ёзлар оқибатида Фотиҳниң иши қайта күрилиб,
жазо муддати саккыз йилдан беш йилга туширилди. Ота
орада яна икки марта үғлини күриб келди. «Худо хоҳла-
са, күпи кетиб, ози қолди, дея орзуларга эрк берарди
онаизор. – Шунча йили үтган, икки йил ҳам үтади-кета-
ди, үғлим қайтгач, бошқатдан түй қиламиз.»

Оқиланиң бу хонадонда яшашига ҳамма күникиб
кетди. Гоҳ-гоҳида күргани борганды, опаси «умринг үтиб
кетяпти, сен тенгилар фарзандлы бўлди» дея ёзғириб
қолса, Оқила: Онажон, бу ҳақда гаплашмасликка ке-
лишганмизку? – дея ҳазил-ҳузул билан гапни чалфитади.
Қизни, одамлар Раҳима опанинг келини эмас, қизи
эканига күникиб қолганлар. Үзи ҳам бунга күникиб,
урганиб кетган. Фотиҳниң олдига иккинчи, учинчи
марта бориш вақти бир гал Раҳима опанинг айни күрпа-
түшак қилиб, гоҳ қон босими күтарилиб, гоҳ юраги ху-
руж қилиб ётган пайтига, яна бир гал эса оёғи тойиб,
йиқилиб, тиззасидан пасти синиб, гипсда ётган пайтига
түғри келди.

– Худойим боланг тез орада қайтади, у ёқларга бо-
риб нима қиласан, деяпти шекилли, – деб юрган онаизор
ва ниҳоят тўрт йил деганда үғли билан дийдор күришди,
бу галги учрашувга Фозил ота хотини билан келинини
ҳам олиб борди.

Маҳкумлар кийимида чиқиб келган Фотиҳниң озиб,
кўзлари киртайиб кетганини күрган она үзини тута ол-
май, уни бағрига босганича юм-юм йифлай бошлади.

— Үзингни бос, онаси, шукр қилмайсанми, мана, ўғлинг соғ-омон юрибди, — деди Фозил ота она-болани юпатиш учун. Чунки Фотиҳ ҳам онасининг кичрайиб қолган жуссасини маҳкам қучоқлаб, кўз ёшларини тута олмаётган, озғин елкалари силкиниб, йифлаётган эди. — Үғлим, онангни юпатиш ўрнига сен нега йифлаяпсан? — Фозил аканинг ўзи ҳам тескари қараб, кўз ёшларини артди. Оқила эса улардан бир неча қадам нарида жимгина турганича, нафис дастрўмолчаси билан кўз ёшларини артарди.

— Бўлди онаси, болангни бағрингдан чиқар энди, биз ҳам кўришайлик, — она-боланинг дийдорлашуви чўзилиб кетганидан ота бетоқатланди.

Шу гапдан кейин она боласини бағридан бўшатди. Фотиҳ отаси билан қучоқлашиб кўришиб ҳолаҳвол сўрашгач, навбат келинчак билан сўрашишга келди.

— Келинг, — дея келиннинг салом бериш асносида ўнг елкасига аста қўл теккизиб, юзига фотиҳа тортганиданми, бир кунлик келинчагига шу аҳволда кўринганигами, Фотиҳнинг озғин юзларига қизиллик югорди. — Яхши юрибсизми, соғлиғингиз яхшими?

Қисқагина ўнғайсизлик билан ҳол-аҳвол сўрашилгач, муассаса ёнбошига ана шундай учрашувлар учун қурилган маҳсус учрашув хонасига жойлашдилар. Маҳкумлар қўли билан тахтадан мустаҳкам қилиб ясалган столстуллар, хонанинг икки томонида иккита, ичкари хонага яна иккита ёғоч каравотлар қўйилиб, столга оппоқ дастурхон ёзилган, каравотларга эса ўринлар қилиниб, устига тоза адёллар ёпиб қўйилганди.

— Ҳар гал келганимизда шу хонада тураймиз, — Фозил ота ёшлар ўртасига тушган ноқулайликни бузиш мақсадида гап бошлади. — Манави кичик хона — ошхона. У ерда газ плита, қозон, товоқдан тортиб, капгир, қошиқ, чўмичгача бор. Нима қилдик, овқатга уннаймизми? — у аввал хотинига, кейин Оқиласга қаради.

— Ая, сиз, дадам, ўғлингиз билан бемалол гаплашиб ўтириңглар. Мен ўзим ош дамлаб бераман, — енгил ториб ўрнидан турди Оқила.

— Иүқ, тұхтанг, — эътиroz билдири Раҳима опа. — Да-дангиз аввал сумқадан масаллиқларни олиб берсінлар. Шу ерда гаплашиб ўтириб, уларни арчиб, тұғрайлик. Ундан кейин биргалашыб қиласыз ошни.

Шунча вақтдан бүён боши дарддан чиқмасдан доимо синиқиб, ранги бир ақвонда юрадиган, тез-тез ўрин-күрпа қилиб ётиб оладиган Раҳима опа ўғлини бир бор бағрига босди-ю гүё ҳамма дарлардан фориғ булиб, камида ўн-үн беш ёшга ёшариб кетди. Унинг ҳаракатлари чақ-қонлашиб, ўзи ҳам қувноқ, сұзамол аелга айланиб қолди. «Бечора фарзандининг дардидә хасталаниб қолған эканда, — уни кузатиб ўтириб күнглидан ўтказди Оқила, — «Фарзандим — ширин душманим» деганлари шу бүлса керак. Ўғлини құлмишидан, соғинчидан не күйларга тушмади, лекин уни күргач «болам нима ишлар қилған әдинг» деб сұрамади, аксинча, ҳамма гина-кудуратларни, ғам-ташвишларни унуды: кенг ва тоза хонада отабола, она ғангур-ғунгур суҳбатга берилиб кетган, фаяқат Оқиласына ўз хаёллари билан банд эди. «Демак, фарзанднинг бебошлиги, унинг билиб-билмай босған қадами туфайли ота-онанинг қадди букилибгина қолмасдан, у шүрликлар саломатликларини ҳам йўқотар эканларда. Менинг отаонам, ака-опаларим-чи? Улар ҳам бир күнлик келинчак чимилдиқ ичидә қолиб кетганидан қанча куйинганди, ахир. Одамларнинг таъна-маломатларини күтариш уларга ҳам осон бўлмагандир?» Эл оғзига элак тутиб бўлмайди» деганларидек, оғзига кучи етмаган баъзи одамлар мен ҳақимдан қанчадан-қанча номаъқул гапларни бичиб-тўқишимади. Бу гапларни эшитиб, мен-ку, «бекор гап» деся йиғлаб-йиғлаб аламимдан чиқиб олардим-а, лекин ота-онам, акаларимга, опаларимга бу маломатларни эшитиш осон бўлмагандир? Уларга раҳмат, менинг кўнглимни, мана шу аёлнинг —

онанинг аҳволини тушунишди. Баъзи қўшнилар онасига «шундай қиз ўстирганингиз учун раҳмат, агар у бўлмаганида, Раҳимахон аллақачон ўлиб кетарди, шу қиз далда бўлиб, уни ҳаётини асраб қолди, ўзингиз ҳам, қизингиз ҳам жаннати, Худо ярлақаган одам экансизлар» дегандан кейин онам бечора ҳам менга, «жон болам, умринг ўтиб кетяпти, юр уйга, олиб кетай» дейини тўхтатдилар, «болам тақдиринг шу экан-да» деб тақдирга тан бердилар. Тавба, уч марта учрашганимизда, тўйда Фотиҳ aka қандай гавдали келишган, чиройли йигит эди. Энди эса, озиб елкалари шалвираб, чақнаб турадиган катта-катта кўзлари ҳорғин ва маъюс, жингалак, қоп-қора соchlари тўкилиб, тепакал бўлиб қолибдилар. Шошилиб, ҳатто ҳовлиқиб гапирадиган йигит оғирбосиқ, ҳар бир гапини ўйлаб гапирадиган кишига айланабди. Бу ерда ҳаёт осон эмаслиги, юриш-туриш, гапиришларидан шундоқ сезилиб турибди...

— Масаллиқлари тайёр бўлса, мен ошхонага кириб, ошни бошлайман. Сизлар бемалол гаплашиб ўтиринглар.

— Фозил аканинг овозидан Оқиланинг хаёллари тўзиб кетди. У шошилиб, тўғралган сабзи, пиёз, гўштни кўтариб, ошхонага йўналган қайнотасига эргашди:

— Дада, сиз овора бўлманг, ошни ўзим пишираман дедим-ку, ҳозир жизза қилиб, чой дамлаб бераман. Сизлар ўғлингиз билан суҳбатлашиб ўтиринглар.

Оқила гапириш асносида Фотиҳга қараб, унинг ўзига тикилиб, жилмайиб турганини кўриб, уялганидан шошиб кўзини олди ва ошхонага йўналди...

Уч кунлик учрашув гўё бир кундек ўтди-кетди. Ўтган икки тунда Оқила Раҳима опа билан ичкари хонада тунади. Фотиҳ эса отаси билан кираверишдаги хонада ярим тунгача паст авозда нималарнидир гаплашиб ётар, кейин эса эркакларнинг бири хуррак отиб, бири пишиллаб ухлаб қолардилар. «Қайнонам билан ётаман деб яхши қилдим, — дея хаёлидан ўтди кўзи юмилиб бораёт-

ган Оқиланинг. – Қайси юзим билан ёнма-ён хонада у киши билан ... уят...»

* * *

Хайрлашув онлари яқинлашгани сайин Раҳима опанинг кайфияти тушкунлаша бошлади.

– Аяжон, нега хавотирланасиз? Мана, ишимни, яшаш шароитларимни кўрдингиз, – ўғли уни юпатди, – ҳаммаси жойида. Худо хоҳласа, кўпи кетиб, ози қолди.

– Жон болам, ўзингга эҳтиёт бўл. Ёмонларга тенг келаман дема. Ана, даданг айтяптилар, яхши юрсанг, яхши ишласанг муддатидан олдин жавоб беришар экан. Бизни, манави шўрликни ўйла, болам. Сенга қўшилиб унинг ҳам умри ўтиб кетяпти...

Оқила бу гапдан ҳам уялиб, ҳам кўз ёшларини кўрсат-маслик учун ўзини қайнонасининг панасига олди.

Раҳима опа кетар чофи ўғлини маҳкам қучиб, йиф-лайверди. Она қалби безовта, у гўё ўғлини бундан кейин сира кўрмайдигапдек, уни бемаҳал йўқотиб қўядиган, ажралиб қолаётгандек бўлар, у қандайдир ёмонлик юз беришини, бу – ўғлини охирги кўриши, энди дийдор қиёматга қолишини сесаётгандек эди...

– Бўлди қиласанг-чи, – охир Фозил отанинг жаҳли чиқди. – Бу нима қилиқ? Шунинг учун сира олиб келгим келмайди, ҳаммага томоша бўласан, деб. Бўлди-да, бир йил ҳам кўз юмгуича, ўтади-кетади, кулиб, хурсандчилик билан хайрлашсанг, ўғлингни кўз олдида ҳамиша кулиб турганинг қолади. Нима қиласан йиғлаб, унинг ҳам кўнглини эзиб?

Шу гапдан кейин бир четда мунфайибгина, кўзидан тинимсиз оқаётган ёшларини тез-тез артиб олаётган Оқила ҳам ўзипи тутиб, ёшли кўзлари билан ширин жилмайди. Унинг ана шу қиёфаси Фотиҳнинг хотирасида муҳрланиб, ҳар гал эслаганида юраги ширин энтигадиган, қалбининг қаериладир соғинч, унга интилиш туйғуси жўш урадиган бўлди.

* * *

Орадан ўн ой вақт үтди. Кечагина ўғлидан хат олган она бугун хомуш.

— Дадаси, ғалати туш күрдим, — ионуштадан кейин боқувдаги новвос, мол-қўйларнинг ем-хашагини бериб, юз-қўлини ювиб, ишга отланган Фозил аканинг қўлидан сочиқни олиб, унга ялинганинамо гапирди хотини. — Айтиб берай...

«Э, сени тушинг ҳам ...» — дея уришиб беради деб ўйлајити, деган хаёл үтди эрининг кўнглидан ва хотининиг озиб, қовоқлари салқиб қолганидан ичидан зил кетган ҳолда: — Қани айт, эштайлик, — деди юраги ғаш бўлиб турган бўлса ҳам ўзини қувноқ кўрсатишга уриниб.

— Тушимда ўша муассаса ёнбошига Фотиҳжон уй қураётган эмиш. Уйнинг тўрт томони девор, ўзи унинг ичидан туриб, кетмон билан ер қазияпти. Иккаламиз тенпадан қараб, «тавба бу уйнинг эшик-деразаси қани?» деб куляпмиз. Сиз «Ҳой, болам, бу уйни қанақа режа билан қуряпсан, бу ердан кейин қандай чиқасан?» деб бақирган экансиз, чўчиб уйғониб кетдим, кўнглим ғаш...

— Бўлар-бўлмасга кўйглинг ғаш бўлавермасин, — ўзининг юрагидаги хавотир кучайган бўлса ҳам, сездирмасликка уринди эр. — Аввало, ҳар қандай тушни яхшиликка йўйиш керак, қолаверса, «тушга нималар кирмайди, душман нималар демайди» деган гаи ҳам бор. «Туш ҳаққи» деб садақа бериб юбор. Ўғлимни келишига уйни таъмирлатсан дэяверганингга кирган бу туш, — уни юпатди, Фозил ака. — Бўлти, мен ишга борай.

— Иложи бўлса, ўғлингиздан бирор хабар суриштира олармикансиз? — умид билан сўради Раҳима она.

— Ҳаракат қиласман, диққат бўлмай, яхши ўтиринглар.

У Оқила уйдан олиб чиқсан костюмни кийиб, хайрлашди-да, чиқиб кетди.

Қайноаси эрталаб Оқилага ҳам кўрган тушини айтиб берган, шундоқ ҳам бир неча кундан бери дилини ғашлик кемираётган қиз «тушимда қўлимдаги ойнагим

тушиб, чил-чил синибди» дея кўрган тушини унга айтиб, уни баттар хавотирга солгиси келмаган эди.

* * *

– Фозил ота, сизга айтадиган гапим бор эди, – ишдан қайтаётиб, йўлда дуч келган маҳалла нозири, лейтенант Салимжоннинг гапидан Фозил отанинг вужуди титраб кетди. Лекин у тезда ўзини ўнглаб, лейтенантнинг сўрашиш учун узатган қўлини олди.

– Нима гап, ука, тинчликми?

– Шу, ўғлингиз жазо муддатини ўтаётган муассаса бошлиғидан хат келган экан, – лейтенант гўё отани хафа қилиб қўйишдан чўчигандек, хижолатлик билан деди. – Шуни сизга билдирай деб... у қўлидаги конвертни отага узатди.

– Нима гап, тезроқ айтсангиз-чи, – отанинг ранги бўғриқиб, қўллари титрай бошлади.

– Тинчлик ака, тинчлик. Фотиҳжон ўша ерда ким биландир муштлашиб, уриб, оёқ-қўлларини синдириб қўйибди. Шунга уни қайтадан суд қилиб, жазо муддатига яна уч йил қўшиб беришибди...

– Оҳ, бадбаҳт, нобакор, – ота чап кўксини фижимлади. – Ўша ерда ҳам тинч юрмабди-да? Қанча насиҳат қилган эдим. Ўзи тузук эканми? Онасига нима дейман эди?

Фозил ака уйга келгач, «юрагим оғрияпти» деб ётиб олди. Чақирилган «Тез ёрдам» шифокори унинг юраги бежо ураётганини, қон босими ҳам кўтарилиганини айтиб, касалхонага олиб кетмоқчи бўлди.

– Йўқ, – қатъий рад этди бу гапни ота, – касалхонага бормайман. Нима муолажа бўлса, уйда қилаверинглар. У ўғли ҳақидаги гапни кимдир билиб хотинига айтиб қўйишидан қўрқарди. «Салимжондан илтимос қилдим, у оғзига маҳкам йигит, яна ким билади, ўша томонлардан бирортаси келиб...»

Ота шу бўйи бир ойга яқин ўрин-кўрпа қилиб ётди. Барака топкур шифокорлар тез-тез хабар олишиб, қўшни

келин зарур уколларни қилиб турди. «Қизиқ, нима учун деярли беш йилдан бүён Оқила шу уйда яшайды-ю, уни бирор үқишга кириб, үқигин, деган гап хаёлига келмади? Бечора, уйда хизматкордай умри үтәпти-я. Тузалиб қолсам, албатта, ҳамшираликка кир, дейман.»

Раҳима опа эрининг бошида парвона бўлиб, кўнгли тусаган таомини пишириб, шифокорларнинг айтган дорисини вақтида етказиб, кийим-кечак, ўрин-кўрпасини вақтида янгилаб, югуриб-елиб юрган бўлса ҳам кўнгли алағда: эрта-индин уйига кириб келадиган ўғлига инимадир бўлади-ю... Яна дийдорлашув онлари чўзилади. Хаёлига тез-тез келадиган бу фикрни қувиши учун ўзини меҳнатга уради, лекин кўнгил ғашлиги тарқалмайди

Фозил ота батамом тузалиб оёққа тургач, яна ишга чиқа бошлади. Унинг илгарги шаҳди йўқ, шу бир ой ичида анча қариб қолгандек. Буни аёли касали яхши тузалмаганига йўйди, ишқилиб ўғлимизнинг келишига бардам, тетик бўлиб турсинлар, тузалиб қолсинлар, дея Худодан сўрарди. Бу орада қайнотасининг гапи билан Оқила бир йиллик тиббиёт ҳамшираси курсида ўқий бошлади.

Кунларнинг бирида Раҳима опанинг хаёлига уйларни бир четдан йиғишириш келиб қолди. Ўғли билан келинига берилган олди айвонли уч хонали уй чинни-ю чироқдек. Ўзи билан эрини икки хонали уйлари эса эри касал бўлиб ётгандан бўён астойдил супуриб-сидирилгани йўқ, чанг-чунг кўтарилади дея эрини аяди. Оқила иккиси каравотларни суриб, гиламни ташқарига чиқара олармиканлар?

Раҳима опа гиламнинг каравот томондаги четини қайирди. Унинг тагидаги қофозга кўзи тушиб, тавба, жавон турганда, гиламнинг тагига ҳам нарса қўядими бу одам, дея бориб, уни олди. Конвертни кўриб, ажабланган аёл дераза ёнига, ёруроққа келиб, унинг ичидаги қофозни олиб, ўқий бошлади: «Ўғлингиз Одилов Фотих Фозилович... муассасани ички тартиб-қоидаларини бу-

зиб, маҳқум ...га ўргача оғирликдаги тан жароҳати етказиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси-нинг... моддасида кўзга тутилган жиноятни содир этгани учун суд ҳукми билан унинг жазо муддатига қўшимча уч йил қўшилди...

Раҳима опа дераза ёнига чўккалааб ўтириб қолди. Унинг хаёлида бирдан қуон кўтарилиб, унинг аъзойи-баданини ўраб олди: мия қон томирлари қисирлаб, қулоқлари шанғиллай бошлади, кўз олди тиниб, бир зумда зими斯顿 ичидаги қолди; юрак уриши гўё бутун оламга эши-тилиб, муштумдеккина бу заҳматкаш аъзо ҳозир кўксини ёриб чиқадигандай, потирлай бошлади. Она ҳунсиз аҳволда гиламга чўзилиб қолди. Унинг қўлида тушиб кетган қоғоз эса очиқ деразадан айвонига учиб тушди.

Ҳовлини чиннидек қилиб сунуриб, сувларпи селиб қўйган Оқила муздек сувда юз-кўзини чайиб, хонасига кириб, кийимларини алмаштириб чиқди. «Қизиқ, аям нима қилаётган эканлар, уйга кириб кетганлари қачон эди. Яна сандиқ титкилаётган бўлсалар керак-да». У шу ўй билан қайнона-қайпотасига тегишли уй айвонига чи-қиб борди-ю кўзи ерда ётган қоғозга тушди. Беихтиёр уни қўлига олиб, кўз югуртириди. Аввал ўқиганларини англай олмади. Яна ўқиди-ю, даҳшатдан ҳайкалдек турган жойида қотиб қолди: Яна, яна қўшимча уч йил!

У бирдан қайнонасини эслади ва жон ҳолатда «ая, аяжон» деб қичқирганча, ўзини ичкарига урди...

* * *

– Болам, ёш умрингизни хазон қилишимиз бандага-ям, Яратганга ҳам хуш келмаяпти, – орадан ўн беш кун ўтиб Раҳима опа ўзини сал тутиб олгач, эрталаб но-нуштадан кейин эр-хотиннинг келишуви бўйича Фозил ота томоқ қириб, Оқилага эмас, дастурхонга қараб, аста гап бошлади. – Раҳмат. Шунча йилдан буён келин эмас, қизимиз бўлиб хизматимизни қилдингиз. Эрта-индин келади, деб турганимизда, қилган ишини эши-

дингиз. Шунга, болам, бир бетайнни кутиб, умрингиз ўтмасин...

– Кет, демоқчилигингизни тушуниб турибман, дада, – Оқила ҳам дастурхондан бош кўтармай, кўз ёшлари юзларини ювганича, унинг гапини бўлди, – лекин мен кетмайман, кета олмайман. Бу ерда мен ўғлингиз учун эмас, аям, сиз учун яшаяпман, дада. Сизларни отам-онам деб яшаяпман. Шунинг учун мени кет деманг, бу ҳақда бошқа гапирманглар ҳам, – у йифлаганича, ўрнидан сирғалгандек туриб, ошхонага кириб кетди.

– Нима қиламиз? – Фозил ота хотинига қаради.

– Ҳайдаб чиқармаймиз-ку, нимаям қилардик. Майли, кўнглига қараб турайлик-чи, ўзидан бир гап чиқар.

– Кеча дадаси билан аяси қанча насиҳат қилди – кор қилмади. Сизлар йўлга солинглар, дейишганди-да.

– Мана кўриб, эшитиб турибсан-ку, ҳайф бу қиз ўғлингга!, – отанинг ранги ўчди. – Эсиз қиз, у бадбахтга!

Раҳима опа эрининг гапларига жавоб қайтармай, дастурхонга қараб, жим қолди. Ота унинг дилини оғритганини англаб, фотиҳага қўл очди.

– Майли, бир гап бўлар, – у фотиҳадан кейин ўрнидан турди, – Худо бир йўлга бошлар. Мен ишга кетдим.

– Яхши бориб келинг, – Раҳима опа жойидан оғир қўзғалди.

– Дада. Яхши бориб келинг, – Оқила ўртада ҳеч гап бўлмагандай, қайнотасига юзланди. – Дастрўмолчангизни ювиб, дазмоллаб қўйгандим, мана олинг.

Фозил отанинг юраги тўлқинланиб, кўзларига ёш тўлди. «Ҳақиқатан келин эмас, қизимиз у. Кетиб қолса, нима қилардик? Ахир шу нимжонгина қиз эр-хотин иккимизга тоғдек суюнч, юпанч бўлиб қолди-ку. Ўғлим бу қизнинг тирноғига ҳам арзимайди», унинг қалбида Оқилага нисбатан оталик меҳри жўш урди. Шу тариқа яна икки баҳор, ёз, куз ўтди. Қиши қиличини қайраб, кетма-кет қори, совуқ аёзи билан даҳшат солди. Яна табиатни, оламни яшнатиб, яшилликка буркаб, баҳор келди.

Шермуҳаммад ота эргалабдан кўпчиб ётган кенг ҳовлиниң бир четини ўткир кетмон билан чопиб, кичкина-гина ариқча қазиди, бир сотих келиб-келмайдиган ерни ажратиб қўйди ва товуқларига дон сепаётган аёлига қараб: – Мана, жой ажратиб қўйдим. Кашнич, укропу ва бошқа уруғларингни шу жойга сепавер, – деб тайинлади. – Бу томонга картошка, сабзи-пиёз, помидор экамиз.

Шу пайт кўча эшиги очилиб Фозил ака кириб келди. У нималардир деб гапириб, бошига муштлаб келарди.

– Ҳой, ҳой Фозил ўртоқ, тинчликми? – Шермуҳаммад ота ўртоғига пешвоз юрди. – Нима гап, нима бўлди?

Фозил ота ўртоғининг кенг елкасидан қучганча бўғиқ овозда фарёд солди: – Ёлғизимдан ажраб қолдим! Фотиҳ ўлибди, ток уриб ўлибди, ўртоқ, эшитяпсанми, ўлибди!

– Ким, ким айтди сенга бу гапни? – дўстининг елкасидан силкиб, сўради Шермуҳаммад ота. – Қаердан эшитдинг, балки бўлмаган гапдир?

– Хабар келди. Телеграмма келди, – ота йиғлаб қўйин чўнтағидан бир парча қофоз чиқарди. – Ёлғиз бўлса ҳам хонумонимга ўт қўйди бу бола. На ўзи кун кўрди, на менга, онасига, шўрлик Оқиласага кун кўрсатди бу нобакор.

– Қўй, ундај дема, – дўсти уни юпатди, – тақдир азал пешонасига шулар битилгандир-да. – У хотинининг қўлидаги илиқ чойни олиб, дўстига тутди. – Ма, манавини ич, кейин манави сўрига ўтири. – У чаққон келини кўрпаchalарни тўшаб улгурган сўрига ўртоғини етаклади. Ўтиргач, «Ўтганларни Худо раҳмат қилсин!» дея юзига фотиҳа тортди. Фозил ота ҳам беихтиёр юзига қўлларини сурган бўлса-да, дўсти нима деганини англамади.

– Энди, дўстим сенга, хотининг, келинингга Худо сабр берсин, – Шермуҳаммад ота ўртоғига юзланди. – Нима қиламиз, бориб олиб келамизми?

– Беришармикан?

– Беришади. Фақат тезроқ ҳаракат қилиш керак. Лекин, ошина, биламан, сенга жуда қийин, шундай бўлса ҳам, ўзингни тут, эркак одамсан. Аёлларни олдида сен йифлаб турсанг, улар нима қилишсин.

Хуллас, икки дўст шу куниёқ самолётта билет олиб, учишли. Эртаси куни пешиндан кейин кечаси ташқариға чиқиб, баҳорнинг кучли шамоли оқибатида узилиб тушган электр симини кўрмасдан, унга ўралашиб қолган ва ток уриши натижасида ҳалок бўлган Фотиҳнинг кафандланган жасадини олиб келишди.

* * *

Орадан бир йил ўтиб, Фотиҳнинг йил оши маросими ўтказилди, Раҳима опа, шу жумладан, Оқила ҳам азадорлик белгиси бўлмиш мотам либосларини ечиб, оқ кийишиди. Маросимлар тугаб, эл оёғи тинди, хонадонда фақат уй эгалари-ю яқин қариндошлар, Оқиланинг ота-онаси, акалари қолди. Яна ўша кўп йиллардан бўён икки оиласи қийнаб келаётган масала – Оқиланинг тақдиди нима бўлади, деган савол ҳамманинг олдида кўндаланг бўлди. Лекин ҳеч ким юрак ютиб, бу ҳақда оғиз оча олмас, бунга бели букилиб, ҳассага таяниб қолган Фозил ака билан узун соchlари қордек оқарган, кўзлари анча хиралашиб қолган Раҳима опанинг забун аҳволи йўл бермас эди.

– Балки, қариндошларидан бирортасини кўчириб келишар, – эрига юзланиб гап бошлади Оқиланинг онаси, – бундан буёғига Оқила бу хонадонда нима деб қолади? Шуни секин эркак қудага айтиб кўринг. Майли, бутун, эртамас, ўша қариндошлари кўчиб келгандан кейин қизимизни олиб кетайлик, отаси. Эл-юрт олдида ҳам уят бўлиб кетди, унинг бу аҳволда юриши. Чойни япгилаб келган Оқила онасининг чала-ярим гапларини эшилди-ю гап нимадалигини дарров англади ва индамасдан ортига қайтиб Раҳима опани етаклаб чиқди.

– Ая, мана шу сўрида, аям билан гаплашиб ўтиринг. Эркаклар меҳмонхонада ўтиришаркан. Уйни ичи исиб

кетди, бу ер баҳаво, мана, иссиқ чой олиб келдим. Эҳтиёт бўлиб ичинг. Ё ўзим ичириб қўяйми? – у меҳрибонлик билан пиёладаги чойни пулаб, қайнонасишнг оғзига тутди ва унинг «раҳмат болам, баҳтли бўлинг, беринг, ўзим ичай» деганига қарамай, чойни ўзи ичиришга уринди. Унинг қайнонасига меҳрибонлигини кўриб, ичидарашкка ўхшаган бир нарса ғимирлаган онаизор «нима бало, янаям мана шу чол-кампир билан яшайвермоқчи-мисан» деб ўйлади энсаси қотиб ва қизига ўқрайиб қаради. Унинг эса парвойи фалак, қайнонаси билан овора эди. «Умуман, уят деганин ҳам унутиб қўйибди бу қиз...»

Шу пайт Оқиланинг акаси Собиржон уларнинг ёнига келди ва:

– Қуда хола, ая, Оқила ҳаммамиз бир гаплашиб олишимиз керак. Шунга сизлар ҳам ичкарига кирап экансизлар, – дея хабар берди.

Қайнона-келин бир-бирига ялт этиб қарашди. Эркаклар нима ҳақида гаплашишмоқчилиги маълум. Раҳима опанинг қалбига бир парча ўт тушиб, кўксининг чап томони ловуллаб, ачиша бошлади. У нимчасининг чўнтағидан шишачада дори олиб, бир дона дорини оғзига солди.

– Ая, тузукмисиз? Унинг ҳаракатларини зимдан кузатган Оқила ташвишланиб деди. – Ё ичкарига олиб кирайми, ётасизми?

– Йўғ-а, болам яхшиман, – у хижолатлик билан қудасига қаради, – шу, шу арзир-арзимасга юрагим ўйнайверади-да. Қани, меҳмонхонага кирайлик бўлмаса.

«Тайёр оёқ-қўлли хизматкорни топиб олгансанлар, шунча йилдан буён йўқ эрнинг йўлини пойлаб, унинг ота-онасига чўрилик қилиб юрган қизимни «болам-болам»лаб алдаб олиб юрибди-да бу муғомбирлар, – маҳалла-кўйдаги тили узунларнинг гап-сўзларидан, айрим қариндошларнинг дашномларидан безор бўлиб, сабр косаси тўлган Оқиланинг отаси ҳам бу гал астайдил эътиroz билан гап бошлади, – Бўлди, Оқила ё

бир ҳафта ичида кўчини йиғишириб, уйга қайтади ёки бизнинг бундай қизимиз йўқ. Андиша қила-қила гулдек қизимизнинг саккиз йиллик умрини ўтказдик. Энди бунақаси кетмайди, ҳамма нарсани ҳам чегараси бор.»

Оқила ҳам бу галги «гаплашиб олиш»нинг мавзуси яна ўзига боғлиқ бўлиши ва тақдири узил-кесил ҳал қилинишини яхши биларди. Тавба, бир оғиз «болам, энди сени олиб кетайлик» деб ўзимга айтмасдан, мен билан ўзаро маслаҳатлашмасдан, ўzlарича ҳукм чиқаришида-я. Мен ҳам энди ёш қиз эмасман, ёшим йигирма бешга кетяпти, ота уйимдан чиқиб, ушбу хонадонни нонтузини еб, бирини ота, бирини она деб юрганимга ҳам саккиз йил бўлибди. Шунча йиллик қадрдонларимдан, ота-онам, қариндошларимнинг бир оғиз гапи билан воз кечиб кета олмайман-ку. Тўғри, бу уйга келин бўлиб тушиб, эр кўрмадим, ўша бебош, хаёлий эрни деб яшадим, уни кутдим. Эрсиз ўтаётганлар бирордан кам яшётгани йўқ. Ҳа, майли, ота-онам мени қўйдек етаклаб олиб ҳам кетсин, олдинда нималар кутади?»

– Ҳой келсаларинг-чи, нима, яна алоҳида таклиф этайликми? – акасининг зардали овозидан хаёли бузилган Оқиланинг кўзи онасига тушди. У ҳам аллақачон ўрнидан туриб, на меҳмонхонага боришини, на қайтиб жойига ўтиришни билмай, қизига ўқрайиб, қараб турарди. Қайноаси эса тараддувланиб, Оқиланинг «юринг» дейишини кутарди.

– Аяжон, сиз шу ерда ўтираверинг, овора бўлманг. Нима гап бўлса, мен келиб айтаман, – деди у Раҳима опанинг мунфайган нигоҳларига бардош беролмай, – яна нима гап бўларди, ўша гап-да.

– Ҳа, ҳамма йиғилсин дейишиди-ку? – онаси Оқилага норозилик билан қаради. – Буларни ҳам амаллаб олиб борайлик-да.

«Булар» деди-я. Арзимайман-да энди, – Раҳима опанинг ранги янада оқариб, мижжаларига кўз ёш инди.

— Аяжон, аям узрилиар. Үёқдан-буёқقا етаклайверсак, узликиб қоладилар, юринг борайлар, нима гап экан.

— Тавба, онантдан ҳам үшанга меҳрибонсан-а, — бешолти қадам нари боришигач, она қизига таъна қилди.

— Аяжон, шунча йилдан буён эт билан тирноқ бўлиб кетдик, ахир.

— Шу билан бизни ажратиб бўлмайди, демоқчимисан? Оқила индамасдан онасиға йўл берди...

* * *

«Вақт – олий ҳакам» деганлари ҳақ экан. Үшандаги, бундан икки йил аввал Оқила ота-онасининг раъйларига қараб, «бор-э» дейа бу хонадонни тарқ этганида, бу икки куйган қулларга бугунги хурсандчилик қаерда эди?

Қудаларнинг бирорта қариндошларини кўчириб келиб, Оқиланинг уйга қайтариш ҳақидаги фикри Фозил отага ҳам, Раҳима опага ҳам маъқул тушганди үшанда. Лекин Оқила:

— Дадажон, ая, мендан хафа бўлманглару, лекин мен ўзим учун сизлардек азиз ва яқин бўлиб қолган бу инсонларни ташлаб кетмайман, кета олмайман. Шунинг учун бизни тинч қўйинглар, — деди-ю хонани тарқ этди. Анчамунча музокаралардан кейин ота-она собиқ қудаларига «қизларини ҳадеб болам-бутам, деявермаслик, қаттиқроқ гапириб, панд-насиҳат қилиш ва иложи борича тезроқ ота уйига қайтариш»ни қайта-қайта таъкидлаб, кетишиди. Бироқ туққан фарзандларидан бўлиб қолган ягона суюнчиқлари, овунчоқлари бўлмиш Оқилага бу шўрликлар қандай қаттиқ гапирсан? Асос ҳам йўқ-да.

Ана шундай хаёллар билан юрган кунларининг бирида – баҳор оёқлаб, чиллаки узумлару запачак олмалар шира боғлаган, ҳовлидаги бир туп гилоснинг новдалари қип-қизил ёқут маржонлар билан безалган бир паллада Фозил отанинг дарвозаси тақиллади. «Ҳозир» дейа бориб, эшик очган Оқила икки нафар нотаниш аёлга одоб билан салом берди ва:

– Келинглар, қани, ичкарига, – дея манзират қилиш асносида «аямнинг танишлариридир» деган фикрни хаёлидан ўтказди.

– Ўргилай сиздан, Раҳима опанинг уйлари шуми? – аёллардан бири Оқиланинг нозик қадди-бастини, орқаси тўла қирқ кокил сочи кўйлаги баробар турганига ҳавас билан кўздан кечириб сўради ва «ҳа» жавобини олгач: – Ўзлари уйдамилар? – деди.

Бу – Фозил ота ва Раҳима опаларнинг келин-қизларини сўраб келган биринчи совчилар эди. Улардан бирининг ўғли бир фарзанди билан хотинидан ажрашган ва Оқилани ўшанга сўраб келишган экан.

Совчиларга тайинли бир гап айтилмади, айтишгани «Оқиланинг ихтиёри ўзида» дейилгани бўлди.

Шу кеча ота-она учун ўғиллари қайтадан ўлди: она – ошкора, ота – пинҳона тонггача кўз ёш тўқдилар. Кеинин Фозил ота бир тўхтамга келди:

– Онаси, қиз бор уйга совчи келади. Уйимизга совчи келибди, демак, одамлар Оқилани бизнинг қизимиз деб билишади, Худога шукр. Вояга етган қизни узатиш эса ота-онанинг бурчи.

– Фақат хотинидан ажрашган, хотини ўлган йигитга берадиган қизимиз йўқ, – кўз ёши аралаш жилмайди Раҳима опа.

Шу кундан эътиборан бу хонадонда совчи кутиш одатий ҳолга айланиб қолди. Раҳима опанинг узлуксиз панд-насиҳатларидан Оқила ҳам бу «фалати» ҳолатга кўниқди. Куз яқинлашиб, пахта теримиға тушиш олдидан эса Оқиланинг тўйи бўлди. Уни қачондир ўз хонадонларидан келин сифатида кутиб олган Фозил ота билан Раҳима опа – саломатликлари яхшиланиб, қаддилари тикланган, тақдирга тан бериб, бокира келинларини ҳақиқий қизлари сифатида яна оппоқ либосларда узатишмоқда. Куёв ҳам олисдан эмас, шундоққина кўчаларининг нариги юзида – рўпарада яшовчи Фозил отанинг қадрдан дўсти Қосим тоғанинг ўғли, – Аф-

фонда хизмат қилиб, кейин ўқишига кириб, ёши ўтгиздан ошса ҳам уйланишини ортга суриб юрган Нозимжон эди.


Яна бир йил ўтиб икки хонадонда катта тантана бошлианди. Раҳима опанинг қувончи ичига сифмайди – бош набираси – Фотиҳжонни еру-кўкка ишонмай, қўлидан қўймай, ҳовлида авайлаб, кўтариб юради. Фозил ота боқувдаги қўчқорни сўяётган қўшни қассобга ёрдам бермоқда.

– Ақиқа эмас, суннат тўйи деб қўя қолмабсизлар, – дейди Оқиланинг онаси собиқ қудаси Раҳима опага юзланиб.

– Ўйғ-э, оппоқ дадасининг орзулари кўп ҳали, Фотиҳжон уч ёшига тўлгач, карнай-сурнай билан элга ош бериб, суннат тўйи қилиб бераман, деганлар, – мақтанганинамо дейди Раҳима опа.

– Тавба, одамни меҳр яшартиради, деганлари шу эканда, – аёл Раҳима опага қараб, ўзича сўзланади. – Шу аёлни беш-олти йил олдин кўрганлар узоққа бормайди, дейишарди. Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим. Аллоҳнинг ишларини қарангки, қиз узатиб, қуда-андали бўлиб, касалларини унуган эди. Набирали бўлиб, янаям яшариб кетди. Оқила бўлса, мени бир марта «аяжон» деса, уни ўн марта «аяжон» дейди. «Меҳр кўзда» деганлари шу экан-да.

– Аяжон, болангизни бешикка белаб қўя қолинг, кўтаравериб, чарчаб қолманг, – Оқиланинг бу гапидан онасининг қалбида қизғанишга ўхшаш бир туйғу ғимирларди...



ЖИНОЯТГА

ЖАЗО

МУҚАРРАР

Жиноятта жазо муқаррар

Ховлидаги бақир-чақир, қий-чувлар тингач, шуни кутиб тургандек, дарвоза очилиб, құшни аёл – Каши-фахон кириб келди.

– Ҳой Ҳалимахон, уйдамисиз?

Ҳалимахон құшниси гап олгани чиққанини сезгани боис, энсаси қотибрөқ жавоб берди:

– Ҳа, келаверинг, уйда бүлмай, гүрда бүламанми? Келинг.

Улар құл учыда «эсон-омонмисиз, омон-эсонмисиз» десе қоққач, бека құшнини баҳайбат, сояси ҳовлининг ярмини әгаллаган, ўрик тагидаги ёғоч сүри томон бошлади. Дараҳтнинг меваси тұқилиці, күрпача-ю гиламни дөғ-дүғ қилиб ташлайверганидан, улар бир четга йиғиб құйилған зди.

Ҳалимахон сүрига чиқиб, икки-уч жойда ётган ўрик-ларни териб олиб, гиламни ёйди. Құшни унга ёрдамлашади. Кейин күрпачалар солиниб, хонтахта үз ўрнига құйилды.

– Ўрикни қоқиб олғандиларинг, шекилли, – Каши-фахон «тап» этиб ёнгинасига – күрпача устига тушган қызығыш-сариқ, каттагина ўрикни «насиба» дея олиб, пуф-пуфлаганча, ся бошлади. – Шириллігини қаранг, асал-а, асал.

– Қоқиңга қоқиб олғанмиз, бу жониворниң меваси бирдания пишмас экан-да. Пишгани терилиб, ғұраси қолган зди. Мана, энди пишгани-пишган тұқилиці, пил-чиллаб ётибди. Қани, сүрига чиқинг.

– Яхшида ўтирган жойингизда насибангизни териб сяве-
раркансиз, – кулди қўшни. – Қани, омин, тинчлик-хотир-
жамлик берсин, Аллоҳу Акбар! Тузумисиз, бола-чақа,
набиралар омонми? Икки кундан бери кўринмайсиз?

– Йўғ-а, кўринмай, қайга борардим. Ўтирибман тўрт
деворнинг ичида гум бўлиб, – унинг ўсмоқчилашидан
фаши келди холанинг, – Болалар ўз йўлига, набиралар
оёғимга кишан бўлган ҳозир.

Икки қўшни бир оз у ёқ-бу ёқдан гаплашишгач, Ка-
шифахои ўсмоқчилади:

– Ҳозиргина келдим, у-бу керак бўлиб, азоңда ша-
ҳарга, бозорга кетувдим. Келин «Ҳалима опа нимадан-
дир хафа» деганига, кўнгил сўрай, тинчликмикан, деб
чиқавердим, нима гап, ўртоқ, ёрилинг бундай.

Боягидан бир оз юмшаган Ҳалимахон чуқур уф торт-
ди. Кейин айвон томоинга бир қараб олиб, гап бошлади:

– Яна ўша машмаша-да, ўртоқ. Бу жувонмаргга минг
марта тайинладим, битта боланг билан кўчага чиқариб
қўйган йигитдан кўнглингни уз, ақлингни йиф, деб. Йўқ,
«яхши кўраман, онаси ёмон, ўғли яхши» деб бурчак-
бурчақда учрашиб юрди, мана оқибати...

Ҳалимахон камзулининг чўнгагидан рўмолча олиб,
кўзларига босди. – Ахир, қайси она фарзандининг уйи
бузилишини истайдики, мен истасам. «Ўзинг пиширган
опи...» деб койисам ҳам, ичимда шуларнинг ярашиб ке-
тишини Худодан сўрайман, ўртоқ. Шу умидда, ажраши-
ган бўлса ҳам пана-панада учрашиб юришганига инда-
маётгацдим. Жувон ўлгур, дарров ҳомиладор бўла
қолибди...

– Вой ўлай! – қўшни икки қўллаб юзини чангллага-
нича, хонтахта оша у томонга энгашди. – Нима дедин-
гиз? Ахир, куёв ўлгурингизни онаси келин қидириб,
кўчама-кўча сағиб юрибди-ку? Энди нима бўлади?
Эрига айтибдими?

– Айтибди, – Ҳалимахон пиқ-пиқ йиглади. – Аввали-
га «ўламан-куяман, ярашаман» деб юрган одам бола

ҳақидаги гапни эшитиб, «шу йўл билан оёғимни боғлаб олмоқчимисан? Бола мендан эмас, мени сендан қонуний ажрашганман. Уни кимдан орттирган бўлсанг ўшани олдига бор», денти-ю кетворибди...

– Бўйни узилсии, жувонмаргни, – Кашифахон күёвни қарғади. – Ҳа, онасининг олдига бориб, бор гапни айтмадингизми, мана, мени бошлаб бормайсизми, шарманда қилмайманми она-болани, тавба...

– Қизим Нигор ўлгурининг ўзи боласини етаклаб, мунғайиб борган экан, онаси ҳовлига ҳам киритмай, ҳайдапти. Ўғлимни эрга-индин уйланишини эшитиб, кўчадан орттирган ҳаромингни унинг бўйнига илгани келдингми, деб вайсабди жодугар.

– Ҳафа бўлманг, уни ҳам бир-икки эмас, тўртта қизи бор, қизингизнинг бошига тушган кун қизларининг бошига ҳам тушсин. Шу ҳомилани олдирса бўлмасмики?

– Бахти қаро қизим ўша номардга ишониб, вақтни ўтказиб юборибди-да. Ҳомила катта бўлиб қолганмиш, энди олиш мумкин эмас экан. Устига устак, қудам ўлгур келиб, олами бошига кўтариб, жаңжал қилиб кетди.

– Жуда яхши қилибди-да. Ана энди бутун маҳалла Нигоранинг боласи ҳалол эриданлигини эшитибди, яхши бўлибди. Энди сиз ҳадеб диққат бўлиб, сиқилаверманг. Нигорани ҳам уришиб-сўкаверманг. Майли, зурниёд берган Худо унинг ризқини ҳам беради. Бола эсон-омон, вақти-соати билан туғилаверсин, унгача бир чора излаб тонармиз.

– Шундай дейсизу, ўзи битта боласи келинларимга ёқмаяшти-ю иккита бўлса, нима қиласди? Кейин...

– Айтяпман-ку, чорасини топамиз деб, диққат бўлаверманг. Буёғига Худо пошишо, ёшлиқ қилган-да, ҳали фўр.

– Ҳў, ёш бўлмай ўлсии...

Қўшиилар фотиҳа қилгач, Кашифахон ўз уйи томон йўл олди.

* * *

«.... туман ички ишлар бўлимининг
бошлигига.
Фуқаро Нигора Болтабоевадан

Ариза

Ариза беришинга сабаб, 2 октябр... 19... йил куни Дехқон бозорининг қаршисида онам, Ҳалима Болтабоева менинг етти кутилик болам Нусратбекни қўлимдан тортиб олиб, қўшинимиз Кашифа она билан «Жигули»да номаълум тарафга кетишиди. Кечқурун онам боламсиз қайтиб келди ва уни нима қилганни, қаердалигини айтмади. Шундан буён болами қидириб, топа олмаяпман. Уни топишинга ёрдам беришингизни сўрайман.

20 ноябрь 19... йил.

– Қизиқ, бола бир ой аввал олиб кетилган бўлса, онаси нега шу пайтгача бизга мурожаат қилмади экан? – туман ички ишлар бўлимининг бошлиғи, полковник Рустам Азизов қўлидаги бир варақ қофозга ёзилган аризани икки-уч қайта ўқиб, биринчи ўринбосари, майор Улуғбек Нодировга узатди. – Фалати воқеа, танишиб чиқинг.

Майор аризани диққат билан икки қайта ўқиди. «Қизиқ», – деди у ҳам ва:

– Аризачи ўз онаси билан бир уйда яшармикан, – деди гўё бошлиққа савол бергандай ўзича, – бир уйда яшаса, қандай қилиб буви набирасини «тортиб» олади? Уни қаерга олиб боради?

– Ишқилиб, гўдак тирик бўлсин. Ахир, орадан бир ойдан ортиқ вақт ўтиби-я, – бошлиқ ачинганча, бош чайқади. – Бундай воқеа киноларда ҳам бўлмайди. Буви набирасини – ўз қизининг боласини тортиб олиб, қаергadir ташлаб келса. Фалати. Аризачини чақириб, гаплашиш керак. – У ёрдамчисини чақириб, буюрди. – Нав-

батчига хабар қилинг, фуқаро Нигора Болтабоева менинг ёнимга кириши учун рухсатнома ёзиб берсин. Аёлни ўзингиз олиб киринг.

– Хўп бўлади, ўртоқ бошлиқ, – ёшгина, баланд бўйли сержант йигит қаддини фоз тутиб, қоидага кўра ҳаракат қилди: – Рухсат этинг, – дея бошлиғига мурожат қилди.

– Рухсат.

Подполковник ёрдамчисининг ортидан кулимсираб, бир оз қараб тургач, ўринбосарига гап қотди. – Шу болага қойил қоламан. Низом талабларини ишидан игна-сигача билиб, шунчалик амал қиласиди, баъзан ўзим унинг ёнида ўнгайсизланиб кетаман айрим қоидаларга амал қилмаганим учун.

– Ҳозир ёшларга таълим-тарбия бериш масаласига жиддий қараляпти. Ўқув юртларидағи профессор-ўқтувчилик анча қаттиққўл. Шунинг шарофати бу.

Эшик аста тақиллади. Бошлиқ «киринг» дегач, у очилиб, сержант кирди ва ахборот берди.

– Фуқаро Болтабоева қабулхонада. Кираверсинми?

– Олиб киринг.

Хонага ўрта бўйли, озғироқ, қораҷадан келган жувон кириб келди. У бошига каттагина жун рўмол ўраб, эгнига эскироқ қора пальто кийган, чамаси, янгишина, пошнали қора этикда, оёғи қайрилиб кетадигандек, ҳадиксираб, катта-катта кўзларида қўрқув ҳисси сезилиб турган йигирма уч-йигирма тўрт ёшларда эди.

– Саломалайкум, – жувон ҳадиксираб салом берди.

– Ваалайкум ассалом, келинг, – бошлиқ жувонга жой кўрсатди. У ўтиргач, ўзини ва ўринбосарини таништириб, гап бошлади.

– Нигора Болтабоевасиз-а? Аёл эшитилар – эшитмас овозда «ҳа» деди. – Қани, қизим, нима гап бўлганини бир бошдан гапириб берингчи.

Жувон дудуқланана-дудуқланана аризада ёзилганларни такрорлади.

– Онангиз билан бир ҳовлида яшайсизларми?

- Ҳа.
- Болангизнинг отаси қаерда?
- Ажрашганмиз.
- Қачон?
- Бир йилдан ошди...
- Ажрашганларингизда ҳомилдор эдингизми? – бошлиқ ҳайрон бўлгандек майор билан кўз уриштириб олди.
 - Йўқ, – аёл чўнтағидан рўмолча олиб, кўзига босди.
- Ажрашганимиздан кейин эрим «ярашаман» деб мен билан учрашиб юрди. Бўйимда бўлиб қолгач эса боладан тонди. Бошқасига уйланди.
 - Ана бўлмаса, номард экан-ку. Одам ўз зурриёдидан ҳам тонадими? Бола туғилгач, «мана ўғлинг» деб олиб бормадингизми ёнига? – ўринбосар гапга аралашди.
 - Олиб бордим. Қайнонам уят гаплар билан ҳақорат қилиб, дарвозаданоқ ҳайдаб юборди, «боламнинг уйини бузма» деди, – жувон яна кўз ёшларига эрк берди. – Кейин ота уйимга келдим. Онам ҳам мени қарғаб-қарғаб уйга қўйди.
 - Болага онангизнинг муносабати қандай эди? – яна сўради ўринбосар.
 - Бир-икки кун жаҳл қилди-ю кейин жаҳлдан тушди. Кийимларини алмаштиришга, чўмилтиришга ёрдам берарди.
 - Шу битта болангизми?
 - Йўқ, уч ёшли ўғлим ҳам бор, уйда.
 - Онангиз ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ болангизни қўлингиздан тортиб олдими? – энди бошлиқ суриштира бошлади. – Сиз индамай қолавердингизми? Нима мақсадда қўлингиздан болани олган экан ўшанда?
 - Аввалига «ке, болани менга бер, бирнас кўтарай» деди. Йўқ, ўзим кўтараман, дегандим, «бу ёққа бер» деб тортиб олди, мен йиғлаганча қолавердим.
 - Ахир болани онангиз уйга олиб келмаган бўлса, эмизики гўдак қаерда бўлиши мумкин? Қўшни аёлдан ҳам сўрамадингизми?

– Сұрадим, онам ҳам, у ҳам «ишинг бўлмасин» дейишияпти.

– Энди, хафа бўлмайсизу мана, воқеа юз берганига ҳам бир ойдан ошибди. Шунча вақтдан буён нега болангиз ҳақида ҳеч кимга арз қилмадингиз, нега энди ариза билан мурожаат қиляпсиз?

– Онамга инсоф кириб, боламни топиб беради, дея умид қилдим, ишондим...

Бошлиқ яна сержантни чақириб, жувонни кузатиб қўйишини буюрди.

Улар чиқиб кетгандан кейин эса майорга қарата:

– Фалати жумбоқ-а? Менимча, қизининг эридан ажрашгандан кейин бир йил ўтиб, туғиб берганига жаҳли чиққан она чақалоқни кимгадир бериб юборган. Қизига эса тушинтиришни эп кўрмаган.

Шу куниёқ майор Улуғбек Нодиров бошлилигидаги тезкор-тергов гуруҳи иш бошлади. Гуруҳ бошлиғи Нодиров ёнига гуруҳ аъзоларидан тезкор вакиллар, капитан Аслиддин Фуломов ва лейтенант Зиёда Расулоловарни олиб, пешиндан кейин аризачини эмас, унинг қўшииси Кашифа онаникига бориши.

Эшик қўнғирофини қайта-қайта босишга тўғри келди. Охири аёл кишининг «ҳозир» деган овози эшитилди ва бир оздан кейин темир дарвозанинг бир тавақаси очилиб, ундан гулдор халати устидан катта жун рўмолга ўралиб олган, дўмбоқ, оппоққина жувон мўралади.

– Келинглар?

– Келдик, – унинг гап оҳангига мос тарзда жавоб берди майор. – Кашифа опа керак эди.

– Аям уйда йўқлар. Укалариникига, қўшини республикага кетган эдилар. Сизлар ким бўласизлар?

– Биз – ички ишлар ходимларимиз, – майор чўнтағидан гувоҳномасини олди ва очиб кўрсатди. Аёл унга бир қарааб қўйди ва: – Тинчликми? Аямни нима қиласизлар, у киши нима гуноҳ қилибди? – деди хавотирланиб.

– Кечирасиз, дарвозадан ичкари кирсак бўладими? Бу с尔да туриб гаплашиш ноқулай.

Жувон уларни дарвозанинг ёнбошига қурилган шинамгина айвонга таклиф қилди. Улар стол атрофига ўтириб, фотиҳа ўқишиди ва «мен ҳозир» деся ҳовли тўридаги бежирим уй томон йўл олаётган жувонни тўхтатишиди.

– Синглим, ҳеч нарсага овора бўлманг, – майор «чой олиб келай» деган жувонга мурожаат қилди, – бу ёқقا ўтиринг, бир-иккита саволим бор.

Жувон ҳадиксирабгина стулини улардан сал нарироқ суриб ўтирди.

– Уйда эркаклар йўқми? – майор жувоннинг «ишга кетишишган» деган жавобига аҳамият бермагандай, гапида давом этди. – Сиз опанинг кимлари бўласиз, исмингиз нима?

– Мен у кишининг келинлари Лолаҳон бўламан, – аёл ҳамон хавотирда, миёсида чақирилмаган меҳмонлар иега келишдийкин, деган ўй чарх уради.

– Синглим, қайнонангиз укасиникига қачон кетди? – майор иложи борича мулойимлик билан сўради.

– Бугун учинчи кун. Бир ҳафтада келаман, деганлар. Қачон борсалар бир ҳафта туриб келадилар.

– Ҳа, яхши. Лолаҳон, саволим ғалати бўлса, узр. Қайнонангиз ўёқقا нима олиб кетдилар?

– Тандирда патир ёпиб бердим, ўшани, анави, – у дарвоза рўпарасидаги улкан дараҳтга ишора қилди, – ёнфоқдан атай ажратиб, «укамга» деб олиб қўйгандилар, ўшани олдилар.

– Мабодо, ёш бола олиб кетмадиларми? – гўё шунчаки сўради майор.

– Йўғ-а, аям сира бола етакламайдилар, иккала болам ҳам орқаларидан эргашиб, йиғлаб қолишиди.

– Ҳа, майли синглим, омои бўлинг, – меҳмонлар ўринларидан туришиди. – Безовта қилганимиз учун узр, хайр, омон бўлинг.

– Ўзи нима гап, бирор парса бўлдими?

Келиннинг саволи жавобсиз қолди. У меҳмонлар ортидан бир оз қараб туриб, эшикни ёиди. Шу аснода қўшнилари Ҳалима холанинг эшиклари тақиллаб, итлари ҳургани эшитилди.

* * *

Дарвоза ёнида турган бегона эркаклар ва аёлга кўзи тушган Ҳалима хола шу заҳоти гап нимадалигини сезди ва қизига қараб: – Оғзингга маҳкам бўл! – дея ўшқирди.

Ўғли Асқаржон етаклаб кирган меҳмонларнинг жиддийлиги, салобатидан қўнгилга ғулғула тушса ҳам, хола ичидағини сиртига чиқармай, уларни очиқ чеҳра билан кутиб олиб, иссиққина меҳмонхонага бошлади. Ҳамма жойлашиб ўтириб олгач, фотиҳа ўқилди.

– Хуш келибсизлар, акалар, опахон, – Асқар меҳмонлар билан ҳол-аҳвол сўрашиб, қўзғалди. – Сизлар бемалол, мен ҳозир.

«Ажойиб халқимиз, одатларимиз бор-да», – қўнгилдан ўтказди капитан. – Киммиз, нима учун келганимизни суриштирмай ҳам, эшик тақиллатган одам меҳмонхонага таклиф қилинади.

Ҳалима хола меҳмонлар билан ҳол-аҳвол сўраш асносида ўзини бир оз босиб олди.

Меҳмонлар ўзларини таништириб, келишдан мақсадларини айтганиларида холанинг юзларидаги ажинлар яна ҳам қуюқлашиб, ранглари бир оқариб юзларига қон тепди ва тили тутилиб: – Ҳой, келин, Нигорани чақириб юборинг, – дея хонтахтага патнисда ион, қанд-қурс олиб кириб, қўйган ва чой олиб келиш учун қайтаётган келининг овозини баландлатиброқ буюрди. – Чойни Нигорадан бериб юборақолинг. Эрингиз болалар билан бирга, ўша ёқда овқатлана қолсин.

Фаросатли келин «сенлар бу уйга кирманглар» деган маънодаги гапни дарров англади ва «ставба, бошланди, шекилли» дея минғиллаганча индамай уй томон кетди.

– Хола, бизнинг нима мақсадда келганимиз ўзингизга маълум, – Нигора катта чойнакдаги чойдан пиёлаларга қўйиб, меҳмонларга ва онасига узатгач, майор гап бошлади. – Қизингизнинг аризасида ёзилишича, сиз унинг чақалоғини, яъни набирангизни қизингизнинг қўлидан тортиб олиб, қўшнингиз билан «Жигули»га ўтириб, кетибсизлар. Холажон, она ўз фарзандига бундай ваҳшийлик қилиши мумкин, эмас, лекин аризада шундай ёзилган. Ёшингизни ҳурмат қилиб, идорага чақирмасдан, ўзимиз келдик. Шунинг учун набирангизни нима мақсадда қизингиздан тортиб олдингиз, у ҳозир қаерда, кимнинг қўлида, ҳаммасини айтиб беринг.

Хола тараддулланиб, бир қизига, бир ўтирганларга қаради. У худди гапиришга қизидан истиҳола қилаётганга ўхшарди.

– Гапираверинг, қизингиз ҳам билиши керак нима воқеа юз берганини.

Ҳалима хола бошқа иложи йўқлигини англауб, паст, титроқ овозда гап бошлади

– Нигора эридан ажралиб ҳам унга илакишиб, шу болани орттириб олган экан. Олиб ташлагани кеч бўлибди. Йигит ўлгур ҳам (у собиқ куёвини назарда тутмоқда эди), унинг онаси ҳам буни икки бола билан эшигига йўлатмади, қайтага ўғлига хотин олиб бериб, бизни кўчага ҳайдаб, шарманда қилгани қолди. Ҳам шарманда бўлганлик алами, ҳам эрдан ажралиб, аранг рўзғор тебратаетган акасининг болаларининг ризқига шерик бўлиб, келиб ўтиргани алами-алам, жаҳл устидаги болани қўшнининг ўн йил бўлса ҳам фарзанд кўрмаган қариндоши бор экан, савоб бўлар, деб ўшанга бериб юбордик.

– Холажон инсон товуқ ёки қўзичоқ эмаски, тўғри келган одамга ҳадя қилиб юборгани. Қилган ишингиз қонун бўйича жиноятлигини билсизми? Шу ниятингиз бор экан, қизингиз билан келишиб, давлат идоралари орқали қонуний ҳал қилсангиз бўларди-ку?

Ҳалима хола бошини эгганча, йиғлаб ўтиради. Унинг ёнидаги қизининг юзларини ҳам кўз ёшлари ювмоқда эди.

– Йиғламасдан, менинг гапларимга жавоб беринг, хола, – майор яна унга юзланди.

– Ўша, қўшнингизнинг қариндоши қаерда яшаркан, исми-фамилияси нима, биласизми?

– Кашифахон улар туман марказида яшайди, бадавлат одамлар деганди. Исми билан қизиқмабман.

– Хўш, иеварангизни ҳадя қилганингиз эвазига қўшни дугонангиз сизга бирор нарса бердими? – гўё шунчаки сўради келганларидан бўён бўлаётган суҳбатни ҳеч кимга сездирмай, диктафонга ёзиб ўтирган капитан. – Шундай полвон болани индамай, тескинга бериб юбормагандирсиз?

Хола каловланиб қолди, лекин сир барibir фош бўлишини англаб, очифига кўчди:

– Энди, ўғлим, мен уни сотганим йўқ, савоб учун бериб юбордим. Шунда ҳам Кашифахоннинг қариндошлари, «камбағалроқ оила шекилли, жиндай қарашайлик», деб бир кийим кўйлак, рўмол, икки юз минг сўм пул бериб юборишибди. Нима қиласай олдим, пулни рўзгорга ишлатдик, манавини, – у қизи томонга энсаси қотиб, қараб қўйди, – оёғига киядигани йўқ эди, пул бердим, этик сотиб олиб, иссиққина кийиб юрибди, шу...

Шу билан ариза бўйича дастлабки суҳбат якунига етди. Майор лейтенат Зиёданинг хонтахтанинг четида жимгина ўтириб, ёзиб олганларини бир сидра ўқиб, холага ҳам ўқиб берди ва унга имзо қўйдилар. Кейин она - бола икковларини ҳам рухсатсиз бирор ёқقا кетмаслик ҳақида огоҳлантириб, хонадонни тарқ этдилар.

– Калаванинг учи, сирнинг бир қисми тошилди, – деди йўлда «Нексия»да бўлим томон кетишаётганда Нодиров.

– Буёғи, қўшни аёл билан боғлиқ масала. У келса, гап қолган жойидан давом этади. Капитан, сиз ҳудуд нозирига топшириқ беринг. Иккала ҳовлидан кўз-кулоқ бўлиб

туришсин. Кашифа хола меҳмондан қайтиши билан биз уникига борамиз...

* * *

Куз оёқлаб, ўз ўрнини ҳолсизгина қишига бушатиб берадётган бўлса ҳам, кунлар бир оз илиган, гоҳ-гоҳ кўтарила-ётган дайди шамол дараҳтлар учидаги қолган яккам-дуккам сап-сариқ баргларни юлқилаб, узиб ўзи хоҳлаган томонга чирпирак қилиб учирив йўнарди. Кузакнинг алдамчи илиқ ҳароратига ишонгани майсалар, айниқса, кунгай томонларда ям-яшил бўлиб, кўрган кўзни қувонтирас, хазон барглар орасидан гўё ўтган-кетганларга қизиқиш билан мўралаб тургандай эди. Узуи думларини ликкилатиб, пайт пойлаётган олифта ҳаккалар ҳовли юзасида болакайлар чўнтағидан тушиб қолган ёнғоқларни ўғирлаш пайди. Унча-мунча одамни ҳам менсимай темир қанот учирма палапонларига яқинроқ борганга тап тортмай ташлаидиган олақанотлар галаси чуғурлаб, оламни бошига кўтарганича, қай биридир топиб олган, чамаси бир тишлам гўшгни жон-жаҳди билан талашади.

Ордан уч кун ўтиб, тўртиинчи кун кечаси холанинг кеча кечаси уйга қайтганидан хабар топган тезкор-тергов гуруҳи яна ушбу хонадонга ташриф буюрди. Уларнинг келиб-кетишганидан аллақачон хабар топган Кашифа хола кечасиёқ қўшнисиникига кириб, сўраб-сурештирган, нима гап, нима сўзлигини билиб, аллақачон айтадиган гапларни тайёрлаб қўйганди. Шунинг учун дарвоза қўнфириғи чалинини билан уни очгани холанинг ўзи борди. Келувчилар билан совуққина сўрашиб, айвонга таклиф қилди ва уларнинг қаторига ўтириб:

– Хизмат? – деди энсаси қотиб. – Нима гап, тинчликми? Анави куни ҳам келган экансизлар, нима бало, бизнинг уйда ой қўрдиларингми?

Ўтирганлар бир-бирларига зимидан қараб қўйди. Майорнинг онаси тенгли бу аёл билан тенг келгиси келмасдан, унинг «қўрққан аввал мушт кўтарар» қабили-

даги муомаласидан ғаши келиб, «бу аёлга манзират қилишнинг фойдаси йўқ» деб ўйлади ва дангалига кўчди.

– Фуқаро Нигора Болтабоеванинг боласи қани? Гўдакни кимга, ичча пулга сотдингиз?

– Вой-вой, тавба қилдим, тавба қилдим, – хола кўйлагининг ёқасидан ушлаб, кўксига туфлади. – Қуруқ туҳматдан асра, Худойим, – кейин урушқоқ хўроздай ҳурпайиб, ўрнидан турди ва майорга юзланди. – Ким сотибди? Кимни сотибди? Ким бўлсангиз ҳам оғзингизга қараб гапиринг, хўпми? Туҳматга ҳам жазо бор, сизни ҳам суриштирадиган, тергайдиган қонун бор. Уйимга келиб олиб, онаси тенгги хотинга қилаётган туҳматини қаранглар-а буларни, тавба.

Унинг саннашипи тоқат билан эшигтан Нодиров:

– Бўлдими, гапириб бўлдингизми? – деди пинак бузмай. – Тўғри айтдингиз, қонун, тергайдиганлар бор. Шунинг учун болани кимга, қанчага, «берганингиз»ни очиқ айтаверинг.

У гапириш асносида стол устида, капитаннинг олдида турган папкани олиб, ичидан бир варақ қофоз олди ва ўқий бошлади: «Набирамни қўшним Кашифаҳон бирорга сотиб, эвазига менга бир кийим мато, рўмол, икки юз минг сўм пул берди...» – Хўш, бу гапга нима дейсиз?

Кашифа хола ҳавоси чиққан пуфакдек бўшашиб, жойига ўтириб қолди. «Вой ярамас, иймонсиз, кечқурун «ҳеч гапни айтганим йўқ» деган эди-ку? Айтмаган бўлса, булар бўлган гапни осмондан олиб ёзмагандир? Ҳали шошмай турсин, айбни менга ағдариш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман!»

Хола кутилмаганда ҳўнграб юборди. Бундай воқеаларнинг кўпини кўрган ходимлар воқеанинг давомини кутиб, индамай ўтиришаверди. Ниҳоят, хола бу «ҳунар» ҳам иш бермаслигини сезиб, кўз ёшлиарини артди ва анча мулоим, муроса оҳангидага гап бошлади:

– Болам, «савобнинг таги тешик» деганлари рост экан. Қўшнинг тинч, сен тинч дейдилар. Қўшнимни кун-

да жанжал, уртўполон, йифи-сиги. Охири тоқатим тоқ бўлиб, ана шундай жанжал бўлган кунларнинг бирида Ҳалимахонларнига чиқдим. Бақир-чақирлар сабабини сўрадим. Эридан чиқсан Нигора кимлардандир бола орттириб олибди. Эридан дейди, эри ажрашгач, уч ой ўтмай уйланиб олган, «туф» деб уйдан ҳайдаган хотинига яна ёпишармиди?

Хуллас, она-бала ўртасида ўша ҳомилани йўқотиш, ҳароми болани дунёга келтирмаслик ҳақида жанжал бўлар экан доим.

Қўшнимга, унинг қизига раҳмим келди. Уларни, «қўяверинглар, бола туғилаверсин, Яратган бир йўлга бошлар, савобталаб, бефарзанд оила чиқиб қолса, бериб юборамиз», деб овутдим ва таниш-билишларим орасида фарзандсиз оила бор-йўқлигини суриштира бошладим. Иттифоқо, ана шундай кунларнинг бирида туман марказида яшайдиган дугонам Мавлудаҳон синглисими саккиз йилдан бўён фарзанд кўрмаётганини айтиб қолди. Мен унга туғилажак бола ҳақида айтдим. Хурсанд бўлиб кетди, ой-куни етиб, бирор нуқсонсиз, соғлом туғилса, қиздир-ўғилдир, олиб синглимга бераман, жијаним бир хурсанд бўлсин, деди.

Аллақачон кўз ёшлири қуриган хола томоғи қақраб, гапдан тўхтади. Зиёда стол устидаги чойнакдан чой қўйиб, унга узатди. Хола илиб қолган чойни шимириб, пиёлани «тақ» этказиб столга қўйди ва рўмолининг учи билан лабларини артди.

– Хўш, кейин нима бўлди? – гапни давом эттириш учун унга савол берди майор. Хола бир-икки йўталиб, гапни қолган жойидан давом эттирди:

– Кейин, вақти-соати етиб, Нигора ўғил туғди. Боласи паҳлавондай, уч ярим кило, соғлом туғилди. Туғруқхонадан уч кундан кейин чиқишиди. Ҳалимахон «болага қизимнинг меҳри тушиб, эмизиб қўймасин, тезроқ ҳаракатингизни қилинг» деб шоширди. Мен бориб, Мавлудаҳон билан гапни бир жойга қўйиб, қайтдим.

Кейин Ҳалимахон билан Нигора болапи күтариб, Де-ҳқон бозори ёнига келдиган, мен ўша ердаги бескатда киракаш ҳайдовчиларнинг бирортаси билан туман марказигача элтиб қўйишни гаплашиб турадиган бўлдим. Она иккови гўдакни йўргаклаб, келишилган жойга олиб келишди, биз гўдакни Мавлудаҳонга олиб бориб бердик.

– Ана шундай келишув бўлганидан Нигора Болтабоеванинг ҳам хабари бормиди, боласини беришга ўзи рози бўлганми? – сўради Нодиров.

– Биларди, рози эди.

– Унда, нега ариза ёзади? – ҳайрон бўлди капитан.

– Билмасам...

– Гўдакни Мавлудаҳонга олиб бориб бердингиз. У эвазига сизга нима берди?

Аёл бир оз иккиланди-ю:

– Беш юз минг сўм пул, – деди аранг.

– Сиз бу пулдаи ўз «кулушингиз»ни олиб қолгансизда, а?

– Бўлмасам-чи? Мушук текинга офтобга чиқмайди, укам. Мавлуда берди – мен олдим ва Ҳалимага ҳам улишини бердим, нима бўпти? Савоб-ку?

– Нима бўларди, жуда катта қонунбузарлик, мурғак, ҳимоясиз бир гўдакнинг савдоси – жиноят юз берибди! Тушунтира олдимми?

Кашифа хола илон чаққандек сесканиб, уларга қарaganча, бақрайиб қолди.

– Манави қофозларга қўл қўйинг, – майор Зиёда узатган қофозларни олиб, холага имзо қўйиладиган жойларини кўрсатди. Унинг тайсаллаб турганини кўриб,

– Қўрқманг, бу сиз айтган гаплар, гапларингизни синглимиз ёзив туради, хоҳласангиз, ўқиб чиқишингиз мумкин, – деди. Хола қофозларга эътироғизиз имзо чеккач, майор яна бир қофоз узатди: – Манави қофозга рухсатсиз ҳеч қаёққа кетмаслигингиз ҳақида тилхат ёзив, қўл қўйиб беринг.

— Мени қамайсизларми? — аллақачон шаштидан тушиб, шалвираб қолган хола сүради секин.

— Йўқ, ҳозирча қамамаймиз. Ҳозир сиз биз билан бориб, дугонангиз Мавлудаҳон қаерда яшашини кўрсатасиз. Ундан болани олиб, онасиға топширишимиз керак. Бўла қолинг.

Кашифа хола судралгандек қадам ташлаб, уларга эргашди.

— Аяжон, қаёққа? Қаёққа олиб кетяпсизлар аямни? — бу ҳолни кузатиб турган Лолаҳон югуриб уларнинг ёнига келди.

— Қўрқманг, туман марказига бориб келамиз. Икки солларда уйларига қайтариб келамиз, — уни юнатди майор.

* * *

Туман марказига пешинга яқин етиб келишди. Кашифа хола гоҳ довдираб, гоҳ ғудраниб, охири дугонасининг уйини топди. У машинадан тушиб, баланд деворлари пастқам дарвозасига ярашимаган бир холадоннинг ёнида, эшик қўнғирофини босишга тараддувланиб, туриб қолди.

— Ҳа, хола, хаёл суриб қолдингиз? — машинадан тушиб, унга яқинлашган Зиёда мулойимлик билан сўради.
— Ёрдамлашиб юборайми?

— Йўғ-а, ўзим, болам, хижолат бўларкан-да, кеча бешиб, бугун қайтар, дегани. Шунга ҳайрон бўлиб турибман, — иккиланиш сабабини изоҳлади хола.

— Холажон, ўзингиз тушунасиз, бола буюм эмас-ку, бериб юборадиган, — лейтенант шундай деб эшик қўнғирофини босди. Ичкаридан чамаси, лайча кучукнинг аккилаши эшигилди. Кимдир унга «жим» деб буюрди. Итнинг овози ўчди. Эшикнинг бир тавақаси қия очилиб, ўспирин йигитча чиқиб келди.

— Ассалому алайкум, — у холага салом бериш аспосида унинг ёнидаги Зиёдага ҳайрон боқди. — Келинглар?

– Толибжон, бувинг уйдами? – алик олиш ўрнига савол берди буви. Бола «уйда» дегач, – Ютур, чақириб чиқ. Холам меҳмон бошлаб кепти, дегин, – буюрди.

Толибжон деганлари бўйини чўзиб, кўча четида турган «Нексияга» ва унинг ичидаги ўтирган эркакларга ҳайрон бўлиб қаради ва «хўп» дея ичкарига кириб кетди. Орадан ўн дақиқача вақт ўтиб, у тўлалигидан думдумалоққа ўшаган, қошлирига қалин қилиб ўсма қўйган, оппоқ юзлари кўпчиган, қириқ беш ёшлардаги аёл билан бирга чиқиб келди. Аёлнинг гулли кўйлаги ўзига ярашмаган, уни бачканароқ қилиб кўрсатар, бу аёл кўпроқ лўли аёлларга ўхшар, фарқи оппоқлиги эди. Қизиги, Кашифа холанинг ўзидан ўн-ўн беш ёш кичик бу аёлни «дугонам» дейиши эди.

– Ҳа, келинг, келинглар, – аёл «дугонаси»нинг чақирилмаган меҳмонларига ҳадиксираброқ қаради ва у билан кўришишни ҳам унутиб, – Тинчликми, нима гап? – деди ранги ўчиб.

– Опажон, биз ички ишлар ходимларимиз, – Нодиров босиқлик билан ҳамкасларини таништирди. – Малол келмаса, ичкарига кириб, гаплашсак. Сўрайдиган биринки оғиз гапларимиз бор эди.

Меҳмонларни ҳовлига бошлаган Мавлуда опанинг оппоқ, салқи юзларига қон тенди. У меҳмонлар нима масалада келишганини пайқаган «болани бегона бир аёл олиб кетди» деб қўя қолмагани учун ичидаги Кашифа опани қарғаётган эди.

– Қани, уйга киринглар, – у зўрма-зўраки манзират қилган бўлди.

– Яхиси, апави жойга ўтайлик, – капитан ойнали айвондан кўриниб турган стол-стулга ишора қилди, – ёзув-чизувга осонроқ.

Мавлуда опа меҳмонларни айвонга бошлади. Унинг борган сари оёқ-қўли бўшашиб, титраб кетаётгани сезилиб турарди.

Тўрттовлон столнинг тўрт томонига ўтириши. Но-
мига фотиҳа ўқиб, бир четда тўмтайиб турган Мавлуда
опа ҳам ўтиришга таклиф қилинди.

– Мен, ҳозир, дастурхон опкелай, – дудуқланди Мав-
луда опа иложи борича вақтни чўзишга уриниб.

– Йўқ, ҳеч нарса керак эмас, келинг, ўтиринг, – ма-
йор Кашифа хола билан Зиёданинг ёнига имлади уни. –
Қани, опа, яхши юрибсизми, бола-чақалар омонми? –
манзират қилган бўлди у.

– Раҳмат.

– Нима мақсадда келганимизни билсангиз керак?

– Сезиб турибман, – аёл наст овозда жавоб қайтарди
бошини эгиб.

– Ундан бўлса, очиқ гаплашайлик, – майор аёлга юз-
ланди. – Танишингиз, Қуий қишлоқлик манави аёл –
Кашифа опадан олган гўдагингиз қани, қаерда?

Аёл бошини кўтариб ёнида ўтирган дугонасига ўқра-
иб қаради. Кейин:

– Уни нариги туманда яшовчи қизимнинг қайнинг-
лиси олиб кетганди, – деди секин.

– Қачон олиб кетди?

– Ўн беш кунча бўлди.

– Унгача бола сизнинг уйингизда бўлдими, уни ким
парвариш қилди?

– Келиним...

– Ўша боланинг ўрнида ўз набирангиз бўлганида,
уни ҳам фарзандсиз оиласа «бериб юборган» бўларми-
дингиз?

– Йўғ-э, – хола чўчигандек жавоб берди, – нима қилай,
ота-онасига керак эмас экан, гўдаккина қаровсиз қолиб,
ўлиб-нетиб қолмасин, дедим-да, савоб бўлар деб...

– Қизиқ экансизлар-ку? Савоб бўлар деб бир аёл ўз
набирасини қўшнисига берса, қўшии сизга, сиз қарин-
дошингизга бериб юборсангиз. Балки у ҳам бошқа би-
ровга бергандир?

– Билмадим, – эшитилар-эшитилмас жавоб берди аёл.

– Қариндошингиз бола тониб берганингиз «эвазига» қанча пул берди?

– Пул берганий үйүк... – хола майорга қўрқув билан қаради.

– Пул бермаган бўлса, сиз ёнингизда ўтирган Кашифа холага ўз ёнингиздан беш юз минг сўм бердингизми? Жуда сахий экансиз?

Аёл сир аллақачон очилганини сезиб, ўнғайсизланди ва Кашифа холага қараб ўқрайди.

– Сиз бу холага бундай қарамай, тўғрисини айтаверриг. «Сир» аллақачон очилган, – унга гўё далда берди капитан. Зиёда эса бўлаётган гапларни оқ қоғозга эпчиллик билан ёзиб борарди.

Мавлуда дегаплари ҳақиқатдан воқеани яширишнинг фойдаси йўқлигини, «дугонаси» ҳамма гапни айтгани ва булар барибир болани қидириб топишларини англаб, бўшашганича:

– У менга беш юз доллар берган эди, – дея йиғлай бошлади. Унинг иқрорини эшитган Кашифа холанинг ранги бўзариб, ўтирган жойида безовталана бошлади. Унинг ҳолатини сезиб турган майор кулимсираб:

– Бу ёфи қизиқ бўлди-ю? Сизга беш юз доллар берилган бўлса, сиз бу хола бечорага беш юз минг сўмгина берисиз, у боланинг бувисига икки юз минг сўм берибди. Бу, дейман анча-мунча фойдаси тегмаса, а, савоб ҳам сувга қараб кетаркан-да?

Аёллар жим. Кечагина бир-бирларидан айланиб-ўргилиб гаплашадиган, оқ-қорани, гуноҳ-савобни сарҳисоб қиласадиган ёшдаги бу аёллар ўғил-қизлари ёшидаги ходимлар олдида қизариб, ер чизиб ўтиришарди.

Лейтенант Зиёда Расурова суҳбатни ёзиб бўлгач, иккала аёл қоғозга ёзилганилар тўғрилиги ҳақида имзо чекдилар.

– Энди, хола, сизни қишлоққа элтадиган автобусга чиқариб юборамиз, – майор Кашифа холага шундай дечач, Мавлуда опага юзланди. – Опажон, сиз ҳозир биз

билан бориб, қизингизнинг қайисинглисининг уйини күрсатасиз.

– Мен уининг уйини билмайман, – аёл жон-жаҳди билан ўёққа боришдан бош торта бошлади. – Ука, қўйин-глар, бир ташландиқ бола эндигина ўзига меҳрибон ота-она тоғанида, уларниң тинчини бузманглар, айб, гуноҳ бўлади...

– Кечирасизу опажон, сизлар айб, гуноҳ бўлишини билмай, бола учун фалон пулдан олиб, уни олди-сотди қилиб юрибсизларми? У бола кўчага ташлаб кетилган ташландиқ бўлгандა ҳам, мушук бола эмаски, ким хоҳласа олиб – сотгани. Қонун бор, ҳуқуқ-тартибот идоралари бор ташландиқ болани ҳам ўз қарамоғига олиб, ҳимоялайдиган. У болани-ку, отаси ташлаб кетган бўлса ҳам, онаси тирик экан-а. Қани, бўлинг, вақтни кетказмайлик, отланинг.

Майор капитан Фуломовга то Мавлуда опа отланиб бўлгунига қадар Кашифа холани автобусга олиб бориб, қиншилоққа борадиган автобусга чиқариб қўйиш ва ҳайдовчига холанинг уйи олдидা автобусни тўхтатиб, уни тушириб қолдиришини айтишни тайинлади ва ўзи Мавлуда опанинг келини келтирган чойдан ҳўплаганича, опани отланишини кута бошладилар.

– Бўлаётган гапларни диктафонга ҳам ёзиб олаяни-сизларми? – ўзлари холи қолгач, Зиёдадан сўради майор. – У «ҳа, ёзиб олдик» дегач, – булар сиз ёзиб олаётган қофозларга минг имзо чеккани билан вақти келганида «мен бундай деганим йўқ, ёлғон» деб туриб олишади. Бунақаси тажрибамда кўп учраган, – дея таъкидлади.

* * *

Хаво айниб шамол кучайди. Паға-паға бўлиб сузид юрган булутлар бирлашиб, самода гўё оғир қўрғонини қатламини ҳосил қилди. Боягини ризқ қилириб юрган қушлар ҳам шом бўлмасидан ин-инига кириб кета қолди.

Онда-сонда томчылаётган ёмғир тезлашиб, машина ойнасига тасур-тусур уриларди.

– Шу ҳавода боришимиз шартми? – иссиққина кийинб, катта жун рўмолга бурканиб олган Мавлуда опа порозилигини яширмади.- Эрта-перта борсак, қочиб кетишмасди.

– Қаердан биласиз, балки аллақачои «қочиб» кетгандир, қизингизшинг қайнинглиси ҳам уни яна кимгадир «ошириб» юбормаганига ким кафолат беради? – машинани моҳирлик билан бошқариб бораётган Фуломов орқа ўриндиқда безовталаниб ўтирган аёлга жавоб қайтарди. – Тўғриси, мен сизларнинг бу «савоб» ишларингиздаи хавфсираб қолдим.

Аёл индамади. Фуломов ҳам ўз хаёллари билан банд бўлиб кетаётган Нодировга бир қараб қўйиб, бошқа гапирмади.

Ярим соатдан кўпроқ йўл юрилгач, Мавлуда опа қаддини сал ростлаб, текис асфалът йўлнинг чан томонидан келиб қўшилган нисбатан торроқ, лекин текис, икки томондаги тут дараҳтлари аскардек кўчага яқинлашай деганда:

– Чапга бурилинг, – деди энсаси қотганини яширмай.

Машина чироқлари ёмғирдан қорайган йўлда сузив борар, боя кучайган ёмғир энди секин, эзилиб ёға бошлиганди.

Икки километрча юрилгач, атрофдаги мудроқ далаляр тугаб, бир текис қурилган шинам уйлар бошланди. Соат тўрг бўлмаёқ қоронғи туша бошлаганидан уларнинг айримларининг дарвозаси ёнидаги қалпоқли чироқлар хирагина ёниб турар, ҳавода турли хил таомларнинг ҳидлари кезарди.

– Ҳозир ўнгга буриламиз, – Мавлуда опа капитанни огоҳлантириди.

Эллик метрча юрилгач, ўнг томондаги шағал тўкилган йўлни шақир-шуқур қилганича, «Нексия» Мавлуда она кўрсатган уй ёнига келиб тўхтади.

Үйнинг эгаларидан, кимдир, чамаси, машина овозини эшитиб, дераза пардаси ортидан мўралади. Зум ўтмай, кўк бўёқлари анча кўчиб, хиралашган эшик фийқиллаб очилди ва остоңада ёмғирдан қочиб, бошига эски чопон ёпинган ўттиз ёшлардаги хушсурат аёл кўринди.

Машинадан аввал эркаклар, кейин икки аёл тушди. Мезбон Мавлуда опани кўрди-ю салом беришга ҳам тили айланмай, туриб қолди.

– Ассалому алайкум, синглим, – майор Нодиров келганинни таништириди. – Биз ички ишлар ходимлари майор Нодиров, капитан Фуломов ва лейтенант Расурова бўламиз. Бу опани танийсиз, нима масалада келганимизни ҳам англаган бўлсангиз керак?

– Тушунмадим, тинчликми ўзи? – аёл буррогина овозда сўради. – Мелиса келадиган бирор иш қилмагандик, шекилли? Ё хўжайним бир балони бошладими? – ўзини билмасликка олиб, сўради аёл. – Эр бўлмай, ҳар нима бўлсин, шу, Россияда ҳам тинч юрмабдими?

– Унисини билмадик. Қани, ёмғирда турмай, ичкарига кирайлик, таклиф қилмайсизми? – аёлнинг талмовсирашидан фаши келди майорнинг.

– Вой, эсим қурсин, қўрқиб кетганимдан уйга таклиф қилишни ҳам унутибман, қани, марҳамат!

Аёл уларни ҳовлига, чоғроққина айвондан ўтиб, меҳмонхонага бошлади. Хоналардаги жиҳозлардан, ён эшикдан бир-бирини итариб, мўралаётган ўн-ўн бир, етти-саккиз ёшдаги ўғил бола ва қизларнииг кийиниши-ю дўмбоқлигидан оила ўзига тўқлиги сезилиб турарди. «Бир эмас, учта боласи бор экану, гўдакни яна нима учун олдийкан» деган ўй ўтган майор капитанга маъноли қаради, у ҳам шу хаёлда шекилли, сездирмайгина бош чайқади.

Деворнинг тўр томонига катта гилам осилиб, тўрт томонига духоба кўрпачалар солинган хонада оёқ остига ҳам чўғдек гиламлар ташланган, ўртага каттаги-

на хонтахта қўйилиб, устидаги ноз-неъматлар юпқа дока билан ёпилганди. Уй эгаси, чамаси, меҳмон кутаётганди.

– Қани, марҳамат, бемалол ўтиринглар, – уй эгаси Зебохон манзират қилди. – Мен ҳозир чой дамлайману келаман.

– Синглим, шошилмаңг, – жувон, «Зебохон» деди жилмайиб. Шунда унинг тилла тишларига чироқ ёруғи тушиб, ярақлаб кетди. – Зебохон, кечирасиз, чой ичмаймиз. Сиз ҳам мана бу ерга ўтиринг, сўрайдиган гапларимиз бор, – ундади майор.

Жувон ноилож хонтахтанинг пойтак томонига омонаят ўтириб, ноз-неъматларнинг устани очишга чоғланди.

– Йўқ-йўқ овора бўлманг, – Фуломов уни тўхтатди. – Меҳмон кутаяпсиз, шекилли, очманг. Биз тезроқ ишилизни битириб, кетишимиз зарур. Гапни чўзмайлик.

Унинг «кетишимиз керак» деган гапидан кейин салқўнгли жойига тушган Зебохон «пима гап?» деган маънода Мавлуда опага қаради.

– Бу опамиз сизга бир гўдакни сотган экан, – дангалига кўчди майор. – Биз шу болани излаб келдик. Онаси «тониб беринглар» деб ариза ёзган...

– Сотган деманг-э, боядан бери гапга қўшилмай, бўшашиб, бир аҳволда ўтирган Мавлуда опа салчиб кетди. Нега унақа дейсиз, тавба.

– Ҳамма нарсани ўз номи билан атаган яхши-да, опажон, – капитан қизишиди. – Бу аёл қизингизнинг қайнисинглиси бўладими, ахир? – аёл «ҳа» дегандай, бош силкиди. – «Қизимнинг қайнисинглиси бефарзанд, шунинг учун болани ўшанг бердим», деб шу ёшингизда уялмай, ёлғон гапирдингиз-а? Зебохон фарзандсиз бўлса, нариги уйдаги бир эмас, учта бола кимники? – у Зебохонга юзланди. – Одам савдоси учун, у катта одамми, ҳимоясиз гўдакми, қонунда бир хил жазо белгиланган. Шунинг учун сиз ҳам гуноҳингизни ошириб, келадиган меҳмонларини

гиз олдида уятга қолманг-да, тұғрисини айтинг! Мавлуда опадан сотиб олинган бола қани, соғ-омонми?

Майор ҳамкасбининг қизишиши сабабини билгани боис, гап құшмай, жим ўтирап, Зиёда эса шитир-шитир ёзув билан овора эди. Капитаннииг ўтган йили уч ёшли қизи ариққа йиқилиб, чўкиб, нобуд бўлган, унинг доғи бечоранинг қалбини ҳамон куйдирар, шунинг учуми, у айниқса, болага қилган ноҳақликларга шафқатсиз эди.

Зебо пажот кутгандек, Мавлуда опага қаради, у юзи ни ўғирди.

– Мен... тұғриси, бунчалик бўлади деб ўйламагандим,
– Зебонинг қути ўчди. – Онаси ташлаб кетган, отаси йўқ
дэйишганига раҳмим келиб...

– Раҳмингиз келганидан болани пулга сотиб олдин-
гизми? – қизиши капитан.

– Сотиб олмадим, ҳадя тариқасида... бергандим.

– Тавба-тавба, қачондан бола эвазига пул, доллар ҳадя қилинадиган бўлган? Бола қани?

– Болани... онам бир қариндошимизниги олиб кет-
ганди.

– Ие, бу бола жуда саёҳатчи чиқиб қолди-ку, а? Бир ойлик бўлиб, шунча хонадонни «овлаб» чиқсан бўлса, кейин нима бўлади? Қариндошингиз ҳам бола учун «ҳадя» бергандир-а, сизга? Очифини айтаверинг, барি-
бир сир очилади. Қачон олиб кетганди?

– Уч кун бўлди, бугун қайтиши керак

– Ҳа энди, уни бориб, – Зебо Мавлуда опага бир қараб олди, – бу кишидан олиб келишимнинг ўзи бўлгани йўқ. Совуқ кунда... – аёл тутилди.

– Хўп, совуқ кунда бола шамоллаб қолмасин деб, тұғрироғи, бирор сезиб қолмасин деб ўраб-чирмаб олиб келгансиз. Бунинг учун нимадир «ҳадя» қилингандир, текинга қилинмагандир бу ҳаракатлар.

Зебо гүё ўт-олов устида тургандек брезовталанарди, сабаби, мана, ҳозир «гап»дош дугоналари кириб келишлари мумкин эди. Агар улар бу воқеадан хабар то-

пишса борми, умуман уни давраларига қўшмай, ҳатто юзига қарамай қўйишади-я. Нима қилиш керак? Балки, тўғрисини айтса, бу чақирилмаган «меҳмонлар» кетишар? Нима қилиш керак?

– Бўлақолинг, тўғри гапни айтиб, қўяқолинг энди, – майор юмшоқ овозда унга далда берди. – Қонун бўйича айбини бўйнига олиб, очиқ айтганиларга нисбатан енгилроқ жазо қўлланилади. Шунинг учун тайсалламанг.

– Ўша, қумқишлоқлик қариндошимизнинг кимидир фарзандсиз, бола боқиб олмоқчи экан...

– Ие, болагинанинг сафари ҳали ҳам қаримас эканда, а? – майор ажабланди. – Буёғи қандоқ бўлди энди, кечагина туғилган гўдак шунчалик қўлма-қўл бўлиб кетаверса? Хўш, шундай қилиб, шу бола туфайли сиз қанча «ҳадя» олдингиз?

– Бир минг икки юз доллар! – аёл «бор, нима бўлса-бўлди» тарзида тарсиллатиб жавоб берди. – Икки юз долларни онамга бердим, беш юзни Мавлуда опага, – кейин бирдан хўрлиги келгандай, кўзига ёш олди. – Нима қиласай, эрим Россияга кетганига уч йил бўлди. Юборадиган пули болаларнинг қорнига етса, устига етмайди, мажбур бўлдим-да, олишга.

– Бу пулни ўша «фарзандсиз» оила ўзи билиб бердими ё сиз нарх қўйдингизми?

Зебо бир сўз демай, ерга қаради.

Расмиятчиликлар тугаб, керакли қофозларга имзо чекилгач, Зебо қўрқа-писа майорга юзланди:

– Бор гапни ўзим айтиб бердим-а, ҳисобга оласизлар-а? – у индамагач, яна ялтоқланди. – Учта болам етим қолмасин, жон акалар, илтимос, менга енгилроқ жазо беринглар. Майли, эртага берган пулларни эгасига қайтариб, болани топиб келаман, ўз қўлим билан топиб келаман, ўз қўлим билан қўлларингизга бераман, илтимос.

– Эртага эрталаб соат тўққизга етиб келамиз, – майор уйдан чиқиши асносида унга жавоб берди. – У ёқ-бу

ёққа кетмай, тайёр бўлиб туриинг. Жазо масаласига келсак, уни суд ҳал қиласди, хайр.

* * *

Суд залида одам тўла, лекин ҳамма жим: суд ҳукмни эълон қилиши кутилмоқда. Панжара ортида ўтирган ёшу қари аёлларнинг боши эгик. Улар, мана, шунча юртдошлари, қариндош-уруглари олдидаги ўз қилмишлари учун бош эгиб, шарманда бўлиб ўтиришибди.

– Ўрнингиздан туриинг, суд келянти!

Ҳамма баробар оёққа қалқиди. Ёнбошдаги кичик эшик очилиб, залга салобатли, эгнидаги қора маҳсус кийимда ёшига нисбатан оқараган соchlари япа ҳам опиоқ кўринадиган ўрта ёшлардаги судья кириб келди ва оғир қадамлар билан тўридаги ўз жойига стиб борди. Кўзойнагини тақиб, қўлидаги қоғозни шошилмай, дона-дона қилиб ўқий бошлади:

– Ўзбекистон Республикаси номидан

Ҳукм...

* * *

Хуллас, шу куни бир номард йигитнинг – собиқ эрининг ҳою ҳаваслари, нафсига қул, эрмак бўлиши оқибатида дуиёга келган боласини – ўз фарзандини бир буюм сифатида олди-сотди қилган аёл, она номига доғ туширган Нигора Болтабоева ва унинг онаси бошчилигидаги яна етти аёл ўз қилмишларига яраша суд ҳукми билан қопуний жазо олдидар. Лекин уларнинг қилмишларидан чин дилдан пушаймонликлари, қайсила-рининг ёшлари, яна кимнингдир қармогида вояга етмаган фарзандлари борлиги ҳисобга олиниб, мамлакатимиз мустақиллигининг ўп тўққиз пишинги муносабати билан эълон қилинган амнистия шарофати билан жазони ижро этишдан озод қилинганликлари ўлон қилинганда зал қарсаклардан ларзага келди. Судланувчилар – эндиликда озод қилинган аёллар эса панжара

и чиқиши ҳам унутиб, бир-бирларини қучоқла-
ганча, йиғлардилар.

Суд мажлиси тугаб, одамлар гала-гала бўлиб, таш-
қарига чиқа бошлади. Уларнинг орасида йўргакланган
боласини бағрига босиб олган Нигора ва у билан ёима-
ёни кетаётган унинг опаси Ҳалима она ҳам бор эди.

– Ҳа, Ҳалимакон, – улар қаторида кетаётган кекса-
роқ аёлнинг қаттиқ-қаттиқ гапириши қўпчиликнинг эъти-
борини тортди. – Неварангиз учун берилган матони
кўйлак қилиб кийиб, рўмолни ўраб олдингизми? Эшит-
сангизки, пабирагинангиз учун сизга арзимаган пул бер-
ганлар охири – еттинчиси, уни иккى минг долларга со-
тибди. Буни эшитиб, ичингиз ёниб, мелисага ютурдин-
гизми? Ахир, икки юз минг сўм қайдада-ю икки минг дол-
лар қайда? Ҳайф-э, сизга аёллик, бувилик.

Ҳалима хола қизининг билагидан тутиб, туртила-сур-
тила одамлар орасидан чиқиб, ҳапсираганча, бир четда
туриб қолди. Ҳақиқатни – набираси учун охир-оқибат
икки минг доллар тўлашганини, қўшииси-ю бошқа бу
«савдо»га аралашгандар унинг набираси туфайли мўмай
даромадга эга бўлишганини эшитиб қолиб, (ахир, эл оғ-
зига элак тутиб бўлармиди?!?) қизини ариза билан ички
ишлар бўлимига юборган, шу йўл билан ўзини лақи-
латганлардан, алдаганлардан боплаб ўч олмоқчи эди у,
лекин улар қатори ўзи ҳам жазо олиши мумкинлиги ха-
ёлига келмаганди.

У бир четда тумтайганча, қолиб кетди. Ҳатто қизи
ҳам унга «юринг» демасдан, одамларнинг ортидан эр-
гашиб кета бошлади.

Набирасини сотиб, бойимоқчи бўлган буви яккала-
ниб, жамиятдан ажралиб қолган эди...

МУНДАРИЖА

«ҮЗ РОЗИЛИГИГА КҮРА»	3
КЕЧИРИЛМАС ЖИНОЯТ	109
СЕВГИ ИЗТИРОБЛАРИ	157
МЕҲР КҮЗДА	217
ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР	255

ЭРКИН ХУДОЙБЕРДИЕВ

**ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР
Қиссалар**

Мұҳаррір
Ф.ҚУВОНОВА
Ш.ХУДОЙБЕРДИЕВА

Рассом
М.ХУДОЙБЕРДИЕВА

Техник мұҳаррір
Вера ДЕМЧЕНКО

Бадий мұҳаррір
Үйғун СОЛИХОВ

Мусақҳиҳ
Нигора МУХТОРОВА

Компьютерда сақыфаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишига 14.05.2012 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоги 8,875. Шартлы босма тобоги 14,91.

Гарнитура «LexTimes Сүр+Uzb». Оффсет қофоз.

Адади 2000 нұсха. Буюртма № 135.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Катортол күчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бұлыми – 278-36-89; Маркетинг бұлыми – 128-78-43
факс — 273-00-14; e-mail: yangiasr@inbox.ru



ЭРКИН ХУДОЙБЕРДИЕВ

Адабиётшунос олим 1934 йил 9 майда Наманган вилоятининг Норин туманида туғилган. 1955 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг филология факультетини тугатган.

1974 йилдан буён Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида фаолият юритади.

Олимнинг 10 дан ортиқ рисола, китоб ва монографиялари чоп этилган бўлиб, улардан «Адабиётшуносликка кириш» дарслиги, «Адабий асар тили», «Адабий тур ва жанрлар», «Адабий асар сюжети ва композицияси», «Ёзувчи услуби ва ижодий метод» ўкув кўлланмалари, «Шижаот ва жасорат», «Сенга интиlaman, замондош», «Ҳабиб Саъдулла», «Ҳабиб Саъдулла ижодининг амалий ва назарий тамойиллари» монографиялари, «Иброрхим Раҳим» адабий портрети, «Олтин водий эртаклари» (Ш.Худойбердиева билан биргаликда), «Адашганлар қисмати» қиссалари китобхонлар эътирофига сазовор бўлган.

ISBN 978-9943-08-876-4

9 789943 088764